


**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ  
ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**У.А. ҲАСАНОВ**

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР  
НАЗАРИЯСИГА КИРИШ**

*Ўқув қўлланма*



Тошкент - 2007

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Илмий-услубий кенгашида маъқулланган.

Ўқув қўлланмада замонавий халқаро сиёсат ва хавфсизлик муаммолари миллий манфаатлар ҳамда давлатларнинг геосиёсий жойлашуви миқёсида, ҳам умумназарий, ҳам муайян-сиёсий жиҳатларидан ўрганилган. Халқаро муносабатларнинг бош субъектлари сифатида давлатларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, собиқ совет маконида миллий иқтисодиётлар ривожланиши жараёнида давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий муносабатлар глобаллашуви билан яқин боғланган ҳолда, таҳлил қилинади.

Ўқув қўлланма сиёсатишунослик ва социология факультетлари талаба ва ўқитувчилари, илмий ходимлар, шунингдек, замонавий сиёсат муаммоларига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

*Ulugbeck A. Khasanov examines the ideas of most significant political thinkers to trace the history of political theory in international relations. He analyses modern conceptions, offering an alternative interpretation of how the most influential thinkers perceived different relations between nations, states, communities in a changing world. The author reviews the issues of international security system through a prism of nation building process in newly independent Ex-Soviet states, especially in the context of globalization and interdependence.*

Тақризчилар: с.ф.д., проф. Н.А. Касьмова,  
с.ф.д. Н.У. Туляганова

ISBN 978-9943-340-04-6

© ЖИДУ, 2007

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	4
<b>I боб. Халқаро муносабатлар тизими</b> (Тузилиши, даражалари ва қонуниятлари) .....	11
Суверенитет категорияси .....	26
Ички ва ташқи сиёсат .....	34
<b>II боб. Миллий манфаат категорияси</b> .....	45
Устуворликлар ва мақсадлар тизими .....	60
<b>III боб. Жаҳон сиёсатида кучлар мувозанати</b> .....	64
<b>IV боб. Хавфсизлик категорияси</b> Замонавий дунёда хавфсизликни таъминлаш чоралари .....	79
Хавфсизлик муаммосининг геосиёсий сегменти .....	85
Коллектив хавфсизлик тизими .....	99
<b>V боб. Иқтисодий хавфсизликнинг хусусиятлари</b> (Сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро нисбати) .....	117
Регионализмдан глобаллашув сари .....	128
<b>Хулоса</b> .....	143

## КИРИШ

Янги, III мингйилликнинг бугунги воқелиги, ушбу марранинг қай даражада шартлилигидан қатъи назар, инсониятни кутаётган эртанги келажак тўғрисида ўйга толдиради. Ҳаётнинг турли соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар кўлами ва суръати инсоният тарихида ҳақиқатан ҳам янги давр бошланганлигидан далолат беради.

Кўпчилик олимларнинг баҳоларига кўра, халқаро муносабатлар тизими ҳозирги пайтда шаклан ва мазмунан жиддий ўзгаришлар палласида турибди. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида содир бўлган ўзгаришлар силсиласи жаҳон сиёсий тизимининг асосий тамойиллари ва мазкур тизимни ҳосил қилувчи таркибий унсурларга таъсир кўрсатиш асносида унинг ривожланиши билан боғлиқ узоқ муддатли йўналишларни акс эттиради.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар доирасидаги муаммолар ҳамда уларнинг динамик ўзгариши билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказилиб, бу борада етарлича бой тажриба орттирилганига қарамаздан, дунёнинг янгича тузилиши тўғрисидаги тасаввурлар бир-бирига ниҳоятда зидлиги билан ажралиб туради. Бу, аввало, дунёда беқарорлик, олдиндан кўра билмаслик ва мавҳумликнинг сақланиб қолганлиги билан, шунингдек, янгича тартибдаги дунё қурилишини шакллантиришнинг асосий субъектларини табақаларга ажратиб фарқланиши мураккаблиги билан изоҳланади.

Бундан қарийб юз йилдан кўпроқ давр муқаддам Берлин университетида «*Historiam puto scibendam esse et cum ira et cum studio*» мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояга тақдим этилган бўлиб, мазкур тадқиқот Нобель мукофоти совриндори, Рим ҳуқуқи профессори Теодор Момзеннинг суюкли шогирди қаламига мансуб эди. Илмий асарнинг номи лотинчадан таржима қилинганда: «Тарихни қаҳр ва синчковлик билан ёзиш керак, деб ҳисоблайман», деган фикрни билдирар эди. Ушбу мисолни ёдга олиб, атоқли испан файласуфи ва мутафаккири Хосе Ортега-и-Гассет ушбу мисолни ёдга олар экан, «қаҳр ва синчковлик» холислик билан уйғунлигини таъкидлаб, «холислик»нинг ўзи – бу инсоний «қаҳр ҳамда синчковлик»нинг намоён бўлишидир, деб ҳисоблайди.<sup>1</sup> Мазкур тадқиқот муаллифи ҳам жаҳон сиёсатининг жиддий зиддиятларга бой, баъзи ўринларда зерикарли, баъзан эса, ваҳимали эврилишлари таъри-

<sup>1</sup> Ортега-и-Гассет Хосе. Эстетика. Философия культуры. – М.: Искусство, 1991. – С. 461-462.

фида «ҳиссиётларга бой» ибораларни қўллаганлиги учун ўзини у қадар айбламасликларини ўтинади.

Халқаро муносабатлар назарияси сиёсат тўғрисидаги фаннинг бир қисми ҳисобланиб, жаҳон сиёсатининг табиатини, унинг ривожланиш ва тараққий топиш мантиғини ўрганади. У ўз таркибидаги ҳар бир конструкцияси ва ҳар бир «ғишти» замонавий тараққиёт шароитида ўзининг қатъий функцияси, ўрни ва мақсадига эга бўлган мураккаб бир меъморий иншоотнинг гўёки бир макетини эслатади.

Халқаро муносабатлар соҳасидаги йирик тадқиқотлар билан ном қозонган атоқли америкалик олимлардан бири бўлмиш Ганс Моргентау, сиёсатшунослик фанининг «сиёсий реализм» деб номланган бутун бошли бир оқимига асос солган бўлиб, у бу ҳақда шундай ёзади: «Сиёсий реализм таълимотига кўра, сиёсат умуман жамиятда кузатилгани сингари, асосий туб илдизлари инсон табиатининг ўзидан келиб чиқадиган ҳолис қонунлар таълимотига асосланади. Жамиятда бирорта ўзгариш яшаш учун, аввало ана шу жамият бўйсуниб яшайдиган қонунларни тушуниб олиш лозим... Реализм, сиёсат қонунларининг ҳолислигига эътиқод қўйиши асносида, сиёсатнинг ушбу ҳолис қонунларни акс эттирувчи оқилона назариясини (гарчанд улар, яъни қонунлар, баъзан мукамалликдан анча йироқ ва бирёқлама бўлса-да) яратиш имкониятини кўзда тутади».<sup>2</sup>

Халқаро муносабатлар тизмининг ривожланиши билан боғлиқ умумий қонуниятлар доирасида маълум бир кўламдаги билимларга эга бўлмай туриб, муайян воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабабли боғланишларни аниқлаш мумкин эмас. Айнан ана шу “Кучлар мувозанати қонуни”ни ёки жаҳондаги давлатлараро умумтизимий даражанинг бошқа муҳим бўғинларини ўзлаштириб олмай туриб, бугунги кунда замонавий дунёвий-сиёсий муносабатлар борасида жаҳон саҳнида рўй бераётган у ёки бу хилдаги жиддий ўзгаришларнинг аҳамияти ва тутган ўрнини аниқлаш мумкин, албатта. Бу “қонунлар”ни тўғри тушуна билиш бизга муҳокама қилинаётган ҳодиса ёки жараённинг бошқа шунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар сирасидаги ўрнини аниқлаб топиш имконини беради.

Бир вақтлар америкалик таниқли сиёсатшунос Стэнли Хоффман ягона халқаро муносабатлар назариясини яратиш йўлидаги уринишларга шубҳа кўзи билан қараган эди. Унинг фикрига кўра, халқаро муносабатларни ўрганиш соҳасига ундаги революция бошланган пайтдан эътибо-

<sup>2</sup> Morgenthau Hans J. Politics Among Nations. The Struggle for Power and Peace. 4-th edn. - N.Y. - P. 4.

ран, яъни «сиёсий реализм» мактаби пайдо бўлганидан бошлаб ўтган ўттиз йиллик тарихга назар солинса, ушбу давр учун янги «ёриб ўтишлар» эмас, кўпроқ боши берк кўчалар ҳос бўлганлигини кўриш мумкин. Алоҳида эътиборга лойиқ бўлган бир неча «ёриб ўтишлар» қаторида у халқаро тизим концепцияси (халқаро муносабатларга нисбатан тизимий ёндашув)-ни ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш ва халқаро сиёсий майдонда олиб бориладиган “ўйин қоидалари”ни кодлаштириш концепциясини ва, ниҳоят, иқтисодий ўзаро боғланганликнинг табиати ҳамда ролини ўрганишга бўлган уринишларни санаб ўтган.<sup>3</sup>

Бундай далил-исботни бемалол ўринли ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Тўғри жавобни излаш йўлидаги барча муваффақиятсизликларнинг сабаби ўрганилаётган табиатининг соҳа мавҳумлиги билан эмас, балки халқаро сиёсат соҳасини тадқиқ этувчи фаннинг ўзи ҳам маданий-тамаддуний ёндашувга бевосита боғлиқлиги билан изоҳланади.

Халқаро муносабатлар соҳасига нисбатан «назария» атамасини қўллаганда, унинг шартли табиатини ёдда тутиш лозим. Ҳар қандай назария бирор-бир соҳани ўрганишда, албатта, муайян «идеал» қиёфасини кўзда тутлади. Турли хил «назариялар» сиёсий майдонда бўлиб ўтаётган жараёнларнинг мавҳум хаёлий тасвирини беради, албатта, ва бунда мазкур жараёнларнинг қатнашчилари ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт қилиб қўйилади. Бундай тимсол ҳар хил унсурлар ёки муносабатларни маълум бир мантиқий изчиллик ҳолатига келтирадими, бу ҳолатни Макс Вебер «идеал тур» деб атайдми. Масалан, давлат, миллат, миллий манфаат, социализм, капитализм ёки империализм каби тушунчаларни идеал типлар ва моделлардан фойдаланган ҳолда, осонгина аниқлаш мумкин.

Сиёсий реализм ёки неореализмни, идеализм, либерализм ва неолиберализмни, модернизм ёки постмодернизмни, конструктивизм ва релятивизмни, шунингдек, бошқа қатор парадигмаларни англаб етиш жараёни дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги сиёсий тафаккур мактабларида, биринчи навбатда, собиқ Иттифоқ мамлакатларида ҳам, айтиб бериш мумкин. Шунингдек, сиёсий таҳлил ва сиёсий моделлаштиришнинг ҳар хил ёндашув ва усуллари маълум – улар когнитив, ивэнт, контент ёки миқдорий бўлишидан қатъи назар, бунда ўзгаришсиз қоладиган ягона ҳолат мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса ўзига ҳос хусусияти ва ҳаёт тарзи, миллий қадриятларининг бетакрорлиги ҳамда ноёб тарихи билан

<sup>3</sup> Hoffman Stanley. Janus and Minerva. Essays in the Theory and Practice of International Politics. Westview Press. 1987. – P. 14.

кўз ўнгимизда гавдаланадиган – бош «қаҳрамон», марказий устун бўлиб давлат қолаверади. Моҳиятан, сиёсат ҳақидаги фаннинг ўзи ҳам ўрганиш объекти сифатида давлат мавзуи унинг жами ранг-баранглиги-ю тараққиёти билан биргаликда тадқиқ этишни асосий мақсад қилиб қўйган. Шу сабабли, унинг баъзи бир бўлимлари, масалан, геосиёсат, конфликтология ёки халқаро муносабатлар назариясини мустақил, соф илмий назариялар ҳамда фан йўналишлари сифатида қараб баҳолаш тўғри эмас, албатта. Улардан ҳар бири сиёсатшуносликнинг бир қисми ҳисобланади, ва айни пайтда, ташқи сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий, транспорт, коммуникациявий, илмий-техникавий, таълим сингари, сиёсатнинг бошқа барча соҳалари билан узвий боғлиқликда бўлади.

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳон сиёсатидаги жиддий ўзгаришлар (икки қутбли дунё, ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир жараёнларининг глобаллашуви) жаҳон сиёсати қонуниятларини тушуниш борасида муҳим тузатишларни киритди.

Халқаро муносабатлар назариясига кўра, давлатнинг ҳаракатлари унинг учун ташқи муҳит ҳисобланган, халқаро муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари доирасида кўриб чиқилади ҳамда давлатнинг ташқи сиёсий муносабатлар субъектлари ҳамжамиятида бош ҳаракат қилувчи шахс ҳисобланади. Бу ерда ҳам, сиёсатшунослик ва унинг алоҳида қисмлари ўртасида мантиқий боғланишни бузиб, дивергенцияга учрамайди, яъни бўлинмас фан ҳисобланади.

Замонавий дунёда муносабатларнинг ўзига хослиги бир қадар ўзгарди, бироқ халқаро муносабатлар тизимининг тараққий топиш қонуниятлари ва механизмларида муҳим ўзгаришлар содир бўлмади, балки, аксинча, улар бирмунча қатъий ва муросасиз тус олди. Икки қутбли дунёга хос таҳдид ва зиддиятлар ўрнини янгича таҳдидлар эгаллади ва охир-оқибатда, – давлатлар хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги муаммолари пайдо бўлди. Дунёдаги қўплаб мамлакатлар ва минтақаларнинг барқарорлиги миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, экстремизм ҳамда тажовузкор сепаратизм билан боғлиқ низоларнинг доимий таҳдиди остида қолиб келмоқда. Ядровий қурол ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларининг кенг тарқатилиши билан боғлиқ бевосита таҳдид пайдо бўлди. Бой ва камбағал давлатлар ўртасидаги тубсиз жарлик қисқараётгани йўқ. Сайёрамининг экологик ва иқлимий мувозанати бузилмоқда. Наркотикларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчилик тобора тезкор суръатлар билан ўсиб бормоқда. Улар аллақачон миллий сарҳадлар доирасидан чиқиб, глобал миқёс

касб этдилар. Халқаро терроризмнинг ҳам – Ўрта Осиё ҳамда Шимолий Кавказда (1999 йил, июль – август), АҚШда (2001 йил, сентябрь), Россияда (2002 йил, октябрь ва 2004 йил, февраль), Испанияда (2004 йил, март), Ўзбекистонда (1999 йил, февраль ва 2005 йил, май) – бир қатор чиқишлар қилган янги ва ниҳоятда хавфли шакллари пайдо бўлди.

Бугунги кунда у кўпчилик давлатлар учун жиддий таҳдид солиб, бу давлатларни улар ўртасидаги ўзаро ички низоларни бир четга суриб, терроризм таҳдидига қарши биргалашиб ҳаракат қилишга ва жипслашишга мажбур қилади.

Совуқ уруш тугаганидан сўнг («икки қутбли тизим») халқаро муносабатлар СССР ва АҚШнинг икки ҳарбий-сиёсий блоклари ўртасидаги кескин қарама-қаршилик янги кўриниш касб этди. Аввалги асос негизлардан маҳрум бўлиш асносида улар янада жиддийроқ “иллат”ларнинг асирга айланишди. Бугунги ўзгарган шароитда халқаро тизимни барқарор ҳолатда ушлаб туришга қодир бўлган салоҳиятли механизмлар ҳали мавжуд эмас эди. Мазкур мамлакатларда вазиятни кескинлаштириб юборган воқеалар кетма-кетлиги, шунингдек, турли хил блоklar ҳамда бирмунча беқарор иттифоқларнинг ташкил қилиниши ушбу фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш аксарият давлатлар ва, ҳаттоки бутун минтақа учун ҳам кўп қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мавзудан бироз олдинга ўтиб, шуни таъкидлаш жоизки, зиддиятларга бой бўлган глобаллашув жараёни ва, биринчи навбатда, иқтисодий соҳада давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ортиб бориши, замонавий дунёнинг бош йўналишларидан бирига айланди ва бу ўринда сўнгги ўн йиллик давомида мустақил сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлини туган кўплаб давлатлар ана шу янги йўналишларга мослашишларига тўғри келди.

Собиқ Совет Иттифоқи майдонида ташкил қилинган давлатларга – бу хоҳ Россия ёки Арманистон, хоҳ Ўзбекистон ёки Озарбайжон бўлсин, уларнинг хом ашё-ресурс салоҳиятидан қатъи назар, халқаро муносабатларнинг баъзи бир фаол қатнашчилари томонидан кўрсатиладиган қатъий босим шароитларида, шунингдек, замонавий дунёда ҳукм сураётган глобаллашувнинг бирмунча зиддиятли мураккаб жараёни ўзаро боғлиқлик шароитида фаолият юритишга тўғри келмоқда.

Ўрта ва Марказий Осиёнинг ҳозирги мустақил давлатлари Совет Иттифоқи таркибига иттифоқдош республикалар сифатида кирган вақтда, уларнинг олдида сиёсий ҳамда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ма-



саласи турмаган эди<sup>4</sup>. Бу масала нафақат янги мустақил давлатлар учун, балки узоқ тарихга эга бўлган ва замонавий халқаро муносабатларда етакчи ўринни эгаллаган давлатлардан, биринчи навбатда, АҚШ ва Россия учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Эндиликда, миллий хавфсизликни таъминлаш вазифаси мутлақо янги шарт-шароитларда, ҳудудий яхлитликни муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини юксалтириш, тегишли минтақадаги ва умуман, дунёдаги асосий кучларни жой-жойига қўйиш, сиёсат соҳасидаги асосий устуворликлар, шунингдек, унинг мақсадлари ва амалга ошириш воситалари каби муҳим масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Шу муносабат билан яна бир муҳим омилга диққатингизни тортамыз – яъни, давлат ташқи ва ички чорловларга мустақил жавоб беришга қодир бўлган ўз лаёқати доирасидагина мустақил бўла олади. Акс ҳолда у ўз фаолиятини бутунлай тугатади. Жаҳон сиёсати, давлатнинг ташқи муҳитига хос ҳодиса бўлиб, у кучлар тўқнашувининг муҳим қобиғи сифатида ҳаёт учун кураш, бошқа давлатларга мажбурлаб ўтказиш устунлик қилиш, халқаро мулоқот қоидалари ва нормаларини жорий этиш, ўрнатиш ҳамда ўзгартириш сингари шаклларида майдонга чиқади.

Давлатнинг халқаро муносабатлар борасидаги ўрни ҳамда ролини ва умуман, янги шарт-шароитлардаги жаҳон сиёсий тизимини тадқиқ этишда «сиёсий реализм» мактабининг – Г.Моргентау, Е.Карр, Р.Нибур, Г.Шварценбергер, Н.Спайкман, Р.Страус-Хюнэ, Дж.Кеннан, С.Коэнлар каби намоёндалари биринчилардан ҳисобланади.<sup>5</sup>

<sup>4</sup> «Марказий Осиё минтақаси» тушунчаси борасида ва у ўз ичига қайси давлатларни киритиши, шунингдек, «Ўрта Осиё» тушунчасига алоқаси борасида муаллиф қуйидагича фикрлайди. Унга кўра, Марказий Осиё минтақаси – бу Ўрта Осиёга нисбатан кенгроқ тушунчадир (Ўрта Осиё таркибий қисм сифатида киради). Кўпинча, Марказий Осиё деганда, ўз ичига Кавказ давлатларидан Озарбайжон, Арманистон ва Грузияни, сўнг Эрон, Афғонистонни, Ўрта Осиё давлатларидан – Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон, ва Қирғизистон, шунингдек, Хитойнинг ғарбий қисмини ўз ичига олган ҳудуд тушунилади. Айнан ҳозирги сўз юритилаётган контекста уларнинг орасидаги илгари Ўрта Осиё республикалари сифатида Совет Иттифоқи таркибига кирган республикалар кўриб чиқилади.

<sup>5</sup> Қаранг: Morgenthau Hans. Another Great Debate: The National Interest of the United States // American Political Science Review, No 46, December 1952; Idem: In Defense of the National Interest. N.Y., 1952; Idem: A New Foreign Policy for the United States. N.Y., 1969; Idem: Politics Among Nations: the Struggle for Power and Peace. N.Y., 4-th edn., 1978 etc.; Osgood R.E. Ideals and Self-Interest in America's Foreign Relations. Chicago, 1953; Rosenau J. National Interest. // International Encyclopedia of the Social Sciences. N.Y., 1968, Vol. 11; Gilpin Robert. War and Change in World Politics. – N.Y., 1981; Gray C. Nuclear Strategy and National Style. Lanham, 1986 etc.

Моҳиятан, бу мактаб вакиллари сиёсат майдонида марказий ўрин тутган етакчи куч сифатида давлат тушуниладиган халқаро муносабатлар тизимининг қонуниятлари, механизмлари ва унинг ўзигагина хос бўлган аломатлари, шунингдек, мазкур тизимни ҳаракатга келтирувчи муҳим восита ва қуроллари ҳамда асосий кучлари билан боғлиқ мураккаб муаммолар тугуни мунтазам суратда тадқиқ этиб бориш ишларини биринчилардан бўлиб бошлаб бердилар. Мазкур мактаб анъаналарини давом эттиришга Р.Арон, Г.Киссинджер, Р.Осгуд, Р.Розекранц, Дж.Д.Сингер, Р.Гилпин, К.Уолтц, Р.Кохейн, Дж.Най, К.Дейч, А.Волфсрес ва бошқа «неореалистлар» ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Россиялик муаллифларнинг давлат ва унинг ташқи сиёсати ҳамда халқаро муносабатлар тизимининг бугунги кун шарт-шароитларидаги ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг ривожланиш динамикаси акс эттирилган тадқиқотларини ҳам айнан шу тоифага киритиш мумкин. Ва бу ўринда, аввало, академик Э.Поздняков, россиялик таниқли олимлардан – А.Торкунов, А.Мельвиль, М.Хрусталева, А.Богатуров, П.Цыганков, А.Никитин, Н.Косолапов, Д.Фельдман, А.Мигранян, М.Наринский, К.Боришполец, И.Прохоренко, А.Мальгин ва бошқа қатор муаллифларнинг асарларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.<sup>6</sup> Мазкур изланишлар халқаро муносабатлар асосини дастлаб совет, кейинчалик эса, Россия сиёсатшунослик мактаби доирасида мунтазам ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Халқаро муносабатлар муаммоларини ўрганаётган миллий сиёсатшунослик мактабининг ўтқир салоҳиятли намояндалари қаторига Г.Каримова, Р.Алимов, Д.Азимова, М.Баҳодиров, Н.Қосимова, А.Файзуллаев, Н.Тўлаганова, А.Ҳайдаров, С.Жўраев, Р.Фармонов, Ф.Толипов ва бошқа кучли ўзбек олимларини киритиш мумкин.

---

<sup>6</sup> Современные международные отношения и мировая политика – М., 2004 (Под ред. проф. А.В. Торкунова) Богатуров А.Д., Косолапов Н.А., Хрусталева М.А. Очерки теории и политического анализа международного отношений – М., 2002; Поздняков Э.А., Системный подход и международные отношения. – М., 1976; Он же. Философия политики. – М., 1994; Он же; Нация. Национализм. Национальные интересы. – 1994, Геополитика – М., 1991; Цыганков П.А., Теория международных отношений – М., 2002; Прохоренко И.Л. Национальный интерес во внешней политике государства. Опыт современной Испании. – М., 1995 г.

## I БОБ

### ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИ (Тузилиши, даражалари ва қонуниятлари)

Халқаро муносабатларнинг ривожланиш жараёнини минтақан англаб етиш учун унинг таркибий шаклланишида етарлича жиддий ўрин тувчи баъзи бир унсурларини чуқур тушуниб олиш керак бўлади.

*Халқаро муносабатлар (ХМ) тизими* бугунги кунда «халқаро сиёсат» атамаси билан ифодаланадиган барча тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. У ижтимоий, этник-диний, иқтисодий, ҳарбий-стратегик, маданий, геосиёсий, илмий-технологик ва бошқа жиҳатлар билан тавсифланади. Халқаро муносабатлар тизими жаҳон сиёсатининг глобал тизим доирасидаги қайси жиҳатларига алоқадор бўлмасин – бу муносабатлар россиялик таниқли сиёсатшунос академик Э.Поздняковнинг мазкур муаммолар хусусидаги фикрига кўра, давлатларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг *ташқи сиёсати, ташқи сиёсий мақсадлари ва устуворликлари, манфаатлари* билан узвий боғлиқдир. Айнан, ана шулар халқаро мулоқотнинг туб негизини ташкил қилади ва, шу аснода, ҳақли равишда, ХМ тизимининг асос пойдевори ҳисобланади. Шу ўринда, барча жамулжамликда алоҳида сифатий моҳият касб этадиган унсурлар ва боғланишлар билан намоен бўладиган ўз хусусий ривожланиш қонуниятлари мазкур тизимга хос бўлган одатий тушунча эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Академик Поздняковнинг таъкидлашича, «Тизим унсурларининг ўзаро боғлиқлиги, унинг амал қилиши ва ривожланиши, шунингдек, унинг яхлитлиги асосида ана шу унсурлар ўртасидаги боғланишларнинг барқарор, кўп вариантли ва муайян тарзда ташкиллашган усулидан иборат бўлган тизимнинг тузилмавий ташкил қилиниши ётади.

Таклиф этилаётган ёндашув доирасида давлатлараро муносабатлар тизими таркибан ўзининг умумий кўринишида табақалараро ўзаро боғланган учта даража – марказий куч муносабатлари даражаси, зиддиятлар бугуни даражаси ва тизимли-тузилмавий «устқурма» даражаси кўринишида тақдим этилиши мумкин. Бундай бўлиниш қанчалик шартли бўлишидан қатъи назар, унинг ижобий томони шундаки, у давлатлараро муносабатларни ҳеч бир оқилона таснифлаштиришига йўл қўйилмайдиган ҳадсиз-поёнсиз бошбошдоқликлар тарзида эмас, балки нисбаган тартиблаштирилган кўринишда тақдим этиш имконини беради».<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Поздняков ЭА. Философия политки – М., 1994, ч.1, с.181.

Шундай қилиб, ХМ тизими сиёсий чегаралар билан ажаратилган мустақил давлатлар мажмуидан иборатдир. Бу – уюшмаган, аллақандай бир аморф бирлашма бўлиб қолмасдан, балки бундаги ҳар бир иштирокчи давлатни айрим-айрим олиб қарайдиган бўлсак, алоҳида ўзига хослик ва айнан шу давлатгагина хос бўлган қадриятлар ва анъаналар тизими-ни аниқлатиш орқали ушбу давлатлар ҳамжамиятининг бетакрор меъморий қиёфасига таъсирини кўрсатиши шубҳасиз, албатта ўзининг таъсирини кўрсатади.

Тизим қатнашчилари, шунингдек, ХМ *субъектлари* сифатида ҳам маълумдирлар. Улар (мустақил давлатлар) қуйидаги қатор муҳим жиҳатлари, яъни – эгаллаб турган ҳудудининг ҳажми, қуруқликдаги сувдаги ва Коинотдаги транспорт-алоқа тармоқларига кира олиш имкониятлари билан, яъни ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмлари билан ёки, соддароқ қилиб айтганда, қувватининг даражаси билан, шунингдек, аҳоли сони ва унинг савдохонлик даражаси билан, ҳарбий таъминланганлик даражаси, илмий-техникавий иқтисодий салоҳияти ва қудрати қуролли кучлари (ҚК)нинг жанговарлиги куч-қудрати, қуролланганлиги ҳамда илмий-техникавий салоҳияти билан бир-биридан ажралиб туради. Бундай кўрсаткичлар ис-талган давлатнинг ХМ тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради. Мисол учун, Занзибар, Бирма ёки Буркина-Фасо каби давлатларнинг, халқаро муаммоларни тартиблаштиришдаги роли уларнинг маданий-тамад-дуний нуқтаи назардан ноёблиги ва ўзига хослигини заррача камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, унчалик аҳамиятли эмас. Айни пайтда, АҚШ, Россия, Хитой, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Ҳиндистон ва бошқа баъзи бир давлатларнинг роли ҳамда мавқеи уларнинг жаҳон миқёсидаги қудрати ва нуфузига айнан тенгдир ва мувофиқ. БМТ Хавф-сизлик Кенгашининг доимий аъзолик институти қайси тамойилга асосла-нади? Ёки донор – мамлакатлар ва ташқи ёрдамни олувчи – мамлакатлар-нинг мақоми қайси мезонга кўра белгиланган? Ана шу ва бошқа кўплаб шунга ўхшаш саволларга жавобни яна ўша юқорида қайд этилганлардан топиш мумкин. ХМ субъектлари, доимий равишда ўзаро таъсирда бўлар экан, бугунги кунда *халқаро муносабатлар* тизими ёки *халқаро тизим деб эътироф этилган* сиёсий-илмий воқеликнинг ривожланиши билан боғлиқ мазмун, таркибий тузилиш ва механизмларни белгилайди.

Мустақил давлат – нафақат мамлакат ичида, балки ундан ташқари-да, яъни халқаро майдонда ҳам ҳокимиятнинг намоён бўлишидир.

Айнан, давлат халқаро ҳамжамият субъекти сифатида чиқиш, шарт-нома ёки битимларни тузиш, уруш эълон қилиш ёки сулҳ тузиш учун ҳақиқий ҳокимият ваколатига эгадир.

ХМ ҳар қандай давлат учун амалда ўз имкониятларини синаб кўриши мумкин бўлган муҳит вазифасини бажаради.

*Давлат ўз-ўзича эмас, балки халқаро муносабатларнинг ўзига ўхшаш қатнашчилари ҳамжамиятида мавжуд бўлади, фаолият юр-тади ва ривожланади, давлатни тизимдан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди.*

Моҳиятига кўра, ташқи муҳитнинг ўзи ва халқаро мулоқот давлат учун ўзига хос ўқлар тизими бўлиб хизмат қилади. Тузилишига кўра, халқаро муносабатлар тизими марказ ёки ўзак-мағиз тизимости тузилма ва перифериядан ташкил топган. ХМ тизимининг марказини буюк давлатлар сифатида эътироф этилган ва халқаро сиёсатга жиддий таъсир кўрсатадиган давлатларнинг унча катта бўлмаган бир гуруҳидан иборатдир. Уларнинг сони чекланганлиги халқаро муаммолар ечимида ҳамма давлатлар ҳам мутлақ куч омили сифатидаги мавқега эга эмаслигидан далолат беради. Шу сабабли, сиёсий тилда уларни куч марказлари деб, улар ўртасидаги муносабатларни эса куч марказлари муносабатлари деб аташ қабул қилинган.

Машҳур Версаль тизими мисолида XX асрнинг бошидаги урушдан кейинги даврда куч марказлари дунёнинг бундан кейинги тузилишини ҳал қилишда, биринчи навбатда, ўз манфаатлари ва куч-қудратлари билан боғлиқ имкониятларидан келиб чиқиб, ўзларини яққол намоён қилганликларини кўриш мумкин. Миллатлар Лигасининг Статути (Устави) ўша тизимга хос бўлган куч марказларининг муносабатларини акс эттирувчи шарт-шароитларнинг сиёсий-ҳуқуқий қамров доираси сифатида хизмат қилган. У Германиянинг Бельгия, Люксембург, Франция, Швейцария, Австрия, Чехословакия, Польша ва Дания билан бўлган чегараларининг таърифини ҳамда Европанинг сиёсий тузилиши билан боғлиқ масалалар ечимини ўз ичига олган эди.

Тизимнинг ўзак-мағизидан ташқарида бўлган давлатлар, ўз ташқи сиёсатларини халқаро сиёсатдаги у ёки бу йўналишига таянган ҳолда олиб борар эканлар, куч марказлари муносабатларининг қатнашчилари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдордирлар. Бу турдаги ҳеч қайси давлат куч марказларида ҳукмронлик қилаётган етакчи кайфиятлардан четлашиб, яккаланиб қолишига ёки улардан воз кечишга қодир эмас. Ўз навбатида, марказий куч марказлари муносабатларининг қатнашчилари ҳам гизимости тузилмаси ва периферия алоқаларининг қатнашчилари билан фаол муносабат ўрнатадилар. У ёки бу давлатни, ёки давлатлар гуруҳини турли йўллار билан ўз тарафига ўтишга ундайдилар.

Давлатларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги халқаро тизимнинг энг яққол белгиларидан ҳисобланади. Аввал айтиб ўтилганидек, бу ҳолат уларнинг ўзаро мулоқотга бўлган эҳтиёжидан ҳамда умумий ва, айти пайтда, ўзаро фарқланиб турувчи турли хил манфаат ва мақсадлар мавжудлигидан келиб чиқади. Мазкур мақсадларни амалга ошира бориб, давлатлар бир-бирларига муқаррар равишда ўзаро муомалага киришиши асносида, таъсир кўрсатмай қолмайдилар. Давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири бундай алоқаларнинг маълум бир ўзига хослигида, турли хилдаги иттифоқ ва бирлашмалар ташкил қилинишида, яъни айнан халқаро муносабатлар тизимининг ўзи учун хос бўлган шакллар ва муносабатларда яққол намоён бўлади. Ушбу жараёнлар ҳақида кейинчалик, хусусан, кучлар мувозанати сиёсатини, коллектив хавфсизлик тизими ва иқтисодий хавфсизлик назариясини таҳлил қилиш доира-сида батафсил тўхталиб ўтилади.

*Тизимости тузилмаси* турли хил аломатларга кўра белгиланади. Булар маданий-тамаддуний, мињақавий-жуғрофий ва ижтимоий-иқтисодий тизимости тузилмалардир. Жаҳон тарихининг турли босқичларида ҳар хил тизимости тузилмалар пайдо бўлиб келган, лекин улар доимо ХМ тизимининг нисбатан автоном, мухтор қисмлари бўлган эди. Қадимги Греция, Ханаан подшолиги ёки Рим империяси, эҳтимол, Ўрта Ер денги-зи, Арабистон яримороли, Нил воҳаси, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёнинг кенг майдонларини қамраб олган дастлабки тизимости тузилмаларидан биридир. Кейинчалик, уларнинг ўрнини Византия, Чингизхон, Темурланг, Буюк Мўғуллар ерлари – Шарқда, Карл V давридаги Европа, Бобурийлар монархияси, Наполеон давридаги Европа, Бисмарк қўл остидаги бирлашган Германия ва ҳ. к. лардан иборат бошқа тизимости тузилмалар эгаллади. Тизимости тузилмаси, ўз навбатида, яна бир қатор турдош тизимлар мавжудлигини кўзда тутди ва унда барча тамаддуний омиллар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетиши кузатилади. Вақт мазкур жараёнга доимо ўзгартиришларини киритиб келган ва бу ҳолат ҳар бир тизимости тузилмасининг ўзига хос хусусиятида, албатта, акс этмай қолмаган.

Бугунги кундаги дунё муносабатлари тизимининг илдишлари ўттиз йиллик уруш ўз поёнига етгач, 1648 йилнинг 24 октябрида Мюнстер ва Оснабрюкда имзоланган ва «Вестфаль шартномаси» деб номланган тинчлик сулҳи тузилганидан кейин айнан шу номдаги, яъни Вестфаль тизимининг юзага келиши билан боғлиқ натижалари тарихга кирган ўттиз йиллик уруш даврларига бориб тақалади. Одатда, Вестфаль сулҳи деганда, 1648 йилнинг 4-5 июнидаги Вефелингхофен жангида Франция ва Швеци-

янинг мағлуб бўлганлиги оқибатида бу давлатлар билан Кайзер Фердинанд III ўртасида тузилган келишувлар, назарда тутилади. Шунингдек, 1643-1649 йиллар давомида Мюнстер ва Оснабрюкда бўлиб ўтган ва Европадаги сурункали урушларга умуман барҳам беришни мақсад қилиб қўйган тинчлик конгрессларида қабул қилинган шартномалар ҳам ана шу Вестфаль сулҳи тушунчасининг қамров доирасига киради. Вестфаль сулҳига кўра, Штеттин порти билан бутун Фарбий Померания, Швеция тасарруфига кирди, шунингдек, Шарқий Помераниянинг маълум қисми, Померан кўрфази ҳам соҳилбўйи шаҳарлари билан бирга унинг ихтиёрига ўтди. Шимолий Германиядаги энг йирик дарёларининг этаклари Швециянинг ҳақиқий назорати остига олинди. Швеция маълум бир муддат давомида Болтиқ денгизи соҳилларидаги давлат устидан ҳукмронлик қилувчи ва немис давлатларига таъсир ўтказа олувчи буюк Европа давлатига айланиб қолди. Франция Эльзасни (Страсбургдан ташқари) шаҳрини қўлга киритиш билан бирга, бир қатор шаҳарлар устидан васийлик ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Гарчи, ўша даврда унинг вужудга келишидан баъзи бир йирик Европа давлатлари манфаатдор бўлса-да, Голландия ҳақли равишда тан олинган мустақил давлат сифатида эътироф этилди. Шунингдек, Швейцария иттифоқининг ҳам мустақиллиги тан олинди. Германия князликлари ҳам муҳим ўзгаришларга учради. Бранденбург (бўлғуси Пруссия) ҳам ўз маконларини ва таъсирини сезиларли даражада кенгайтди, Бавария ҳамда Саксониянинг куч-қудрати ошиб борди. Айни пайтда, Вестфаль сулҳи Германиянинг шу тариқа парчаланганлигини мустаҳкамлади. Эндиликда, диний омилнинг Европа сиёсатидаги ҳал қилувчи ролига барҳам берилди.

Буюк Француз революцияси ва ундан кейинги даврда Наполеон бошчилигидаги бир қатор босқинчилик урушлари машҳур Вена конгрессидан қарийб 150 йил аввал дунёда қарор топган тартибга яқуний нуқталар қўйдилар. Эндиликда, *Вена тизими деб аталаётган янги тизимга кўра, шундай деб аталмиш* «Европа пентархияси» ташкил қилиниши кўзда тутилиб, унинг таркибига Наполеон армияси устидан ғалаба қозонган мамлакатлар кирди. 1814-1815 йилларда бўлиб ўтган ва кейинчалик Вена Конгресси деб ном олган Умумевропа конференцияси, Европа давлатларининг Наполеон урушларидан сўнгги чегараларини белгилаб берди. Вена шаҳрида Меттерних раислиги остида бўлиб ўтган конгрессда Туркиядан ташқари барча Европа давлатларининг вакиллари иштирок этдилар. Конгресс янги Нидерландия қироллиги таркибига Австрия Нидерландияси ҳудуди (ҳозирги Бельгия)нинг киритилишига рухсат берди, бироқ Австриянинг қолган барча маконлари, жумладан, Ломбардия,

Венеция области, Тоскана, Парма ва Тироль Габсбургларнинг назорати остига қайтди. Саксониянинг бир қисми ҳамда Вестфалия ва Рейн областининг каттагина ҳудуди Пруссияга ўтди. Франциянинг собиқ иттифоқдоши бўлган Дания Швеция тасарруфига ўтказилган Норвегиядан маҳрум бўлди. Италияда Рим папасининг Ватикан ва Папа области устидан ҳукмронлиги тикланди, Бурбонлар эса иккала Сицилия Қиролигини қайтариб олдилар. Шунингдек, Германия иттифоқи ташкил қилинди. Наполеон томонидан барпо этилган давлатнинг бир қисми Поляк Подшолиги номи билан Россия империяси таркибига кирди, Россия императори эса поляк қироли ҳам бўлиб ҳисобланар эди.

Конгресс Наполеон урушлари охирига келиб мавжуд бўлган Европада қарор топган янгича кучлар тақсимотини белгилаб берди ва шу аснода ғолиб мамлакатлар – Россия, Австрия ва Буюк Британиянинг халқаро муносабатлар борасидаги етакчи ролини узоқ муддатга сақлаб қолди.

Австрия-Венгрия, Англия, Франция, Германия ва Россия янги куч марказларига айланди. Россиянинг Европадаги «пентархия» бўйича иттифоқдошлари кайфиятида кузатилаётган ўзгаришлар ҳамда уларнинг эндиликда Оттоман Туркияси тарафига ўтиш сабаблари Россия мавқеининг кучайиши ва унинг Қрим урушида (1853-1856 йй.) Туркия устидан ғалаба қозониш эҳтимолининг юқорилиги билан изоҳланади. Россиянинг аввалги иттифоқдошлари унинг кучайиб кетишидан, Қора денгиз, Болтиқ денгизи ва Каспий денгизи устидан бевосита назорат олиб бориш имкониятини қўлга киритишдан хавфсираб қолган эдилар.

Жиддий сабоқ олган Россия ўзининг европалик ҳамкорлари бўлмиш Франция, Англия ва Германияга нисбатан қўлдан бой берган ўз мавқеини чекинишлар ва ён беришлар йўли билан тиклаб олишга ҳаракат қилди. Дипломатик фиғналар ва мураккаб ҳийла-найранглар натижасида ўша даврдаги Европа мамлакатлари ўртасида иккита йирик иттифоқ пайдо бўлди: Антанта (Россия, Англия, Франция) ва Учлик иттифоқи (Германия, Австрия-Венгрия ва Италия). Бу хатти-ҳаракатлар кўзланган асл мақсад эса – дунёда ҳукмронлик қилиш учун ўз мавқеини кучайтириши ва таъсир доирасини қайта тақсимлашдан иборат эди.

Бундан кейинги бўлиб ўтган воқеалар барчага яхши маълум – Сараевода «Ёш Босния» гуруҳининг экстремистлари томонидан Эрцгерцог Франц Фердинанд ўлдирилди ва бу Биринчи жаҳон урушининг бошланиб кетиши учун расмий сабаб бўлиб хизмат қилди. Уруш давомида Учлик иттифоқи мағлубиятга учраб, Австро-Венгрия, Германия ва Оттоман империялари парчаланиб кетди. Чор Россияси тугатилди ва уларнинг ўрнида ғолиб – мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган янги дав-



датлар пайдо бўлди. Мазкур кескин ўзгаришлар натижасида дунёда кучлар тақсимотининг янги тартиби қарор топди. Бунда халқаро сиёсатнинг ноевропа қатнашчилари ва, биринчи навбатда, АҚШ илк бора дунё сиёсат майдонида назарга тушдилар. Ғарбий ярим шардаги давлат Америкалараро муаммолар ечими билан чекланиб қолган бўлганлиги Америка ўша вақтгача Европада содир бўлган дунё ишларида қатнашиш тажрибасига эга эмас эди.

Антанта мамлакатлари ва Германия ўртасидаги айнан шундай ном билан аталган Шартномага кўра, *Версаль сулҳи* 1919 йил 28 июнда – Сараеводаги қотилликнинг беш йиллиги кунинда имзоланган эди. Тақдир тақозоси билан ушбу воқеа келиб-келиб, «темир канцлер» катта Версаль саройининг Ойнали залида Франция устидан ғалаба қозонилган заҳоти 1871 йилнинг айнан ўша кунинда, Отто Бисмарк томонидан Германия империяси ташкил этилганлигининг эълон қилиниши билан бир вақтга тўғри келди. Шу кундан бошлаб Қўшма Штатларнинг буюк мамлакат сифатида мақоми барча томонидан эътироф қилинди. АҚШ ўзининг жаҳон раҳнамоси ролига даъвогарлигини Вудро Вильсоннинг «14 банд» дастурига муҳраб, батафсил ифодаланган бўлиб, бу амалда Европани ҳамда унинг манфаатлари доирасини америкачасига қайта тақсимлашга уринишни англатар эди. Ушбу дастур Вудро Вильсоннинг 1918 йил 8 январдаги Конгрессга юборган хатида баён қилинган.<sup>8</sup>

Мураккаб дипломатик ҳийла ва фитналар воситасида Вудро Вильсон маъмурияти Версаль тизими доирасида дунёни урушдан кейинги қайта қуриш тўғрисидаги режасининг қабул қилинишига эришди. Бунда, Германия бош иттифоқдош ва бирлашган мамлакатлар (куч марказлари) Бельгиянинг бетарафлигини белгилаб берган 1839 йилдаги шартномаларни ўзгартириш мақсадида Бельгия ёки Нидерландия ҳукуматлари билан тузиши мумкин бўлган барча битимларни тан олиш ва уларни бажариш мажбуриятини олган эди. Ўша шартларга кўра, Германия Эйпен ва Мальмеди округларининг, шунингдек, Моренс ҳудудининг шундай деб аталиши нейтрал ҳамда Пруссияга тегишли қисмларининг Бельгияга ўтишини тан олишга мажбур эди. Люксембург Германия божхона иттифоқи таркибидан чиқиб, Германия ундан тўлиқ мустақил бўлиб олди. У, мағлуб давлат сифатида, 1919 йил Сен-Жермен сулҳида билан кўзда тутилган чегараларда Австриянинг мустақиллигини ҳурмат қилиши, Чехословакиянинг мустақиллигини, Польшанинг

<sup>8</sup> Системная история международных отношений в четырех томах. 1918. – 2000. Том 2. Документы 1910-1940-х годов. – М., 2000. – С. 27-28.

КУТЎБОҒ

Жаҳон тақдирининг

48968

тўлиқ мустақиллигини тан олиши ва Юқори Силезиянинг бир қисмидан, шунингдек, Миллатлар Лигасининг муҳофазаси остидаги эркин шаҳар деб эълон қилинган Данциг (Гданьск) шаҳри (округи билан)га бўлган ҳуқуқларидан Польша фойдасига воз кечиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Германия ва Дания ўртасида янги чегара ўрнатилди. 1871 йилдаги Франкфурт сулҳининг шартларига кўра Германия тасарруфига ўтган Эльзас ва Лотарингия эса, мустақил Францияга қайтариб берилди. Франция шимолидаги вайрон бўлган кўмир конлари учун тўланадиган товон сифатида куч марказларидан бирининг вакили бўлмиш Жорж Клемансонинг талабига кўра, Саар ҳавзасидаги кўмир конлари 15 йиллик муҳлатга Миллатлар Лигаси комиссиясининг бошқарувига ўтиб, Германия, шунингдек, Рейн ҳудудини қуролсизлантириш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олди. Куч марказлари Германия ва Туркия мустамакалари тақдирини ҳам худди шундай осонликча ҳал қилиб қўя қолдилар. Бу мустамакалар ғолиблар ўртасида Миллатлар Лигасининг мандатлар тизими асосида тақсимланиб, унга кўра мандатарий – давлатлар (*куч марказлари*) ҳудудлар устидан васийлик ўрнатар эдилар. Буюк Британия Ғарбий Того, Камеруннинг бир қисми ва Германияга тегишли Шарқий Африканинг катта бир қисми Танганьикани бошқариш мандатини олди; Жануби-Ғарбий Африкадаги Германияга қарши бўлган ҳудудлар Жанубий Африка Иттифоқи ихтиёрига ўтди. Франция Сирия ва Ливанни бошқариш мандатидан ташқари, шунингдек, Шарқий Того ва Камеруннинг бир қисмига мандат олди; Бельгия – Руанда-Урундига; Япония – Тинч океанининг экватордан шимолда жойлашган оролларига, яъни – Маршалл Каролина ва Мариан оролларига; Австралия – Науру оролига (Буюк Британия ва Янги Зеландия билан биргаликда), собиқ Германияга тегишли Янги Гвинеяга ҳамда экватордан жанубда жойлашган Тинч океани оролларига; Янги Зеландия – Ғарбий Самоа оролларига мандат олди. Худди ана шу *куч марказларининг* хоҳишига кўра у аввалги Герман-Хитой шартномаларидан келиб чиқадиган Хитойдаги бир қатор имтиёз ва афзалликлардан маҳрум бўлди. Шу тариқа, Германия Кантон (Гуанчжоу)да Британия концессиясининг ҳудудидаги ўзига тегишли бўлган мулкни Буюк Британияга бой берди. Цзяочжоу ҳудудида эса – барча ҳуқуқ ва имтиёзларидан эса – Япония фойдасига воз кечди.

Версаль тизими дунёнинг урушдан кейинги тузилишини Германия билан маълум шартнома билан бирга Антанта мамлакатларининг Австрия, Болгария, Венгрия ва Туркия билан имзолаган бир қатор битим ҳамда шартномаларни ўз ичига олган эди (1920 йил 10 августдаги Сен-Жермен

шартномаси, 1919 йил 27 ноябрдаги Нёйи тинчлик сулҳи, 1920 йил 4 июндаги Трианон 1920 йил 10 августдаги Севр тинчлик сулҳи ҳамда иккита тарихий ҳужжат – акт билан имзоланган – 1923 йил 30 январь ва 24 июлдаги Лозанна тинчлик сулҳи). Версаль тизими ғарб давлатларининг ўша даврда оммалашиб кетган коммунистик кайфиятлардан ўзларини ҳимоя қилишга, мустамлакачиликка қарши кураш ва озодликка эришиш йўлидаги ҳаракатларни тўхтатиш, мағлуб мамлакатларни янада қарам ҳолатга келтиришга бўлган интилишларини акс эттирган эди. У Биринчи жаҳон урушининг бошланишига сабаб бўлган асосий қарама-қаршиликларни бироз бўлса-да, бўшаштиришга ёки юмшатишга олиб келмади. Хуллас, ўша даврда мавжуд бўлган Версаль тизими доирасида урушда енгилган мамлакатлар зиммасига юкланган адолатсиз ва оғир шартлар Иккинчи жаҳон уруши бошланишига олиб келди. Версаль тизими таркибидаги *барча* шартномалар матни айнан ўша куч марказларининг манфаатларига хизмат қиладиган халқаро ташкилот – Миллатлар Лигасининг низомидан бошланар эди. Дунёнинг қайта бўлинишини ниқоблаш мақсадида, Версаль тизимининг ижодкорлари «мандат остидаги» ҳудудлар ва протекторатлар тизимини киритадилар, яъни мандатарий – давлат собиқ мустамлакани расман Миллатлар Лигасининг топшириғига бинонан бошқарар эди. Ўша олис воқеаларнинг мунгли садоси ҳанузгача Яқин Шарқда, Шимолий ва Шарқий Африкадаги ҳудудий, этник-ижтимоий ҳамда бошқа муаммолар кўринишида бизгача етиб келмоқда.

Янги халқаро тизим ниҳоятда беқарор бўлиб, жуда қисқа фурсат оралиғида парокандаликка юз тутди. Биринчи жаҳон урушига олиб келган ғолиб-мамлакатлар ўртасида асосий қарама-қаршиликларни бартараф этмасдан, ушбу тизим ғолиблар ва мағлуб ўртасида, шунингдек, ғолиб мамлакатлар ўртасида ҳам, бир қатор янги зиддиятларни туғдирди ва бу ҳолат жиддий низолар келиб чиқиш хавфи мавжуд бўлган янги ҳарбий-сиёсий блокларнинг ташкил топишини тезлаштириб юборди.

Версаль сулҳи вақт синовидан ўта билмади ва Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши арафасида ундаги қоидаларининг аксарияти бузилиб бўлган эди. Германия қўшинларининг 1936 йил март ойида қуролсизлан-тирилган Рейн ҳудудига кириб келиши Версаль шартномаси қоидалари учун шик машъум синов бўлди. 1838 йил мартада Германия томонидан Австриянинг очикдан-очик қўшиб олинишини англаган Аншлос эса, бу йўналишдаги навбатдаги қадам бўлди. Ўша йили сентябрь ойининг охирида Германия Буюк Британия ва Франциянинг розилиги билан («Мюнхен битими») Чехословакиянинг Судет областини эгаллаб олди, 1939 йилнинг мартада эса бутун Чехословакия забт этилди. Мазкур акциядан кей-

ин бир ҳафта ўтгач, Германия Литвага қарашли бўлган Мемель (Клайпеда)ни босиб олди, 1939 йилнинг 1 сентябрида эса Польшага ҳужум қилиши билан Иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборди. Lebensraum – “ҳаётий макон”ни кенгайтириш ва «адолатли чегаралар»ни таъминлаш кетидан қувиш сиёсий вазиятни мантиқан ўзининг муқаррар якунига олиб келди ва шу тариқа, Версаль тизимига сўнгги нуқта қўйган Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнги *Ялта-Потсдам тизими* дунёда сиёсий кучларнинг янгича тақсимолига асос солди. Потсдамдан кейинги дунё тизими *икки қутбли* тизимга айланди. Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар томонидан тузилган ҳарбий-сиёсий блоклар – Варшава Шартномаси ҳамда НАТО, шунингдек, бир қатор тизимости иқтисодий бирлашмалар ва ҳаракатларнинг куч-қудрати мазкур тизимнинг асосини ташкил қилди. Дунё сиёсатининг маҳобатли иккита «гигант»и орасидаги мураккаб қарама-қаршилиқлар даври барчага яхши маълум бўлган фожиали кескин ўзгаришларга ниҳоятда бой. Шунга қарамасдан, дунё икки қутбли тизим даврида «*статус-кво*»нинг қатъий қоидалари доирасида ривожланиб келди.

Икки қутбли тизимнинг «яхши» эканлигига етарли далил топиш ва «ёмон»лигини ҳам шунча далил асосида исботлаш мумкин. Лекин адолат юзасидан шуни қайд этиш жоизки, кучларнинг икки қутбли мувозанати тизими Иккинчи жаҳон урушидан кейин қарор топган мутлақо муайян шарт-шароитлар тақозоси билан юзага келди. Мазкур тизим Совет Иттифоқининг заифлашуви ва кейинчалик парчаланиб кетиши билан бевосита боғлиқ бўлган объектив шарт-шароитларга кўра ўз фаолиятини тугатди. Бугунги кунда қатор сиёсий таҳлилчилар дунёдаги ҳозирги мавжуд тизимни ёки «*бир қутбли*», ёки (кўп ҳолларда) «*кўп қутбли*» тизим сифатида таърифлашга уринадилар. Биринчи таъриф шунга асосланганки, дунёда ягона буюк мамлакат – АҚШ қолган бўлиб, у ҳарбий ва иқтисодий куч-қудратнинг асосий кўрсаткичлари бўйича қолган барча давлатлардан устундир. Иккинчи таърифга кўра, икки қутблилик тизимнинг бузилиши натижасида аввал иккинчи даражали ҳисобланган давлатлар деярли тенг сиёсий мавқени қўлга киритдилар.

Биринчи таърифга келсак, «*бир қутбли*» дунё *жисмоний* дунёда ҳам, сиёсий дунёда ҳам мавжуд бўла олмайди. «Қутб» ва «қутблилик» тушунчаларининг ўзиёқ бир-бирига зид таъсирдаги объектлар ёки субъектлар мавжудлигини тақозо қилади. Иккинчи таъриф *давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги расмий низомга* ҳамда давлатлар ўртасидаги

муносабатлар умуминсоний қадриятлар ва манфаатларга таяниши керак, деган худди шундай расмий қоидага асосланади.

Фикримизча, бу борада япон таҳлилчиларининг изланишлари ҳақиқатга яқинроқ келади. Унга кўра, ҳозирда на бир қутбли, на кўп қутбли халқаро муносабатлар тизими мавжуд эмас. Ўзларининг ташқи сиёсий фаолиятини амалга ошира бориб, икки томонлама минтақавий, шунингдек, глобал уч босқичли муносабатларга киришаётган миллий давлатларнинг маълум бир мажмуи бор, холос.<sup>9</sup>

Умуман эса, икки қутблилик парчаланиб кетганидан сўнгги замонавий муносабатлар тизими «бир қутбли» ҳам, «кўп қутбли» ҳам эмас. У ҳозирча шаклланиш босқичида бўлиб, ҳали у ёки бу даражада жиддий такомилга эришганича йўқ ва, шунинг учун ҳам, унга нисбатан бирон-бир қатъий баҳо ёки ёрлиқни қўллаш мантиқан тўғри бўлмайди. Бугун дунёда ҳақиқатан ҳам фақат биттагина буюк давлат мавжуд, лекин бу ҳолат мазкур давлат бир вақтнинг ўзида умуман халқаро муносабатлар ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, дегани эмас.

Ўзининг ташқи муҳити доирасида тизимости ва умумий тизим даражаларида ҳаракат қилувчи давлатлар бошқа турли давлатлар билан алоҳида ёки гуруҳ ичида ўзаро таъсирда бўладилар, қарама-қаршиликларга учрайдилар ва уларни турли воситалар ёрдамида, яъни дипломатик, иқтисодий тарғибот ёки ҳарбий йўллар билан ҳал қилишга интиладилар. Шу билан бирга, айнан шу ўринда халқаро сиёсатнинг зиддият тугунлари деб аталувчи ҳодисаси юзага келиши учун тегишли шарт-шароитлар пайдо бўлади. Халқаро мулоқот амалиётида улар «зиддия тугунлари»нинг муқаррар учраб туриши бўлган сиёсий воқелик ҳисобланади.

Халқаро муносабатлар тарихидаги мисоллар ҳам айнан шундан далолат беради. Лоақал, 1958 йил августида «катта силжиш» сиёсати ва Хитой Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидан маълум даражада узоқлашувни асносида кечган. Тайван инқирозини ёдга олайлик. Ўша воқеалар А.Д.Богатуров таҳрири остида нашр этилган «Системная история международных отношений» – «Халқаро муносабатларнинг тизимли тарихи» мавзусидаги жамоавий тадқиқот муаллифлари томонидан етарлича батафсил ўрганилган.

Ўша йилларда Тайваннинг мустақиллигини тан олмаган Хитой, бу оролни ўзига қўшиб олишига интилиб, «икки Хитой» ғоясига қатъий қарши чиққан. Гоминьдан ҳукумати эса ўзини Хитой Республикасининг

<sup>9</sup> Қаранг: Актуальные проблемы Северо-Восточной Азии (Япония, Корея, НИС). Информационный бюллетень, 1993, № 10. – С. 15-16.

марказий ҳокимияти деб атар эди. Ҷша даврда Англиядан ташқари, бирорта Ғарб мамлакати ХХРни тан олмаган бўлиб, аини бир вақтнинг ўзида Чан Кайши ҳукумати билан фаол дипломатик, ҳарбий-техника ва бошқа муносабатларда бўлган. Бугина эмас, 1954 йилнинг декабрида АҚШ Гоминьдан билан ўзаро мудофаа тўғрисида Шартномани ҳам имзолади. Мазкур шартнома таъсири аини пайтда, Формоза оролига ҳам, Пескадор оролларига ҳам бевосита тааллуқли эди.<sup>10</sup>

Яққол таҳдид хавфи остида ХХР марксизм асослари талқинидаги баъзи мафкуравий зиддиятларга қарамасдан, СССР билан ҳарбий-техника муносабатларини фаоллаштиради. Мао Цзэдун нима қилиб бўлса-да, шимолий қўшнисидан ядро қуролини ишлаб чиқариш технологиясига қўлга киритиш ва совет мутахассисларини 6500-1000 кВт қувватга эга бўлган ядро реакторини қуришга жалб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Совет Иттифоқи ядровий реакторни қуриб, урanni бойитиш технологиясини Хитойга бериб юборди. Оқибатда, Хитой ядровий мамлакатга айланди, яъни ўз-ўзидан шундай деб аталмиш «ядровий клуб»га аъзо бўлди ва ўзининг дунёдаги «мартабалар жадвали»да мавқеини ўзгартирди. Ҷша даврда Хитой совет давлатидан ҳарбий-техника ёрдамини олишга интилиб, АҚШни турли йўллар билан ХХРни тан олишга мажбур қилишга уринган эди. АҚШ эса, ўз навбатида, Чан Кайшини қўллаб-қувватлаб, коммунистик Хитойни яккалаб қўйишга ҳаракат қилар ва, шунингдек, Кореядаги уруш даврида қўлга олинган америкалик ҳарбий асирларнинг озод этилишини талаб қилар эдилар.<sup>11</sup>

Ушбу воқеалар ҳар доим такрорланиб келаётган қуйидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди: *давлатлар бошқа давлатларнинг манфаатлари билан камдан-кам ҳолларда мос келиши мумкин бўлган ўз миллий манфаатларидан келиб чиқадилар.*

Давлатлар халқаро майдонда ўзаро таъсир кўрсатиб, тегишли келишувлар ва қўшма муассасалар билан биргаликда кузатиладиган иқтисодий ва ҳарбий-стратегик йўналишдаги бирлашмаларни ташкил қилиб, иттифоқлар, альянслар, блоклар ва уюшмаларни тузадилар. Буларнинг ҳаммаси *устқурма* формати бўлиб, *унда давлатлар халқаро мулоқотнинг маълум меъёрлари, қоидалари ва одатларини биргаликда ишлаб чиқадилар.* Ҳатто халқаро ҳуқуқ тизими ўз моҳиятига кўра – бутун халқаро

<sup>10</sup> Системная история международных отношений в 4 т. События и документы 1918-2003 / Под ред. А.Д.Богатурова. Т. 3. События 1945-2003. – М., 2003. – С. 234.

<sup>11</sup> Қаранг: ўша жойда. – С. 235.

муносабатлар мажмуининг сабаби эмас, балки оқибати сифатида сиёсат сахнига чиқади.

Ички ва ташқи сиёсатнинг субъекти, миллий манфаатларнинг ифодачиси, уларнинг кафили ҳамда ҳимоячиси бўлиб фуқаролик жамияти ёки унинг бирон-бир алоҳида институти, сиёсий партияси, жамоатчилик гуруҳи, мажлиси ёки бирлашмаси эмас, балки давлат ҳисобланади. Давлат ўз ички ва ташқи сиёсатини қандай олиб боради, ўз миллий манфаатларини қандай ҳимоя қилади: буни у яхши бажарадими, йўқми, – бу бошқа масала. Кўп ҳолларда давлат томонидан ўз вазифалари ва устуворликларини, миллий манфаатларини нотўғри тушунилиши ёки уларнинг ҳимоясига давлат етарли даражада эътибор бермаслиги, у умуман ушбу манфаатларнинг субъекти эмас, деган янглиш тасаввурни туғдиради. Бироқ, давлат ўз вазифалари ва устуворликларни қандай тушунмасин ҳамда уларни қай тарзда амалга оширмасин, барибир у уларнинг субъекти ҳисобланади ва уларнинг ижроси амалда таъминланиши учун фақат давлатгина масъулдир.

Тизимости тузилмалар мунтазам равишда такомиллашувчи ва ривожланувчи ўз ички тизимости тузилма алоқаларига эгадир.

Мисол учун, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)<sup>12</sup> га аъзо давлатлар, мазкур бирлашма доирасида ўзларининг умумий манфаатлари-

<sup>12</sup> Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) – давлатлараро бирлашма бўлиб, дастлаб Беларуссия, Россия ва Украина томонидан ташкил қилинган. 1991 йил 8 декабрда Минскда МДХни ташкил қилиш тўғрисида Келишув имзоланиб, унда учта давлат раҳбарлари СССР чуқур инқироз ва парчаланиш шароитида ўз фаолиятини тугатганини тасдиқладилар. Бунда сиёсий, иқтисодий, гуманитар, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида келишилди. 1991 йил 21 декабрда Келишувга Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон қўшилдилар. Улар Беларуссия, Россия ва Украина билан Олма-Отада “МДХ мақсадлари ва тамойиллари тўғрисида”ги Декларацияни имзоладилар. Озарбайжон (1993 йил сентябрига қадар) ва Молдавия (1993 йил апрелигача) ушбу давлатларнинг парламентлари томонидан уларнинг ҳақиқий аъзолиги ратификация қилингунига қадар МДХнинг уюшган аъзолари бўлган эдилар. 1993 йилнинг октябрида Грузия МДХнинг ҳақиқий аъзоси бўлди. 2005 йил августида эса Туркменистон МДХнинг ҳақиқий аъзолигидан чиқиб, уюшган кузатувчи-аъзо мақомини олди. МДХнинг бир қатор тузилмаларида (президент девонларининг мувофиқлаштирувчи қўмиталари, статистика, темир йўл қўмиталари ва б.) кузатувчи сифатида Монголия қатнашади. Сўнгги пайтларда Грузия, Молдавия ва Украина сиёсатчилари МДХдан чиқиш ёки уюшган аъзо мақомига ўтиш эҳтимоли тўғрисида сўз очмоқдалар. МДХ раиси лавозими бир давлат раҳбаридан бошқасига навбат билан ўтади. Ҳамдўстликнинг доимий органи – Минск (Белоруссияда)ги МДХ Ижроия қўмитаси ҳисобланади. МДХ мамлакатлари аҳолиси 2006 йил бошига 280 млн. кишини ташкил қилди.

га содиқ қолган ҳолда, Парламентлараро ассамблея, Давлатлараро иқтисодий комитет, Давлатлараро банк доирасида ва ҳоказо соҳаларда ҳамкорликни давом эттирадидлар.

МДХ шаклини ўзгартириш зарурияти уларни Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотини (КХШТ), мустақкамлашга, шунингдек, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) доирасида Божхона ёки Валуага иттифоқлари доирасида интеграциялашувга ундайди. Ҳамдўстликка аъзо-давлатлар, баъзи ички зиддиятларга қарамасдан, бугунги кунда халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда ўзаро муносабатларини янгича йўсинда олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Дунёнинг бир қисмидаги ўзгаришлар муқаррар равишда унинг қолган ҳамма қисмларида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади ва бу ҳолат дунё бўйлаб рўй бераётган жараёнлар, шак-шубҳасиз, ўзаро боғлиқ эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Замонавий халқаро муносабатларнинг тизимли-тузилмавий асослари ўз-ўзидан эмас, балки ўзаро боғлиқлик қонунига кўра шаклланади. Бунда ҳар хил давлатлар, тизимости ва умумтизимий даражада ўзларининг ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширадидлар. Дунёдаги умумсиёсий муҳит ўз-ўзидан эмас, балки таъбир жоиз бўлса, дунёдаги қарийб барча давлатларнинг умумий сазъ-ҳаракатлари ва уларнинг шу пайтга қадар олиб борган сиёсати натижасидир. Бошқача қилиб айтганда, дунёнинг, унинг кичик тизимларининг, куч марказлари муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини шакллантиришда ва зиддиятлар тугунларининг пайдо бўлишида ҳам ХМнинг субъектлари ўз ташқи сиёсий фаолияти воситасида қатнашадидлар. Умумий мантиққа зид, боши берк кўчага ўхшаш маълум бир парадокс ҳолати юзага келади.

Давлатлар барқарорликнинг мустақкамланиши ва қулай ташқи муҳитнинг яратилишидан манфаатдордирлар. Айни пайтда, улар шаклланаётган статус-квони ўз ҳаракатлари билан у ёки бу даражада, яъни – тизим ёки умумтизимий даражада бузадидлар. Бу ўринда АҚШнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ҳудудий экспансияси даврини эслашнинг ўзи кифоя. Мазкур жараён қуролли кучлар қўллаган ҳолда тўғридан-тўғри босиб олиш йўли билан, ёки шундай деб аталмиш «келишилган харидлар» воситасида амалга оширилган эди, яъни: 1803 йилда АҚШ Франциядан Луизианани, 1819 йилда эса Испаниядан – (шу вақтга қадар АҚШ томонидан босиб олинган) Флоридани сотиб олди. 1867 йилда чор ҳукумати АҚШга Аляскани сотиб юборди. Биринчи жаҳон уруши даврида АҚШ Даниянинг ҳукуматига тазйиқ ўтказиб, ундан Сент-Томас, Сент-Джон ва Санта-Крус ороллари (Вест-Инд ороллари)ни сотиб олди. Дунё-



ни қайта тузиш ва бўлиб олиш учун олиб борилган биринчи уруш сифатида эътироф этилган – Испан-Америка уруши тугаганидан сўнг – 1898 йилнинг 10 декабрида Парижда Испан-Америка сулҳи имзоланди. Испания Кубадан воз кечди ва, тез фурсатда орол мустақил деб эълон қилинди. Лекин ҳақиқатда у АҚШнинг протекторати остида қолди. Пуэрто-Рико, Гуам ва Филиппин АҚШга ўтди. Филиппинга Германия ҳам даъвогар эди, бироқ Берлин фақатгина Тинч океанида жойлашган Каролина, Мариан ва Палау ороллариинигина Испаниядан сотиб олишга муваффақ бўлди, холос. Босқинчилик сиёсатининг ушбу барча ютуқларига ўзларининг таъсир доирасини кенгайтиришдан иборат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда эришилган.

Бундан маълум бўладикки, давлатлар ўз ташқи сиёсий фаолиятининг ҳар бир ҳаракатида қандайдир умумий манфаатлардан эмас, балки ҳар доим мунтазам ўзгариб боровчи ва тузатилиб бориловчи ўз манфаатлардан келиб чиқадилар. Шакллантирилаётган тузилма давлат раҳбарларининг ташқи сиёсат юритишдаги мафкуравий салоҳияти ёки дабдабали нутқларига боғлиқ бўлмай, балки фақатгина уларнинг хатти-ҳаракатлари-ю, муайян ишларида намоён бўлади. Бу ҳар доим камида бутун бир қатор бирга кузатиладиган йўлакай омиллар билан ўзаро бир-бирини тақозо қиладиган жараёнدير.

Бироқ ўзаро боғланганлик тенденцияси ижобий ривожланишнинг кўп сонли мисолларига қарамасдан, салбий жиҳатларга ҳам эга. Барча давлатлар учун чегараларни мустаҳкамлаш муаммоси, ўз ҳудудларини наркотрафикдан, қўпоровчи экстремистик гуруҳлар кириб келишидан, ноқонуний миграциядан, оммавий қирғин қуроллариининг ўта хавfli турларини ишлаб чиқариш технологияларини ўтказишдан ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Дунёдаги ҳеч бир давлат, у қанчалик бой ва қудратли бўлишидан қатъи назар, миллий манфаатлар ва мақсадларни халқаро тизим шартларига мослашиш жараёнидан холи эмас. Бу ерда бугунги замонавий халқаро муносабатларга хос бўлган яна бир қонуният юзага келади, яъни – дунёнинг ҳеч бир давлати ўз ташқи сиёсий муаммоларини ёлғиз ўзи, мустақил ҳал қилишга қодир эмас.

АҚШ қанчалик қудратга эга бўлмасин, у ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга қодир эмас. Бу турдаги бир томонлама ҳаракатлар муваффақиятсизликка учраши муқаррар. Бугунги Исроил давлати – Яқин Шарқдаги кучли ва технологик ривожланган ҳамда АҚШ томонидан тўлиқ қўллаб-қувватладиган давлатдир. Бироқ кўпчилик исроиллик сиёсатчилар мазкур ҳолат Фаластин Автономияси ва минтақадаги унга

чегарадош мамлакатлар билан фаол мулоқотни йўлга қўймасдан туриб ҳамда ана шу давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан туриб, яхудий давлатнинг хавфсизлигини тўла кафолатлай олмаслигини яхши тушунадилар. *Давлатнинг мутлақ кучи мавжуд эмас – дунёда ҳар қандай куч, у қанчалик таъсирли ва кенг кўламли бўлмасин, ҳар доим нисбийдир.* Бу замонавий халқаро муносабатларнинг аллақачон давр синовидан ўтган ва исбот талаб қилмайдиган аксиомасидир.

Шунинг учун ҳам, ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати, халқаро тизимнинг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсата бориб, ўзи ҳам унинг шароитларини ҳисобга олишга мажбурдир. Бунинг сабаби ҳар қандай давлатлар ўртасидаги ташқи сиёсатнинг ўзаро тизимий боғлиқлигида бўлиб, айти бир вақтнинг ўзида бирон-бир мутлақо мустақил ташқи сиёсатнинг мавжудлигини истисно этади, яъни тизимдан ташқарида мавжуд бўлган фаолиятни истисно қилади. Айнан шунинг учун ҳам марказий куч муносабатларининг айрим бирмунча фаол қатнашчилари Яқин Шарқдаги, собиқ совет ҳудудидаги Марказий Осиёда, ва умуман, дунёдаги янгича сиёсий шарт-шароитлар билан ҳисоблашишга мажбурдирлар.

Бу ерда ташқи сиёсатни шакллантирувчи шахсларнинг хоҳишлари ва давлатнинг эҳтиёжлари билан унинг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги тафовутни ажрата билиш ва кўпинча бундай хоҳиш-эҳтиёжлар билан имкониятлар бир-бирига айнан тўғри келавмаслигини эътиборда тутиш керак бўлади. Давлатлар ўртасидаги келишувларнинг ҳамма шартлари ҳам ҳақиқий бўлавермайди ва кўп ҳолларда у ёки бу вазиятларда мажбурий *мурасага* айланади.

Халқаро сиёсатни ўрганишга қайси жиҳатдан ёндашилмасин, бир нарса шубҳасиз – давлат, у кичик ёки катта, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ўз мустақиллигини сақлаб турган пайтгача, халқаро тизимда мустақил рол ўйнайди.

## Суверенитет категорияси

Суверенитет тушунчаси, умуман олганда, давлатнинг бирлиги ва яхлитлигини, унинг ташқи ва ички сиёсатни мустақил амалга ошириш, ўз армиясини ташкил қилишни ва ўз иқтисодийёгини яратиш ҳуқуқини англатади.

Давлат бирлигининг унинг алоҳида аъзолари томонидан ҳам, исалган ташқи кучлар томонидан ҳам, ҳар қандай бузилишига донмо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида қаралган ва якка ҳоким ҳуқуқида

бунга тўла ҳақли бўлган амалдаги ҳокимият томонидан чеклаб қўйилган. Софокл «Антигона» трагедиясида хусусий ва умумийнинг коллизияси тўғрисида сўзлаб, давлат тимсолидаги умумий хусусийнинг қаршилигини шафқатсизларча бостиради. Антигона, ўз ватанига қарши курашиб, жангларнинг бирида ҳалок бўлган акасини дафн этиш расман тақиқланганига қарамасдан, шоҳнинг иродасига қарши бориб, унинг ҳокини дафн этишга уринади. Унинг бу ишини Креон ўзининг суверен подшолик ҳокимиятига тажовуз сифатида баҳолайди ва бу ҳолат муқаррар равишда, Антигонанинг қатл этилишига олиб келади. Агар бунинг акси рўй берганда эди, бундай вазият қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айтиш қийин.

Софокл ўзининг драмасида юксак бадиий маҳорат билан бемаъни одатни кўрсатган – қонунларни бузиш ва суверен ҳокимиятга, давлатда мавжуд бўлган тартибга қарши чиқиш мумкин эмас. Унинг асосларини бузиш ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда кечирилмаган. Дарвоқе, бу қоида Юстиниан кодекслари билан асосланган ижобий ҳуқуқ асосига киритилиб, кейинчалик бугунги кунда Рим ҳуқуқи деб ном олган таълимот сифатида шаклланди.

Рим империясининг турли жойларида Рах Романа даврида содир бўлган бир қатор воқеалар шуни кўрсатадики, *суверенитет, худди суверен ҳокимият сингари, ҳеч қандай муқобилликларни кўтармайди ва ҳеч қайси вазиятда бўлинмайди.*

Жаҳон тарихи ушбу қондан тасдиқловчи мисолларга ниҳоятда бой: эр. 61-йилида Британияда бугунги Норфолк ва Суффолк графликлари ҳудудида яшаган икенлар (иценлар) британ қабиласи қироличаси Боудикка бошчилигидаги қўзғолонни олиб кўрайлик. Рим ҳукмдори Светоний Паулин томонидан бугунги Англис графлиги ҳудудида жойлашган друидлар ибодатхонасининг босиб олинishi қўзғолоннинг расмий сабабчиси бўлиб ҳисобланди.

Бироқ, аслида буларнинг барчаси икки ҳокимликнинг натижаси эди – қабила шоҳи, ўлимидан аввал, меросхўр қилиб, рим императорини унинг биргаликдаги меросхўрлари қилиб эса, ўзининг иккита қизини тайинлади. Британия подшоҳининг ўлимидан сўнг рим центурионлари мамлакатни бошқаришга аралаша бошладилар, подшо оиласининг хонадонидан эса Нерон императори юборган қуллар ҳамма нарсани бошқарар эдилар. Ушбу ҳақоратомуз шароитда қиролича Боудикка (ёки Боадия),<sup>13</sup>

<sup>13</sup> R.Ernest Dupuy, Trevor N.Dupuy. The Harper Encyclopedia of Military History. – London, 1993. – P. 225.

ўз армиясига эга бўлмаган ҳолда, қабиладошлари билан бирга ўз қаби-  
лаларининг қуллик мақомига қарши қўзғолон кўтаришга ва Британияда  
яккаҳокимликни ўрнатишга уринган. Бироқ, қўзғолон шафқатсиз бости-  
рилди ва қўзғолончилар ҳамда подшоҳ оиласи қонли жазога тортилди.

Яна бир мисол сифатида, эр. 69-йилидаги воқеаларни олайлик – «тўрт  
император йили» – Юлийлар-Клавдийлар сулоласи – ҳукмдорлигининг  
охирига олиб келиб давлат ҳокимиятининг парокандаликка юз тутиши  
даврини келтириш мумкин. Маълумки, империя бошқарувида уларнинг  
бош таянчи бўлиб армия ҳисобланган ва ўша вақтда у ҳокимият назора-  
тидан чиқиб, олий ҳокимият ўрнини ўзи эгаллаб олди. Айнан ўша армия  
машҳур рим императорлари сулоласини тахтдан ағдарди.

Римнинг йигирма олти цезаридан ўн олтитаси коинларча ўлдирилган,  
заҳарланган ёки қатл этилган эди, ўнтаси ўз ўлими билан вафот этган ва  
улардан фақат биттасигина, яъни – Александр Македонский, энг ёши  
бўлишига қарамасдан, ичкиликбозликдан вафот этган. Рус императри-  
цаси Екатерина II, маърифат даврининг машҳур намояндалари Дидро ва  
Вольтер билан хат ёзишган бўлса-да, ҳурфикрли Новиковни Петропав-  
ловск қалъасига қамаган ва оташқалб вольтерчи Радищевни Сибирга  
сургун қилган; Николай I исёнкор дворянларни дорга осган ва сургун  
қилган; халоскор-шоҳ Александр II қўзғолон кўтарган полякларга ҳам-  
дардлик билдирган офицерларни отишга ҳукм эттирган...

Аристотель ўзининг қуйидаги фикрини адолатли тарзда асослаб, шун-  
дай дейди: «... инсон ўз табиатига кўра сиёсий мавжудотдир, лекин тасо-  
дийий шароитлар оқибатида эмас, балки ўз табиатига кўра давлатдан  
ташқарида яшаётган кимса – ёки маънавий жиҳатдан ривожланмаган  
махлуқ, ёки ғайриоддий инсондир... Давлат табиатан мавжуд бўлиб, та-  
биатан ҳар бир инсондан илгари пайдо бўлади. Адолатлилик тушунча-  
си давлат ҳақидаги тасаввур билан боғлиқдир, чунки адолатлилик мезо-  
ни бўлиб хизмат қилувчи ҳуқуқ сиёсий мулоқотни тартибга солувчи мей-  
ёр ҳисобланади».<sup>14</sup> Огюст Конт, давлатнинг бирлиги ва унинг мустақил-  
лигининг устуворлиги ҳақида фикр юритиб, ўз фикрини бундан ҳам қатъ-  
ий ва узил-кесил ифодалайди: «Инсон эгалик қилиши мумкин бўлган яго-  
на ҳуқуқ – бу ҳар доим ўз мажбуриятларини бажариш ҳуқуқидир».<sup>15</sup>

Бироқ, мазкур категорияга бўлган ёндашувлар ва унинг талқинлари-  
даги айрим тафовутларга қарамасдан, уларнинг тарафдорлари суверен  
давлат жамият ҳамда ҳокимиятнинг бирлигисиз мавжуд бўла олмаслиги

<sup>14</sup> Аристотель. Политика. Кн. Первая, I (9, 11, 12).

<sup>15</sup> Қаранг: Friedmann W. Legal Theory. – London, 1947. – P. 161.

ни эътироф этган эдилар. Яъни, суверенитет қайси кўринишда қарор топмасян, давлатда қандай тузум шаклланмасин, ғоянинг ўзисиз давлатни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. *Давлат ҳаминша суверенитетнинг бош атрибуту, унинг субъекти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.* Айнан шу ижобий ҳуқуқ тизимида ўзининг асосини топган шундай деб аталмиш «келишув назарияси»нинг моҳиятини ташкил қилади.

Маърифат даврининг мумтоз вакили Жан-Жак Руссо «Жамоат шартномаси»да давлатни суверенитет тушунчасига тенглаштиради ва бу ҳолатни шундай таърифлайди: «бизларнинг ҳар биримиз умумий бойликка ва олий умумий ирода бошқарувига ўз шахсиятимизни ҳамда ўзининг барча куч-қувватимизни ўтказамиз, натижада, барчамиз учун ҳар бир аъзо бутуннинг ажралмас қисмига айланади». <sup>16</sup> Бундан, буюк французнинг фикрига кўра, давлат жамият, ҳокимият ва давлат қурилиши доирасида яхлит, бўлинмас ва ягона объект сифатида суверен бўлади. Давлат ҳуқуқ билан айнан ўхшашдир, шунинг учун давлатнинг суверенитети ҳуқуқнинг суверенитетига ўхшашдир. *Давлатнинг суверенитети ва унинг ҳимояси ҳар қандай давлатнинг олий миллий манфаатидир.*

Албатта, давлат бошқа давлатлар билан у ёки бу иттифоққа қўшилганда, у ўзининг суверен ҳуқуқларининг бир қисмидан иттифоқ фойдасига воз кечади, лекин у бу вазифани суверен давлат сифатида амалга оширади ва бунда ўзи ҳамон суверен давлатлигича қолаверади.

Давлатсиз суверенитет бўлмайди, чунки давлатдан ташқарида бундай тушунчанинг ўзи йўқ. Модомики, халқаро тизимнинг бош субъекти бўлиб давлат ҳисобланар ва унинг ҳаракатлари атрофида дунёдаги барча асосий воқеалар содир бўлар экан, гарчи биз уни қанча ном билан атасак ҳам – Владислав Сурковнинг таърифига кўра – «суверен демократия», ёки «плюралистик», «мажоритар демократия» ва ҳоказолардан иборат ҳар қандай ном билан айтсак ҳам, исталган давлатнинг суверенитети унинг олий ҳокимиятига тегишлидир ҳамда унинг тимсолида намоён бўлади. <sup>17</sup> Бироқ, уни биз ҳар қанча ниқобламайлик ва чалкаш ибора билан атамайлик – шунга ўхшаш сохта илмий мулоҳазаларнинг мазмуни баҳоловчи табиатга эга бўлиб, охир-оқибатда давлатга, унинг мазмуни, функциялари ҳамда вазифаларини белгилайди. Бунда давлатнинг ташқи ва ички майдондаги ҳуқуқларининг устуворлигини гавдалантирувчи асосий омил сифатида суверенитет тушунчаси биринчи ўринга чиқади.

<sup>16</sup> Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре. – М, 1969. С. 161-162.

<sup>17</sup> Сурков В. Национализация будущего. // Эксперт №43, 20 ноября 2006.

Айнан олий сиёсий уюшган ҳокимият қонуний асосларда ўзининг асосий мустақил ваколатларини бажаради:

- чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг демаркацияси ва делимитацияси;

- жанговар армияни ташкил қилиш;
- қонунларни қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- жамоат хавфсизлигини таъминлаш;
- миллий иқтисодиётни бошқариш:

- а) миллий валюта эмиссиясини ўтказиш;

- б) фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

- в) солиқларни йиғиш;

- г) божхонани бошқариш;

- д) капиталлар, товарлар ва хизматларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш учун тарифлар, квоталарни жорий қилиш;

- е) ижтимоий нафақаларни тўлаш;

- ж) фан, тиббиёт, таълим, маданият ва спорт соҳаларини маблағ билан таъминлаш;

- з) қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш;

- транспорт ва коммуникацияларни бошқариш;

- ташқи сиёсатни олиб бориш;

- халқаро мажбуриятларни қабул қилиш ва уларни тасдиқлаш (ратификациялаш).

Давлат суверенитетини мазкур функцияларидан аксариятини баъзи бир тадқиқотчилар «чегаравий» деб атайдилар, чунки улар бир вақтнинг ўзида ҳам ташқи, ҳам ички мақсадлар ва вазифаларга хизмат қиладди. Нима бўлганда ҳам, агар улар орасидаги энг муҳими бўлган миллий ўхшашлик тушунчасига тўхталиб ўтмасак, давлатнинг мафкуравий маданий қобиғи сингари суверенитет тушунчасида мужассамлашган давлатнинг мустақиллиги тўғрисида ушбу барча мулоҳазалар қуруқ гаплигича қолаверади. Булардан ташқари, миллатнинг энг сара қатламни, биринчи навбатда, бизнес-элитани, миллий ОАВларни, миллий жамоатчилик институтларини шакллантиришни ҳам ана шу тушунчалар тоифасига киритиш мумкин. Ва ниҳоят, давлатни модернизация қилишнинг миллий лойиҳасини ҳам шу маънодаги якунловчи нуқта дейиш мумкин.

Давлатнинг суверенитет тушунчасига америкалик машҳур ҳуқуқшунос М.Фоллет мана шундай таъриф беради: «Давлат, унда барча яшайдиган бир бутунни ҳосил қилувчи ҳокимиятга ва кучга эга бўлганлиги»

сабабли, суверен ҳисобланади. Мустақиллик – бу тўлиқ эркинлик билан туғдирилган ва ўзини ушбу сифатда англайдиган ҳокимиятдир». <sup>18</sup>

*Суверенитет* – бу олий ҳокимият феноменидир. Агарда бирон-бир ҳокимият ўзининг легитим функцияларини бажаришга, давлатни бошқаришга, тегишли тартибни ўрнатишга, ўзининг хавфсизлигини таъминлашга ва ўзини бирон-бир инсинуациялар ёки таҳдидлардан ҳимоя қилишга қодир бўлмаса – бу суверенитетнинг ягона соҳиби сифатидаги давлатнинг амалдаги ҳалокатини билдиради.

Суверен давлат феноменини таҳлил қилар экан, машҳур ғарб ҳуқуқшуноси Э.Хёбель шундай деб таъкидлайди: «Исталган жамиятда ҳуқуқнинг ҳақиқатда муҳим *sup qua non* <sup>19</sup> шarti – бу ижтимоий ваколатли орган томонидан жисмоний мажбурлашнинг расман қўлланишидир. Ҳуқуқнинг ўткир тишлари гарчи улар ҳамиша очиқ кўриниб турмаса ҳам, зарур ҳолларда тишлаб ҳам олиши мумкин». <sup>20</sup>

Суверенитет муаммосини тушунишда унинг битта етарлича муҳим бир хусусиятини ёдда тутиш ниҳоятда зарурдир: давлатнинг суверен ҳокимияти ички ҳуқуқ, ёки шундай деб аталмиш «муниципал ҳуқуқ» доирасида, унинг ягона манбаси бўлиб майдонга чиқади. Бу ҳолат, уни бажариш мақсадида қабул қилинадиган барча қонунлар каби, яккаҳокимона расмий зўрлик ва мажбурлаш санкциялари тизими билан таъминланади – улар умуммажбурий ва қайтариб бўлмасдир! Халқаро тизим субъектлари ўртасидаги муносабатлар халқаро-ҳуқуқий нормалар кўринишидаги тизимли устқурма билан тартибга солинади. Уларнинг асосий манбаси – давлатлар тузадиган давлатлараро шартномалар ва битимлардир ва улар, муниципал ҳуқуқ сингари, давлатлар учун мажбурий ҳисобланмайди. Мустақил давлатлар исталган вақтда шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, мазкур шартномалардан чиқиш ёки улар бўйича ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Айнан ушбу сабабга кўра улар мажбурий эмас, балки *тавсиявий* мақомга эгадир.

Гегель, давлатнинг қатъий тарафдори бўлса-да, масаланинг моҳиятини давлатларнинг «суверен» иродасига боғлар эди ва бу билан «сўнгги сўз» ҳуқуқини давлат хатти-ҳаракат эркинлиги ва ихтиёрига ҳавола қилган эди. Бироқ, у халқаро ҳуқуқ тамойилига кўра, давлатлар бир-бирларига нисбатан мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган

<sup>18</sup> Follet M.P. The New State. – New York, 1923 – P. 307-308.

<sup>19</sup> зарурий шarti – лот.

<sup>20</sup> Қаранг: Hoesbel E. Adamson. Antropology: The Study of Man. 3-d edn. – New York, 1953. – P. 452-453.

шартномалар “Pacta sunt servanda”<sup>21</sup> тамойили асосида бажарилиши шартлигини тан олган эди. Умуман олганда, машҳур олим Гоббсга тегиши бўлган ушбу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, давлатларнинг ўзаро муносабатлари суверенитет тамойилига асосланганлиги сабабли, улар ушбу жиҳатдан бир-бирига нисбатан табиий ҳолатда бўладилар ва уларнинг ҳуқуқлари умумий ҳамда улардан устун бўлган ҳокимиятда эмас, балки уларнинг алоҳида иродасида ўз воқелигига эгадир. Шунинг учун ҳам давлатлар ўртасидаги вазият шартномаларига мос бўлган муносабатлар ва уларнинг бузилиши ўртасида тебраниб,<sup>22</sup> “бориб-келиб” туради. Агарда суверен иродалар ўзаро келишувга кела олмаса, давлатлар ўртасидаги низо очиқ уруш йўли билан ҳал қилиниши мумкин. Гегелнинг фикрича, айнан қайси фактларни шартномаларнинг яққол бузилиши деб ҳисоблаш кераклигини таърифлаб бўлмайди, чунки давлат кўпгomonлама муносабатларнинг исталган жиҳатига ўзининг чексизлигини ва ўзининг обрўсини олиб кириши мумкин. Бундан ташқари, – дея ўз фикрини давом эттиради у, – давлат маънавий моҳият сифатида фақат ҳақиқий бузилишларнигина эътиборга олиш билан чекланиб қолмайди; бунинг устига, бундай бузилишни бошқа давлат томонидан таҳдид солаётган хавф-хатар, ёки унинг ёвуз ниятлари тўғрисидаги тахмин сифатида қабул қилиниши ҳам мазкур ихтилофли ҳолатга қўшимча юк бўлиб тушади.<sup>23</sup> Халқаро муносабатларнинг кўп йиллик амалиёти буюк немис файласуфининг мулоҳазалари адолатли эканлигини исботлайди.

Суверенитетни ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш геоевати билан уйғунликда давлатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш мақсади ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Ўз навбатида, ташқи чегараларни ҳимоя қилмасдан туриб ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминлаш тизимсиз мазкур вазифани бажариш мумкин эмас. Геосиёсий назарияларга кўра, ҳудуд ва аҳоли ўз-ўзидан давлатни белгиламайди. Давлат – бу нафақат ҳудуд, балки сиёсий майдондир. Бинобарин, ҳудуд қатъий белгиланган чегараларга эга бўлган ва уларнинг мустаҳкамлиги таъминланган тақдирдагина, у, сиёсий майдонга айланади. Ўз навбатида, аҳолини халқ ёки миллат деб ҳисоблаш учун, у давлат сифатида шаклланган ва маълум бир сиёсий майдон доирасида яшайдиган бўлиши шарт.

<sup>21</sup> Шартномлар бажарилиши шарт. – лот.

<sup>22</sup> Гегель. Философия права. – М.: Мысль, 1996. – С. 366.

<sup>23</sup> Ўша жойда. – С. 367.



Бошқача қилиб айтганда, сиёсий майдон – бу давлатнинг юрисдикцияси остида бўлган майдондир. Демак, агар давлатнинг аниқ белгиланган чегаралари мавжуд бўлмаса ҳамда уларнинг мустаҳкамлиги ва дахлсизлиги таъминланмаса, бундай давлатнинг суверенитети шунчаки расмиятчиликка айланиб қолади. Чегаралар нафақат ташқаридан душманнинг кириб келишига ҳамда назоратсиз амалга ошириладиган иқтисодий ва демографик экспансияга тўсқинлик қилиш, турли хил сепаратистик тенденциялар ҳамда оқимларга қарши чиқиш учунгина эмас, балки қўшни давлатлар билан рисоладагидай маданий муносабатларни ўрнатиш учун ҳам зарур. Бундай чегаралар бўлмаган жойда давлатлар ўртасидаги муносабатлар, одатда мунозарали ҳудудлар борасида зиддиятли тус олади.<sup>24</sup>

Бугунги кунда хавфсизликнинг ҳар хил турлари ҳақида кўп айтилади ва ёзилади: ички ва ташқи, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий ижтимоий ва озиқ-овқат, экологик ва ахборот хавфсизлиги ва ҳ. к. Бироқ, буларнинг бари, ташқи тафовутларга қарамасдан, фикримизча, ягона умумий мақсадга асосланади, яъни – давлатнинг суверенлиги ва унинг энг муҳим жиҳати – унинг чегарага эга эканлигидадир.<sup>25</sup> Чегара йўқ бўлса, мустақиллик ҳам бўлмайди!

Демак, бизнингча, суверенитет тушунчасига бевосита боғлиқ бўлган дастлабки геосиёсий воқелик – бу унинг чегараларидир, – дея қатъий қайд этиш мумкин. Чегаралар билан боғлиқ бўлган барча нарсани тўлиқ асосда давлатнинг энг муҳим сиёсий устуворликлари сирасига киритиш мумкин, чунки давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, шунингдек, унинг суверенитети ҳам, мазкур чегараларнинг бузилмаслигига боғлиқ.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирда мустақиллик муаммосининг турли хил талқинлари мавжуд: эркинларидан тортиб, энг қатъийларигача ва ушбу талқинларнинг асосида улар нима сабабдан келиб чиққанлиги ётади. Шубҳасиз, интеграциялашган Ғарбий Европа шароитида яшовчи Ғарбий Европалик тадқиқотчининг суверенитет борасидаги қарашлари ушбу муаммони яқиндагина суверенитетга эришган давлатлар нуқтаи назаридан кўрадиган кузатувчиларнинг қарашларидан тубдан фарқ қилади.

Бугунги кунда суверенитетни таъминлаш масалалари янги мустақил давлатлар учун алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу давлатларнинг аксариятига чегаралар Совет Иттифоқидан мерос бўлиб қолган

<sup>24</sup> Поздняков Э.А. Геополитика. – М.: Прогресс, 1995.

<sup>25</sup> Уша жойда.

ҳамда собиқ Иттифоқ доирасидаги бу чегаралар кўп ҳолларда маъмурий бўлиб, ҳар доим ҳам республикаларнинг миллий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олмаган эди. Ягона давлат доирасида бу ҳолат унчалик катта аҳамиятга эга эмас эди, лекин республикалар мустақилликка эришиши билан чегаралар муаммосининг долзарблиги янада кескин тус олди. Мазкур ҳолат оқибатида ички ва ташқи характердаги яширин ва яққол зиддиятлар мажмуи юзага келди ҳамда улар сепаратистик тенденциялар ва ички беқарорлик манбаига айланди.

Биз академик Э.Поздняковнинг фикрига қўшилаемиз. Унингча, чегаралар муаммоси давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг суверенитетини ҳимоя қилиш билан, яъни ушбу давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чегаралар мустақамлигини таъминлаш вазифаси давлатнинг бошқа муҳим манфаатлари орасида устувор вазифа ҳисобланади. «Давлат ҳудудининг исталган қисми, унинг катталиги ва бошқа моддий омиллардан қатъи назар, – дея таъкидлайди академик, – давлат суверенитетининг рамзи, унинг тарихи, нуфузи ҳамда обрўсининг ажралмас қисмидир. У ёки бошқа ҳудудни бой бериш давлат учун ниҳоятда хавфли бўлиб, унинг хавфсизлигига таҳдид солади... Бунда у ёки бошқа давлатнинг у ёки бу ҳудудга тарихий ҳақи борлиги тўғрисидаги шубҳали баҳслардан фойда йўқ. Давлат ўз тарихий тараққиётининг ҳар бир онидан нимага эришган бўлса, ўшанга эга бўлади; ва у нимагаки эга бўлса, ўша нарсани турли йўллار билан иложи борича сақлаши ҳамда ҳимоя қилиши шарт – бу унинг юксак бурчидир».<sup>26</sup>

## Ички ва ташқи сиёсат

Халқаро муносабатлардаги мураккаб чалкашликлар, чексиз ўзгаришлар ва қайта гуруҳлашлар, шу кундаги мавжуд иттифоқлар ва альянсларнинг тарқатиб юборилиши ҳамда янгиларининг ташкил қилиниши жаҳондаги давлатларнинг хатти-ҳаракатларида содир бўлаётган доимий ўзгаришлардан далолат беради. Буларнинг бари халқаро муносабатлар субъектларининг таъсир мавқелари ўзгариб бориши асосида юз беради.

Давлатларнинг дунёдаги ўрни, роли ва аҳамияти уларнинг ички ривожланиши ҳамда устуворликларига нисбатан кам даражада бўйсунган муҳитдаги фаоллиги билан белгиланади. Ташқи муҳит мавжудлигининг сабаби – халқаро тизим доирасида давлатларнинг ўзаро муносабатлар

<sup>26</sup> Поздняков Э.А. Геополитика. – М.: Прогресс, 1995. – С. 57.

мажмуи сифатида давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти бўлиб, унга кўра, давлатлар ўз миллий манфаатларини ҳимоя қиладилар. Ташқи сиёсий фаолият айнан ташқи муҳитга йўналтирилган бўлиб, айнан у, ўз навбатида, шу ўринда жаҳондаги сиёсий алоқаларнинг деярли исталган қатнашчисининг ички ривожланишига таъсир кўрсатади.

Дунё давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг тобора жадаллашиб бораётганлиги уларнинг автаркия ва ташқи яккаланиш шароитларида мавжуд бўлишига имкон бермайди, натижада, ўзига-ўзи бутунлай етарлиликни, айниқса, иқтисодиёт соҳасида, яратиш тўғрисидаги ғоялар рад этилади ҳамда уларни ҳаттоки энг қудратли давлатлар бошқа бирор давлатга муҳтожлиги йўқлиги мисолида амалга оширишга уринишларга чек қўяди.

Ҳозирги шароитда дунёнинг ҳеч бир мамлакати, унинг қай даражада катталиги ва иқтисодий салоҳиятидан қатъи назар, халқаро тизимнинг иқтисодий ёки сиёсий йўналишларидаги ривожланиш хусусиятларидан воз кечишга қодир эмас. Сиёсатчиларнинг бунинг аксига ишонтиришга бўлган ҳар қандай уринишлари бефойда.

Умуман олганда, *ташқи муҳит* деб давлатнинг кичик тизим, регионал ва умумтизим, глобал даражаларда ўраб олган атроф-муҳит ташқи воқелик тушунилади. Кичик тизим даражасида давлатнинг яқин доираси маконий-географик, табиий-иқлимий, транспорт-коммуникация ва ресурс шароитларининг ўзига хослиги, чегараларининг шакли, чегарадош давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг тури ҳамда даражаси билан тавсифланади. «Давлат учун давлатлараро муносабатлар тизими – бу ташқи муҳитдир. Унинг таъсири остида кўп жиҳатдан давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти шаклланади, унинг ичида камол топади, унда давлатлар бир-бирига таъсир кўрсатади, уларнинг манфаатлари бевосита тўқнашади, ҳамкорлик амалга оширилади ва нафақат алоҳида давлатларнинг, балки баъзида бутун дунёнинг тақдирига тааллуқли бўлган энг муҳим муаммолар ҳал қилинади».<sup>27</sup>

Давлатнинг *ички муҳити* ўз ичига давлатнинг тузилишини, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражасини, демографик ўсиш характери, ижтимоий онгининг турини, мазкур жамиятда устувор бўлган қадриятлар мезонини, унинг этник ўзига хослигини, экин майдонларининг сифатини, ирригация ҳамда мелиорация, ҳудуднинг аграр ва саноат жиҳатдан ўзлаштирилганлик миқёсини, ИТТКИ (илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари) ҳамда мудофаа саноатига қўйилмалар ҳажмини,

<sup>27</sup> Поздняков Э.А. Философия политики. – М., 1994, ч. I. – С. 178.

транспорт коммуникацияларининг ривожланганлиги ва ҳ. к. Буларнинг ҳаммасини умумий кўринишда деярли исталган давлат мисолида учра-тиш мумкин.

Ташқи ва ички муҳитда давлат сиёсатининг моҳияти унинг дунёдаги мавқеини доимо мустаҳкамлаб бориш, нуфузини ошириш, миллатни мустақил маданий яхлитлик сифатида сақлаб қолиш ҳамда унинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Давлат сиёсатининг турли мақсадлари ва йўналишлари, унинг миллий манфаатларининг асо-сида, биринчи навбатда, халқаро майдонда, миллатнинг (яъни давлатни) ўзини ўзи сақлаб қолиши, ёки *яшаб қолиш гоёси* ётади, чунки қолган бар-ча мақсадларга эришиши айнан шунга боғлиқ. Барча мамлакатлар учун умумий бўлган мазкур вазифага давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва унинг мустақиллигини таъминлашни киритиш мумкин.

Шу маънода XX аср жаҳон сиёсати тизимининг энг йирик ютуқлари-дан бири бўлиб, тотув яшашнинг бош шартлари сифатида чегаралар-нинг мустаҳкамлик тамойилини ўрнатиш ҳисобланади. Ушбу тамойил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича йиғилишнинг яқунловчи ҳуж-жатида қайд этилган (1975 й.) бўлиб, бундан аввал у Африка Бирлиги Ташкилотининг қарорларида ўз аксини топган эди. Агарда бириччи ми-солда биз Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШ ва Канада томони-дан қилинган ҳудудий даъволар Европа қитъаси бўйлаб олиб борилган қатор урушларга сабабчи бўлганлигининг тан олиншига гувоҳ бўлсак, иккинчисида эса, мустамлакачилик сиёсатининг қурбонларига айланган халқларнинг манфаатларини ҳисобга олмаган ушбу сиёсатга бўлган муносабатни яққол кўришимиз мумкин.

Ўтган асрнинг охирида Британия ҳукуматига раҳбарлик қилган баро-несса Маргарет Тэтчер давлатнинг халқаро майдондаги ролини шундай таърифлайди: «Ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш – бу, аввало, бошқа давлатлар билан муносабатларида шахсий мақсадларга эришиш учун куч ҳамда қудратдан фойдаланишидир.

Мен, консерватор сифатида, бундай таърифдан мутлақо чўчимайман. Бошқалар кучга таянмасдан, халқаро ишларда исталган натижаларга эришишга уриниб кўрсинлар. Улар муваффақиятсизликка учраши му-қаррар».<sup>28</sup> Фикрини давом эттирар экан, Тэтчер хоним ташқи сиёсатга бўлган муносабатини қуйидагича изоҳлайди: «Ташқи сиёсат ва хавфсиз-ликни таъминлаш масалалари борасида эркин фикр эмас, балки консер-

<sup>28</sup> Тэтчер Маргарет. Искусство управления государством. Стратегии для меняющегося мира. – М., 2003. – С. 17.

ватив нуқтаи назар тарафдори бўлганим сабабли, мен Уинстон Черчиллнинг нацистлар Германиясига қарши курашда СССР билан иттифоқ тузиш ҳақидаги фикрига мутлақо қўшиламан: «Гитлер дўзахга бостириб кирган тақдирда, мен, ҳеч бўлмаганда, шайтонга яхши тавсиянома берган бўлар эдим».<sup>29</sup>

Ғарбда узоқни кўзловчи кўпгина сиёсатчилар ташқи сиёсатга бундай ёндашувнинг яхши самара беришига деярли шубҳа қилмаганлар, акс ҳолда, улар ўз сиёсатларида муваффақиятсизликка учрар эдилар. Умуман олганда, давлатни ва унинг, ички ҳамда ташқи муҳитдаги функцияларини тушуниш аслида деярли барча сиёсий тафаккурнинг мактаблари ва йўналишлари учун хос бўлган ҳолатдир.

Энди амалда унинг сиёсати қай тарзда рўёбга чиқарилмоқда ва бу сиёсат у ёки бу давлатнинг туб миллий манфаатларига мувофиқ келадими ёки йўқми, – бу бутунлай блясқа масала. Англашимизча, бу масала ҳар бир давлат томонидан ўзидаги мавжуд восита ва имкониятларга мос равишда мустақил ҳал қилинади.

Шу муносабат билан, давлатларнинг тезкор ташқи сиёсий фаолият орқали ўз ташқи муҳитига ўзига керак бўлган йўналишда таъсир кўрсатишга интилиши ва, шу билан бир вақтнинг ўзида, таъсир этишининг энг самарали чораларини танлашни тушуниш мумкин. Уларга халқаро маъқеларини мустаҳкамланиши йўлида шаксиз таъсир кўрсатаётган миллий манфаатларнинг мураккаб мажмуи туртки бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда, давлатларнинг ташқи муҳити ҳам тизим доирасида уларга тескари таъсир кўрсатади. Бундай муносабатлар қатнашчисининг ташқи сиёсий эгилувчанлик даражаси, унинг ташқи сиёсий устуворликларини амалга оширишда ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига ўз вақтида мослашиш қобилияти, мазкур жараённинг мезони бўлиб хизмат қилади.

Мазкур мезоннинг самарадорлиги ўз давлатининг манфаатлари билан бирга бошқа давлатларнинг манфаатларини ҳам ўзаро ҳисобга олиш шарти билангина кўзга кўринади. Шунга қарамасдан, бутун халқаро тизим доирасидаги кучлар рақобатчилигини қатъий шартлари ҳеч бир давлатга халқаро муносабатларнинг тараққийёт йўналишини ўзи учун керакли ўзанга буриб юбориш кафолатини ҳам худди шунинг каби, мамлакатнинг тўлиқ хавфсизлигини бир ёқлама уринишлар билан таъминлаш кафолатини ҳам бермайди.

<sup>29</sup> Ўша жойда. – С. 22.

Жаҳон тарихи бундай мисолларга бой. Иккинчи жаҳон уруши даврида бўлиб ўтган «ғалати уруш» Европа халқларига кўп мусибатлар олиб келган. Маълумки, Англия ташқи ишлар вазирлиги Германия Польшага қарши ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни талаб этувчи нотани юборди ва, ақс ҳолда, Буюк Британия ўзининг кафилик мажбуриятларини бажариши тўғрисида огоҳлантирди. Франция ҳукумати ҳам худди шундай йўлни тутди. Мазкур талаблар билан чиққан инглиз, ва француз ҳукуматлари Муссолини воситачилигида янги битимни имзолаш йўли билан низони мустақил ҳамда моҳиятига кўра масъулиятсиз ҳал қилишга уринишлари беҳуда эди. Бироқ уларнинг режаси аввалги келишувлар доирасида СССРнинг тутган ўрнини ҳисобга олмаган, ва шу сабабли барбод бўлган. 1939 йилнинг 15 августидан якунланган инглиз-француз маслаҳатлари доирасида Германия томонидан эҳтимолли тажовуз ҳолатидаги ўзаро кафолат вариантлари ишлаб чиқилган эди. Биринчи вариантда Англия ва Францияга қарши тажовузни қайтариш кўзда тутилган эди. Бу ҳолда СССР инглиз ва француз кучларининг 70 фоизига тенг бўлган қуролли кучларни бевосита Германияга қарши сафарбар этиши керак эди. Англия ва Франция Польшадан Совет Қуролли Кучларини Польша ҳудуди орқали Германия чегарасига ўтказиб юбориш мажбуриятини олиши кўзда тутилган эди.

Иккинчи вариантда Германиянинг Польша ва Руминияга қарши тажовузини қайтариш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар кўзда тутилган. Бу ҳолда Польша ва Руминия тажовузкорга қарши ўзларининг барча қуролли кучларини сафарбар этади, Англия билан Франция эса, дарҳол урушга киришадилар. Шунингдек, Совет Иттифоқи ҳам, агар Франция ва Англия Польша билан ва, иложи борича Литва ҳамда Руминия билан ҳам совет қўшинларини ўтказиб юбориш ва уларнинг «Вилен йўлаги», Галиция ҳамда Руминия орқали ҳаракат қилишлари ҳақида келишиб олган ҳолда, урушда қатнашади.

Учинчи вариантда агар Германия Финляндия, Эстония ва Латвиянинг ҳудудларидан фойдаланиб, Совет Иттифоқига ҳужум қилган тақдирда, томонларнинг биргаликда олиб борадиган хатти-ҳаракатлари кўзда тутилган. Бу ҳолда Англия ва Франция дарҳол тажовузкорга ёки тажовузкорлар блокига қарши урушга киришишлари ҳамда уларга қарши фаол ҳаракатларни бошлашлари шарт эди. Улар тажовузкорга қарши ўзларининг умумий қўшинларининг 70 фоизига тенг миқдордаги қуролли кучларини юборишлари, шунингдек, совет қўшинларини «Вилен йўлаги» ҳамда Галиция орқали ўтказиб юборишлари лозим бўлган.

Бироқ, айрим мамлакатларнинг бирёқлама мавқеи туфайли, Европадаги вазият бошқача шаклланди. 1939 йилнинг 3 сентябридаёқ Франция

ва Англия Германияга қарши уруш эълон қилишга мажбур бўлдилар. Англиядан сўнг унинг доминионлари – Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка Иттифоқи, Канада ҳам Германияга қарши уруш эълон қилдилар, лекин улар Германияга қарши фаол ҳарбий ҳаракатларни амалга ошира олмадилар Англия ва Франция, ҳаво кучлари борасида уч баробар устунликка, танкларнинг сонига кўра ҳам устуворликка эга бўлишига қарамасдан ушбу иккала давлат фаол ҳарбий ҳаракатларни бошлашдан ўзларини тийиб турдилар. Бу давр «ғалати уруш» деб номланиб, 1939 йил сентябридан 1940 йилнинг майигача давом этган. Англия ва Франция учун бу урушнинг моҳияти шундан иборат эдики, нацистлар Германиясининг Польшани вайрон қилишига халал бермаслик, ундан сўнг эса СССРга қарши уруш бошланишига туртки бўлиб хизмат қилиш эди.

Мазкур вазиятда АҚШнинг тутган ўрни ажиб қизиқиш уйғотади. Америка ушбу вазиятда, биринчи навбатда, ўз манфаатларини қондиришни кўзлаб, катта устуворликни қўлга киритиш ниятида эди. 1939 йил 21 сентябрда «бетарафлик тўғрисидаги қонун»ни ўзгартириш ҳамда АҚШдан қурол ва ҳарбий материалларни олиб чиқиш учун эмбаргони бекор қилиш мақсадида конгресснинг махсус сессияси чақирилди. Бироқ америка компанияларига ўзларида бетараф мамлакатлар орқали нацистлар Германиясидан хом ашё, ҳарбий материаллар ва ускуналарга буюртмалар олиш тақиқланмаган эди. 1939 йил ноябрда Вакиллар палатаси ва сенат «бетарафлик тўғрисидаги қонун»нинг янги лойиҳасини тасдиқладилар. Унинг асосига «Cash & Carry» («тўлаб қўй ва ташийвер») тамойили олинган эди, яъни урушаётган мамлакатларга АҚШда нақд пул эвазига қурол-аслаҳа ҳамда ҳарбий материалларни сотиб олиш ва ўзларининг кемаларида ташинишга рухсат берилган эди. Бу Европа атрофидаги денгизларга тааллуқли эди. «Бетарафлик тўғрисидаги қонун»нинг янги таҳрири америка трансмилий корпорацияларига жаҳон товар ва хом ашё бозорларида ҳукмдорлик қилиш учун курашда бир томонлама имтиёз берган эди. Қўшма Штатлар ҳукумати америка кемаларига кириш ман этилган денгиз ҳудудларини ўрнатди ва, натижада, герман флоти учун Америкага иттифоқдош мамлакатларнинг денгиз флотига қарши сувости урушини олиб бориши осонлашди.

Фақат шахсий манфаатларнигина ҳисобга олишнинг хавфлилигини Британия ҳукуматини 1940 йил 10 майдан бошлаб бошқарган Уинстон Черчилль яхши англаган. Ушбу узоқни кўра билган сиёсатчи 1941 йил 22 июнида кечқурун ўзининг радио орқали қилган маърузасида совет-герман урушида Англия СССР тарафини олишини эълон қилди, чунки Совет Иттифоқига ёрдам бериш орқали, Англия ўзини қутқарди.

Шундай қилиб, ташқи сиёсатга жиддий ёндашув, унинг мақсад ва вазифаларини тўғри тушуниш, сиёсий жараёнлар ривожига моҳирона таъсир кўрсатиш, дунёда содир бўлаётган ҳар хил ўзгаришларга ўз вақтида ҳамда айнан мос муносабат кўрсатиш турли мавқедаги барча давлатлар учун ҳар доим муҳим бўлган. Бу эса, ташқи сиёсатни минтақавий ва умумжаҳон миқёсидаги ўзгаришларга мувофиқ мунтазам тўғрилаб бориш, ташқи сиёсатнинг давлатнинг ичкарисидига ва ташқарисидagi вазият билан яқиндаги боғлиқ ҳодиса сифатидаги моҳиятини тўғри тушунишни талаб этади.

Шу билан бирга, мамлакат ичидаги жараёнларни фақатгина ташқи омилларга боғлиқ, деб тушуниш керак эмас. Кеннет Уолтц таклиф этган неореализм таълимотига кўра, бунга яна яшаб қолиш муаммосини ҳам киритиш мумкин. Энг муҳими, давлат сиёсати деб аталувчи давлат ичкариси ва ташқарисидa, давлатнинг фаровонлигини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг ижобий мавқеини мустақамлаш сингари ягона умумий мақсадга эга бўлган яхлит ва бўлинмас ҳодисага тўғри ёндашишидир. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳам ягона давлат ривожланиш стратегияси доирасида ўзарo узвий боғлиқ тушунчалардир.

*Ички ва ташқи сиёсат – бу давлат тасарруфидaги иккита инструмент бўлиб, шунга мувофиқ тарзда ўз давлат (миллий) манфаатларининг, ички ҳамда ташқи жиҳатларини амалга ошириш учун мўлжаллангандир. Ушбу жиҳатлар қай даражада мос бўлмаса (ёки мос бўлса) ички ва ташқи сиёсатнинг вазифалари ҳам айнан ўша даражада мос бўлади (ёки мос бўлмайди).*<sup>30</sup>

Давлатнинг ташқи сиёсати ҳам, ички сиёсати ҳам, ўз мазмун-моҳиятига кўра, ушбу давлатнинг асосини ташкил қилган маданий-қадриятлар қатламига таянади. Шу билан бирга, *бирини иккинчисидан ҳосил қилишга уриниш* ёки мамлакат ичкарисидaги ва ташқарисидaги маълум бир жараёнларнинг бошқаларига қатъий бўйсунини тамойилини излаш *тўғри бўлмас эди.*

Акс ҳолда, «ташқи сиёсат» ёки «ички сиёсат» каби тушунчаларга эҳтиёж қолмаган бўлар эди. Давлат сиёсатининг йўналишларидан ҳар бири маълум маънода мустақилдир. Шу маънода давлатнинг ҳар хил функциялари, давлатнинг ягона сиёсати доирасида ҳар хил вазифаларнинг ҳал қилиниши унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда

<sup>30</sup> Поздняков Э.А. Философия политики. – М., 1994, ч. I. – С. 107.



тушинилади. Моҳиятан, хавфсизликнинг асосини таъкил қилувчи интеграл яхлитликка ички ва ташқи сиёсат воситасида бир танганинг икки тарафи сингари ҳар хил функциялар призмаси орқали эришилади. Бир-бирини ўзаро тўлдириш бор, лекин шароитларнинг бир томонлама ва қатъий ўзаро бўйсунганлиги мавжуд эмас.

Уларнинг фарқланишидаги ўзига хосликни англаб етиш тушиниш учун, уларни бир-биридан тубдан ажратадиган ҳамда уларни ички сиёсий ҳамда ташқи сиёсий манфаатлар соҳасига айлантирадиган омилларни ҳисобга олиш лозим. Бу, биринчи навбатда, ташқи муҳитнинг алоҳида табиати ва характери бўлиб, унда мамлакат ичкарисидагидан ўзгача, яъни ундан қатъий фарқланадиган қонулар ва механизмлар амал қилади. Бундай муҳитда давлатнинг анъанавий эҳтиёжлари, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий-мафкуравий эҳтиёжлари, бир қадар ўзгача тус олади. Давлат учун ўзгача бўлган, яъни халқаро муҳитда ҳатто давлат қурилишининг шакли ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ички ва ташқи сиёсат омилларини кўриб чиқишда ички ҳамда ташқи муҳитнинг шароитларига мос бўлган *чегаравий (ёndoш) сегментлар* ҳам учрайди. Уларнинг умумий кўриниши қуйидагичадир:

*Табиий омиллар:*

- Маконий-географик жойлашуви (унинг ўзига хос хусусияти, жумладан, қулай денгиз йўлларига ва қитъа ичидаги транспорт-коммуникация йўлларига бевосита чиқиш имкониятининг мавжудлиги ёки йўқлиги).

- Аҳоли (демографик қудрат).

- Иқтисодиётнинг қуйидаги жабҳалари: а) табиий захиралар, уларнинг тури, аниқланган ҳажмлари, қўйилмаларнинг қиймати; б) саноат ва қишлоқ хўжалик салоҳияти.

- Ҳарбий қудрат (қуролли кучларнинг ҳарбий тайёргарлик ва ҳаракатчанлик даражаси; қурол-аслаҳалар ҳамда ҳарбий техниканинг сифати).

*Маънавий омиллар:*

- Тарихий хотира.

- «Ўзга»нинг тимсолини баҳолаш.

- Халқаро мажбуриятлар соҳасидаги хулқ-атвор таомиллари.

- Миллий хавфсизлик муаммосига сезгирлик даражаси.

- Ўз навбатида, ички муҳит омилларига асосан қуйидагиларни кiritиш мумкин:

*Тузилмавий омиллар:*

1. Сиёсий институтлар.
2. Иқтисодий институтлар.
3. Табиий ва ижтимоий муҳитдан фойдаланишга қодирлик: технологик, иқтисодий ҳамда инсон салоҳиятларининг сифати.
4. Сиёсий партиялар.
5. Тазйиқ ўтказиш гуруҳлари.
6. Асосий сиёсий тазйиқ воситалари.
7. Қарорларни қабул қилиш механизми ва жараёнининг ўзига хос хусусияти.
8. Этник гуруҳлар.
9. Конфессионал гуруҳлар.
10. Тил гуруҳлари.
11. Ижтимоий ҳаракатчанлик ёки мослашувчанлик.
12. Ҳудудий тузилмаси: шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг улуши ёки ўзаро нисбати.
13. Жамиятдаги миллий тотувлик даражаси.

*Маданий ва инсоний омиллар.*

1. Давлатнинг қадриятлар тизими.
2. Тил.
3. Дин.
4. Тафаккурнинг устувор қолиплари.
5. Миллий анъаналарнинг тури ва характери.

Ички муҳит ҳам кўп жиҳатдан ташқи муҳит шароитларидан фарқлашиб турувчи алоҳида шароитларга эгадир. Давлат иқтисодиётининг ўзига хос тури, аҳоли қатламларининг таркиби, ижтимоий гуруҳлар ўртасида ўзаро муносабатларнинг характери, жамият ичида сиёсий кучларнинг ўрни ва ўзаро нисбати, сиёсий ҳокимиятнинг моҳияти, мазкур давлатдаги демократик институтларнинг ривожланиш даражаси, халқлараро тотувликнинг даражаси ҳамда сифати, шунингдек, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг бошқа элементлари – ана шуларнинг барчаси биргаликда давлат ички муҳитининг табиатини ташкил қилади.

Ташқи ва ички муҳит ўртасидаги тафовут бу иккала муҳитнинг айнан ушбу сегментларида яширинган. Уларга нисбатан давлатнинг муносабати бир хил эмаслиги ва ҳар хил эҳтиёжлар ҳамда вазифаларга мувофиқ, таъсир кўрсатишнинг бир-биридан фарқи воситалари қўлланишнинг боиси ҳам ана шундадир. Давлатдан ташқари ва унинг сарҳадларидан ташқарида унинг сиёсий ҳокимиятининг монополияси мавжуд эмас.

Халқаро тизимнинг мавжудлиги мустақил субъектлар сифатида тенг бўлган давлатларнинг мунтазам ва муросасиз курашда ўз ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиши билан боғлиқ.

Агарда давлат умумжаҳон муносабатларининг мустақил бирлиги сифатида ўзини сақлаб қолиши учун курашмаса, кўпинча замонавий қурол-аслаҳаларнинг улкан захираларини аксарият ҳолларда ниҳоятда қимматбаҳо ва рухсат этилмаган кўпайтириш, қуролларни кенг ишлаб чиқарилиш давлатни ички сиёсий барқарорлигини таъминлаш мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлмаган бўлар эди.

Ташқи муҳитда шаклланиб келаётган вазиятга боғлиқ равишда ва маълум иқтисодий ҳамда ҳарбий-техникавий имкониятлардан фойдаланиб, давлатлар асосан, *ташқи сиёсатнинг* қуйидаги *инструментларини* қўллайдилар:

*ташқи сиёсий тарғибот* (халқаро жамоатчилик тасаввурида мамлакатнинг ижобий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутади);

*дипломатия* (одатда учта даражада амалга оширилади – расмий учрашувлар, де-факто ва де-юре тан олиш, элчиларни айирбошлаш);

*ташқи савдо муносабатлари* (савдо алоқаларини ўрнатиш, ўзаро савдо битимларини тузиш, тарифлар ва квоталар тизими орқали ташқи савдода чекловларни қўллаш кўринишида бўлади);

*ташқи ёрдам* мамлакатлар томонидан уларнинг ташқи сиёсатида икки хил кўринишда – иқтисодий (молиявий ёки товар сифатида), шунингдек, ҳарбий (қурол-аслаҳа етказиб бериш, ҳарбий маслаҳатчиларни ҳамда ҳарбий қўшинлар ва контингентларни юбориш);

*иттифоқлар* (икки томонлама ёки кўп томонлама турлари учрайди ва одатда, икки турда бўлади – иқтисодий ёки ҳарбий, тегишли манфаатларни ҳимоя қилиш учун);

*халқаро ташкилотлар* (учта даражага бўлинган – глобал ёки минтақавий, давлатлараро ва ноҳукумат);

*бойкотлар ва санкциялар* (бир ёки бир гуруҳ давлатлар томонидан у ёки бу давлатга босим ўтказиб, у ёки бу халқаро муаммо борасида унинг сиёсатини ўзгартириш мақсадида қўлланади);

*ҳарбий куч* (ҳар хил кўринишларда бўлади – турли хил штаб, команда ва қўшма ўқув тайёргарликларни ўтказиш, энг замонавий ҳарбий технологиялар соҳасидаги ютуқларни ишлаб чиқиш ҳамда намоиш қилиш, шунингдек, мустақилликни ҳимоя қилишнинг сўнгги чораси сифатида урушни эълон қилиш).

Сиёсий жиҳатдан ноқобил давлат (Гаити, Сомали, Эритрея ва бошқа кўп давлатлар), кўп давлат қандай сиёсий ҳийлаларни қўлламасин, бош-

қа мамлакатлар ҳамжамиятида исталган мавқе, нуфуз ва ўринни эгаллай олмаслиги тайин.

Давлатнинг ички вазиятининг қудрати билан унинг давлатлар тизимидаги роли ўртасидаги у ўзаро алоқа тўғридан-тўғри бўлиб, ўзаро боғлиқликнинг ўсишига ҳам, давлатлар сиёсатида умумий манфаатларнинг пайдо бўлиши ёки кўпайишига ҳам қарамасдан, ҳеч қанча ўзгармаган. Аксинча, дунёдаги сиёсий муносабатларнинг жипслашуви, ўзаро боғланганликнинг ортиб бориши билан бирга, давлат ичидан заиф бўлгани ҳолда нисбатан кучли давлатнинг босим кўрсатишига қарши туриш ва бошқа, нисбатан қудратли давлатларга боғланиб қолмаслик тобора қийинлашади. Бу борада машҳур немис тарихчиси ва мутафаккири Леопольд фон Ранкенинг қуйидаги сўзларини ёдга олиш жоиздир: «Дунё бўлинди. Унда бир-нимага эришиш учун, ўз кучингизга таяниб, қад ростлашингиз, тўлиқ мустақилликка эришишингиз лозим. Сизнинг дунёдаги ҳуқуқларингизни сизга ҳеч ким ўз ихтиёри билан бериб қўймайди: улар учун кураша билмоқ керак».<sup>31</sup>

---

<sup>31</sup> Ranke Leopold von. The Theory and Practice of History. – N.Y., 1983. – P. 118.

## II БОБ. МИЛЛИЙ МАНФААТ КАТЕГОРИЯСИ

«Сиёсий реализм» мактаби давлатнинг халқаро майдондаги роли ва ўрни ҳамда унинг миллий манфаатлари билан боғлиқ муаммолар ечимини ишлаб чиқишда ҳамisha етакчи ўрин тутиб келган. Унинг асослари сиёсий тафаккурнинг инглиз-саксон йўналиши вакиллари томонидан шаклланган. Ганс Моргентау шундай деб ёзади: «Сиёсий реализм сиёсатда ҳақиқат ва фикр ўртасида фарқ бўлишига, ёки объектив ҳамда далилларга мос бўлмаган ва исталган нарсани ҳақиқий деб кўрсатишга интилишига асосланган субъектив фикрлаш ўртасида фарқ борлигига ишонади».<sup>32</sup>

Моргентау томонидан яратилган сиёсий таҳлилнинг йўналиши мамлакатнинг олий раҳбарияти ва биринчи навбатда, Қўшма Штатлар раҳбариятининг сиёсий қарорлар қабул қилиш амалиётига энг кўп жиҳатдан мос эди.

Давлатни ривожлантириш дастури сифатида миллий манфаатнинг концепцияси, у қаерда талқин қилинмасин, – Россия ёки Хитойдами, Ўзбекистон ёки Ҳиндистондами – ҳамма вақт ўзига алоҳида эътибор талаб қилади ва айнан реалистик фикрлайдиган таҳлилчилар ҳамда давлат арбобларининг қўлларида назарий ва амалий сиёсат инструментига айланади. Шу билан бирга, мазкур концепция «идеалистлар», яъни умуминсоний қадриятлар устуворлиги ғоясининг тарафдорлари томонидан танқид қилинади.

«Сиёсий реализм» йўналишига амалда аввалбошиданоқ сиёсий тафаккурнинг яна бир йўналиши қарши туриб, бу оқим «сиёсий идеализм» деб номланган. Унинг энг машҳур вакили бўлиб АҚШ президенти Вудро Вилсон ҳисобланади. Вилсон барча давлатлар ва халқлар учун умумий бўлган маънавий қадриятларни сиёсатнинг бош мақсади сифатида марказий ўринга қўйган. Унинг издошлари қаторига Америка президенти Дж. Картерни ва СССРнинг сўнгги президенти М. Горбачёвни қўшиш мумкин. Улар ўз сиёсатларини маълум бир мавҳум «умуминсоний қадриятлар» асосида олиб борганлар. Ўз-ўзидан англашиладики, бу икки давлат раҳбарининг шахсий сиёсий мансабида ҳам, ўзлари бошқараётган давлатлар сиёсатида ҳам инқирозга учраганлигининг боиси ана шундадир.

<sup>32</sup> Morgenthau Hans J. Politics Among Nations. The Struggle for Power and Peace. 4-th edn. – N. Y., 1967. – P. 4.

Шу муносабат билан эътироф этиш жоизки, – халқаро сиёсатдаги одоб тушунчаси ўзига хос талқинга эга. Одоб ёки ҳамдардлик халқаро ишлар учун эмас, кўпроқ инсон табиатига, шунингдек, шахслараро муносабатларга хос тушунча. Бунга ўхшаш тушунчалар, одатда, ички ишларга аралашувни яшириш ҳамда бошқа давлатларга ўз қадриятларини зўрлаб ўз сиёсатини ўтказиш мақсадида қўлланади. Ўтган асрнинг энг машҳур сиёсатчиларидан бири, «узун телеграмма»нинг муаллифи Джордж Кеннан шундай деган: «Қўшма Штатлар одоб тамойилларига риоя этишни истаган тақдирда, мурожаат қилиши мумкин бўлган, одобнинг халқаро эътироф этилган андозалар мавжуд эмас. Гап шундаки, дунёнинг кўп давлатлари томонидан, улар учун хатти-ҳаракатлар эркинлигини таъминлайдиган акцияларни ёқлаш «учун» ёки уларга «қарши» қўлланадиган муайян, баландпарвоз сўзлар ҳамда иборалар мавжуддир».<sup>33</sup>

Кеннан Сталин тузумининг тажовузкор хусусида огоҳлантира бориб, қудрат нуқтаи назаридан мулоқотдан фаолроқ фойдаланишни тавсия қилган. Унингча: «совет ҳукумати ақл-идрок далилларини менсимайди, лекин куч ишлатиш, зўравонлик мантиғига нисбатан ниҳоятда таъсирчандир». Советларнинг агар бирор босқичда қудратли қаршиликка дуч келиб қолгудай бўлса, аксинча, чекиниш ҳаракатига тушиб қолишлари ҳам эҳтимолдан холи эмаслиги тўғрисидаги хулоса ҳам ўз ўрнида аҳамиятга моликдир. Кейинчалик, телеграмманинг пайдо бўлиши сабабларини изоҳлар экан, Кеннан, уруш давридаёқ уни баъзи бир америкаликларнинг «Москва билан беғубор ва дўстона ҳамкорлик ҳақида»ги «асоссиз хаёллари» ташвишга солганини ёзади.<sup>34</sup> Унинг мақсади – Вашингтондаги баъзи бир доираларнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида тузилган америка – совет иттифоқи урушдан кейин ҳам тинчликнинг гаровига айланишини кутган «содда оптимизми»га чек қўйишдан иборат эди. Кеннанинг 8000 сўзлик телеграммаси Вашингтонда ўқиётганида, Уинстон Черчилль Фунтонда ўзининг машҳур нутқини сўзлади ва Совет Иттифоқи Шарқий Европа устига «темир парда» ёпганлигини эълон қилди.

Давлат тараққиётининг стратегиясини ва унинг миллий манфаатлари муаммосини ишлаб чиқишда ва тушунишда “сиёсий реализм” мактабининг барча афзалликлари билан бирга, унинг муҳим камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, улар миллий манфаатга – кўпроқ ташқи муҳитга қаратилган манфаат, яъни ташқи сиёсий манфаат сифатида қараб, давлатнинг ички сиёсий ривожланиши, унинг ички муҳити билан

<sup>33</sup> Kennan G.F. *Morality and Foreign Policy*. – *Foreign Affairs*. Winter 1985/ 86.

<sup>34</sup> *Los Angeles Times*. March 21, 2005.

узвий боғлиқ бўлган қатор манфаатларни эътибордан четда қолдиради. Гарчанд Моргентау миллий қудратнинг географик жойлашув, ресурслар, маънавий руҳ каби унсурлари ҳақида сўз юритаётгандай туюлса ҳам, унинг барча асарларида миллий манфаат, биринчи навбатда, халқаро муносабатларнинг омили сифатида кўриб чиқилади ҳамда бу омил ташқи хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқликда тадқиқ этилади.

Ички омилларнинг миллий манфаат концепциясидан истисно этилишини «реалистлар» шу билан изоҳлайдиларки, уларнинг ёндашувига кўра, муаммоларнинг мазкур гуруҳи ижтимоий манфаат – «*public interest*» соҳасига тааллуқлидир. Ушбу ёндашувда Ғарб тафаккури учун анъанавий ёндашув ҳисобланган давлат ва жамиятни бир-биридан ажартишга бўлган интилиш кўзга ташланади. Гўёки, давлат ҳам жамият ҳам алоҳида мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан фақатгина расман боғлиқ, холос.

Бизнингча, айнан шундай давлатдан эркин ва мустақил бўлишни бўрттириб тушуниш келиб чиқади ҳамда бундай ёндашув турли хил анархистик ва сепаратистик оқимлар учун қулай асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур оқимлар давлатнинг жамият тараққиётидаги ролини минималлаштиришни талаб этадилар ва бу ҳолат эндигина мустақил миллий ривожланиш йўлига чиққан давлатлар учун, айниқса, хавфлидир.

Шундай қилиб, давлат сиёсий жиҳатдан ташкил қилинган жамиятнинг шакли сифатида унда маълум бир тартибни сақлаб туриш, уни ҳимоя қилиш, унинг манфаатларини ифодалаш ҳамда уларни мамлакат ичкарида ҳам, ундан ташқарида ҳам таъминлаш учун асосий сиёсий инструмент бўлиб хизмат қилади. Жамият давлатсиз мавжуд бўлмагани каби, давлат ҳам – жамиятсиз мавжуд бўлмайди ва давлат – бу миллатнинг умумий манфаатини қисман эмас, тўлиқ ҳажмда ифодаловчи ягона институт ҳисобланади.<sup>35</sup>

Мазкур қонуният, ташкиллаштирувчи ва барқарорлаштирувчи таомил сифатида, инсоният тарихида қанча давлат мавжуд бўлган-у, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қай йўсинда кечган бўлса, худди шунча муддат ва шу тариқа давом этиб келгандир.

Агарда, давлат буни бажармаса ёки бажаришга қодир бўлмаса, айтиш мумкинки, у, шаксиз, танназулга юз тутади.

Фикримизча, миллий манфаат концепциясидан ички омилларни истисно этиш бирмунча асоссиздир. Бундай истисно этиш ички ва ташқи

<sup>35</sup> Мазкур тезис Э.А.Поздняковнинг қуйидаги бир қатор асарларида ҳар томонлама кўриб чиқилган ва асосланган: «Философия политики», «Философия государства» и «права», «Философия культуры», «Философия преступления» ва б.

сиёсатнинг, ички ҳамда ташқи муҳит омилларининг бўлинмас яхлитлигини сунъий равишда бузади, оқибатда миллий манфаатларни янглиш, бир томонлама тушунишга олиб келади. Амалда улар давлатнинг геосиёсий ўрни, сиёсий ва ижтимоий тузуми, иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси, ички сиёсий яхлитлик даражаси ва, албатта, – ташқи муҳитнинг омилларидан келиб чиқадиган ҳамда шу аснода ўзининг барча ранг-баранглиги-ю, мураккаблигида намоён бўладиган унинг манфаатларининг ифодаси ҳисобланади.

Бу борада эътиборингизни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларда давлатнинг ролига берилган баҳога қаратамиз. Унда бугунги кунда барча мустақил давлатлар мисолида собиқ совет республикаларида эски ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан янгиларига ўтиш давридаги давлатнинг роли ўрганилади.

Президентимизнинг таъкидлашича, *«Бозор муносабатларига ўтиш даврида бош ислохотчи бўлиб давлат чиқиши керак ва у иқтисодиёт ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгаришларни шилаб чиқиши ҳамда изчил амалга ошириши шарт. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини бутун дунё тажрибаси тасдиқлайди. Ўзини-ўзи тартибга солувчи бозор ўзининг соф кўринишида мавжуд эмас. Ўзининг алоҳида роли боис давлат ҳамма вақт иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатган.*

*Замонавий ижтимоий мўлжал олган бозор – бу давлат томонидан тартибга солинадиган бозордир...*

Ўтиш даврида давлатнинг роли айниқса каттадир, чунки бу пайтда тоталитар тизимнинг кўп функциялари бекор қилинган ва айни дамда, бозор функциялари – ҳали шаклланиб улгурмаган...

*Фақат кучли қайта тақсимловчи механизмга эга бўлган давлатгина мураккаб ўтиш даврида аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишга қодир. Бугунги кунда давлат – бу ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатларaro тотувликнинг кафили ҳамдир...»<sup>36</sup>*

Мазкур низомларни сиёсий назария ёки ғарб демократик қадриятлари нуқтаи назаридан қандай баҳоламайлик, сиёсий амалиётга татбиқ этилганида, улар Ўзбекистонни собиқ Совет Иттифоқи ўрнида пайдо бўлган бошқа давлатлар йўлида учраган тўсиқлар ва оғир таназзулларнинг ҳаммасидан бўлмаса-да, уларнинг кўпчилигидан асраб қолди.

<sup>36</sup> Каримов Ислам. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. – М.: «Палез» 1996. – С. 115.



Шуни тўлиқ асосда қайд этиш мумкинки, давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг бутун тарихи давлатларнинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти қай даражада боғлиқ бўлса, худди ўша даражада *миллий манфаат ҳам давлатларнинг биргаликдаги ички ва ташқи ҳаётий муҳим эҳтиёжларидан келиб чиқадиган уйғун, муштараклиги манфаатлардан иборатдир.*

Давлатларнинг ўз миллий манфаатларини амалда қандай ифодалашларига мурожаат қиладиган бўлсак, улар қаторига ички ва ташқи муҳитнинг шарт-шароит ҳамда миллий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини мужассамлаштирган ҳам ташқи, ҳам ички ҳаётий муҳим манфаатлар ва устуворликлар киритилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

АҚШ миллий манфаатларига АҚШ 1992 йилда Қуролли кучлар штаблари бошлиқлари қўмитаси раисининг маърузасида XX асрнинг 90-йилларига мўлжаллаб берилган таъриф бунинг амалиётдаги яққол тимсолидир. Орадан қарийб ўн йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан, ушбу ҳужжатнинг асосий қоидалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва бу ҳолат Америка ташқи сиёсатига хос ибратли барқарорлиқнинг далолатидир. Унда, жумладан, қуйидаги бандларни учратамиз:

- Қўшма Штатларнинг эркин ва мустақил мамлакат сифатида яшаб қолиши, уларнинг асосий қадриятларининг дахлсизлиги ҳамда ушбу мамлакатдаги институтлар ва халқнинг хавфсизлиги;

- АҚШ ва унинг иттифоқдошлари хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳар қандай тажовузни тўхтатиб қолиш мазкур сиёсат самара бермаган ҳолларда эса – қуролли ҳужумни қайтариш ёки рақибни тормор этиш ҳамда Қўшма Штатлар, уларнинг манфаатлари ва иттифоқдошлари учун фойдали шартлар асосида низога барҳам бериш;

- АҚШ хавфсизлигига, унинг фуқаролари ва манфаатларига қарши қаратилган таҳдидларнинг тўқнашувгача бўлган барча турларини қуролли самарали ҳал қилиш борасидаги текширилиши лозим бўлган тенг ҳуқуқли битимларни ҳаётга татбиқ этиш;

- қуролланишни назорат қилиш, давлатимизнинг стратегик тутиб туриш кучларини модернизациялаш, баллистик ракеталарнинг чекланган ҳужумларини қайтаришга қодир бўлган тизимларни ишлаб чиқиш ҳамда одатдаги зарур ҳарбий имкониятларни мустақкамлаш йўли билан барқарорликни ошириш;

- энг муҳим ҳарбий технологиялар ёки ресурсларнинг рақиб мамлакат ёки гуруҳларга бериб юборилишининг олдини олиш, хусусан, кимё-

вий, биологик ва ядровий қуролларни ҳамда уларни етказиб бериш билан боғлиқ тегишли юқори технологик воситаларнинг тарқалиб кетишининг олдини олиш;

- хорижда наркотиклар ишлаб чиқарилиши қисқартирилишини рағбатлантириш, халқаро наркотиклар савдоси билан шуғулланувчиларга кураш олиб бориш ҳамда мамлакат ичкарисидан наркотикларга бўлган эҳтиёжни қисқартириш йўли билан, АҚШга ноқонуний равишда олиб кирилаётган гиёҳванд моддалар оқимини тўхтатиш;

- соғлом ва юксалиб бораётган АҚШ иқтисодиёти якка тартибда раванқ топиш ҳамда мамлакат ичкарисидаги ва хориждаги умуммиллий интилишлар билан боғлиқ ресурслар кафолатини таъминлаш учун зарурдир;

- чет эл бозорларига, энергетик ва табиий ресурсларига, океанлар ва фазовий маконларга чиқиш имкониятини таъминлаш;

- сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, инсон ҳуқуқлари ҳамда демократик институтлар гуллаб-яшнаётган барқарор ва хавфсиз дунё;

- ўз ҳудудида устуворликка эга бўлмоқчи бўлган давлатларнинг “жилови”ни тортиб туриш мақсадида регионларда барқарор ҳарбий мувозанатни қўллаб-қувватлаш.<sup>37</sup>

АҚШ миллий манфаатларининг юқорида келтирилган рўйхати кўп жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Биринчидан, у ҳаётий муҳим манфаатлар билан бирга, ички манфаатларни ҳам ўз ичига олади ва бунда миллий манфаатларни, мутлақо деб бўлмаса-да, асосан ташқи муҳит билан, давлат ҳаётининг ташқи сиёсий қирралари билан боғловчи назариялар рад этилади. Иккинчидан, санаб ўтилган миллий манфаатларнинг ўзига хос хусусияти – бу уларнинг глобал (оламшумул табиати бўлиб, унда азалдан АҚШнинг ташқи сиёсати учун хос бўлган босқинчилик сиёсати рўй-рост намоён бўлади (бу борада Югославия, Афғонистон ҳамда Ироқдаги воқеаларни эслашнинг ўзи кифоя). Келтирилган рўйхатдан шунингдек, юқорида баён қилинган тезисни бевосита тасдиқлайдиган қуйидаги муҳим хулоса келиб чиқади: *миллий манфаатнинг ташувчиси ва ифодаловчиси – олий ҳокимият тимсолидаги давлатдир.*

Ҳақиқатан ҳам, барча ушбу улкан мақсадларни амалга ошириш ва нафақат Қўшма Штатлар, балки деярли бутун дунё жалб қилинган манфаатларнинг моддий, молиявий ҳамда мафкуравий жиҳатдан мураккаб

<sup>37</sup> Национальная военная стратегия США. Доклад председателя Комитета начальников штабов ВС США. (Перевод с англ.). – М., 1992. С. 12-13.

тизимини таъминлашга, фақатгина қудратли бошқарув, маъмурий, жазолаш-таъқиб этиш ва ҳарбий механизмга эга бўлган, *давлатгина* қодир. Атиги шу фактнинг ўзиёқ, фуқаролик жамиятининг бошқа ҳеч бир институти – у хоҳ сиёсий партия, хоҳ жамоат ташкилоти ва ёки бирлашмаси бўлсин, – мазкур вазифаларни ўз зиммасига олишга қодир эмаслигини яққол кўрсатади.

Давлатни миллий манфаатларининг барқарорлиги унинг ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларининг барқарорлиги билан бевосита боғлиқдир. Америка сиёсий ва илмий доираларида АҚШнинг миллий манфаатларини ҳамда унинг ташқи сиёсатидаги устуворликларни шакллантириш муаммоси борасидаги баҳсларга доир материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги мобайнида АҚШнинг миллий манфаатлари ўз моҳияти ва йўналиши жиҳатидан деярли ўзгармади. Фақатгина Совет Иттифоқи ва социалистик тизимнинг парчаланishi, собиқ советлар мамлакати ҳудудида янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши ҳамда дунёнинг ушбу регионидagi умумий беқарорлик билан, 2001 йил сентябридаги воқеалардан сўнг эса – халқаро терроризмнинг таҳдиди билан ҳам боғлиқ бўлган, баъзи бир устуворликлар ўзгарди. Бу маънода АҚШнинг мақсадлари, вазифалари ва устуворликларининг муҳим кўрсаткичи бўлиб Оқ уйнинг Қўшма Штатлар стратегиясининг устувор йўналишлари тўғрисидаги ҳар йили чоп этиладиган маърузаси ҳисобланади. 1997 йилдан бошлаб ушбу маъруза «Янги аср учун миллий стратегия»<sup>38</sup> номи билан чиқиб келади.

Шу ва шунга ўхшаш кўп ҳужжатлардан маълум бўлишича, АҚШнинг халқаро муносабатларга нисбатан тутиб келаётган глобал ёндашувлари асосида, аввалгидек ички ва ташқи жаҳонга раҳнамолик қилиш гоёси ётади. Шу билан бирга, ҳозирги замон дунёсининг энг таҳликали ва беқарор ҳудуди сифатида Ғарб учун ҳаминша низолар ва таҳдидлар ўчоғи бўлиб келган Евроосиё минтақаси Америка стратегиясининг, дунё соҳасида Американинг устуворлигини кафолатлашга хизмат қилувчи устувор йўналиши этиб белгиланган.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларда Қўшма Штатларнинг манфаатлари доирасидаги устуворликлари ва мақсадлари тегишли категорияларга асосан қуйидагича таснифланади: (1) *ҳаётий муҳим*, (2) *муҳим*, (3) *гуманитар* ва б. Биринчи категорияга мамлакатнинг ўзини-ўзи сақлаб туриши, хавфсизлиги ва яшаш қобилияти билан, хусусан, Қўшма

<sup>38</sup> A National Security for a New Century. – Washington, D.C.: The White House, May 1997, October 1998, December 1999.

Штатларнинг ҳам, уларнинг иттифоқдошларининг ҳам *худуди ва аҳолисининг «жисмоний хавфсизлигини» таъминлаш билан*, шунингдек, америка жамиятининг иқтисодий фаровонлиги ва мамлакатнинг яшовчанлигини таъминловчи асосий элементларнинг, жумладан энергетика ҳамда молиявий тизимнинг хавфсизлиги боғлиқ бўлган устуворликлар ҳамда мақсадлар киради. Бунда шуни таъкидлаш жоизки, таниқли америкалик халқаро муносабатчи – олимлар *доимо давлатнинг биринчи даражали манфаатлари доирасига унинг хавфсизлигини таъминлашни киритар эдилар, асло бунинг аксини эмас!* Ҳар ҳолда, давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларига унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишини англатади қабилдаги тескари талқин кузатилмаган.

Мазкур ҳужжатга кўра, мамлакатни яшаш доирасига бевосита алоқадор бўлмаган, лекин миллий фаровонликка ва Америка яшаётган тинчлик ҳолатига таъсир қилувчи манфаатлар *муҳим миллий манфаатлар* қаторига киритилади. Уларга, хусусан, АҚШнинг жиддий иқтисодий ва стратегик манфаатлари сақланиб қолган регионлар ҳам кирган.

*Гуманитар манфаатларга* Оқ уй инсоний қадриятлар тўғрисидаги америкача тасаввур билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий устуворликлар ва мақсадларни киритади. Бошқа мамлакатлар ҳудудида юз берган турли хил табиий офат ва фалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш борасида АҚШнинг иштирок этиши, инсон ҳуқуқларининг бузилмаслигига ва экологик муаммоларнинг ҳал қилинишига кўмаклашиши, демократик жараёнлар, ҳуқуқий ҳамда фуқаролик нормаларини қўллаб-қувватлаши юқоридаги фикрнинг яққол далили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қўшма Штатлар ўз устуворликларини шакллантиришда таянадиган бош ғоя, бугунги замонавий дунёнинг беқарорлигини, унда АҚШ ва унинг иттифоқдошлари учун хавфсизликка таҳдидларнинг мавжудлигини эътироф этишдан иборат бўлиб, бундан табиий равишда Американинг дунёда устуворлик қилиш зарурияти туғилади. Маърузада қайд этилишича, дунёдаги кучлар мувозанати мунтазам равишда Американинг дунёда устуворлик қилишининг зарурияти туғилади. Маърузада қайд этилишича, дунёдаги кучлар мувозанати ўзгарувчан, нобарқарор ва унинг турли хил таҳдидларга учраш эҳтимоли катта. Бундай таҳдидлардан бири дунёнинг қатор регионларидаги вазиятнинг беқарорлигидан иборат бўлиб, бунда баъзи мамлакатлар, – деб ёзилади маърузада, – *ўз қўшнларининг мустақиллигига, иқтисодий барқарорлигига ҳамда табиий ресурсларидан халқаро фойдаланишга таҳдид соладилар».*<sup>39</sup>

<sup>39</sup> A National Security Strategy for a New Century. December, 1999. – P. 2.

Бундай баҳо Оқ уй таҳлилчиларини мантиқан санаб ўтилган таҳдидларга қатъий қаршилик кўрсатиш, шунингдек, халқаро муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашиш ва ўзининг етакчи иқтисодий, сиёсий, ҳарбий коммуникация ҳамда бошқа мавқеларини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги хулосага олиб келади. Маърузада шундай ёзилади: «Биз ўзимизнинг ҳарбий, дипломатик, разведкачилик ва бошқа интилишларимизни таъминлашимиз учун зарур бўлган тегишли ресурсларни ажратмасак, ўз етакчилик ролимизни амалга ошира олмаймиз. Биз ўзимизнинг глобал етакчилигимизни таъминлаш ва бизнинг манфаатларимизга қўшилган мамлакатлар учун хавфсизлик соҳасидаги ишончли иттифоқдош сифатидаги мақомимизни сақлаб қолиш мақсадида бошқа давлатлар ҳамда халқаро муносабатларнинг ноҳукумат субъектларига таъсир кўрсатиш учун миллий қудратнинг барча зарурий воситаларини қўллашга тайёр бўлмоғимиз даркор».<sup>40</sup>

Шунинг билан бирга, Қўшма Штатлар бу ҳолат АҚШ давлати олиб бораётган мазкур сиёсат манфаатларига энг мувофиқ келган ва муқобил вариант бўлмаган ҳолларда, вазият тақозоси билан якка ўзи ҳаракат қилишдан ҳам бош тортаётгани йўқ. Мазкур ҳуқуқ, тушунишимизча, фақат Қўшма Штатларнинг ўзигагина тааллуқли бўлганлиги сабабли, дунёдаги алоҳида жиддий низолар мавжуд бўлган ҳоллар иттифоқчилик мажбуриятлари ва маслаҳатлари деярли бир пул бўлиб қолади. Анъанавий АҚШ иттифоқчиларининг Югославия, Афғонистон ва Ироқдаги воқеалар жараёнидаги “саҳна беази” сифатидаги иштироки ушбу қондани яна бир бор исботлайди.

АҚШнинг миллий манфаатлари кўриб чиқиладиган деярли барча манбаларида учрайдиган яна бир муҳим шартни қайд этишга тўғри келади. Қўшма Штатларнинг ҳаётини муҳим манфаатлари рўйхатига АҚШ учун энг аҳамиятли бўлган регионларда минтақавий раҳнаомлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳақидаги банд албатта киритилади. Мазкур банд Қўшма Штатларнинг миллий манфаатларига тааллуқли бўлган, сўнгги пайтдаги барча ҳужжатлардан ўрин олган.<sup>41</sup> У, биринчи навбатда, Америка учун Евроосиё ҳудудларидаги қулай бўлган кучлар мувозанати бузиш, шунингдек, мазкур ниҳоятда бой регионнинг энергоресурсларидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқини йўқотишдан хавфсираш

<sup>40</sup> Ibid, p. 3.

<sup>41</sup> Қаранг: America's National Interests. A Report from the Commission on America's National Interests, Cambridge: Center for Science and International Affairs. John Kennedy School of Government, Harvard University, July 1996. – P. 2-4, 21-22; July 2000. – P. 6.

билан изоҳланади. Сўнги омилнинг АҚШ учун нечоғли муҳимлигини 70-йиллар бошидаги энергетика инқирози ва Форс кўрфазида Фарбга нефть етказиб беришни барқарорлаштириш мақсадида Америка томонидан кўрилган чора-тадбирлар мисолида яққол кўриш мумкин. АҚШнинг Ироққа нисбатан тутган қатъий йўналишдаги муносабати ҳам бунинг шаксиз далилидир. Мазкур фикр Джеймс Бэйкер – Хамилтон Ли қатнашган Ироқ бўйича Комиссиянинг Маърузасида аниқ баён қилинган.<sup>42</sup> (*Iraq Study Group Report*). Унда кенжа Дж.Буш маъмуриятининг Яқин Шарқдаги кўп сонли хатолари бутун тафсилотлари билан кўрсатилган, Саддам Ҳусайн ағдарилганидан кейинги Ироқдаги вазият синчиклаб, батафсил таҳлил қилинган бўлиб, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, дипломатик мазмундаги кенг доирадаги тавсияларни ўз ичига олган, бироқ, Нури Ал-Малики раҳбарлигидаги янги Ироқ ҳукуматига ҳокимиятни тўлиқ назорат қилиш ваколатининг берилиши ёки бевосита бостириб кириш факти ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Янги Нури Ал-Малики ҳукуматининг ўзиёқ регионда АҚШ ҳозир бўлганлигининг сиёсий маҳсулидир.

Бугунги Қўшма Штатлар – дунёдаги ягона буюк мамлакат бўлиб, умуман халқаро муносабатлар тизимидаги ва алоҳида регионлардаги барқарорлик кўпинча унинг сиёсатига боғлиқдир. Бироқ, қизиғи шундаки, айнан АҚШ ягона буюк мамлакат бўлганлиги туфайли ҳам, мувозанатнинг очиқ-ойдин бузилганлиги ва тоб ташлаганлик туфайли халқаро барқарорлик жиддий зарар кўрган. Бу эса шундан далолат берадики, бугунги кунда ҳам, худди аввалгидек, давлат арбоблари, Ганс Моргентгаунинг таъбири билан айтганда, «куч сифатида белгиланган манфаат тушунчасидан келиб чиқиб фикрлайдилар ва ҳаракат қиладилар».<sup>43</sup> Ва фикрлашнинг мазкур усулига ҳозирча дунёдаги ҳеч қандай туб ўзгариш ёки қайта қуришлар бирон-бир таъсир кўрсата олмайди.

Ушбу сўзларнинг ҳаққонийлигини нафақат миллий манфаатлар муаммоси ҳаёлига чуқур ўрнашиб қолган АҚШ мисолидагина эмас, балки шунингдек, бошқа давлатлар мисолида айниқса, биринчи навбатда, яқиндагина мустақилликка эришган давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Г.Моргентау ўзининг энг муҳим, эътиборга молик асарларидан бирида шундай деб ёзган эди: «Бир-бирига қарши курашаётган фаласафий,

---

<sup>42</sup> Iraq Study Group Report – Barer–Hamilton Commission. Washington D.C. December 6, 2006.

<sup>43</sup> Morgenthau H.J. Politics Among Nations: the Struggle for Power and Peace. 4-th edn. – N.Y., 1967. – P. 5.

ижтимоий ва сиёсий тизимлар ўртасидаги мафкуравий баҳс, охир-оқибатда, нафақат рақобатчи давлатларнинг бошқа мамлакатларнинг ишларига сиёсий, тарғибий ёки иқтисодий аралашуви билан эмас, балки тегишли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларнинг аниқ ошкора устуворликлари ва иллатлари билан ҳал қилинади». <sup>44</sup>

Олимнинг тарихан хулосалари ҳаққонийлиги аллақачон ўз исботини топди. Бироқ бугунги кунда ҳам шу гапни айнан такрорлаш мумкин: яъни давлатни етакчи марраларга олиб чиқадиған омиллар у ёки бу мутафаккирларнинг тавсиялари, улар моҳиятан қанчалик яхши эканлигидан қатъи назар, ёки маънавий қадриятларнинг мавҳум тизимлари эмас, балки сиёсий раҳбариятнинг мамлакатнинг миллий манфаатларини тўғри тушуниш ҳамда уларни, ички ва ташқи омиллари бутун жамулжамлигини эътиборга олган ҳолда ички ва ташқи омилларнинг бутун изчиллик билан амалга ошира бориш асосида халқнинг турмуш даражасини ва иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишини таъминлашга қаратилган амалий хатти-ҳаракатларидир.

Бошқача қилиб айтганда, ўзини қудратли ва мустаҳкам куч сифатида англаган ва жамиятнинг жами манфаатларини ўзида акс эттирувчи давлат мавжуд бўлса (мисол учун – Қўшма Штатлар), бу ҳолда унинг миллий манфаатлари ўз-ўзидан аён бўлади ва аслида ҳеч қандай мавҳумликка ўрин қолмайди. Бунда гап муайян устуворликларни, шунингдек мақсадларни ва уларни амалга ошириш воситаларини аниқлаштириш устида кетиши мумкин, бироқ бу, эндиликда, нафақат фаннинг, балки тегишли амалий давлат органлари бажарилиши керак бўлган вазифалар доирасига тааллуқлидир. Давлат кучсиз ва заиф бўлса, мамлакат ичкарисидаги вазият ҳаминша барқарор, жамият парчаланган ҳамда бўлинган бўлса, унинг миллий манфаатларини аниқлаш анча мушкул бўлиб қолади. «Миллий манфаатлар, – дейди Э.А.Поздняков, – худди миллатлар каби, лабораторияларда яратилмайди, – улар ўзларининг ривожланиши ва оёққа туришига тўсқинлик қилаётган кучлар билан узлуксиз кураш жараёнида шаклланадилар ва қарор топадилар». <sup>45</sup>

Шу ўринда, эътиборингизни қуйидаги муҳим омилга қаратиб ўтишни истардик: миллий манфаат ва ундаги муҳим ўзгаришлар давлатнинг ички сиёсий барқарорлиги билан ҳам, шунингдек, халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлган ташқи сиёсий барқарорлик билан ҳам ўзаро увий боғлиқдир. Бироқ, ана шу халқаро муносабатлар тизими-

<sup>44</sup> Morgenthau H.J. A New Foreign Policy for the United States. – N.Y., 1969. – P. 263.

<sup>45</sup> Поздняков Э.А. Философия политики. – М., 1994. – С. 81-82.

даги ўзгаришлар, асосан, миллий манфаатларни ўзининг эмас, балки миллий манфаатлар тизимидаги устуворликлар ҳамда мақсадларнинг ўзгаришига олиб келади. Айтайлик, Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши ва бу билан бирга давлатлараро муносабатлар доирасидаги икки қутбли тизимнинг барбод бўлиши билан боғлиқ ҳолда жаҳон сиёсий майдонида рўй берган жиддий ўзгаришларга қарамасдан, ўзининг ички ва ташқи жиҳатларидан барқарорлигича қолиши АҚШнинг миллий манфаатларига айтарли муҳим ўзгаришлар олиб келмади. Ёки Чехия ва Польша ҳудудида ракеталарга қарши мудофаа (РҚМ) элементларини жойлаштириш ҳақидаги қарорни олиб кўрайлик, мазкур ҳужжат Буш маъмуриятининг тактик юриши эмас, балки бир неча маъмуриятларга тааллуқли бўлган, АҚШ ташқи сиёсатининг стратегик дастуридир. РФАнинг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар бўйича эксперти Александр Пикаевнинг таъкидлашича, демократлар орасида (америка маъмуриятида) ҳатто Ироқдан қўшинларни олиб чиқиш каби муҳим масалалар борасида ҳам яқдиллик йўқ ва шу сабабли демократлардан қўйилган номзод ғалаба қозонган тақдирда ҳам, Шарқий Европада Америка РҚМ тизимининг ташкил қилиниши қайта кўриб чиқилишини кутиш бефойда.<sup>46</sup>

Айни пайтда, уларнинг мазкур ўзгаришлари улардаги ташқи сиёсий устуворликлар мутаносиблигига сезиларли тузатишлар киритган бўлиб, хусусан айтганда, Марказий Осиё АҚШ учун ана шундай ташқи сиёсий устуворликлардан бирига айланди. Авваллари Марказий Осиёнинг катта қисми СССРнинг таркибига кирар эди, ҳозир эса ушбу нисбатан мустақил регион, улкан сиёсий, иқтисодий ва стратегик салоҳиятга эга бўлган, халқаро муносабатларнинг умумий тизимининг муҳим тизимости бирлигини ташкил қилади.

Россия билан олиб бориладиган сиёсий «ўйин»да Марказий Осиёда ҳукмронликка эришиш ва уни қўллаб-қувватлашдан Қўшма Штатлар шубҳасиз, манфаатдор, албатта. Бу ҳақда Америка давлат ва сиёсий арбоблари, шунингдек, Бжезинский, Киссинджер, Тэлботт сингари етакчи таҳлилчилари тимсолида кўп маротаба баён қилганлар. Улар ўзларининг 2001 йилда Афғонистонда ўтказган аксилтеррорчилик операцияси натижасида бунинг учун қулай имкониятни қўлга киритадилар. АҚШ Давлат қотибининг ёрдамчиси Элизабет Джонс АҚШ Сенатининг халқаро муаммолар соҳасидаги Марказий Осиё ва Кавказ бўйича қуйи кўмитасида қилган маърузасида шундай деди: «афғон низоси ҳал этилгани»

<sup>46</sup> WWW.gazeta.ru 21.08.2007.



дан сўнг, ҳам биз Марказий Осиёдан чиқиб кетмаймиз: иқтисодиёт ва жамиятни ислоҳ қилишга бўлган интилишлари, терроризмга қарши курашда улар бизни қандай қўллаб-қувватлаган бўлсалар, биз ҳам бу минтақа давлатларини худди шундай қўллаб-қувватламоқчимиз. Бу узоқ муддатли муносабатлардир».<sup>47</sup> Гарчанд, исталган сиёсий тадқиқотда у ёки бу давлат ёки партияларнинг муайян сиёсатини баҳолашдан ўзни тийиш жуда қийин бўлса-да, сўнгги йиллардаги воқеалардан келиб чиқадиган бўлсак, аҳвол ҳақиқатан ҳам шундай. Бундай ҳолларда муаллиф ҳамиша Макс Вебернинг назарий тадқиқотларда бунга мумкин қадар йўл қўймаслик ҳақидаги тавсиясини ёдга олади, чунки акс ҳолда тадқиқот партиявий табиат касб этиб қолиши мумкин.

Ўз навбатида, Бжезинскийнинг таъкидлашича, Марказий Осиё региони, айни дамда, буюк давлатларнинг рақобатчилик «қозони»<sup>48</sup>га айланиб қолиш хавфи остида бўлиб, бунда бош геосиёсий мақсад – бу Евроосиёнинг марказий майдони устидан назорат ўрнатиш, геоиқтисодий мақсад эса – регионнинг ресурс салоҳияти ҳамда транспорт алоқалари устидан назоратнинг амалга оширилишидан иборат ва у кўп жиҳатдан Марказий Осиё давлатларининг ўзи ўз сиёсатини қайси йўналишда олиб боришига боғлиқ бўлиб, бу ҳолда сайёрамизнинг поёнсиз кенгликларидея жойлашган кучлар мувозанати ана шу омилларга боғлиқ бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Қўшма Штатлар миллий манфаатларининг сўнгги ўн йилликдаги тадрижий ривожини кузатсак, уларнинг эволюцион ривожланиш мароминигина эмас, ўта барқарорлигича қолиб келаётган тизимда АҚШ миллий манфаатларининг қанчадан-қанча сиёсий устуворликлар ва муайян ташқи сиёсий мақсадларнинг ҳам алмашганлигининг гувоҳи бўламиз (кейинчалик бу ҳақда алоҳида сўз юритилади).

Дунёда кучларнинг икки қутбли мувозанати амал қилган даврда Совет Иттифоқининг заифлашуви АҚШ миллий манфаатларига ҳамоҳанг бўлиши табиий эди. Совет Иттифоқи парчаланиб, Россия моҳиятан унинг сиёсий ворисига айланганидан сўнг, дунёдаги вазият нафақат соддалашмади, балки бундан-да мураккаб ва олдиндан бирон-бир фикр билдириб бўлмайдиган бўлиб қолди, Қўшма Штатлар хавфсизлигига таҳдидлар эса камайиш ўрнига, сезиларли даражада ошиб кетди ва икки қутбли дунё давридагига нисбатан сифат жиҳатидан янгича тус олди. Натижада, АҚШда «миллий хавфсизлик манфаатлари» деб аталувчи умумий

<sup>47</sup> Қаранг: Интернет. ЮСИА, 17.12.2001.

<sup>48</sup> Қаранг: Brzezinski Zbigniew. A Geostategy for Eurasia. – Foreign Affairs. September-October, 1997. – P. 1.

миллий манфаатлар ўзига хос табиатини сақлаб қолган бўлишига қарамасдан, устуворликлар ва мақсадлар тизими жиддий ўзгарди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ганс Моргентау миллий манфаатни нафақат сиёсатни реалистик тушунишнинг асоси сифатида қабул қилади, балки уни амалга ошириш воситаси сифатида миллий манфаатнинг куч билан узвий боғлиқлигини ҳам эътироф қилади.

Куч нуқтаи назаридан белгиланган манфаат концепцияси, – деб ёзади у – сиёсий реализмга халқаро сиёсат чангалзорларида ўз йўлини топиш учун ёрдам берадиган бош восита бўлиб ҳисобланади». <sup>49</sup> Шубҳасиз, фақат давлатгина ана шундай куч соҳиби бўла олади.

Ўзининг кўп сонли асарларида Моргентау миллий манфаатлар тушунчасини турлича маънолар нуқтаи назаридан кўриб чиқади: ҳаётий муҳим манфаатлар, бош манфаатлар, иккинчи даражали, умумий, низоли, бир хил, доимий, ўзгарувчан ва ҳоказо манфаатлар. *Давлатнинг бош манфаати (хусусан, шунинг ўзи миллий манфаат) давлатнинг жисмоний, сиёсий ва маданий яхлитлигининг ҳимоясини англатади.* Бош манфаат муросасозлик, музокаралар ёки сиёсий савдолашувнинг объекти бўла олмайди. *Барча давлатлар бир хил бош манфаатга эга бўлиб, уни қандай бўлмасин, ҳимоя қилишлари шарт.* <sup>50</sup>

Ана шу барча мулоҳазаларга қўшимча қилиб яна шуни ҳам айтиш мумкинки, миллий манфаатнинг «сиёсий реализм» мактаби доирасидаги талқини «миллий манфаат» тушунчаси билан таърифланадиган функционал ўзаро боғлиқликни акс эттирувчи мураккаб тизимнинг фақат бир қисминигина ифодалайди ва бу тизим, давлатнинг ташқи хавфсизлигини таъминлаш манфаатларидангина иборат бўлмайди. <sup>51</sup>

Давлатнинг миллий манфаати ўз ичига мамлакатнинг умумий геосиёсий манфаатларини, иқтисодий манфаатларини, шунингдек, асосий ижтимоий ва давлат институтларининг барқарорлигини сақлаб қолиш билан боғлиқ манфаатларни ҳамда жамиятда ижтимоий ва ҳуқуқий барқарорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги манфаатларни ўз ичига олади. Бироқ, булар ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Давлатнинг чуқур асосини ҳар бир халқнинг ўзига хос анъанавий тарихий, маданий ва этно-психологик асос-

---

<sup>49</sup> Morgenthau H. Politics Among Nations. – P. 5.

<sup>50</sup> Morgenthau H. Dilemmas of Politics. – Chicago, 1958. – P. 66; Idem: The Impasse of American Foreign Policy. – Chicago, 1962. – P. 173-191.

<sup>51</sup> Маденов Д. О природе американского национального интереса. Национальные интересы: теория и практика. / Под ред. Э.А.Позднякова. – М.: ИМЭМО АН СССР, 1991. – С. 155-156.

лари ташкил қиладики, бу омиллар, уни нафақат давлатнинг расмий шиори остидаги индивидларнинг оддийгина механик мажмуига, балки маълум бир маданий яхлитлик сифатида халққа айлантиради.

Миллий манфаатларнинг мазмуни халқнинг ўзига хослиги, унинг асл анъаналари ва урф-одатлари билан, яъни унинг маданияти билан белгиланади ҳамда ушбу манфаатлар мазкур ўзига хос маданиятни сақлаб қолишга, лекин ҳеч бир ўзгаришсиз қотиб қолган турғун ҳолатда эмас, балки ҳар бир муайян даврда миллатнинг ва давлатнинг олдида турган вазифалар асосида бу маданиятни янада ривожлантириш ва бойитиш маъносида сақлаб қолишга қаратилгандир. Миллий манфаатлар бу маънода маълум бир идеални гавдалантириб, жамият ва давлат ана шу мукамаллик тимсолини амалга оширишга интилиши лозим. Давлат раҳбариятининг донолиги шундан иборатки, мазкур мукамаллик тимсолига таяниб ва айна пайтда, жамият ва давлат ҳаётининг реал ички ҳамда ташқи шарт-шароитларига мумкин қадар яқинлаштирган ҳолда, миллат манфаатларининг мазкур шароитда айнан мос муқобил бўлмаган турларини ифодалаш талаб этилади.

Шундай қилиб, миллий манфаатлар халқнинг миллий ўзлигини («миллий характер») англаш, унинг анъаналари, шунингдек, мамлакат геосиёсий мавқеининг ўзига хослиги сингари тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Ўз навбатида, миллатнинг тарихий генезиси, унинг менталитети ва руҳий ҳолатининг ўзига хослиги, ҳар бир давлатни осонликча ажратиб олиш мумкин бўлган ташқи сиёсатдаги ягона «миллий услуб»ни шакллантиради. Халқаро муносабатларнинг замонавий назариячиларидан бири, америкалик тадқиқотчи Колин Грей бу ҳақда шундай ёзади: «Миллий услуб... – бу мазкур муайян давлат учун етарли даражада яхши «ишлайдиган» услубдир. Миллий услуб – бу сиёсат ижодкорлари ўйлаб топган тасодифий омил бўлмасдан, балки аксинча, турли хил таҳдидларга миллий жавобнинг бутун ўтмиш давомида кечган тарихий тажриба синовидан муваффақиятли ўтган моделидир».<sup>52</sup>

Шу муносабат билан, Ўзбекистоннинг «миллий услуби» ҳақида гап кетадиган бўлса, фикримизча, у, аввало, ташқи сиёсатнинг мувозанатлашуви ҳамда унинг босиқлиги билан, шунингдек, давлатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқлари ёки гуруҳларининг ҳеч бирига қўшилмайдиган ва айна пайтда, ўзининг мустақил регионал давлат сифатидаги сиёсий мақомини сақлаб қоладиган ҳамда уни қатъий қўллаб-қувватлайдиган, шу билан бирга, ўзига хослигини сақлаб қолаётган ҳамда замонавий дав-

<sup>52</sup> Gray C. Nuclear Strategy and National Stuye. – Janham, 1986. – P. 37.

латларнинг сиёсати даражасида бўлишга интилиши билан тавсифланади. Мазкур услубнинг асосида ётган шарқ донишмандлиги Ўзбекистон учун халқаро майдонда душман ортгирмасликка ва жаҳон ҳамжамиятида тегишли нуфузга эга бўлишга имкон беради.

## Устуворликлар ва мақсадлар тизими

«Сиёсий реализм» мактаби тақдим этган кўринишдаги миллий манфаатлар бирмунча мавҳум табиатга эгадир ва шу сабабли улар ўзларининг геосиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тавсифларидан қатъи назар, исталган вақтда, исталган давлатга нисбатан қўлланиши мумкин. Улар ҳар бир маданий ва ижтимоий-иқтисодий муштараклик табиий равишда ўзини сақлаб қолишга, ҳаётий яшовчанликка ва ўз хавфсизлигини таъминлашга интилади, деган ниҳоятда жўн бир маъно негизига қурилган бир қадар умумий маънони ифодалайди. Бу маънода уларнинг мазкур таърифи бемаъниликдан бошқа нарса эмас.

Маълумки, мана шу хилдаги мавҳум бир умумий шаклда олинган миллий манфаат тушунчасини операционал деб ҳисоблаб бўлмайди, ёки, бошқача қилиб айтганда, мазкур тушунча муайян сиёсатнинг ишчи инструменти бўлиб хизмат қила олмайди. Ҳақиқатан ҳам: ўзини сақлаб қолиш, яшовчанликка интилиши ва хавфсизликни таъминлаш ғояси амалда нимани билдиради? Бу сўзлар у ёки бу якка инсон ёки инсонлар уюшмасининг ҳаётий яшовчанликка интилишига таҳдид остига соладиган қандайдир ташқи ёки ички шарт-шароитларга эътиборни тортмасдан қолмайди. Якка инсонга нисбатан олганда ушбу таҳдидлар бошқа инсонлар ёки тирик мавжудотлар (масалан, ёввойи ҳайвонлар) тарафидан келиб чиқиши мумкин; шунингдек, бундай таҳдид улар ташқи муҳит омилларидан келиб чиқиши ҳам мумкин, яъни: озиқ-овқат ва сув тақчиллиги, оғир иқлимий шароитлар, табиий офатлар ва бошқалар. Бунинг устига, бундай таҳдидлар турли вақтларда турлича табиатга эга бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиб қўйиш лозим. Барча ҳолатларда инсон яшаб турган муҳитида ўзига таҳдид солаётган омилларга қарши курашда маълум бир устуворликлар тизимини, шунингдек, изчиллик билан амалга ошириладиган мақсадларни ва уларни рўёбга чиқариш воситаларини ишлаб чиқишга мажбур бўлади. Бундай зарурат шу билан изоҳланадигани, инсоннинг имкониятлари чекланган бўлиб, у барча таҳдидларга қарши бирданига курашишга қодир эмас, бунинг устига, мазкур таҳдидлар ҳар хил вақтда ва ҳар хил ерларда пайдо бўлиши мумкинлигини

ҳисобга оладиган бўлсак, вазифанинг нечоғли мураккаблиги дарҳол аён бўлиб қолади.

Айнан шу фикр давлатнинг ўзига ҳам тааллуқлидир. Давлатнинг халқро муносабатларда фаол қатнашуви ва барча йўналишларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифалари, охир-оқибатда, барибир унинг захиралари чекланганлигига бориб тақалади. Ҳатто энг қудратли давлатлар хусусида ҳам айнан шундай фикр билдириш мумкин. Захираларнинг чекланганлиги муаммоси ҳар бир давлатда турлича тарзда намоён бўлади, албатта, лекин чексиз захираларга эга бўлган давлатнинг ўзи йўқ. Шу сабабли *исталган давлат*, у катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, *сайлов сиёсатини олиб боришга*, бунинг учун эса, – ривожланишнинг ҳар бир даврида теварак-атрофдаги оламга яхшироқ мослашиш ва ўзининг асосий миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган *устуворликлар тизимини* ишлаб чиқишга *мажбурдир*. Бошқача қилиб айтганда, миллий манфаатлар давлатни ўзини сақлаб қолиш, ўзи хавфсизлигини ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш билан боғлиқ объектив эҳтиёжларнинг ифодаси сифатида, сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш даражасининг ўзидаёқ сиёсатнинг аниқ устуворликлари, уларни амалга оширишнинг мақсад ҳамда воситаларининг тимсолига айлана боради. Бундай устуворликларни ишлаб чиқиш – давлатни ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган олий ҳокимиятнинг ва тегишли органларининг ваколатига киради.

Давлатнинг беқарорлиги манбалари ҳам ички, ҳам ташқи табиатга эга бўлиб, шунга давлат ва жамиятнинг яшаб кетишига ҳамда унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар ҳам ички ва ташқи табиатга эга бўлади. Давлатнинг табиатига ва ривожланишининг ҳар бир даврида шакланган вазиятга энг кўп тўғри келадиган тегишли сиёсат олиб борилган ҳолларда ҳамда устуворликлар, мақсадлар ва воситалар тўғри танланганда юқорида айтиб ўтилган беқарорлик омиллари нафақат заифлашуви, балки, аксинча давлатнинг барқарорлиги ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамловчи ижобий қудратли кучга айланиши мумкин. Фикримизча, айнан шундай ўзгариш йўсинида сиёсатчилик санъати тўлалигича намоён бўлади.

Юқорида қайд этилганлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин: миллий манфаат тушунчаси ҳар бир муайян даврдаги реал вазиятга яқинлашган кўринишга эга бўлиши учун, унга нисбатан, устуворликлар, мақсадлар ва воситаларнинг маълум бир тизими сифатида ёндашув мақсадага мувофиқдир. Миллий манфаатнинг умумий мақсади ўзгармаслигида, маъзур устуворликлар, мақсадлар ва воситалар унинг ўзгарувчан қис-

мини ташкил қилиб, ушбу қисм ташқи дунёда ҳам, жамият (давлат) ичида ҳам объектив вазият тақозоси билан бирга ўзгаради.

Миллий манфаатлар ҳамда сиёсий устуворликлар ва мақсадларнинг ўзаро нисбатини ҳарбий ишдаги стратегия ва тактиканинг ўзаро нисбати билан солиштириш мумкин. Стратегия – бу бирон-бир ҳарбий кампания доирасидаги умумий вазифалар ва мақсадлар йиғиндиси; тактика эса – бу макон ва вақтнинг муайян шароитида ҳар хил четлашиш ва чекинишларга йўл қўйган ҳолда, айни бир вақтда унинг ичкарисида бўлиш демакдир.

Юқорида келтирилган АҚШ миллий манфаатларининг рўйхати амалда айнан АҚШ ташқи сиёсати устуворликларининг рўйхатидир. Улар нисбатан аниқ бўлиб, халқаро вазият ва ундаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир. Гарчи, улар учун ҳали маълум даражасидаги декларативлик хос бўлса ҳам, бироқ бу ҳолат мазкур ўринда умумий миллий манфаатларни шакллантиришдаги нисбатан анча кам даражада намоён бўлади. Мамлакат ташқи сиёсатининг концепцияси баён қилинган сўнгги Россия ҳужжатида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Унда учинчи ва тўртинчи боблар замонавий босқичда глобал ҳамда регионал муаммоларни ҳал қилишда айнан Россиянинг устуворликларини белгилайди.<sup>53</sup> Ўз навбатида, устуворликлар сиёсатининг мақсадлари ва уларни амалга ошириш воситаларини ишлаб чиқишда янада аниқлаштирилади.

Бошқача айтганда, давлат *сиёсатидаги бундай устуворликлар* – биринчидан, давлатнинг муайян бир даврда объектив ички ва ташқи шарт-шароитлар тарафидан унга солинаётган «чақириқлар» ҳамда таҳдидларга нисбатан берган сиёсий жавобидир; иккинчидан, давлат раҳбарияти томонидан ривожланиш жараёнида пайдо бўладиган ва унинг учун фаолият соҳаларида: сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳа ҳамда ҳарбий-стратегик ҳаётий муҳим соҳалар эҳтиёжларининг онгли равишда расмийлаштирилишидир.

Одатда, давлатда кўрсатилган соҳаларда янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши бевосита унинг амалий сиёсий фаолиятининг ўзгаришига олиб келмайди. Давлатнинг эҳтиёжлари тегишли сиёсий манфаатлар кўрини-

<sup>53</sup> Концепция внешней политики Российской Федерации.// Дипломатический вестник. 2000, №8. Расман қабул қилинган концепция шаклида ташқи сиёсат устуворликларини белгилаш, одатда, глобал манфаатларга эга бўлган давлатлар учун хосдир – Қўшма Штатлар ёки Россия учун. Ўзбекистон Республикасида эса бундай устуворликлар асосан Парламент сессияларида Президентнинг дастурий маърузаларида белгиланади.

шида, манфаатлар эса – аниқ шаклланган сиёсий устуворликлар ва мақсадлар кўринишида ўз ифодасини топмагунига қадар, ушбу эҳтиёжлар реал эмас, балки юзага чиқиши мумкин бўлган потенциал ҳолатда мавжуд бўлади. Амалиётда кўринадики, улар фақатгина тегишли тарзда шаклланган сиёсий устуворликлар ва мақсадлар воситасида ҳақиқийга айланадилар ҳамда уларни амалга ошириш учун айнан мос воситаларни танлаб олиш йўли билан мустақамланадилар.<sup>54</sup>

Ҳар қандай фаолият ва аввало сиёсий фаолият, доимо қандайдир афзалликлар ва устуворликлар билан боғлиқ бўлиб, улар тегишли воситалар ёрдамида ана шу афзалликлар ва устуворликларни уларни амалга оширишга қаратилгандир. Буларнинг бари онгли фаолиятни турли хил лойиҳапарастлик ва сиёсий сафсатабозликдан ажратиб туради. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси устуворликлар, мақсадлар ва уларни амалга ошириш воситалари тизимига таянадиган, айнан шундай адолатли сиёсатни олиб боришга интилмоқда. Давлат ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги мувозанатни қўллаб-қувватлаган ҳолда нисбатан барқарор ривожланмоқда. Шу тариқа, Бжезинский ҳам ўзининг китобида бугунги кунда Ўзбекистон амалда Ўрта Осиёда минтақавий етакчиликка бош номзодлардан бири эканлигини таъкидлайди.<sup>55</sup>

---

<sup>54</sup> Қаранг: Поздняков Э.А. Системный подход и международные отношения. – С. 122-128.

<sup>55</sup> Бжезинский З. Великая шахматная доска. – М.: «Международные отношения», 1998. – С. 157-158.

### III БОБ.

## ЖАҲОН СИЁСАТИДА КУЧЛАР МУВОЗАНАТИ

Икки минг йил аввал Аристотель “Сиёсат” китобида аргонавтларнинг саёҳатларидан бирида рўй берган бир воқеани таърифлайди. Аргонавтлар Гераклнинг қудратидан ҳавфсираб, унинг ёрдамидан воз кечадилар. “Ахир хор раҳбари бутун хордан ҳам баланд ва чиройли овозда куйловчи бирор кимсанинг хорда қатнашишига йўл қўярмиди”, – дея ҳақли равишда таъкидлайди Аристотель.<sup>56</sup>

Аристотелнинг ушбу ишораси мутлақо эскирмайдиган барҳаёт ҳикмат сифатида шуни англатади: халқаро сиёсатнинг бош қонуни бўлмиш – кучлар мувозанатига қатъий амал қилинг.

Мазкур қонуният, ташиқллаштирувчи ва барқарорлаштирувчи таъмоий сифатида, инсоният тарихида қанча давлат мавжуд бўлган-у, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қай йўсинда кечган бўлса, худди шунча муддат ва шу тариқа давом этиб келгандир. Тарихнинг қайси даври бўлмасин, мамлакатлар Инсоният тараққиётининг исталган бир босқичини олиб қаралганда, дунёдаги ўз ишларини айнан шу таъмоийга асосланиб олиб борганлар. Давлатлараро муносабатларнинг бошқача аҳволи жаҳон тарихига маълум эмас. Булар хоҳ уруш ёки хоҳ қисқа муддатли тинчлик давлари бўлмасин, ҳар доим кучлар мувозанати пайдо бўлиб келган ва уларнинг хатти-ҳаракатларини тегишли йўналишларида бошқариб турган.

Бунинг боиси ҳам яна ўша омилга, яъни ҳар қандай халқаро мулоқот тизимининг марказий «қахрамони» – давлатнинг хулқ-атворини тушуниб етишга келиб тақалади. Жаҳон майдонида у ўзининг миллий ўзига хослигини намоиш этади ва бу ҳолат унинг сиёсий хулқи ҳамда амалга ошираётган ишларида ўз аксини топади. Мустақил бирлик сифатида, давлат ташқи муҳитда мустақил хатти-ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир ва мумкин қадар ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилади, баъзида эса чегарадан чиқиб ҳам кетади.

Амалда, бундай тенденция айнан шундай мустақил ва кўпинча сиёсат ва иқтисодиёт борасида ҳам бир-бирдан асло қолишмайдиган мустақил давлатларнинг, худди шундай даъволарига тўқнаш келади. Бундай тўқнашувларда халқаро муносабатларнинг турли субъектлари ҳар хил, ўзаро мос бўлмаган миллий манфаатлар билан бирга чиққанида

<sup>56</sup> Аристотель. Политика. Кн. третья, VIII. – С. 1-6.



уларнинг ўртасидаги баҳс ёки низои адолатли ҳал қилиш ҳуқуқининг ягона мезони бўлиб, куч омили ҳисобланади. Бу ерда маънавий-ахлоқий ёки умуминсоний қадриятларга ҳеч қандай ҳеч бир ҳаволага ўрин йўқ, чунки уларни давлатлар ҳамжамияти учун умуммажбурий жиҳатлар сифатида бирлаштириб турувчи омил фақатгина куч бўла олади, холос.

Поздняковнинг фикрича, давлатнинг кучи деганда унинг тегишли воситалар ёрдамида халқаро майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қилиши ва ўз мақсадларини амалга оширишига қодирлигини тушуниш лозим. Мазкур қобилиятининг моддий асоси сифатида эса давлатнинг ҳарбий-иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти англашилади. Шунинг билан бирга, дунё ишларида куч ҳар доим бирламчи, муқаррар ва муайян бўлиб, у бир ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг қудрати билан таъминлангандир. Шунингдек, у доимо нисбийдир ва фақат бошқа давлатлар билан муносабатлар тизимидагина ўлчаниши ҳамда синалиши мумкин.<sup>57</sup> Халқаро зиддиятлар кескинлашган пайтларда тенглик тамойили шунчаки расмийлиги ва кўп ҳолларда эътиборга олинмаслиги сезилади.

Бу ерда «balance of power» ва «balance of forces» каби терминларни таржима қилиш вақтида пайдо бўладиган маълум бир фарқни ажратиш лозим. Таниқли россиялик сиёсатшунос А.Д.Богатуров ўзининг халқаро муносабатлар муаммоларига бағишланган тадқиқотларидан бирида бу борада шундай ёзади: «Рус тилида «кучларнинг мувозанати», яъни уларнинг ўзаро нисбатини англлатувчи маънони билдириш учун, инглиз тилида “balance of forces” ибораси мавжудлигини кўзда тутмоқ лозим. Статус-кво йўналишида фикрловчи “замонавий мумтоз”лардан бири бўлмиш Г.Киссинджер ўзининг сўнгги асарларида «balance of power» (рус тилида «кучларнинг мувозанати», «кучлар ўзаро нисбати»га айнан мос) ҳамда “balance of forces” тушунчалари ўртасидаги тафовутни ажратиш кўрсатиши нисбатан умидбахш таъсирга эга. У биринчисини 1918 йилдан аввалги тарихга, иккинчисини эса – масалан, Германия ва унинг европалик қўшилари ўртасида таъсир кўрсатишнинг беқарор ўзаро нисбати хос бўлган бугунги вазиятга нисбатан қўллайди”.<sup>58</sup>

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, халқаро муносабатлар борасидаги куч, жамланган ва кўп омилли ҳодиса сифатида, қатъий, ўзгармас ҳолатда бўлмайди. У доимо тузатилиб, ўзгартирилиб, тўлдирилиб боради ва шу

<sup>57</sup> Поздняков. Э.А. Философия политики. –М., 1994, ч. 1. С.134.

<sup>58</sup> Богатуров А.Д., Косолапов Н.А., Хрусталева М.А. Очерк теории и методологии политического анализа международных отношений. – М.: Научно-образовательный форум по международным отношениям, 2002. – С. 148.

аснода, замон ва маконда турли ўзгаришларга учрайди. Ахир дунёдаги давлатларнинг ўзлари ҳам бир хил ривожланган эмас ва демакки, жаҳон сиёсати ҳамда иқтисодиётида ва, албатта, ҳарбий секторнинг ривожланиш кўрсаткичларида турлича мавқега эгадирлар. Шунинг учун *икки ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг ўртадаги зиддиятлар боис, қачон ва қаерда тўқнашишмасин, бунда муқаррар равишда кучлар мувозанати тамойили амал қилади*. Мисол учун, битта давлат ўзининг иқтисодий ва ҳарбий қудратини мунтазам ошира бориб, бу билан ўзининг рақиблари ютуқларини шубҳа остига қўяди. ХМ тизими доирасидаги бир субъектнинг хатти-ҳаракати умумтизим ёки тизимости миқёсида бошқа субъектлар томонидан бошланиб кетадиган аксилҳаракатларга шаксиз сабабчи бўлади. «Кучлар мувозанати сиёсати, – бу, ўз моҳиятига кўра, халқаро муносабатлар тизимининг марказлаштирилмаган, бошбошдоқларча шароитлардаги давлатлар хавфсизлигини таъминлашнинг шаклидир. Бундай сиёсат, ўз навбатида, бир давлатнинг бошқа давлатлар томонидан мунтазам равишда пайдо бўлиб келадиган мувозанатни бузишга бўлган интилишларига қарши бош кўтарган акс-таъсир демакдир. Бунинг устига, кучлар мувозанати сиёсатининг амалга оширилиши кўпинча уюшмалар тизими ёки давлатларнинг бошқа чоралари ва ҳаракатлари билан туғдирилган қарама-қарши тарафга “оғиш” туфайли тизимдаги мувозанатнинг бузилишига сабабчи бўлиб қолади”.<sup>59</sup>

Халқаро шартномалар борасидаги жуда кўп қоидалар, кучлар мувозанати тамойилининг муҳимлигини шаксиз, асослайди. Халқаро-ҳуқуқ амалиётида мазкур тамойилнинг аҳамиятини ўрганувчи йўналишлар шаклланган. Улардан бири Утрехт тинчлик сулҳи (1913 й.) қоидалари асосида пайдо бўлган ва “кучлар мувозанатини асосий ҳуқуқий тамойили сифатида эътироф этган эди; иккинчиси кучларнинг мувозанатини нафақат ҳуқуқий-тамойил сифатида, балки халқаро ҳуқуқнинг сиёсий асоси сифатида асослайди; учинчи йўналиш эса, кучлар мувозанатини ҳар бир давлатнинг сиёсий бирлик сифатидаги ўзлигини сақлаб қолишга бўлган мустақил ҳуқуқида мужассамлашган бўлиб, кучлар мувозанатини халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида баҳолайди”.<sup>60</sup>

Жаҳон сиёсатининг ушбу ниҳоятда муҳим қонунини тушунишга жаҳон тарихи, хусусан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган, икки қутбли тизим деб номланган вазият ёрдам беради: Гарри Трумэннинг

<sup>59</sup> Поздняков Э.А. Философия политики. – М., 1994, ч. 1. – С. 135.

<sup>60</sup> Ўша жойда. – С. 136.

«тўхтатиб туриш доктринаси» ҳамда унинг издоши Джон Фостер Даллеснинг «жасурлик сиёсати»га кўра, дунёга фаолроқ ҳукмронлик қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган эди.<sup>61</sup> Ўша давр шароитида Америка маъмурияти америка ҳарбий контингентининг СССР чегаралари атрофида жойлаштирилишини ногўғри деб билган. Улар учун совет чегаралари бўйлаб табиатида америкача руҳ ҳукм сурган ва совет ҳарбий қудратидан ҳайиқиб турувчи мамлакатларнинг қўшинларини жамлаш манфаатли кўринган эди. Ушбу мамлакатлар олдий қуроқлар кучи билан СССРга босим кўрсатадиган, яқин ораликдаги буфер ролин ўйнаши, АҚШга эса «қасоснинг халос этувчи ҳужуми»ни бажариш вазифаси юклатилган эди. Бу эса Д.Эйзенхауэрнинг Европада АҚШ ҳарбий контингентини қисқартиришга уринишини амалга ошириш имконини берди. Ушбу ҳаракатлар СССР томонидан айнан шунга мос равишдаги жавоб чоралари кўрилишига олиб келди. Натижада, Совет Иттифоқи 1953 йилнинг август ойида водород бомбасини синовдан ўтказди,<sup>62</sup> шунингдек, НАТОга қарши ҳарбий блок (Варшава Битими)ни шакллантириш борасида Шарқий Европадаги социалистик мамлакатлар билан фаол маслаҳатлар олиб борди. 1957 йилнинг ёзига келиб, Совет Иттифоқи кўп поғонали баллистик ракетани синади, Ернинг дунёдаги биринчи сунъий йўлдошини учирди. Глобал муносабатларнинг қатнашчиларидан бири томонидан доимо бундай муносабатларнинг бузилиб туриши сабабли ҳарбий-сиёсий тангликни мунтазам равишда кучайиб бориши натижасида қитъалараро баллистик ракеталарни учирини йўлга қўйилди. Бу ракеталар бевосита космик фазодан туриб Ернинг исталган нуқтасида эҳтимолли мўлжалларни тор-мор этиш мақсадида атом қуролини коинотга олиб чиқишга қодир эди. Натижада, кучларнинг икки қутбли мувозанати доирасида глобал қарши туриш миқёси янада кенгайди.

Шундай қилиб, *исталган давлатнинг куч-қудратига оид кўрсаткичларнинг ортиб бориши бошқаларнинг нисбатан заифлашувини билдиради.* Демак, бошқаларнинг манфаатларига пайдо бўлган эҳтимолли таҳдид уларни ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли эҳтиёт чораларини кўришга ундайди ҳамда уларни очикдан-очик қарши туриш ва тангликни оширишга жалб қилади. Жаҳон сиёсати сахнидаги кучлар мувозанатининг айнан шу хусусиятини бугунги амери-

<sup>61</sup> Системная история международных отношений в 4 т. События и документы 1918-2003. / Под ред. А.Д. Богатурова. – Т. 3. События 1945-2003. – М., 2003. – С. 175.

<sup>62</sup> Ўша жойда. – С. 177.

калик сиёсатшунослардан Чарльз Краутхаммер ҳам алоҳида таъкидлайди.<sup>63</sup>

Бошқа америкалик антрополог-олим, инсон табиати ҳақидаги фаннинг билимдони Э.Хёбель бу ҳақда шундай ёзади: «Аввалги тажриба асосида инсон ўз хулқини бошқаларнинг кутилаётган хулқига мос равишда ташкил қилади. Жамиятдаги инсонлар – бу ўзаро ҳаракат қилувчи инсонлардир. Агарда улардан ҳар бири ўз хулқ-атворини мунтазам равишда ўзгартириб турса, натижада, дунёда чексиз бошбошдоқлик ҳукм сурган бўлар эди. Фаолиятнинг мураккаб турларини ҳар қандай йўл билан ташкил қилиш ва умуман ижтимоий ҳаёт мутлақо мумкин бўлмас эди. Бунинг устига, якка тартибдаги кутишларнинг бетўхтов пучга чиқиши туфайли барча инсонлар асабий танглик ва руҳий хасталикларга дучор бўлган бўлар эди. Оқибатда, дунё ҳақиқатан ҳам жиннихонага айланар эди. Ана шунинг учун ҳам жамият фақат ташкилий равишда ва тартиб асосидагина мавжуд бўла олади».<sup>64</sup> Мазкур ёндашувни миллатлар ҳамжамиятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин ва у алоҳида давлатларнинг ниятлари хатти-ҳаракатларидаги ҳаддан ташқари худбинликни маълум бир мажбурий чоралар ёрдамида чеклаб турган бўлар эди.

Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, бундай вазиятларда давлатлар ўз саъй-ҳаракатлари ва ингилишларини бирлаштириб, ҳарбий-сиёсий блокларни тажовузкор – мамлакатга нисбатан хайрихоҳлик ёки қаршилик ҳиссиётидан келиб чиқиб эмас, ўз шахсий ҳудудини ҳимоя қилиш заруратидан ҳамда миллий манфаатларга қарши қаратилган эҳтимолий таҳдиддан келиб чиққан ҳолда ташкил қиладилар. Давлатлар, одатда, заиф давлат атрофида кучлисига қарши туриб, биринчисига нисбатан хайрихоҳлик ёки ҳамдардликдан келиб чиқиб эмас, фақатгина битта мақсадда, яъни кучли давлатнинг кучайишига тўсқинлик қилиш ҳамда ғарб ОАВларида кенг тарғибот кампанияси доирасида демократияни ҳимоя қилиш ғояси остида унинг қудратини мувозанатлаштириш мақсадида бирлашадилар.

Дунёдаги давлатларнинг куч борасидаги муносабатлари нуқтан назаридан Э.Хёбель халқаро ҳуқуқ тизимини шундай таърифлайди: «Халқаро ҳуқуқ – бу жаҳон миқёсида амал қиладиган ибтидоий ҳуқуқдир. Халқаро ҳуқуқ – бу шунчаки давлатлар ва уларнинг фуқаролари ўртасида

<sup>63</sup> Charles Krauthammer. The Putin Doctrine. The Washington Post - 16 February 2007. Charles Krauthammer Past the Apogee: America Under Pressure Keynote Address at FPRI's Annual Dinner, November 14, 2006.

<sup>64</sup> Hobbell E. Adamson. Anthropology: the Study of Man. – N.Y., 1953. – P. 12.

шартномалар, актлар ва битимлар асосида ишларни юритиш мақсадида ишлаб чиқилган қоидалар мажмуидир. Бу идеалистларни қанчалик ҳайратга солмасин, куч ва куч ишлатиш хавфи халқаро хулқ-атвор таърифидаги сўнги ҳокимият бўлиб қолади... Токи куч ва унинг қўлланиш таҳдиди халқаро ҳамжамиятнинг назорати остига олинмагунига қадар, ...улар ҳуқуқнинг санкцияси эмас, ижтимоий анархия воситаси бўлиб қолаверади».<sup>65</sup>

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда статус-кво ни бузаётган давлатнинг кучлар мувозанати жиддий бузилишининг исталган ҳолати номақбуллиги ва айнан шунга мос оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етиши тангликнинг хавfli даражада кескинлашувининг олдини олишга қодир. Ушбу қонданинг кучларнинг миантақавий мувозанати доирасидаги самарасини 50-йиллар бошида Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистон ўртасида юзага келган Тибет масаласи борасидаги барчага маълум зиддиятлар мисолида кўриш мумкин. Улар ўртасидаги танглик ўша пайтда 1950 йилда Тибетни ХХРга қўшилиши сабабли пайдо бўлди. Иккала мамлакатнинг ҳам Ғарб билан муносабатлари яхши эмас эди. Хитойнинг аҳволи умуман ёмон эди, чунки АҚШ ва унинг ғарбий европалик иттифоқдошлари Мао Цзедуннинг коммунистик ҳукуматини тан олишдан бош тортиб, ҳайдаб чиқарилган Чан Кайши ҳукуматини ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эдилар. Вазиятни тартибга солишда СССР томонидан сиёсий қўллаб-қувватланиш, бунинг устига, Ҳиндистон билан муносабатларнинг яхшиланиши Хитойга унинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашда ёрдам берди. Мазкур шарт Хитой учун ниҳоятда муҳим эди. Бироқ, Ҳиндистон ҳам вазиятнинг ижобий яқунланиши ва ўзининг тинчликсевар мамлакат сифатидаги мавқеининг мустаҳкамланишидан манфаатдор эди. 1954 йилда томонлар Тибет тўғрисидаги Хитой-Ҳиндистон битимини имзоладилар ва Ҳиндистон мазкур битим доирасида Хитой билан қўшничилик муносабатларини яхшилаш мақсадида маълум даражада унга ён босди. У Тибетдаги ўз имтиёзларидан воз кечиб, уни ХХР ҳудудининг бир қисми сифатида тан олди. Битим халқаро миқёсда эътироф этилди, чунки унда биринчи бор – тинч-тотув яшашнинг қуйидаги беш тамойили «Панча шила» тамойиллари эълон қилинганини ўзида акс эттирган: ҳудудий яхлитлик ва мустақилликни ўзаро ҳурмат қилиш, ҳужум қилмаслик, бир-бирининг

---

<sup>65</sup> Hoebell E. Fdamson. The Law of Primitive Man. – Cambridge, Massachusetts, 1954. – P. 331.

ички ишларига аралашмаслик, тенглик ҳамда ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш.<sup>66</sup>

XX асрнинг таниқли сиёсатшуносларидан бири сэр Уинстон Черчилль кучлар мувозанати феноменини шундай изоҳлайди: «Тўрт аср давомида Англиянинг ташқи сиёсати қитъадаги энг кучли, энг тажовузкор, энг етакчи давлатга қарши туришдан иборат эди... Англиянинг сиёсати учун Европада ҳукмронлик қилишга интилаётган давлатнинг ўзи аҳамиятга эга эмас. Унинг учун бу Испаниями ёки француз монархиясими, француз ёки герман империясими, Гитлер Германиясими ёки яна бошқасими, – бунинг аҳамияти йўқ. Бу ўринда ушбу давлатларни ким бошқараётганлиги ва уларда қайси халқлар яшаётганлигининг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бунда гап исталган қудратли ва ҳукмронликка интилаётган давлат ҳақида кетмоқда. Шу сабабли биз Францияга ён босувчи ёки Германияга қарши сиёсат олиб бораётганимизда айбланишдан қўрқмаймиз. *Агар шароит ўзгарса, биз барибир Германияга ён босувчи ёки Францияга қарши сиёсатни олиб бораверамиз.* Биз тасодифий шароитлар, хайрихоҳлик, қарама-қаршилик ёки шунга ўхшаш ҳиссиётларга асосланган оддий манфаатлардан эмас, *сиёсат қонунларидан келиб чиқамиз*».<sup>67</sup> Мазкур ёндашувни Англиянинг доимий душманлари ёки доимий дўстлари йўқ, балки доимий манфаатлари бор, деган Пальмерстоннинг машҳур афоризми очиб беради.

Шу муносабат билан таъкидлаш мумкинки, кучлар мувозанати халқаро муносабатлар тизимида жуда муҳим вазифаларни ҳал қилади. У *тинч-тотув яшашни кафолатлайди.* Давлатлар тинчликни севганлари учун эмас, балки тор-мор этилишдан ёки ўзларининг дунёдаги нуфузини ва ўрнини йўқотиб қўйишдан ҳамда иқтисодиётига катта талафот егишидан хавфсираганликлари сабабли тинч-тотув яшайдилар. Бундан ташқари, мазкур ҳолат ХМ субъектларининг мустақиллигини сақлаб қолишга хизмат қилади. Чунки, қуролланиш пойгасини қисқартириш вазифаси, *бировлар давлат қудратининг ҳаддан ташқари кучайиб кетишини чеклаш бошқаларнинг мавжуд бўлишини кафолатлайди* ва, шу тариқа, тизимнинг барқарорлигини таъминлайди.

Афсуски, кучларнинг мустаҳкам мувозанатига эришиш йўли билан бутун дунёда тинчликни таъминлаш ниҳоятда мураккаб масала ҳисобланади.

<sup>66</sup> Системная история международных отношений в 4 т. События и документы 1918-2003./ Под ред. Богатурова Т. З. События 1945-2003. – М., 2003. – С. 184.

<sup>67</sup> Churchill W.S. The Gathering Storm, V. 1. The Second World War. – Boston, 1949. – PP. 186-187.

Аввалроқ, Фридрих Ратцель давлатларни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бири сифатида мунтазам ўсиб бориш тенденциясини кўрсатган эди: давлатлар ўсиш қонунига бўйсунди – фазовий, иқтисодий, демографик, технологик, маданий, ҳарбий ва ҳ. к. Мазкур тамоийил истисносиз барча мустақил давлатларга тааллуқлидир ва у шуни англатадики, давлатлар ўз тараққиёт йўлида ютуқларини қисқартирмайдилар, балки, уларни барча йўналишларда ошириб борадилар. Натижада, кучлар мувозанати каби таъйиқни тўхтатиб турувчи механизмлар ҳаракатида жиддий бузилишлар содир бўлади. Чунки бу ўринда, уларни яна ўша ҳамма учун умумий бўлган битта истак, яъни устуворликка интилиш ҳаракатга солади.

Берк доира ичида, битта ҳодиса бошқа бир салбий ҳаракатни тақозо қиладиган ва кўзда тулган тақдирда, – қудратли кучга эга бўлган давлатлар томонидан ва аввало, буюк давлатлар ўртасида *дунёдаги ҳамда минтақалардаги кучлар мувозанатини мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш кераклилиги тўғрисидаги бирдан-бир тавсия бўлиши мумкин, холос.*

Акс ҳолда деярли бутун халқаро тизим унинг ичида ҳукмронлик қиладиган, якка гегемон-давлатга бўйсундирилиши мумкин ва бу давлат бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашуви натижасида бутун дунёдаги хавфсизлик ҳамда барқарорликка путур етиши мумкин. Мажбурий халқаро-ҳуқуқий нормалар ва миллатусти институтлар тизимини ташкил қилиш ҳақидаги тавсиялар ҳавойи ҳамда самарасиз кўринади. «Ҳеч қайси ташқи қонунларга бўйсунмаслик имкониятига эга бўлган давлат, – деб ёзади Кант, – бошқа давлатларга нисбатан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулини уларнинг ҳуқуқига ҳавола этмайди...»<sup>68</sup> Айнан шу сабабли, – давом этади у, – халқаро ҳуқуқ назариясининг барча вариантлари мазмунсиз, бажариб бўлмас идеалларга айланади.

Халқаро муносабатларнинг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган бутун тарихи давомида, давлатлардан бирининг куч-қудрат кўрсаткичларининг кучайиб кетиши давлатларни турли хил урушлар ва низоларга соладиган асосий омил бўлиб ҳисобланган. Мазкур шартнинг инобатга олинмаслиги ҳаминша бутун халқаро тизим миқёсида инқирозга олиб келган.

Шундай қилиб, кучлар мувозанати – бу тизимнинг қандайдир белги-ланган ва ўзгармас ҳолати эмас, балки динамик, мунтазам ўзгариб борувчи ҳамда ана шу давлатларни ўзларининг ҳаракатлари билан тикланадиган ҳодисадир. Давлатлар уни бузадилар ва шу билан бирга уни

<sup>68</sup> Кант И. Критика практического разума. Основы метафизики нравственности. Соч. в 6 тт. Т. 4., ч. 1. – М., 1995. – С. 175-176.

қайтадан янги сифатида ҳамда имкон қадар улар учун фойдали вариантда тиклаш учун ҳамма нарсани қиладилар. Бу – *тизимни барқарор ҳолатда сақлаб туришининг* зиддиятли, барқарор, лекин *муқобилсиз ва ишончли механизмдир*. Таниқли америкалик олим Николас Спайкмен ўзининг «Стратегия Америки в мировой политике: Соединенные Штаты и баланс сил» номли машҳур китобида шундай таъкидлаган эди: «Давлатлар доимо бирон-бир бошқа давлатнинг кучини чеклаш билан банддирлар. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, давлатлар фақатгина ўз фойдаларига бўлган мувозанатдан манфаатдордирлар. Уларнинг мақсади – мувозанат эмас, балки жиддий устуворлик. Кучлар тенглиги шароитида эҳтимолий рақиб билан ҳақиқий хавфсизлик мавжуд эмас. Сиз нисбатан кучлироқ бўлган тақдирдагина хавфсизлик пайдо бўлади. Сизнинг кучингиз бутунлай мувозанатлашган тақдирда, бирон-бир ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Ижобий ташқи сиёсатни амалга оширишнинг имконияти фақатгина эркин қўлланиши мумкин бўлган, кучдаги маълум устуворлик мавжудлигидагина пайдо бўлади.

Илгари сурилаётган назариялар ва далиллардан қатъи назар, амалий мақсад ўз давлатининг нисбий кучли мавқеини мунтазам равишда яхшилашдан иборат. Бунда, шундай мувозанатга эришишга интиладиларки, у одатда, бошқа давлатларни нейтраллаштирсин ва бир вақтнинг ўзида ўз давлати учун бундай мувозанатда ҳал қилувчи куч бўлиб ҳисобланиш ҳамда ҳал қилувчи овозга эга бўлиш имкониятини таъминласин».<sup>69</sup>

Бироқ, жаҳон сиёсатининг энг кўзга кўринган қатнашчиларидан бирининг бир томонлама ҳаракатлари, Югославия ва Афғонистондаги воқеалар нуқтаи назаридан ҳамда Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларнинг амалда тўлиқ барбод бўлиши бир нарсани яққол кўрсатди: *бугунги кунда АҚШ дунёдаги турли хил куч ишлатиладиган зўравонлик сиёсатини ўтказиши ва шу билан боғлиқ ҳаракатларни ташкил қилиши мумкин, бироқ у халқаро муносабатларнинг ўзи учун мақбул йўналишида ривожланишини таъминлашга қодир эмас*. Бундай хатти-ҳаракатлар охиروқибатда АҚШ учун ҳам, бутун дунё учун ҳам салбий яқун топадилар.

Шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда жаҳондаги ягона буюк давлатга муайян бир, унга тенг куч-қудрат эмас, балки назоратга тартиб-лаштиришга ва бошқарувга бўйсунмайдиган, қандайдир халқаро бетартиблик ва ўзига хос бошбошдоқлик хаос ҳамда тушуниб бўлмас алғовдалғовлик қарши турибди. Бу маънода икки қутбли тизим бундан кўра

<sup>69</sup> Spykman Nicholas J. *Americas Strategy in World Politics*. – N.Y.: The United States and the Balance of Power, 1942. – P. 21-22.



тартиблаштирилган, кўпроқ назорат қилинадиган ва шу сабабли, аксарият ҳолларда, воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш мумкин эди, халқаро муносабатларнинг бугунги тизими ҳақида эса бундай дейиш қийин. Баъзи бир нуфузли ва узоқни кўра биладиган америка таҳлилчилари ҳамда экспертлари Қўшма Штатлар эндиликда яхлит совет таҳдидига қарши туриш муаммосини эмас, Совет Иттифоқининг парчаланишига қандай қилиб тўсқинлик қилиш ва уни бу жараёни қандай бошқариш керак, деган масалани ҳал қиладилар, деб ҳисоблашлари бежиз эмас.<sup>70</sup>

Ушбу тангликни қандай бошқариш керак ва умуман бунинг иложи борми – бу муаммо фақат Қўшма Штатлар учунгина долзарб бўлиб қолаётгани йўқ. Кучлар мувозанати эмас, балки *мувозанатсизлигининг* янги тизими АҚШ учун устуворликларнинг ўрнига янгича ташвишлар, янги, бирмунча моддий ва маънавий сарф-харажатларни олиб келди, чунки чигал бошбошдоқлик ва алғов-далғовликларни умуман бошқариб бўлмайди.

Бжезинский Совет Иттифоқининг парчаланишини Евроосиёнинг марказида «қора туйнук» пайдо бўлиши билан таққослаган, гўёки «қуруқликнинг марказий ва геосиёсий маънодаги муҳим қисми ер харитасидан ўчирилганидек». Унинг фикрича, мазкур вазият Америка учун жиддий таҳдид солади ва уни геосиёсий жиҳатдан боши берк кўчага олиб киради. Унинг вазифаси сиёсий бошбошдоқликнинг пайдо бўлиши ёки ҳали ҳам ядровий қуролга эга бўлган, парчаланаётган давлатда ўзига қарши бўлган диктатуранинг тикланиш эҳтимолини камайтиришдан иборат.<sup>71</sup> Вазиятнинг зиддиятли нуқтаси бунинг аксида, яъни дунёнинг турли минтақаларида низоли ўчоқлар, жумладан ҳамон ўз ечимини топмай келаётган эски низолар ҳамда янгидан етилиб келаётган танг вазиятлардан иборат сиёсий низо ўчоқлари сақланиб қолмоқда; шунингдек, хавфсизликнинг трансчегаравий таҳдидлари юзага келмоқда; нафақат Шимол – Жануб йўналишидаги зиддиятлар ошади балки, Фарб мамлакатларининг ўзлари ўртасида ҳам – хусусан, жаҳон майдонида янги куч марказларини шакллантириш жараёнига ҳам қарамасдан, АҚШнинг дунёда бир қутбли тартибни ўрнатиш борасидаги уринишларида рўй-рост намоён бўлади.

Бунинг иккаласида ҳам қутулишнинг иложи бўлмади ва сиёсий бошбошдоқлик бутун халқаро муносабатлар тизимининг макони бўйлаб тарқалди. Бжезинский бу ҳақда ёзмайди, лекин бошбошдоқликка нисбатан

<sup>70</sup> Gershman G. Freedom Remains the Touchstone. – The National Interest. Spring, 1990, № 19. – P. 83.

<sup>71</sup> Бжезинский З. Кўрсатилган асар. – С. 108.

қўрқув китобининг деярли ҳар бир бобда сезилиб туради. Мазкур китобда Қўшма Штатларнинг ҳокимият доиралари тушган ваҳима акс эттирилган. Ҳудудий ва сиёсий ўзгаришлар бевосита АҚШга таъсир этмаган бўлса-да, дунёдаги янги вазият унга ҳам таҳдид солади. Шу сабабдан, АҚШ муқобил вариантларни излашга ҳамда Евроосиё минтақасига катта эътибори билан қараши бежиз эмас, чунки мазкур минтақада у бошқаларида бой берган мавқеининг ўрнини босадиган тасалли топишни истайди.

СССРнинг парчаланиши икки қутбли тизимнинг барбод бўлишига олиб келди. Халқаро муносабатларнинг ҳозирги тизими ҳали тўлиқ шаклланиб улгурганича йўқ. Бугунги кунда мувозанатсизлик ва глобал ривожланиш муаммоларининг бутун бир мажмуи билан бирга кузатилади-ган, ягона давлатнинг гегемонлиги мавжуд. З.Бжезинскийнинг таъкидлашича, глобал тартибсизлик мавжуд. Айтиш мумкинки, аввалги кучларнинг глобал икки қутбли мувозанати бузилиб, унинг ўрнини кучларнинг кўп сонли минтақавий куч мувозанатлари эгаллади. Мазкур мувозанатлар беқарор ва олдиндан кўриб бўлмайдиган низоларга бойдир. Халқаро муносабатларнинг бугунги тизимини кўп қутбли деб аташ мумкин бўлса, буни фақатгина кучларнинг ўзаро заиф боғланган кучларни ягона глобал мувозанатини ташкил қилмайдиган, минтақавий куч мувозанатларнинг мажмуи маъносидагина қўллаш мумкин.

Халқаро муносабатлар тизимида кучларнинг замонавий нисбати қандай бўлмасин, кучлар мувозанатининг амал қилиш тамойили ўзича сақланиб қолади. Шу билан бирга, геосиёсат ҳам, миллий манфаатлар ҳам сақланиб қолади, чунки барча ушбу категориялар мустақил давлатларнинг ўртасидаги ўзаро таъсирнинг табиий ва қонуний-оқибат натижаси ҳисобланади. Ҳар қандай алоҳида давлат, нисбатан мустақил бирлик ҳисобланиб, ўз олдида ҳеч қандай тўсиқларни учратмаса, мумкин қадар катта майдонда ўзининг таъсири ҳамда ҳокимиятини кенгайтиришга интилади. Бироқ, амалда экспансия йўлида албатта, тўсиқлар пайдо бўлади ва бу тўсиқлар биринчи навбатда, бошқа давлатлар кўринишида юзага келади, чунки улар ўз қўшинлари бўлган бундай давлатлар кучи ва қудратининг ўсишига, айниқса, ўзлари ҳисобига йўл қўймайдилар. Охиروқибатда, ҳар хил манфаатлар ва ғоялар тўқнашиб, бунда куч ҳал қилувчи рол ўйнайди. *Агарда бир давлатнинг кучи исталган бошқа давлатларнинг кучига нисбатан жуда катта бўлса, иккинчилари биринчисининг кучини иттифоқларни тузиш ва коалицияларни ташкил қилиш йўли билан мувозанатлаштиришга интиладилар.* Ўзининг содда шаклида кучлар мувозанати тамойили, тинчликни сақлаб туриш ёки халқаро ўзаро

тушунишга хизмат қилибгина қолмай, балки исталган давлат қудратининг бошқа давлатларнинг миллий манфаатларига таҳдид сола бошлайдиган даражагача ўсишига йўл қўймаслик орқали, давлатлар хавфсизлигини таъминлайди.<sup>72</sup>

Давлатлараро муносабатларнинг бутун амалиёти шуни кўрсатадики, кучлар мувозанати тамойили амал қилишини тушунмаслик, уни менсимаслик ва уни давлатнинг ташқи сиёсий амалиётгида ҳисобга олишдан воз кечиш кутилмаган ҳамда кўп ҳолларда давлат учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Унинг ўрнига “манфаатлар мувозанати”, “умуминсоний қадриятлар устуворлиги” сингари мавҳум маънавий тамойиллар ёки давлат раҳбарлари ўртасида оддий шахсий дўстона муносабатларни йўлга қўйиш қўйиш истаги давлатларнинг кучлар мувозанати билан бевосита боғлиқ бўлган, миллий манфаатларини амалда қўшқўллаб рақиблиarga топшириш ҳамда муқаррар равишда муваффақиятсизликка учраш билан яқунланади.

Халқаро муносабатлар тизимидаги кучлар мувозанатининг у ёки бу сиёсатчи ва давлат арбобларининг фикрлари ёки қарашларига ҳеч бир алоқаси йўқ ва у, ҳеч қайси маънавий тамойиллар ва интилишлар билан, унинг билан «савдо баланси», «тўлов баланси» сингари тушунчалар билан қанчалик боғланмаган бўлса, Уинстон Черчилль таъкидлаганидек, кучлар мувозанати – «сиёсат қонунидир».<sup>73</sup>

Халқаро муносабатлар тизимидаги мувозанатлашмаган куч, худди механикадагидек, вайрон қилувчи самарага эгадир, бироқ унинг оқибатлари бундан ҳам оғирдир. Таниқли америкалик таҳлилчи Кеннет Уолтцнинг фикрича, мувозанатлашмаганлик истисносиз, барча давлатлар учун хавф туғдиради. У бу ҳақда шундай ёзади: «Мувозанатлашмаган куч баъзи бир давлатларни ўз таъсир доирасини кенгайтиришдаги эҳтиёжларини қондириб, уларни хавфли ва авантюристик сиёсатга олиб келиши мумкин. Шундан ҳам хулоса қилиш мумкинки, барча давлатларнинг хавфсизлиги улар ўртасида кучлар мувозанатини қўллаб-қувватлашга боғлиқдир».<sup>74</sup>

Мазкур сўзлар ўттиз йил аввал ёзилган эди, ва бугунги кунда, Қўшма Штатлар тимсолида бундай мувозанатлашмаган куч ҳақиқатдан ҳам

<sup>72</sup> Қараг: Schuman F. International Politics. – N.Y. – Lnd., 1933. – P. 54; Поздняков Э.А. Геополитика. – С. 65-74.

<sup>73</sup> Churchill Winston. The Second World War. Vol. 1. – Boston, 1948. – P. 207-208.

<sup>74</sup> Waltz Kenneth. International Structure and the Balance of Power. – J. Rosenau, ed., International Politics and Foreign Policy A Reader in Research and Theory. – N.Y. – Lnd., 1996. – P. 312.

пайдо бўлган пайтда, бу сўзларнинг ҳақлигига амин бўламиз. Жаҳон сиёсатида бутун дунё аҳли авантюризм бобида турли-туман мисолларнинг гувоҳи бўлди, ва, эҳтимол, Қўшма Штатларнинг кучи керакли тарзда мувозанатлашмагунига қадар яна бир неча бор бундай ҳолатнинг гувоҳи бўлади. Токи бундай ҳол содир бўлмас экан, халқаро муносабатлар беқарор ҳолатлигича қолаверади.

Албатта, халқаро муносабатларда кучлар мувозанатининг исталган тизими ҳеч қачон мутлақо барқарор бўла олмайди, чунки уларнинг қатнашчилари, яъни давлатлар, турғун ҳолатда бўлмай, доимо ўзгариб боради: уларнинг куч кўрсаткичлари ўзгаради, иқтисодиёт, ҳарбий куч, бошқа давлатлар билан муносабатлар ўзгаради ва ривожланади. Шу сабабли халқаро муносабатлар тизимида исталган кучлар мувозанатининг ўзи ҳамisha беқарордир. Бироқ, Моргентаунинг таъкидлашича, «кучлар мувозанатининг беқарорлиги ушбу тамоийлнинг маълум бир нуқсонларига эмас, балки мустақил давлатлар тизимида у ҳаракат қилган муайян шароитларга боғлиқдир».<sup>75</sup>

Айнан, шу муносабат билан Э.А.Поздняков бу ҳақда шундай ёзади: «Тизимда кўп ҳолларда ўзининг қарама-қарши манфаатлар ва мақсадларидан келиб чиқадиган турли хил сиёсий кучлар мавжуд бўлади ва амал қилади. Улар турли хил омиллар, шу жумладан геосиёсий омиллар таъсири остида мунтазам равишда, узлуксиз ўзгариб боради ва ушбу ўзгаришлар бир текисда содир бўлавермайди. Нотекислик эса доимий тебранишларга ва тизимнинг мувозанатидан четга чиқишларга олиб келади. Тизимда бузилган мувозанатни тиклаш тенденцияси пайдо бўлади ва мабодо бундай мувозанат у қайтадан ўрнатилса, бу жараён, одатда, янгича асосга эга бўлади. Ана шунинг учун ҳам тизимдаги мувозанат доимо нисбий, динамик, ўзгарувчан бўлади. Мувозанат ўрнатилади ва ўша захотиёқ бузилади, янги асосда қайтадан ўрнатилади ва яна бузилади. Токи тизим мавжуд бўлиб амал қилар ва ривожланиб борар экан, юқоридаги ҳолат чексиз такрорланиб боради».<sup>76</sup>

Бунга, эҳтимол, яна шуни ҳам қўшимча қилиш мумкин бўлади: бундай ўзгаришлар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг бутун тизимига сезиларли таъсир кўрсатибгина қолмай, балки шу каби ўзгаришларнинг таъсири ўта давомий табиат касб этади, ва кучлар мувозанатининг бирон-бир янги тизими ўрнатилгунга қадар жуда кўп куч-ғайрат ва ҳаттоки қурбонликлар талаб этилади.

<sup>75</sup> Morgenthau Hans. Politics Among Nations. – P. 125.

<sup>76</sup> Поздняков Э.А. Геополитика. – С. 69-70.

Кучлар мувозанати ва ундаги барча жиддий ўзгаришларнинг ҳисоб-китоби нафақат сиёсатнинг устуворликлари, унинг мақсадлари ҳамда вазифаларини ишлаб чиқиш учун, балки умуман халқаро муносабатлардаги ва унинг қандайдир алоҳида олинган қисмларидаги ривожланиш истиқболларини баҳолаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади ва буларсиз реалистик сиёсатни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Мазкур ҳолат давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тобора ортиб бораётган ва янгидан-янги замонавий қурол-яроғларнинг вайронкорлик табиати кучайиб, сайёрамизнинг турли бурчакларида тинимсиз ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги даврда айниқса, жиддий эътиборга моликлиги шубҳасиз, албатта.

Бугунги кунда Ер шарининг ҳар бир муҳим нуқтасида кучлар мувозанатининг ўз минтақавий тизими ташкил топган. Бундай тизим Марказий Осиё минтақасида ҳам қарор топган. Жаҳон сиёсат майдонидаги ўзига хос мавқеига кўра, у дунёнинг кўп давлатлари, жумладан АҚШ ва Россиянинг ҳам эътиборини ўзига тортиб келади. Бу ҳақда юқорида сўз юритган эдик ва бу борада кўплаб Америка ва Россия таҳлилчилари мазкур масалага доимо афкор омманинг эътиборини жалб қилиб келадилар.

Минтақавий кучлар мувозанати тизими ва бу тизимда рўй бераётган ўзгаришлар, аввало, унинг бевосита қатнашчилари, яъни Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар учун жиддий аҳамият касб этади.

Бу ўринда нафақат уларнинг шахсий хавфсизлиги, балки унданда кенгроқ миқёсдаги хавфсизлик ҳам уларнинг ушбу вазиятга қандай мослашишлари, қай йўсиндаги ҳатти-ҳаракатларни бажаришлари, қандай сиёсатни юритишларига боғлиқ бўлади, чунки бунда кучлар мувозанати дунёнинг кўп сонли етакчи давлатларига бевосита таъсир кўрсатади. Минтақавий кучлар мувозанатининг ҳолати мазкур минтақада жойлашган давлатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг бундан-да кенгроқ тизимига кира олиш имкониятига ҳам боғлиқ. Бу ерда сиёсатнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан қайд этилган, асосий қоидаларидан бирини таъкидлаб ўтиш жоиз: «регионализм орқали глобализм сари». Фикримизча, бунда жаҳон сиёсатининг барча таркибий қисмларининг сарҳисоби, жумладан, геосиёсий воқеликлар, миқлий манфаатлар, кучларнинг глобал ва регионал мувозанати ҳам мужассамлашган.

Умуман олганда, глобаллашув ва регионаллашув жараёнларининг ўзаро нисбати ва уларнинг дунёдаги янгича тартибни шакллантиришдаги роли, жумладан, унинг халқаро хавфсизликка кўрсатадиган таъсири замонавий сиёсий фаннинг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Маз-

кур муаммолар йиғиндиси собиқ совет давлатидан қолган майдондаги халқаро-сиёсий муносабатларнинг янгича тизими ва тузилмасининг ри-вожланиши билан бевосита алоқадордир.\*

Бунда биз учун шу нарса муҳимки, баъзи бир замонавий глобалистларнинг ҳамда замонавий халқаро муносабатлардаги кучлар мувозанати тушунчасини эскирган ёки қўллаб бўлмайдиган деб ҳисобловчиларнинг таъкидлашидан қатъи назар, мазкур тамойил замонавий халқаро муносабатлар тизимига қатнашчи давлатларнинг сиёсатини кўп жиҳатдан белгилашда давом этмоқда. Уни ҳисобга олмаслик, уни менсимаслик ўз миллий манфаатларини хавф остига қўйиш демакдир.

Ушбу хавф собиқ советлар майдонида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар учун айниқса каттадир, чунки улар мазкур «ўйин»да ҳам етарли тажрибага эга эмаслар. Бу «ўйин»да ҳамкорларнинг ҳис-туйғулари ҳисобга олинмайди ва давлатнинг реал кучи, унинг иқтисодий салоҳияти, шунингдек, сиёсатнинг тўғри танланган устуворликлари ҳамда уларни амалга ошириш воситалари ҳал қилувчи, асосий омиллар сифатида майдонга чиқади.

Халқаро-сиёсий мувозанат, кучлар мувозанати ва миллий манфаатлар – булар ҳаммаси назарий мавҳумотлар эмас, балки ҳар бир давлат улар билан юзлашадиган ҳамда унинг сиёсатида ҳисобга олинмайдиган воқеликдир. Улар минтақадаги барча давлатлар билан умумий чегараларга эга бўлган Ўзбекистон учун ҳам муҳимдир. Минтақада қулай геосиёсий мавқега, қудратли иқтисодий, инсоний ва ҳарбий салоҳиятга эга бўлган ҳолда, у, айнан мазкур ҳолатлар туфайли Марказий Осиёда ҳал қилувчи кучга айланади. Халқаро сиёсатда нафақат реал иқтисодий ва сиёсий омиллар, балки «ўйинчилар»нинг шахсий маҳорати, уларнинг донолиги ҳамда ўз рақиблари ва ҳамкорларининг режа ва истакларини олдиндан кўра билиш қобилияти ҳам муҳимдир.

---

\* Ушбу маънода «постсовет майдони» тушунчаси МДҲга аъзо – давлатлар билан чекланган. Фақатгина уларга нисбатан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда интеграцион тенденциялар тўғрисида сўз юритиш учун асос бор.

## IV БОБ.

### ХАВФСИЗЛИК КАТЕГОРИЯСИ

#### Замонавий дунёда хавфсизликни таъминлаш чоралари

Олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар воқеан давлатнинг ички ва ташқи барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини талаб этади. Бошқа давлатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида изчиллик билан ҳаракат қилмоқда. Мазкур минтақанинг ўзига хос хусусиятлари, унинг гео-сиёсий жойлашуви шундайки, воқеалар салбий тус олгани ҳолатида у бошқа минтақалардаги беқарорликнинг кучайишига жиддий тўртки бериб юбориши мумкин бўлган детонаторлардан бирига айланиб қолиши мумкин.

Марказий Осиёда турлича этник ва диний гуруҳларга мансуб бўлган юз миллионга яқин аҳоли яшайди. Бу ерда ядровий қурол, шунингдек, улкан вайронкорлик кучига эга бўлган оддий ҳарбий қурооллар тўпланиб қолган. Шимолий Альянс ва АҚШ қуроолли кучларининг ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатлари туфайли минтақадаги асосий терроризм ва низолар ўчоғи бўлмиш Афғонистонда толибонлар режимини йўқ қилишга эришилган бўлса ҳам, уларнинг туб сабабларини бартараф этиш учун ҳали барча томонлардан кўп вақт ҳамда ҳаракат талаб этилиши шубҳасиздир.

Давлат хавфсизлиги ўзи нима дегани ва уни қандай омиллар белгилайди? Энг умумлашган тарзда айтиш мумкинки, *миллий хавфсизлик* давлатнинг ички ва ташқи характердаги *таҳдидларга қарши* ўзида мавжуд бўлган якка ёки жамоавий воситалар ёрдамида уларни бартараф этиш ёки нейтраллаш ёрдамида *айнан мос жавоб бериш қобишияти билан белгиланади*. Миллий хавфсизлик фақат ташқи муҳит омилларига ва улар томонидан пайдо бўладиган таҳдидларгагина боғлиқ эмас. Хавфсизликни таъминлаш сиёсати нафақат ҳарбий ва сиёсий характердаги, балки иқтисодий ҳамда ижтимоий характердаги хавфга эга бўлган исталган таҳдидлар ва чақириқларга айнан мос жавоб бериш учун мўъжаллангандир. Бошқача қилиб айтганда, у нафақат ташқаридан, балки ичкаридан ҳам пайдо бўладиган *таҳдидларга жавоб* бермоғи лозим ва, шу аснода, давлатнинг ҳам ташқи, ҳам ички барқарорлигини мустаҳкамлаши керак бўлади.

Миллий хавфсизликни таъминлашнинг мақсади давлатнинг *бирдамлиги, суверенитети ва мустақиллигини*, унинг ҳудудий яхлитлиги ва кон-

ституциявий тартибини, шу билан бир вақтда, фуқароларнинг ҳаёти ҳамда мулкани ҳам *кафолатлашдан* иборатдир.

Шуни қайд этиш мумкинки, миллий хавфсизликка ягона давлат сиёсатини олиб бориш, иқтисодий, сиёсий, ташкилий, ҳарбий, ҳуқуқий ва бошқа табиатдаги чоралар тизими орқали эришилади.

Бугунги ўзаро боғлиқ дунёда давлатларнинг хавфсизлиги фақатгина жамоавий чоралар билан кафолатли таъминланиши мумкин, деган қонда кенг тарқалган. Хавфсизликни бундай тушуниш бир қатор шартлар билан тақозо қилинади ва улар орасида алоҳида олинган ҳар бир давлатнинг чекланган имкониятларга эга эканлиги тўғрисидаги фикр энг муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин фақат бугина эмас. Бугунги кунда хавфсизлик тушунчаси яқин ўтмишда, масалан, Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва «совуқ уруш» йилларидагига нисбатан кўп жиҳатдан ўзгарди.

Дунёда хавфсизлик ҳақидаги аввалги таассуротларни кўп жиҳатдан эскирган деб ҳисоблашга йўл берадиган янги омиллар пайдо бўлди. Улар қаторига кўп давлатларни жисмоний чегараларининг «шаффофлиги» ортганини, уларнинг барча йўналишларда – сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий, хом ашё, ахборот, демографик, озиқ-овқат, экология ва бошқа соҳалардаги ўзаро боғлиқлиги кучайганлигини киритиш мумкин. Замонавий дунёда битта минтақадаги турли хил табиий ёки техноген офатлар, эпидемиялар, молиявий тангликлар, ташқи муҳитнинг кенг миқёсда ифлослантирилиши дарҳол бошқа минтақалар хавфсизлигига ҳам таҳдид солади. Бунга мисол сифатида Чернобиль ҳалокатини ёки 2001 йилнинг февралда Англияда содир бўлган оқсил эпидемиясини келтириш мумкин. Ушбу офат нафақат Англиянинг ўзида, балки Ғарбий ва Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида ҳам озиқ-овқат масаласига дарҳол таъсир қилди.

Буларга терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари ҳам қўшиш лозим, чунки улар учун чегаралар йўқ ҳамда ҳеч қайси давлат, ҳатто Қўшма Штатлар сингари қудратли давлат ҳам уларга қарши яккама-якка курашишга қодир эмас (2001 йилнинг сентябрь воқеалари бунинг яққол далилидир).

Авваллари, қарийб яқин ўтмиш йилларида рақиб, одатда, аниқ ва равшан бўлиб, унга қарши ягона фронтни ташкил қилиш мумкин эди. Эндиликда бундай ҳоллар тобора камайиб бормоқда. Аксинча, уруш тобора турли хилдаги яширин ва катта майдонлар бўйлаб тарқалган шаклларга эга бўлмоқда. Бу уруш, одатда, маълум бир ташқи душманга қарши эмас, кўп сонли душманларга қарши олиб борилади. Бу фронтсиз урушдир – наркобизнесга қарши, коррупцияга қарши, ноқонуний



пулларни легаллаштиришга қарши, террорчиларга қарши, давлатлар ҳаётий фаолиятининг турли соҳаларидаги уюшган жиноятчиликка қарши урушдир. Мазкур ҳолатлар хавфсизликка қарши янги, ноанъанавий таҳдидларини вужудга келтиради ва улар хавфсизлик масалалари билан шуғулланадиган давлатлараро ҳамда ноҳукумат ташкилотларининг, шунингдек, миллий ҳукуматларнинг эътиборини тобора ўзига жалб қилмоқда.

Янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши амалий сиёсатшунослар ва олимларни хавфсизликни таъминлашнинг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқишга ундайди. Масалан, 1997 йилда “Foreign Affairs” журналида чоп этилган мақолада таъкидланганидек, «бошқа давлатлар томонидан хавфсизликка бевосита таҳдид камаймоқда. Айни вақтда, терроризм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, этник низолар, шунингдек, аҳоли сонининг тез ўсиши, миграция, атроф-муҳитнинг ифлослантирилиши ва қашшоқлик сингари омилларнинг ўзаро жамланган қоришмасидан иборат ноанъанавий таҳдидлар тобора бўй чўзмоқда ва натижада, буларнинг ҳаммаси иқтисодий турғунликка, сиёсий беқарорликка, баъзида эса давлатнинг инқирозига олиб келади».<sup>77</sup> Бу хилдаги таҳдидлар, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги қатор давлатлар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Хавфсизликка қарши анъанавий таҳдидлар, албатта, бутунлай йўқолиб кетганича йўқ – улар дунёнинг турли минтақаларида вақти-вақти билан пайдо бўлиб туради, бироқ, янги, ноанъанавий таҳдидларнинг сони кўпайиб ва роли ортиб, улар гоҳ алоҳида ва мустақил равишда ёки таҳдидларнинг эски турлари билан уйғунликда чиқаётганлиги бугунги кунда барчага аён ҳақиқат бўлиб қолди.

Принстон университетининг профессори Р.Ульманнинг 1983 йилда чоп этилган «Хавфсизлик тушунчасининг янги таърифи»<sup>78</sup> номли мақола-сида қайд этилганидек, хавфсизликнинг тор маънодаги таърифи бевосита ҳарбий таҳдидларга урғуси билан киши эътиборини миллий ва халқаро барқарорликка жиддий зарар етказиш эҳтимолига эга ноҳарбий таҳдидлардан чалғитиши мумкин. Бундан ташқари, аввалги таърифда шу нарса ҳисобга олинмаганки, миллий хавфсизликка қарши энг жиддий таҳдидлардан баъзилари давлатнинг ўзидан келиб чиқиши мумкин. Ульман ўз таърифини таклиф этади ва, унга кўра, миллий хавфсизликка таҳдид – бу ҳаракат ёки воқеаларнинг кетма-кетлиги бўлиб, улар: 1) нисба-

<sup>77</sup> Mathews J. Power Shift. // Foreign Affairs, 1997. Vol.76, № 1, Jan/Febr – P. 51.

<sup>78</sup> Ulman R. Redefining Security. // International Security. Vol. 8, №1 Summer.

тан қисқа вақт ичида давлат аҳолисининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетиш эҳтимоли билан; 2) мамлакат ҳукумати ёки давлат ичидаги ноҳукумат ташкилотлари (алоҳида шахслар, гуруҳлар ва корпорациялар) томонидан сиёсий муқобилликларни танлаш имкониятининг жиддий қисқартирилиши хавотирига эгадир.<sup>79</sup>

*Биринчи категорияга* Ульман ташқи урушлар ва ички қўзғолонлар, қамаллар, шунингдек табиий офатларни киритади.

*Иккинчи категорияга* у шундай таҳдидларни киритганки, уларга қарши бирон-бир амалий чораларни ташкил қилиш давлат учун қатор қийинчиликларни туғдиради, яъни: энг зарур ҳаётий ресурсларнинг ялпи тугаб қолиши, террористик актлар, атроф-муҳит ҳолатининг кескин ёмонлашуви, шунингдек, кенг миқёсдаги иммигрантлар ва қочоқлар оқимининг кириб келиши оқибатида шаҳарларда вужудга келадиган ижтимоий тангликлар ва низолар.

АҚШ, Россия ва бошқа давлатлардаги терактлар мисолида кўрганимиздек, хавфсизликнинг ноанъанавий таҳдидлари истисносиз ҳаммага бирдай тааллуқлидир. Бундай ҳолат кўп жиҳатдан халқаро муносабатлар тизимида кучларнинг икки қутбли мувозанати хос бўлган, «совуқ уруш» давридаги халқаро хавфсизлик тизимининг бузилиши билан изоҳланади. Мазкур тизим хавфсизлик муаммоларини соддалаштириб, уларни фақатгина йирик миқёсдаги урушнинг рўй бериш хавфига тенглаштирди. У, шунингдек, жаҳон сиёсий саҳнидаги асосий ҳал қилувчи кучларнинг сонини чеклаш орқали, глобал муаммоларнинг бошқарувининг энгиллаштиради.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимининг тузилмаси тубдан ўзгарди. Қатъий икки қутбли қарама-қаршилик шахсий куч имкониятлари ва манфаатларга асосланган, кам назорат қилинадиган, муносабатлар кўпинчига ўрин алмашди. Ички сиёсий муносабатлар тизимида кўпинча кузатилганидек, халқаро муносабатлар тизимида кучнинг вакууми дарҳол турли хилдаги экстремистик ва бошқа бузғунчи кучлар билан тўлдирилган эди. Хусусан, бу ҳолат бутун дунёни ларзага солган мудҳиш террористик хуружлар тўлқинининг авж олишда тўла намён бўлди ҳамда қатор давлатларнинг хавфсизлигини таҳдид остига олди.

Кўп жиҳатдан ушбу муаммолар глобаллашув деб аталувчи, ўзаро боғлиқлик тенденциясининг ўта кучайиши натижасида келиб чиққан эди. Баъзан *глобаллашувни* инсонлар, ғоялар, товарлар, хизматлар, ахборот ва молиявий маблағларнинг миллий ҳамда минтақавий чегаралар орқа-

---

<sup>79</sup> Ibid. – P. 133.

ли тобора жадаллик билан ҳаракатланиши сифатида таърифлайдилар.<sup>80</sup> Қўшма Штатлар мисолида шуни кўриш мумкинки, глобаллашув уларнинг миллий манфаатлари амал қилиш доирасининг қисқаришига эмас, балки АҚШ манфаатларининг глобаллашувига олиб келади. Аввал қайд этилганидек, давлатларнинг сиёсати, мазкур давлатларнинг ниятлари, устуворликлари ва мақсадлари тўғрисида сўз кетганда, декларациялар асосида эмас, балки уларнинг ҳақиқий ҳаётий миллий манфаатлари ҳамда улар амалда қай тарзда амалга оширилаётганидан келиб чиқиб, фикр юритилади. Айнан, шу ҳолат сиёсатни етарли даражада олдиндан кўра билиш имкониятини яратади ва бу давлатлараро муносабатлар учун айнакча муҳимдир. Бир вақтлар Джордж Вашингтон қуйидаги ажойиб фикрни ўртага ташлаган эди: «Ҳеч бир давлатга унинг миллий манфаатлари доирасидан ташқаридаги бирор бир нарсани ишониб бўлмайди».<sup>81</sup> Шунинг учун ҳам ишониб бўлмайдики, улардан ташқарида шунчаки арзимас икир-чикир гаплар, хом ҳаёллар, эзгу ниятлар, баъзида эса очикдан-очик ёлғон ва нотўғри маълумотлар ётади.

Глобаллашув ўзининг ижобий ва салбий томонларига эгадир. *Ижобий жиҳатини* кўрилса, яъни иқтисодий ўзаро боғланганлик ёки инвестициялар оқимининг ўсиши туфайли глобаллашув манфаат олиб келса, айтиш мумкинки, МДХ давлатларининг аксарияти ҳеч бўлмаганда, ана шу соҳада жуда кам глобаллашгандир. *Салбий жиҳати* ўз хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш бўйича айнан ўша муаммолар билан боғлиқ, яъни чегаралар хавфсизлиги билан, контрабанда, террорчилар, наркобизнес, ноқонуний пулларни легаллаштиришга қарши кураш билан, бироқ буларга қарши курашиш учун кўп давлатлар жуда кам техник ҳамда моливиый имкониятларга эгадир.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, қолган барча шарт-шароитлар ўзаро тенглигида бўлгани ҳолда, иқтисодиёти кучли бўлмаган, ички сиёсий ва ижтимоий беқарорликка эга бўлган давлатлар глобаллашув жараёнининг ижобий таъсиридан ютишларига нисбатан, унинг салбий таъсиридан кўпроқ ютқазадилар.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда бутун собиқ совет майдонида *хавфсизликка таҳдиднинг учта ноанъанавий тури* устуворлик қилади: *уюшган жиноятчилик*, жумладан, наркобизнес ва ноқонуний пулларни легал-

---

<sup>80</sup> Руссо Алан. Нетрадиционные угрозы безопасности России и Евразии. – М.: Московский центр Карнеги, 1999. № 7. – С. 5.

<sup>81</sup> Shlesinger Arthur (Jr.) Interest and Moral Absolutes. // Ethics and World Politics: Four Perspectives. Ed. By Ernest W. Jefever.

лашгириш, барча шакл ҳамда кўринишлардаги *террорчилик* ва ниҳоят, миграция жараёнлари ҳамда этник *сепаратизм* ва зўравонлик билан боғланган таҳдидлар.

*Наркобизнес* ҳақида гап кетганда, шуни қайд этиш жоизки, собиқ Совет Иттифоқининг ўрнини босган давлатлар ман қилинган наркотик воситаларнинг жаҳон бозорида қисқа фурсат ичида ўз ўринларига эга бўлдилар. Афғонистонда ва бошқа «олтин ярим ой» мамлакатларида ишлаб чиқариладиган опиум гуруҳига кирувчи наркотик моддалар Ўрта Осиё давлатларининг ўтиш нисбаган осон бўлган чегаралари (айниқса Қозоғистон) орқали, шунингдек, Озарбайжон ҳамда Арманистон орқали ана шу машъум бозорга тобора кўпроқ кириб келмоқда.<sup>82</sup> Сўнгги йилларда, бир томондан, халқаро муносабатлар тизимининг икки қутбли тузилмаси парчалангани сабабли ва иккинчи томондан, халқаро иқтисодиётдаги ўзгаришларга осонгина мослашиши муносабати билан, *террорчилик* мисли кўрилмаган оламшумул тус олди. Замоनावий терроризм – бу мураккаб ва охиригача ўрганилмаган ҳодисадир. Минг афсуски, кўп ҳолларда террорчиликка қарши нутқлар ва умумий гаплардан иборат сафсатабозликлар мазкур феноменни жиддий ўрганиб, тадқиқ этишнинг ўрнини босиб кетади. Ўйлаймизки, аввало, замоनावий терроризм – гарчи у, албатта, кўпинча жиноий унсурлар билан боғлиқ бўлса-да, аслида кўп ҳолларда тасаввур қилганидек, шунчаки оддий бир жиноий иш бўлиб қолмасдан, балки, асосан олганда, сиёсий ҳодиса эканлигини эътироф этишга тўғри келади. Клаузевицнинг машҳур иборасини бироз ўзгартириб, айтиш мумкинки, замоनावий терроризм – бу террорчилик, қўрқитиш, қўрқув ва беқарорлик муҳитини вужудга келтириш воситасида сиёсатни давом эттириш ҳамда шу асосда ўзининг сиёсий мақсадларини ҳал қилиш демақдир. Мазкур ҳодисани бартараф этиш учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги чоралар мажмуини қўллаш талаб этилади, зеро, трансмиллий терроризм бугунги кунда замоनावий алоқа ва транспорт воситаларининг улкан имкониятларидан фойдаланади ҳамда у молиялашнинг глобал манбаларига эгадир, замоनावий қурол ва портловчи моддалар билан яхши жиҳозланган. Бугунги кунда терроризмнинг яхши ташкиллаштирилгани сабабли, унга қарши кураш янада мураккаброқ тус олади.

Беқарорликнинг жиддий омиллари ва терроризмнинг тобора кучайиб бориши учун замин ҳозирловчи манбалардан бири сифатида *назорат*

---

<sup>82</sup> Medvedev S. Former Soviet Union. // The New Security Agenda: A Global Survey. P. Stares ed. – Tokio: Japan Center for Intern. Exchange, 1998. – P. 99.

қилиб бўлмайдиган миграцияни ёдга олиш кифоя. Совет Иттифоқининг ва «социализм тизими»нинг парчаланиши Евроосиёни бундай миграциянинг жаҳондаги энг йирик манбаларидан бирига айлантирди. Бунда доимий истиқомат жойини ўзгартирган шахслар миқдорини ифодаловчи рақамлар бир миллиондан уч миллион нафаргача оралигида ўзгариб туради. Уларни маъмурий чоралар ёрдамида ажратиш борасидаги барча уринишлар эса одатда «сиқиб чиқариш» ёки этник тозалаш кампанияларига олиб келади. Босния ва Косоводаги воқеалар бунга яққол мисол бўла олади.

Умуман олганда, қайд этиш мумкинки, Евроосиё ва, айниқса, Марказий Осиёдаги хавфсизлик соҳасида бугунги вазият ниҳоятда мураккаб ҳамда беқарордир. Совет Иттифоқининг парчаланиши бу бепоян ҳудудларда янги, этник жиҳатдан ранг-баранг, иқтисодий заиф ҳамда мураккаб замонавий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мустақил ҳал қилишда кам тажрибага эга бўлган давлатларнинг ташкил қилинишига олиб келди. Мазкур минтақа миллий-этник сепаратизм марказига айланиб, хавфсизлик соҳасида кўплаб янги, ноанъанавий муаммоларни туғдиради.

### Хавфсизлик муаммосининг геосиёсий сегменти

Юқорида қайд этилганлар, кўп жиҳатдан, минтақавий давлат сифатида Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон минтақада энг аҳамиятли мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланса-да, унинг жаҳон сиёсатидаги ўрнини Қўшма Штатлар ёки Россиянинг ўрни ва роли билан қиёслаб бўлмайди, албатта. Фикримизча, у ўз хавфсизлигини ҳимоя қилишда кўпроқ ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни, шунингдек, ўзининг чегараларини мустаҳкамлашга мажбурдир. Бундан қуйидаги тамойил келиб чиқади: *ташқи сиёсатда бирон-бир давлатларнинг бевосита таъсир кўрсатиш доирасига киришга йўл қўймаслик* ва, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни мустақил равишда белгилаш.<sup>83</sup> Бинобарин, Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон – ўз ташқи сиёсатини ўз манфаатларидан келиб чиқиб белгилайдиган, халқаро ташкилотларга, коллектив хавфсизлик тизимларига ва давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга бўлган мустақил халқаро муносабатлар субъектидир.

<sup>83</sup> Каримов Ислам. Стабильность и реформы. – С. 221.

Албатта, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши муайян шарт-шароитларга боғлиқ бўлиб, улар, ўз навбатида, ташқи сиёсий устуворликлар тизимини ва, зарурат туғилганида – уларнинг ўзгартирилишини белгилаб беради. Биринчи бобда кўрсатилганидек, устуворликлар – бу давлат миллий манфаатларининг ўзгарувчан қисми бўлиб, улар ички ва ташқи шарт-шароитлар ва вазиятларнинглар ўзгаришига қараб ўзгаради. Масалан, бир давлат, бошқа бир давлатларнинг у ёки бу коалицияларига кириши мумкин, агарда мазкур ҳолат муайян пайтда ана шу давлатнинг миллий манфаатларига мувофиқ келиб турган бўлса; шароитлар ўзгарганида давлат, ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, иттифоқлар ҳамда коалициялардан чиқиш ҳуқуқига эгадир. Айнан шунда унинг суверенитети намоён бўлади.

Давлат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси кўп жиҳатдан унинг геосиёсий мақеига ва, умуман, унинг фаолиятини у ёки бу тарзда белгилаб берадиган геосиёсий омиллар йиғиндисига боғлиқдир. Ушбу омиллар жуда кам ўзгарувчандир, шу сабабли давлатнинг геосиёсий мақеи билан боғланган хавфсизлик жиҳатлари ҳаммасидан кўра мустаҳкам ҳисобланади. Шу муносабат билан, айтиш мумкинки, геосиёсий омиллар, ўзининг барқарорлигидан қатъи назар, ҳар доим нисбийдир ва улар сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар билан уйғунликда амал қилади. Бошқача қилиб айтганда, *мутлақо қулай геосиёсий омиллар ҳам, мутлақо ноқулайлари ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Исталган давлатнинг геосиёсий мақеи ҳар доим бошқа давлатнинг мақеи ва кўрсаткичларига нисбатан «яхшироқ» ёки «ёмонроқ» бўлиши билан бирга, ҳамда ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларига эгадир. Шу сабабли, сиёсий раҳбариятнинг вазифаси уларнинг ҳар иккаласидан ҳам ўз ўрнида тўғри фойдаланишдан иборатдир, яъни иккаласи ҳам миллий манфаатлар йўлида “ишлаши” керак бўлади.*

Бугунги кунда геосиёсат биринчи ўринга чиқиши бежиз эмас, чунки унга нисбатан қизиқиш дунёдаги чуқур геосиёсий ўзгаришлар билан изоҳланади. Бу борада Ўзбекистон ҳам истисно эмас, бундан ташқари, у бошқа собиқ совет республикалари каби, геосиёсий ўзгаришларга бевосита алоқадордир. Умумэтироф этилишича, геосиёсат халқаро алоқалар тизимида давлатнинг ролини таҳлил қилишнинг муҳим инструменти ҳисобланади ва уни писанд қилмаслик давлат хавфсизлигига қарши таҳдидларни баҳолашда жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

Совет Иттифоқининг парчаланиши ва кучларнинг икки қутбли мувозанати бузилиши, янги мустақил давлатларнинг катта гуруҳи ташкил қилиниши, шунингдек, Афғонистонда толибонлар режими тор-мор қили-

ниши натижасида минтақада вужудга келган янгича вазият сабабли глобал ҳамда регионал даражаларда содир бўлган геосиёсий ўзгаришларнинг холисона ва ўз вақтида берилган баҳоси, регионнинг барча давлатлари учун, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам, долзарбдир.

Шу муносабат билан, Ўзбекистоннинг замонавий геосиёсий мавқеини ва, аввало, унинг хавфсизлик муаммосига, бизнинг фикримизча, бирмунча кўпроқ таъсир кўрсатадиган жиҳатларини кўриб чиқайлик. Бу жиҳатлар қуйидагилардир: *маконий-жугрофий, иқлимий, табиий-захиравий ва демографик*. Биринчи, маконий-географик жиҳатга транспорт-коммуникация жиҳати яқинроқ бўлиб, у ички транспорт-коммуникация тизимининг аҳволи ва жипслигини, шунингдек, ташқи транспорт коммуникация алоқаларини, жумладан, очиқ денгизларга чиқиш имкониятларини ўз ичига олади.

*Маконий-жугрофий жиҳат*. Ушбу жиҳат Ўзбекистоннинг геосиёсий мавқеидаги унинг ички ва ташқи сиёсатига доимо бевосита таъсир кўрсатиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладиган бош жиҳат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Евроосиё минтақасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, минтақанинг Амударё ва Сирдарё оралиғида шимоли-ғарбидан жануби-шарқий тарафига чўзилиб кетган ерларини эгаллаган. Республика ғарбда Туркменистон билан, шимол ва шарқда – Қозоғистон билан, жануби-шарқда – Қирғизистон ва Тожикистон билан, жанубда – Афғонистон билан чегарадош. Ўзбекистон ҳудудининг умумий майдони 447 000 кв. кмни ташкил қилиб, ундан деярли 3/5 қисмини чўл ва ярим чўл районлар эгаллайди. Ушбу жиҳат демографик омил билан уйғунликда, айниқса, муҳимдир, чунки улар биргаликда аҳоли бандлиги муаммосига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон нафақат очиқ денгизга чиқмайдиган, балки ҳудудлари ҳам бундай чиқишга эга бўлмаган давлатлар билан ўралган («double-land-locked») дунёнинг кам сонли давлатлари сирасига киради. Энг яқин денгиз портидан у уч минг километр узоқликда жойлашган. Мазкур омил, бундан ташқари, мамлакатнинг географик жойлашуви ноқулайлиги ҳақидаги далилнинг исботи учун келтириладиган ягона омил деб айтиш мумкин. Бироқ, ушбу таъкидни мутлақ шубҳасиз деб ҳам бўлмайди, чунки денгизлардан узоқда жойлашганлик билан боғлиқ ноқулайликлар маълум даражада бошқа омиллар эвазига тўлдирилади ва уларнинг мавжудлиги Ўзбекистон геосиёсий мавқеининг бир қатор афзалликлари ҳам мавжудлигидан далолат беради. Республика геосиёсий мавқеининг қулайлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади: замонавий Ўзбекистон ҳудуди та-

рихан қадимги савдо йўллари туташадиган, ташқи алоқалар ҳамда турли халқлар маданиятларининг ўзаро бойиш жараёни фаол кечадиган жой бўлиб келган эди. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон, ўзининг автоном энергетик ва сув тизимлари туфайли, минтақанинг марказида жойлашган бўлиб, у, айна пайтда, Ўрта Осиё республикаларини ўзаро боғлаб турувчи бўғин вазифасини ўтайди. Ўзбекистон, Евроосиёнинг Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғловчи асосий йўллари кесишган ерда жойлашгандир.

Ўзбекистоннинг геосиёсий маъқеи уни давлатлараро транзит, товарлар, капитал ва ишчи кучининг ўзига хос кесишув нуқтасига айлантириш Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодиёт, маданият ҳамда сиёсат соҳаларида интеграциялашуви учун шароит яратади.

Маконий-жуғрофий афзалликлар Ўзбекистоннинг *иқлимий ва табиий-ресурс* жиҳатининг бир қатор қулайликлари билан тўлдирилади. Республика иқтисодиётининг аграр секторини кенг ривожлантириш, жаҳон бозорида талаб катта бўлган, алоҳида қимматбаҳо қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай бўлган ҳудудда жойлашган. Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиёти кучли иқлимий тебранишларга маълум бир боғлиқликдадир. Ўзбекистонда иқлим кескин-континентал бўлиб, унинг учун қурғоқчилик, атмосфера ёғингарчилигининг камлиги, ҳаво нисбий намлигининг пастлиги ва қуёшнинг ўта фаоллиги хосдир. Буларнинг бари сунъий суғориш ва ирригация тармоғини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши лозимлигини тақозо қилади. Ўз навбатида, суғориладиган деҳқончиликнинг ўзига хос хусусияти қишлоқда иқтисодий муносабатларни шакллантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги ўз талабларини илгари суради. Совет ҳукумати давридаёқ Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончиликка асос солинган бўлиб, натижада, у дунёда етакчи пахта ишлаб чиқарувчилардан бирига айланди. Пахта ва ундан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар катта экспорт салоҳиятига эга эканлиги туфайли ҳам, мамлакат учун унинг миллий манфаатлари даражасида, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Агар бутун Марказий Осиё 2 млн. тоннага яқин пахта толасини ишлаб чиқарса, ундан 1,5 млн. тоннаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Республика пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи ўринда туради ва унинг экспорти бўйича дунёда иккинчи ўринди эгаллайди.<sup>84</sup> Пахта экспорти ўртача ҳисобда йилига тахминан 3 млн. тоннани ташкил қилади ва бу Ўзбе-

<sup>84</sup> Қаранг: Каримов Ислам. Стабильность и реформы. – С. 105.



кистоннинг деярли 2,6 млрд. АҚШ доллари ҳажмида, яъни бутун ишлаб топилган валютани учдан бир қисмига ча бўлган миқдорда даромад олиш имконини беради.<sup>85</sup>

Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, собиқ Марказнинг Совет ҳокимияти йилларидаги сиёсати оқибатида республика шаклан заиф ва бузилган қишлоқ хўжалиги тузилмасига эга бўлди. Бунда, пахта энг яхши суғориладиган ерларни эгаллаб олди ва бошқа кўп қишлоқ хўжалик экинларини сиқиб чиқарди. Бугунги кунда давлат ушбу номутаносибликни мувозанатга келтириб, уни имкон қадар ростлашга интилмоқда ва давлат минтақалараро меҳнат тақсимоотида аксарият ўз таъм хусусиятларига кўра ўхшаши бўлмаган сабзавотлар, узум ва меваларни етказиб берувчи бош таъминотчига айланмоқда. Ҳозирда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажми республика ички бозоридаги эҳтиёждан анча ортиқдир (йилига 5 млн. тоннага ча<sup>86</sup>), ва у республика экспортининг асосий даромад манбаларидан бирига айланди.

Ана шу ҳолатларнинг бари Ўзбекистоннинг сув ресурслари масаласи мамлакатнинг ҳаётий эҳтиёжлари учун муҳим миллий манфаатлар ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш даражасидаги долзарб масала эканлигини шаксиз исботлайди. Ўзбекистоннинг ва умуман бутун минтақанинг энг йирик дарёлари – Амударё ва Сирдарёдир. Ана шу икки дарё ва уларнинг ирмоқлари республика ташқарисида бошланиб, ўзининг фақатгина ўрта ва қуйи оқимлари доирасидагина мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб оқади. Бундан ташқари, ушбу дарёлар сув ресурсларининг каттагина қисми барча Ўрта Осиё давлатларининг ерларини суғориш учун сарфланади. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Амударё ва Сирдарё сувлари нафақат республика ва минтақа мамлакатларида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда суғориш учун, балки гидроэнергетикани ривожлантириш учун ҳам қўлланади. Сув ресурслари билан таъминланганлик нуқтаи назаридан, минтақа учун *Орол кўли* (денгизи) катта аҳамиятга эгадир. Бироқ сўнгги йилларда Оролнинг ҳажми уч баравардан ортиқ, майдони эса – икки баравар камайди, шунингдек, унинг қирғоғи 80 кмга қисқарди, сувининг минераллашуви тўрт баравар ошиб, 2 млн. гектар ҳайдаладиган ерлар чўлга айланди, чанг-тўзонли бўронларнинг ҳаракат қилиш радиуси 300 ва ундан ортиқ километрга етди. Буларнинг бари минтақадаги умумий аҳволга ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

<sup>85</sup> Dilip Hiro. Uzbekistan: Avoding a Headlong Jurrch into Unfettered Capitalism. InterPress Service News Agency, October 1998.

<sup>86</sup> Каримов Ислам. Стабильность и реформы. – С. 105; Harnish G. Priority Number One: The Economy, Islam Karimov Seers Uzbekistan On Its Own Way. 1997. – P. 35.

Ўзбекистон табиий-хом ашё ресурсларининг улкан захирасига эга бўлиб, бу ресурслар унга иқтисодиётда чуқур тузилмавий ўзгартиришларни амалга ошириш ҳамда республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган соҳаларни ривожлантириш учун зарур имкониятларни яратди. Республика конларида минерал-хом ашё ресурсларининг катта ва ноёб захиралари мавжуд. Ҳозирги кунга келиб, республикада юзга яқин минерал хом ашё турлари аниқланиб, улар мамлакатимиздаги кўплаб конларда жойлашган (мазкур захиралар қиймати 970 млрд. АҚШ долларига тенг миқдорда баҳоланган).<sup>87</sup> Ана шу конларда Менделеев жадвалидаги деярли барча моддалар кўплаб учрайди.

Республиканинг катта миқдордаги табиий энергоресурсларга, яъни нефть, газ ва кўмир захираларига бой эканлиги Ўзбекистон иқтисодиёти-ни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бутун Марказий Осиё минтақасидаги газ конденсати захирасининг тахминан 74 фоизи, нефтнинг – 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Табиий газнинг аниқланган захиралари 2 трлн. кубометрга яқинни, кўмир захираси – 2 млрд. тоннадан ортиқни, нефть миқдори эса – 350 млн. тоннани ташкил қилади. Табиий газни қазиб олиш бўйича республика собиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради ва дунёнинг газ қазиб чиқарувчи энг йирик давлатларнинг ўнлигига киради.

Республикада 140 дан ортиқ нефть конлари мавжуд бўлиб, уларда баъзи бир баҳолашларга кўра, 350 млн. тоннадан ортиқ нефть бор. Бундан ташқари, республика ҳудудининг 60 фоизга яқини нефть ва газни қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар сирасига киради. Баъзи бир баҳоларга кўра, тўқсонинчи йиллар бошидаги қазиб олиш даражасини сақлаб қолинганида, республиканинг нефть билан таъминланганлик даражаси, чамаси, 80-100 йилни ташкил қилади (қиёслаш учун, Туркменистон захираси – 50 йил муддатга мўлжаллангандир).<sup>88</sup>

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика нафақат комплекси ўзининг мунтазам ўсиб боровчи эҳтиёжларини таъминлабгина қолмасдан, балки республика узоқ вақтлардан бери бошқа минтақаларга ҳам табиий газни етказиб бериб келмоқда. Фойдали қазилмалар кўп турларининг комплексли характерга эгаллиги, қулай кон-геология шароитларида жойлашганлиги

<sup>87</sup> Қаримов И.А. *Ўзбекистан на пороге XXI века.* – С. 22; Alimov Kadir Z. *Models of Economic Reform in Central Asia: Do They Work.?* // *Central Asia Review*, №1, 1997. – P. 32.

<sup>88</sup> Кульчик Ю.Г. *Республика Узбекистан в середине 90-х годов.* Институт этнологии и антропологии РАН, документ. – М., 1995. – С. 4.

ҳамда уларнинг юқори ҳудудий концентрацияси конларни самарали ўзлаштириш ва жаҳон бозорида саноатнинг тоғ-қазилма бойликлари билан боғлиқ бир қатор рақобатбардош соҳаларини ривожлантириш учун тегишли шароитларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон, шунингдек, энг юқори навли олтин, кумуш, уран сингари ва бошқа шунга ўхшаш қимматбаҳо ва ноёб металллар ва уларни қазиб олиш захиралари ҳажмига кўра ажралиб туради. Рангли ва бошқа стратегик жиҳатдан муҳим бўлган нодир металллар – уран, мис, молибден, кўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқаларнинг захиралари ҳам салмоқли ўрин тутаяди. Республикада 30 та уран кони бор. Унинг аниқланган захиралари қарийб 50-60 йил давомида уран қазиб олишни таъминлайди.<sup>89</sup>

Шундай қилиб, Ўзбекистон дунёда маданият, фан, технология ва иқтисодиёт борасида мустаҳкам мавқени эгаллаш ҳамда минтақа ва дунёнинг бошқа давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилишда ўзининг ҳаётий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларини таъминлаш учун зарур бўлган барча омилларга эгадир.

Юқорида қайд этилган, Ўзбекистоннинг маконий-географик хусусиятлари ва унинг бой хом ашё ресурслари туфайли, республика олдида унинг учун муҳим бўлган яна бир геосиёсий муаммо кўндаланг туради, у ҳам бўлса – транспорт коммуникация муаммоси. Умуман олганда, республика кенг тармоқли транспорт тизимига эга бўлиб, у юклар ва йўловчиларни ички ҳамда ташқи ташишларни, яқин ҳамда узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминлайди. Республика ҳудуди орқали минтақадаги ўзга мамлакатларни Шарқ ва Ғарб давлатлари билан туташтирувчи энг муҳим транспорт йўллари ўтади.

Темир йўлларнинг узунлиги бугунги кунда тахминан етти минг километрни ташкил қилади. Ҳаво транспортига келсак, ҳозирги даврда Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг барча йирик шаҳарлари ҳамда дунёнинг – Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия сингари қатор мамлакатлари билан тўғридан-тўғри ҳаво йўллари орқали боғланган.

Ўзбекистон етарли даражада ривожланган газ қувурлари тизимига ҳам эга бўлиб, у орқали газни МДҲ таркибига кирувчи барча Марказий Осиё давлатларига (Туркменистондан ташқари) экспорт қилиш имконига эга. Бундан ташқари, республикадан Челябинск, Екатеринбург

<sup>89</sup> Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века. – С. 231; Кульчик Ю.Г. Кўрсатилган асар. – С. 3-4.

ва Россиянинг Европа қисмига катта қувватли газ қувурлари ўтказилган.<sup>90</sup>

Шу билан бирга, транспорт муаммоси ва уни ривожлантириш Ўзбекистон учун ўз миллий манфаатларини ва биринчи навбатда, давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан, мазкур йўналишдаги асосий вазифалардан бири – нефть ва газни жаҳон бозорига етказиб беришнинг муқобил йўллари излашдир. Мамлакатда бевосита очиқ денгиз йўлларининг йўқлиги ва оқибатда экспорт юкларнинг аксариятини давлатлараро савдо-иқтисодий йўллар орқали етказиб беришнинг мажбурийлиги мамлакатни Ҳинд ҳамда Тинч океанлари, Қора денгиз ва Ўрта ер денгизга ҳамда Форс кўрфазининг энг йирик портларига чиқишини таъминловчи трансмиллий коммуникацияларни ўрнатишни устувор вазифага айлантирди. 1993 йилдаёқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг XIII сессиясида Президентимиз Хитой орқали Шарққа, Эрон ва Туркия орқали – Фарбга ҳамда Форс кўрфазига чиқиш вазифасини қўйган эди.<sup>91</sup>

Давлат хавфсизлиги муаммосига бевосита таъсир кўрсатадиган энг муҳим геосиёсий жиҳат *демографик* омил ҳисобланади. Давлат олдида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш соҳасида нечоғли улкан вазифалар турмасин, уларни охир-оқибатда, инсонлар ҳал қилади. Шунинг учун, давлатнинг хавфсизлиги – бу, аввало, унинг халқи ва унинг ушбу хавфсизликни таъминлаш қобилиятидир. Демографик омил нафақат мамлакат аҳолиси ва унинг сонини ўз ичига олади. Демографик омил – бу, шунингдек, аҳолининг зичлиги, унинг мамлакат ҳудуди бўйлаб тақсимланиши, асосий хўжалик-иқтисодий соҳаларнинг меҳнат захиралари билан таъминланганлигидир.

Республикадаги демографик вазият ўзига хос хусусиятларга эгадир. Биринчи навбатда, у аҳоли сонининг жадал ўсиш суръатларида ва, шу орқали меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари ҳам жадаллашувида намоён бўлади.

Сўнгги ўн йилликлар давомида республика аҳолиси йилига ўртача ҳисобда 1,9-2,1 фоизга ўсиб борди ва бу ҳол, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш динамикасига нисбатан юқори талабларни олдинга суради.<sup>92</sup>

<sup>90</sup> Қаранг: Гафарлы М.С., Расс В.Ф. Узбекистан Сохранение доминирующих позиций государства в экономике. // Постсоветская Центральная Азия. Потери и обретения. – М.: Восточная литература, РАН. – С. 149; Васильев А.М. Россия и Центральная Азия. // Постсоветская Центральная Азия. Потери и обретения.

<sup>91</sup> Қаранг: Каримов Ислам. Стабильность и реформы. – С. 352.

<sup>92</sup> Қаранг: Каримов Ислам. Стабильность и реформы. – С. 99-100.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 27 млн. кишига яқинлашмоқда ва ушбу жиҳатдан у минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланади. Аҳолининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида яшайди ва улар асосан қишлоқ хўжалигида банд. Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳати – аҳолисининг миллий таркиби ўзига хослигидадир. Этник жиҳатдан туб аҳоли устувор мавқега эгадир. Шу билан бирга, республика ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасида давом этаётган демографик «портлаш» зонасининг марказида жойлашган. Кутилишича, 2010 йилда унинг аҳолиси тахминан 30-32 млн. кишига етади.<sup>93</sup> Марказий Осиё мамлакатлари ичида Ўзбекистонда аҳоли ҳаммадан зич яшайди, ёки унда ҳар 1 кв. кмга 51-52 киши тўғри келади, айни пайтда, мазкур кўрсаткичлар Қозоғистонда – 6,1, Қирғизистонда – 22,7, Туркменистонда – 9,4 кишига тенгдир.<sup>94</sup>

Табиий шароитнинг ўзига хослиги муносабати билан Ўзбекистонда аҳоли асосан воҳаларда жойлашган. Аҳоли зичлигига кўра республикани иккита ҳудудга ажратиш мумкин. Биринчисига – Тошкентдан ғарбда ва шимоли-ғарбда жойлашган ҳудуд киради. Бу ерда аҳоли зичлиги жуда паст (масалан, Бухоро вилоятида – ҳар бир кв. кмга 12 киши тўғри келади). Иккинчи ҳудудга эса – Ўзбекистоннинг Фарғона водийси киради. Масалан, Андижон вилоятида (Ўзбекистон ҳудудининг бир фоизидан кам ерни эгаллаган) мамлакат аҳолисининг 9 фоизига яқини яшайди. Унинг зичлиги бу ерда Ўзбекистон бўйича умумий кўрсаткичдан тахминан тўққиз баравар ортиқдир (1 кв. кмга 438 киши).<sup>95</sup>

Бундан республиканинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири бўлган саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва янги ишчи ўринларини ташкил қилиш вазифаси келиб чиқади.

Бу ерда геосиёсий, аниқроғи, табиий-иқлимий ва демографик омилларнинг давлатнинг ҳаётий муҳим миллий манфаатларни ва айни пайтда, ички ҳамда ташқи хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган сиёсати билан тўғридан-тўғри алоқаси яққол намоён бўлади. Мазкур фикрга

<sup>93</sup> Ахмедов Э. и др. Республика Узбекистан. Краткий справочник. – Т., 1992.

<sup>94</sup> Ўша жойда.

<sup>95</sup> См.: Кульчик Ю.Г. Республика Узбекистан в середине 90-х годов. Институт этнологии и антропологии РАН. Документ.- М., 1995. – С. 17.

кўл атоқли хориж экспертлари, жумладан, америкалик сиёсатшунос Крис Сейпл кўшилади.<sup>96</sup>

Умуман олганда, шу нарса аниқки, мамлакатнинг маконий географик хусусиятлари иқлимий-табiiй, хом ашёвий ва демографик хусусиятлар билан бир қаторда келгусида ҳам Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига, шунингдек, унинг миллий манфаатлари тузилмасидаги устуворликларга ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасида бевосита таъсир кўрсатади. Ўрта Осиёдаги ҳар бир давлат уларни ўз имкониятлари доирасида ва ҳозирча асосан якка тартибда ҳал қилиб келади, бироқ ҳамма учун бирдай равшанки, давлатлар олдида турган муаммоларнинг аксарияти биргина миллий воситалар ёрдами билан ҳал қилиниши мумкин эмас, улар минтақанинг бошқа давлатлари ва ҳаттоки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам қилинадиган саъй-ҳаракатларнинг ишга солинишига муҳтождирлар.

Бу эса замонавий дунёнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ва миллий хавфсизлик муаммолари минтақа миқёсида ҳам, умуман дунё миқёсида ҳам ҳарбий-сиёсий ҳамда иқтисодий хавфсизлик муаммолари билан чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хавфсизлик муаммосининг таҳлили доирасида шуни қайд этиш жоизки, деярли миллий ёки диний экстремизм истисносиз яқин ўтмишдаги кўпчилик низоларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланар эди. Бундай экстремизм ҳақиқатан ҳам низоларнинг муҳим омили ҳисобланса-да, бироқ унга урғу берип уларнинг ижтимоий-сиёсий ва халқаро асосини кўпинча яширар эди. Агарда миллий ва диний экстремизм низоларнинг ягона сабаби бўлганида, у ёки бу халқларда ва улар ўртасидаги муносабатларда мазкур экстремизм ҳамда унинг асосида ётган миллий ва диний ҳиссиётлар ўн йилликлар давомида тинчгина мудраб ётгани ва бирданига уйғонгандек бўлиб, бузғунчи ролини ўйнай бошлаши ҳамда чексиз хунрезликлар билан кечадиган низоларга сабаб бўлишини тушуниш қийин. XIX аср тарихига оид қатор муҳим мисоллар машҳур Америка олими, Стэнфорд университети профессори Норман Неймарк томонидан батафсил кўриб чиқилган.<sup>97</sup>

Одатда, юқорида берилган, СССРда элатлараро низолар мавжуд бўлмаганлигининг сабаблари тўғрисидаги саволга миллатчилик ва ди-

---

<sup>96</sup> Seiple C. Heartland Geopolitics: The Case of Uzbekistan. Foreign Policy Research Institute's "E-Notes" [www. fpri.org](http://www.fpri.org) on January 25, 2004.

<sup>97</sup> Norman M. Naimark. Fires of Hatred Ethnic Cleansing in Twentieth - Century Europe, Harvard University Press, 2001.

ний экстремизм совет ҳокимияти йилларида ҳам мавжуд бўлган, фақатгина латент, яъни яширин ҳолатда бўлган, деб жавоб берилади. Унинг очик намоён бўлишига давлатнинг ва унинг бутун бўйсундириш аппаратининг кучи тўсқинлик қилар эди. Бунда кўп ҳолларда давлатнинг мазкур бўйсундирувчи кучи истисноларсиз салбий омил сифатида қаралади. Баъзи бир ҳолларда, айниқса, агарда у нафақат жамоатчиликка қарши вазиятларни, балки инсонларнинг одатий, табиий хоҳиш-истакларини ҳам босиб, турадиган ҳолларда ушбу кучга ҳақиқатан ҳам салбий омил деб қараш мумкин. Шу билан бирга кучсиз ва бутун халқнинг манфаатида ундан амалда фойдаланмасдан туриб, давлатнинг ўзи ҳам яшаши мумкин эмас.

Юқорида айтилганидек, куч – бу давлатнинг ажралмас жиҳатидир ва фақатгина давлат бутун жамиятнинг манфаатлари йўлида легитим равишда кучдан фойдаланиш якка ҳокимлигига эгадир. 90-йилларнинг бошида Фарғона водийсида миллий ва диний экстремистлар томонидан уюштирилган машъум воқеалар рўй берганида ва ана шу воқеалар оқибатида юзлаб инсонлар халок бўлганида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг *қатъий ҳаракатлари*гина бу воқеаларнинг янада салбий ривожланишининг олдини олишга муяссар бўлди ва, натижада, минтақада тинчлик ва хотиржамлик қарор топди.

Шу боис, таъкидлаш мумкинки, ижтимоий-сиёсий ва халқаро жиҳатдан собиқ Иттифоқ ҳудудида миллий ва диний экстремизмнинг авж олиши ва шу билан боғлиқ ҳолдаги низоларнинг келиб чиқиши ҳокимиятдаги бўшлиқ энг муҳим сабабларидан бири бўлиб хизмат қилди. Бутун тажриба эса шуни кўрсатадики, ушбу бўшлиқ ўз-ўзидан сепаратизм руҳига, бузғунчи, экстремистик сиёсий кучларга тўлиб боради. Айнан ўша тажрибанинг кўрсатишича, мазкур кучлар фақатгина кучнинг тилини тушунадилар. Дипломатия ва музокаралар тилини эса улар одатда ўзининг мавқеи ҳамда душманларининг заифлигини эътироф этиш сифатида кўрадилар ва камдан-кам ҳоллардагина муроса қилишга рози бўладилар.

Куч ва бўйсундириш ҳар қандай сиёсатнинг ва айниқса давлат сиёсатининг ўзига хос воситаларидир (Макс Вебернинг парадигмаси). Уларнинг ёрдамида жамиятнинг вайрон бўлишига, унда бошбошдоқлик тенденциялари ва сепаратистик оқимларнинг ривожланишига сабаб бўладиган салбий вазиятлар тутиб турилади ва зарур ҳолларда, керак бўлса, босиб ҳам турилади. Ва биз нафақат ўтмиш тарихидан, балки замонавий тарихдан ҳам шунга амин бўламизки, қайси жойда қуввати кетган, давлатнинг унинг босиб турувчи механизмлари заифлашган жойда, ўша ерда

парокандалик ҳукм сура бошлайди бошбошдоқлик ва бошқа бузғунчи жараёнлар учун шароит яратилади.

Мазкур хулосани нафақат назария, балки бутун тарих амалиёти, айниқса замонавий давлатларнинг амалиёти тасдиқлайди.

Ҳап шундаки, улардан ҳеч бири *моноэтник* ёки *моноконфессионал* эмас, демак, тегишли шароит яратилган тақдирда этник ёки конфессионал экстремизмни авж олмаслигидан кафолатланмаган. Буни нафақат янги мустақил давлатлар тажрибасидан, балки қўхна давлатлар, масалан, Бельгия, Англия, Канада, Қўшма Штатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг билан бирга, ҳокимият ўз вақтида ўзини ташкиллаштириб, ташаббусни ўз қўлига олишга муяссар бўлган ерда, этникаро ва динлараро зиддиятлар жиддий низолар шаклига кириб, қуроли тўқнашувлар бошқичига ўтиб улгурмади. Буни, хусусан, Ўзбекистон мисолида кўришимиз мумкин.

Давлат, аввал айтиб ўтилганидек, «куч қобиғи» бўлиб, у жамиятнинг турфа хил қисмларини бирлаштириб, уларнинг парчаланиб кетишига йўл қўймайди. Бироқ ушбу куч у ёки бу сабабларга кўра заифлашиб борса, мазкур турфа хиллик дарҳол юзага чиқиб, турли кўринишдаги экстремизм ва низоларга сабаб бўлади.

Албатта, миллий ёки конфессионал экстремизмнинг ҳар бир намоён бўлиши ортида доимо маълум бир сиёсий кучлар турганлигини рад этиб бўлмайди. Ушбу кучлар нафақат инсонларнинг миллий ва диний туйғуларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга, миллий ёки диний омилларни ишга солишга, балки ушбу туйғуларни ўт олдириб юбориш, уларга тажовузкор шакл ҳамда йўналиш беришга интиладилар. Бу хилдаги ёндашув натижасида инсонларнинг миллий ва диний туйғулари тобора сиёсий тус олиб боради ва улар сиёсат омилга айланади. Бироқ буни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмайди, негаки бунинг учун фақатгина тегишли қулай ички ва ташқи шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Мазкур шартлардан асосийлари – бу ҳокимиятдаги бўшлиқ, давлатнинг заифлашуви, унинг конституциявий, ҳуқуқий ва ижтимоий асосларининг барбод бўлиши ҳамда давлатлар ичида ҳам, халқаро муносабатлар соҳасида ҳам умумтизимий тангликлар билан боғлиқ бошқа омиллардир.

Айтиш жоизки, СССРнинг бетартиб парчаланиб кетишидан аслида ҳеч ким манфаатдор эмасди. Ҳарбнинг соғлом фикрли, оқил сиёсатшунослари умумий хавфсизликнинг манфаатига евроосиё хартлендига мансуб бўлган геосиёсий макон устидан олиб бориладиган назорат кўпроқ жавоб беришини яхши тушунганлар. Масалан, Бжезинскийнинг фикри-



ча, «Совет Иттифоқини ўт олиб бораётган миллий низолар борасидаги ягона мақбул восита сифатидаги, конфедерацияга айланишга рағбатлантириш керак».<sup>98</sup> Бу ҳол рўй бермагани боис, у Россия ва бутун собиқ совет маконини Ғарб учун хавфли сюрпризлар манбаи бўлган «қора туйнуқ» деб атади. Ўз вақтида Дж.Кеннан ҳам бу борада худди шундай фикр билдирган эди: «Совет Россияси бир лаҳзада энг кучлилардан бирдан энг заиф ва хароб миллий ҳамжамиятлардан бирига айланиб қолиши мумкин... совет ҳокимиятининг келажаги, Кремль раҳбарларига туюлишича, уларнинг ўзини-ўзи алдашга бўлган соф русча мойиллиги сабаб, эҳтимол, унчалик кафолатланган эмасдир».<sup>99</sup>

Собиқ Иттифоқ ҳудудида низолар табиатини бундан кўра тўлароқ тушуниш, глобал, регионал ва субрегионал геосиёсий трансформациялар каби омилларининг ҳам эътиборга олиншини талаб этади, албатта. СССРнинг парчаланиб кетиши ва унинг буюк мамлакат сифатида жаҳон сиёсий саҳнида мавжудлигининг тугатилиши дунёнинг геосиёсий харитасини ҳамда унда ўрнатилган кучлар мувозанатини тубдан ўзгартириб юборди. Буюк давлатлардан бирининг инқирозга учраши натижасида собиқ совет империяси қарийб етмиш йил давомида ҳукм суриб келган бепоён геосиёсий ҳудудда куч борасидаги бўшлиқ пайдо бўлди ва айнан шу вазиятда бош-бошдоқлик тенденциялари ҳамда экстремизм унсурлари бош кўтарди. Мазкур улкан майдонда ташкил қилинган янги мустақил давлатлар бугунги кунда миллат-давлатларга айланишнинг илк босқичида турибдилар. Улар мустақил равишда ушбу бўшлиқни тўлдиришга ва ўз уйларида тартиб ўрнатишга интилоқдалар. Амалиётнинг кўрсатишича, ҳамма ҳам бу ишни етарлича тезкорлик билан, кескин ички низоларсиз ва жиддий маънавий ҳамда моддий йўқотишларсиз удалай олмайди.

Баъзилари сурункали тус олиб бораётган тўхтовсиз низолар натижасида уларни тезлик билан ҳал қилиш масаласи тобора кун тартибидан марказий ўрин олмақда. Мазкур масалани ҳал қилиш устида сиёсатчи ва олимлар кўп йиллардан буён бош қотириб келмоқдалар, бироқ ҳали-ҳануз муаммонинг ечими топилганича йўқ. Сўнгги йиллар ва ҳаттоки ўн йилликлар давомида кузатилган низолар тарихидан аён бўлишича, уларни фақат ҳарбий воситалар ёрдамидагина ҳал қилиш мумкин эмас. Масалан, Исроил ва араб мамлакатлари ўртасида кечган бешта уруш, Исроилнинг ҳарбий устунлигини яққол намоён қилган бўлса-да, бироқ бундан

---

<sup>98</sup> Brzezinski Z. Beyond Chaos. A Policy for the West.// The National, № 19, Spring 1990. – P. 11.

<sup>99</sup> Los Angeles Times – March 21, 2005.

Яқин Шарқ муаммоси ҳеч ҳам ҳал бўлиб қолгани йўқ. Бунинг устига, бугунги кунда у, шубҳасиз, Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги сурункали низо туфайли, кескинлашувнинг янги босқичга кирмоқда. Эфиопия ва Сомали давлатлари ўртасида Огденга эгалик қилиш учун олиб борилган қуроли тўқнашувдан ҳеч қайси тараф бирон-бир натижа кўрмади. 80-чи йилларнинг бошида Эрон ва Ироқ ўртасидаги қонли уруш саккиз йил давом этди ва регионал низоларни ҳарбий йўл билан ҳал қилишнинг имкони йўқлигини яққол намоён этди.

Агарда замонавий низолар бирон-бир ечимга эга бўлса ҳам, фақатгина мазкур низода қатнашаётган ҳамма томонларнинг қонуний манфаатлари ҳисобга олинган ҳолдагина ўз ечимини топиши мумкин бўлади. Бундай мурсога келишиш – ниҳоятда мураккаб иш бўлиб, айни пайтда, низоли бартараф этишнинг бошқача тури, яъни муносабатларни мўътадиллаштиришнинг ўзгача усули узоқ муддатли ва мустаҳкам бўлиши амри маҳол. Манфаатлари зиён кўраётган тараф, бунга ўз ихтиёрига кўра рози бўлиши жуда мушкул, албатта. Масалан, Яқин Шарқдаги вазиятни тартибга солиш борасида Фаластиндаги араб халқининг қонуний манфаатларини, унинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳамда ўз давлатини барпо этишга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, Исроилнинг ўз манфаатларини ҳам, жумладан, унинг ҳам хавфсиз ҳамда эътироф этилган чегараларда яшаш ҳуқуқини, шунингдек, бошқа манфаатдор давлатларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини эътиборга олмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бироқ айни пайтда манфаатлар ортида уларни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган салоҳиятли куч мавжуд бўлмаса, бундай манфаатларнинг амалда рўёбга чиқиши душвор бўлиб қолади.

Марказий Осиёда регионал хавфсизликнинг ўзaro ички ва ташқи низолар ва шу билан боғлиқ ҳолдаги турли тўқнашувлар ҳолатида тинчликни сақлаб туриш ва уни тиклашга қаратилган чораларни, жумладан, тинчликка зиён етказувчи ва чегараларни бузувчиларга қарши дипломатик, иқтисодий, молиявий ва бошқа йўналишлардаги чора-тадбирларни кўра оладиган мустаҳкам, ишончли тизимини барпо этиш минтақавий ихтилофларни бартараф этишнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида улкан самара бериши мумкин. Бироқ, региондаги ҳозирги вазият бундай тизимнинг яқин келажақда ташкил қилинишига имкон бермайди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, миллий ва диний экстремизм ҳамда унинг негизида пайдо бўлаётган низолар ҳам ички, ҳам ташқи, ёки халқаро омиллар билан узвий боғлиқдир. Низоларнинг халқаро омиллар билан боғлиқлиги бугунги кунда жиддий равишда ўзгача тус олган глобал куч мувозанати билан белгиланади.

Кўпчилик ғарб экспертларининг эътирофи этишларича, икки буюк қудратли давлатнинг глобал қарама-қаршилиги бир вақтнинг ўзида уларнинг умумбашарий ҳалокат учун катализатор тезлаштириб юборувчи омилга айланиб кетиши мумкин бўлган маҳаллий низоларнинг авж олиб кетиш таҳдиди борасидаги ўзаро хавотири билан янада кўпроқ жиддий ташвишга тушишига сабабчи бўлади.<sup>100</sup> Гарвард университетидagi Рус тадқиқотлар маркази директори М.Голдманнинг фикрича, тақдир ҳазили «шундан иборатки, совуқ уруш иккала тарафда ҳам маълум маънодаги тартиб ҳиссини туғдирар ва шундай ҳолатда этник низолар вақтинча пинҳоний тус олар эди. Эндиликда, кескинлик бир қадар юмшаб, яширин ҳолдаги ушбу душманлик жиловини ҳеч нарса тутиб туролмайди. Бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини совуқ уруш қатнашчиларидан ҳеч бири олдиндан кўриб билмаган эди».<sup>101</sup>

Улкан мамлакатларнинг маҳаллий низоларга аралашуви таҳдиди, шубҳасиз, сиёсий вазиятни бир маромда тутиб турувчи омил бўлган эди ва давлатларнинг бир-бирига нисбатан ёки улар ичидаги ҳар хил этник ҳамда диний гуруҳлар ўртасидаги ҳудудий ва бошқа даъволарни маълум даражада чеклаб турар эди. Бугун эса, беқарорлашган ўзаро боғлиқ, лекин ташқи тўхтатиб турувчи кучлардан маҳрум бўлган дунё шароитида, низолар, зўравонлик ва терроризм хуружларининг пайдо бўлиш эҳтимоли нафақат камайди, балки сезиларли даражада ошди. Собиқ Югославияда Жанубий Осетия, Арманистон ва Озарбайжонда, Приднестровьеда ва Тожикистонда бўлиб ўтган қонли воқеалар бунинг яққол исботидир.

Ўзаро узвий боғланган замонавий дунёда ҳар қандай ички низо фақатгина миллий чегаралар доирасида узоқ вақт сақланиб қолаолмайди. Бир қатор сабабларга кўра, бундай низо миллий доирадан четга чиқиши ва бошқа давлатларнинг, биринчи навбатда, яқин қўшниларнинг, ундан кейин эса ўзининг геостратегик ҳамда геоиқтисодий мақсадларини кўзлаган бошқа давлатларнинг ҳам манфаатларига зид бўлиши муқаррардир.

## Коллектив хавфсизлик тизими

Регионал низолар хавфи билан узвий боғлиқ ҳолда, табиийки, собиқ совет маконига кирадиган барча давлатларнинг, айниқса, Марказий Осиё давлатларининг миллий манфаатлари ўзаро боғланганлиги, ўзаро бир-

<sup>100</sup> The Cold War as Cooperation Superpower Cooperation in Regional Conflict Management. – Lnd., 1991.

<sup>101</sup> Московские новости, 13 июня 1993 г.

бирини тўлдириб, бойитиб бориши асосида коллектив хавфсизлик тизимини ташкил қилиш муаммоси пайдо бўлади. Бундай тизим уларнинг хавфсизлигини ва ҳудудий яхлитлигини ҳам ички, ҳам ташқи таҳдидлардан кучли ҳимоя қилиши назарда тутилган.

Аввал айтиб ўтилганидек, кўрилаётган даврнинг бошиданоқ, Россия ҳам, бошқа собиқ совет давлатлари ҳам хавфсизликнинг анъанавий ва янгича таҳдидлари мажмуи билан тўқнаш келиб қолганлиги равшан эди. АҚШ томонидан бир қутбли дунё тузилишини мустаҳкамлаш, НАТОнинг Шарққа томон кенгайтирилиши ва Ғарбнинг собиқ совет маконидаги бевосита таъсирини кучайтириш, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашини огоҳ этмасдан, ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш бўйича уринишлари давом этмоқда, ва бу ҳолат, оқибатда, умуман дунёда ўрнатилган стратегик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда.

Аввалгидек, тутаб ётган, баъзида эса очиқ ҳарбий низолар ҳали ҳам йўқ эмас. Масалан, собиқ совет маконининг жанубий қисмидаги хавфсизликка Яқин Шарқдаги ва Форс кўрфази ҳудудидаги ихтилофли вазиятлар ҳамон салбий таъсир кўрсатиб келади. Бутун 90-чи йиллар давомида Афғонистондаги вазият нафақат Марказий Осиё учун, балки умуман алоҳида таҳдидли бўлган эди. Айнан ўша даврда халқаро майдонда тинчликка таҳдид солувчи диний экстремизм байроғи остида чиқаётган, янги хавф – халқаро терроризм пайдо бўлди.

Бу борада собиқ совет давлатларининг жамоавий ҳаракатлари учун хос бўлган муҳим бир жиҳат кўзга ташланади: Ҳамдўстлик доирасидаги давлатларнинг бирмунча кучсиз алоқалари ва уларнинг кўпинча Россия ташаббускорлигида олиб бориладиган интеграциялашувдан қониқиш ҳосил қилмаганликлари, ҳамкорликнинг муқобил шакллари ни излаб топиш йўлидаги уринишларга сабаб бўлади. МДҲ учун давлатлар устидаги тузилма сифатида, унинг аъзолари ўртасида «боғланиш нуқталари» миқдорининг камлиги ва ўзгарувчанлиги ҳосилдир. Ҳозирги вақтда бутун Ҳамдўстлик маконида умумий муаммоларни улар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган икки асосий йўналишида, яъни иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий хавфсизлик йўналишида ҳал қилиш мақсадида давлатлараро ҳамкорликнинг ҳар хил институтлари пайдо бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (КХШТ), унга Арманистон, Беллоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ўзбекистон, Тожикистон киради. 2002 йил 7 октябрда ташкил қилинган мазкур ташкилот туфайли, Россия Марказий Осиёда ўзининг ҳарбий ишти-

рокини сақлаб турибди. КХШТнинг вазифаси – халқаро терроризм ва экстремизм, наркотик воситалар ҳамда психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бобидаги хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва бирлаштиришдан иборат;

- Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ) – Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон. Фаолиятининг устувор йўналишлари – аъзо-мамлакатлар ўртасида товар айланиши ҳажмини ўстириш, молиявий соҳада интеграциялашув, божхона ва солиқ қонунларининг бир хиллаштиришдир. ЕОИХ 1992 йилда божхона тўсиқларини камайтириш учун ташкил қилинган Божхона иттифоқидан бошланган. 2000 йилда Божхона иттифоқи МДХ доирасидаги бешта мамлакатининг ҳамжамиятига айланиб, унда Молдавия ва Украина кузатувчилар мақомига эгадирлар;

- Марказий Осиёда ҳамкорлик ташкилоти (МОХ) – Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Россия (2004 йилдан бошлаб). 2005 йил 6 октябрда МОХ Саммитида, Ўзбекистон ЕОИХга кириши кутилаётганлиги муносабати билан, МОХ–ЕОИХ бирлашган ташкилотига асос солиш учун, яъни амалда МОХни тугатиши учун ҳужжатларни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинган;

- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) – Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, ХХР;

- Ягона иқтисодий макон – Белоруссия, Қозоғистон, Россия, Украина – Ягона иқтисодий маконни яратиш истиқболи тўғрисидаги келишув бўлиб, бунда божхона тўсиқлари бўлмайдди, тарифлар ва солиқлар эса бир хил бўлади. Бундай келишувга 2003 йил 23 февралда эришилган, бироқ, унинг ташкил қилиниши 2005 йилга қадар кейинга сурилди, кейинчалик эса, ўзаро қарама-қаршилиқлар туфайли мазкур ташаббус билан боғлиқ фаолият номаълум муддатга тўхтатиб қўйилди;

- Россия ва Белоруссия Иттифоқ давлати.

Мазкур давлатларнинг деярли барчасида Россия ўзининг етакчилиги ўринни сақлаб қолган (ШХТда Хитой Халқ Республикаси мазкур ўринни Россия билан бўлиб олган). Грузия сиёсатида ташқи сиёсий устуворликларнинг ўрин алмашинуви шароитида сўнгги йилларда унинг МДХ таркибидан чиқиб кетиши ёки МДХнинг уюшган аъзоси мақомига ўтиши эҳтимолдан холи эмас. Шунга қарамасдан, у Ҳамдўстлик давлатлари доирасидаги ўзаро алоқалардан манфаатдорлигини сақлаб турибди. МДХга интеграциянинг муқобил вариант сифатида ГУАМ даъвогарлик қилмоқда. У 1997 йилнинг октябрида ташкил қилинган ва таркибидаги

давлатлар номларининг биринчи ҳарфларига қўра шундай аталган – Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдавия. 2001 йилда ўз Низомини расман тасдиқлаган пайдан бошлаб, 2005 йилнинг ўрталарига қадар ГУАМ бирон-бир муайян ва амалий ташаббуслар билан чиққанича йўқ. АҚШнинг вице-президенти Дин Чейнинг бевосита раҳбарлиги ва қўллаб-қувватлаши остида 2005 йил 2 декабрда яна бир Ғарбга оғишган бирлашма Демократик танлов ҳамжамияти (ДТХ) ташкил қилинди ва унга Украина, Грузия, Молдова, Латвия, Литва, Эстония, Македония, Словения ҳамда Руминия кирди. Ҳамжамият пойдеворига асос солган ташаббускорлар сифатида Украина ва Грузия президентилари – В.Ющенко ҳамда М.Саакашвили чиқдилар. Ҳамжамиятни ташкил қилиш тўғрисидаги декларацияда шундай дейилади: «қатнашчилар демократик жараёнларнинг ривожлантирилиши ва демократик институтларнинг ташкил қилинишини қўллаб-қувватлайдилар, демократияни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуларини ҳурмат қилиш борасида тажриба алмашадилар, шунингдек, янги ва пайдо бўлаётган демократик жамиятларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириб борадилар». Мазкур ташкилотлар умумий гаплардан ташқари ҳеч қандай ўзларини ибратли ишлари билан намоён этмадилар.

2004 йил сентябрида Остона (Қозоғистон) шаҳрида бўлиб ўтган МДХ саммитида МДХ тузилмаларини ислоҳ қилиш, хусусан, терроризмга қарши кураш бўйича МДХ Хавфсизлик Кенгашини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ҳозирги вақтда МДХ доирасида иккита мувозий параллель жамоавий ҳарбий тузилма мавжуд. Улардан бири соф ҳарбий тузилма бўлиб, у 1992 йилда ягона ҳарбий сиёсатни ишлаб чиқиш учун ташкил қилинган МДХ Мудофаа вазирлари кенгашидир. Унинг қошида доимий котибият ва МДХ Ҳарбий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш штаби (ХХМШ) мавжуд. Иккинчиси – аксилтеррористик – Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартнома ташкилоти (КХШТ). КХШТ доирасида бир неча ҳаракатчан қўшин, батальонлари, вертолёт эскадрильяси, ҳарбий авиация таркибидаги тезкор жамоавий кучлар ташкил қилинган. 2002-2004 йилларда ҳарбий соҳадаги реал ҳамкорлик фақатгина КХШТ доирасида ривожланган, чунки унинг аъзоларининг халқаро терроризм тимсолидаги умумий рақиби бор. КХШТ доирасида мунтазам равишда биргаликдаги ўқишлар олиб борилади, мувофиқлаштирувчи штаб сифатида ягона Аксилтеррорчилик маркази фаолият кўрсатади.

Мазкур ташкилотлардан баъзи-бирлари хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Биргаликдаги хавфсизликни мисоли, мудофаанинг оқибати сифатида ҳам, Европа Иттифоқи доирасидаги интеграция жараёнларининг

табий оқибати сифатида ҳам, Ҳамдўстлик давлатлари учун ибратли мисол бўлиши мумкин эди. 1992 йил 15 майида Россия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари Тошкентда Коллектив хавфсизлик тўғрисида Шартномани имзоладилар. Мазкур Шартнома барча тарафлар томонидан ратификация қилинганидан сўнг, 1994 йил 20 апрелидан бошлаб кучга кирган. 1992 йилда КХШнинг олий сиёсий органи – Коллектив хавфсизлик кенгаши шакллантирилиб, унга ўша вақтда МДҲ Бирлашган қуроли кучларининг Бош қўмондони ва аъзо-давлатларнинг раҳбарлари киритилди. Кейинчалик – 2001 йил майида – сессиялар оралиғида Кенгашга бошчилик қиладиган КХК раиси лавозими жорий этилди. КХШ аъзо-давлатларнинг президентлари ўзаро навбат асосида КХК раиси лавозимида фаолият кўрсатадилар.

Шартноманинг I-Моддасида тарафларнинг кучни ёки куч билан таҳдидни қўлламаслик, ўзи билан бошқа давлатлар ўртасидаги барча келишмовчиликларни эса фақатгина тинчлик йўли билан ҳал қилиш мажбурияти тасдиқланган.<sup>102</sup> Аъзо-давлатлар ҳарбий иттифоқларга киришлари ёки давлатларнинг бирон-бир гуруҳларида, шунингдек, Шартнома бўйича ўз ҳамкорига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларда қатнашишлари мумкин эмас. Мазкур қоидага, эҳтимол, Озарбайжон Арманистон билан уруш ҳолатида бўлганлигига қарамасдан, 1993 йил 24 сентябрда Шартномага қўшилганлиги сабабчи бўлгандир; ўша йилнинг декабрида Грузия ва Белоруссия ҳам унинг ортидан бориб, худди шу йўлни танлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳарбий-мудофаа салоҳияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан қатъи назар, бир қатор собиқ совет республикаларида Шартномага қўшилиш учун бошқа сабаблар ҳам мавжуд эди. Бунда, масалан, Арманистон, нафақат Тоғли-Қорабоғ муаммоларидан келиб чиқиб, балки умуман олганда халқаро-сиёсий муҳит сезиларли даражада ёмонлашганлиги туфайли ҳам ўзининг Россия билан муносабатларини мустаҳкамлашга интилар эди. Озарбайжон, эса, ўз навбатида, қайд этилган зиддиятда айнан Россия томонидан Арманистоннинг қўллаб-қувватланиши тугатилишидан умидвор эди. Грузияни бўлса, Россиянинг Абхазия ва Жанубий Осетиядаги низоларга нисбатан муносабати қизиқтирар эди.

КХШ назарий жиҳатдан, асосан, аъзо давлатлар ҳарбий сиёсатининг мудофаага қаратилганлигини ифодалар эди. Коллектив хавфсизлик кенгашининг 1995 йил 10 февралдаги қарори билан тасдиқланган КХШ аъзо-давлатларининг Коллектив хавфсизлик концепциясининг асосий қоида-

<sup>102</sup> Договор о коллективной безопасности, 15 мая 1992 г. – Статья 1.

лари айнан шундан далолат беради. Ва аввало, хавфсизликка асосий таҳдид таърифининг ҳарбий таҳдид деб белгиланиши, шунингдек, таҳдид турлари борасидаги муайян чеклашлар буни яққол тасдиқлайди. Улар қуйидагиларга ажратилади: аъзо- давлатларга нисбатан бошқа мамлакатларнинг ҳудудий даъволари; аввалдан мавжуд бўлиб келган ва ўт олиш эҳтимоли кўпроқ бўлган маҳаллий урушлар ва қуролли низо ўчоқлари, бунда аввало аъзо-давлатларнинг чегараларига бевосита яқин жойлар назарда тутилади; ядровий ҳамда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларига эга бўлган бир қатор мамлакатлар ана шу қуролларни қўллаш имконияти; ядровий ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини тарқатиш; халқаро шартномаларнинг бузилиши натижасида стратегик вазиятнинг ёмонлашув эҳтимоли; ички ишларга ташқаридан туриб аралашишга уринишлар; халқаро терроризм.<sup>103</sup>

Умуман олганда, Ҳамдўстликни мустақил давлатларининг оёққа тураётган ва миллий қуролли кучлар барпо этилаётган вақтда Шартнома маълум маънода ижобий роль ўйнади. Тожикистондаги фуқаролар урушини тўхтатишда, шунингдек, ташқи кучлар кириб келишининг олдини олиш учун Тожикистон ва Афғонистон чегарасида маълум бир тўсиқни шакллантириш, жумладан, халқаро террорчиликка ҳамда наркотикларни олиб ўтишга тўсиқлик қилишда, Тошкент шартномасининг аҳамияти катталигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бироқ КХШ имзоланган дастлабки йилларда, унинг амал қилиши билан боғлиқ баъзи бир ижобий жиҳатлардан қатъи назар, деярли 1998 йилгача Шартнома доирасида ва буидан ҳам кенгроқ, яъни МДҲ доирасида жамоавий мудофаанинг амалий тизимини шакллантириш борасида сезиларли фаоллик кузатилгани йўқ. Аксинча, КХШга бошидан кирмаган Украина Озарбайжон билан бирга Россиянинг МДҲ ташқи чегараларини ҳимоя қилиш ва бу йўналишида ҳамкорлик қилиш борасидаги таклифларига қарши чиқиб, чегараларни Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасида ташқи ва чегара сифатида бўлиш тамойилини қўллаб-қувватлашади. Кўриб чиқилаётган давр мобайнида Украинанинг Ғарб билан стратегик ҳамкорликка уринишлари бунинг энг ёрқин мисоли бўлиб хизмат қилади. Бунда, 1991 йилда мустақилликни қўлга киритганидан кейин, Украина ўша заҳотиёқ Шимолий Атлантика ҳақорлиги кенгашига аъзо бўлди ва 1997 йилда Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгашининг асосчилари сафидан ўрин эгаллади. Деярли, барча собиқ совет давлат-

<sup>103</sup> Концепция коллективной безопасности государств-участников Договора о коллективной безопасности 1995.



лари, жумладан, Россия ҳам НАТОнинг «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастурига қўшилгани шароитида, 1997 йил июлида НАТО ва Украина ўртасидаги алоҳида ҳамкорлик тўғрисидаги Хартия имзоланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.<sup>104</sup>

Бундан ташқари, Россия тинчликпарварлиги, хусусан, Кавказ орти республикаларида, айниқса, умуман, НАТО ва хусусан, АҚШнинг собиқ СССР мамлакатларидаги низолар устидан халқаро назоратни ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантиришга интилиши билан боғлиқ янги геосиёсий вазият шароитида Ғарб билан муносабатлар бора-сидаги энг нозик масалалардан бирига айланди.

Ушбу маънода *Шимолий Атлантика шартномаси* доирасида ташкил қилинган коллектив хавфсизлик тизими алоҳида эътиборга лойиқдир.<sup>105</sup> Икки қутбли СССР – АҚШ қарама-қаршилигининг «меvasи» сифатида, унинг зиммасига Ғарбни «совет ҳарбий таҳдидидан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган эди. Шартнома Америка сенати томонидан ратификация қилинганидан сўнг, роппа-роса бир ойдан кейин Совет Иттифоқи ўзининг биринчи атом бомбасини синади ва бу билан АҚШнинг ядровий қурулга эгалик қилиш борасидаги яккаҳокимлик даъвосига чек қўйди. Айни пайтда, совет дипломатияси коллектив хавфсизликнинг шахсий тизимини яратиш бўйича фаол чораларга қўл урди ва ушбу тизимга унинг Шарқий Европадаги сателлитлари кирди ҳамда булар Варшава шартномаси ташкилоти (ВШТ) доирасида расмийлаштирилди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг ВШТ мамлакатларнинг советларга оғишган блокнинг коллектив хавфсизлик инструменти сифатида тугатилди.

Шимолий Атлантика шартномасининг 5-Моддасига кўра, аъзо-давлатларнинг бирига тажовуз қилиш умуман иттифоққа тажовуз қилиш сифатида қабул қилинади. Ҳозирги шароитда альянс ўз манфаатлари доирасини бирмунча кенгайтди. Хусусан, НАТОнинг кенгайтирилиши асосан Шарқий Европа давлатлари ҳисобига, яъни собиқ социалистик лагерга мансуб мамлакатлардан Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Словения, Болгария, Руминия, Эстония, Латвия, Литва, Хорватия, Албания ва Македония ҳамда эҳтимол, Грузия, Украина ва Молдова

---

<sup>104</sup> Справочник НАТО. 1999. – С. 108-109.

<sup>105</sup> Шимолий Атлантик кенгаш (North Atlantic Treaty Organization – NATO) 1949 йил 4 апрелда Вашингтонда имзоланган ва дастлаб 12 Европа ҳамда Шимолий Америка давлатларини киритган. Ҳозирги кунда НАТОга 26 мамлакат киради. НАТОнинг олий раҳбарият органи – Шимолий Атлантик кенгаши, соф ҳарбий масалалар билан Ҳарбий режалаштириш қўмитаси шуғулланади. НАТО штаб-квартираси Брюссель (Бельгия)да жойлашган.

ҳисобига рўй беради – НАТОни вазифалари ва функцияларининг трансформацияси, яъни шаклан ўзгариши 1999 йил 23-24 апрелдаги Шимолий Атлантика кенгашининг сессиясида давлатлар ҳамда ҳукуматларнинг бошлиқлари томонидан қабул қилинган «Шимолий Атлантика кенгашининг стратегик концепцияси» доирасида рўй беради.<sup>106</sup> Коллектив мудофаа салоҳиятини қўллаб-қувватлаш мазкур вазифаларнинг биринчи қаторида турибди».<sup>107</sup>

НАТОнинг қатор дастурлари ичида энг муҳим дастур – «Тинчлик учун ҳамкорлик» дир. Унинг сиёсий асоси бўлиб, Евроатлантик ҳамкорлик кенгаши (ЕАХҚ) ҳисобланади ва унга 46 мамлакат, жумладан, Украина ҳамда Россия киради (Россия 1999 йил мартида Косоводаги ҳарбий аралашув тўғрисидаги НАТОнинг қароридан сўнг ўзининг ЕАХҚдаги иштирокини биров тўхтатиб қўйди, бироқ 2000 йил февралда уни қисман қайта тиклади). 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг НАТОнинг терроризмга қарши кураш бўйича махсус тузилмасини ташкил қилишга келишилди.

Бугунги кунда НАТО ўз манфаатлар доирасини сезиларли даражада кенгайтирди ва эндиликда бунга қуйидагилар ҳам қўшилди: демократияни ҳимоя қилиш ва уни олдинга суриш; инсон ҳуқуқлари ҳимояси; Ғарб намунасидаги фуқаролик жамияти институтлари ҳимояси; эркин бозор иқтисодиятини муҳофаза қилиш; альянсга аъзо давлатларнинг энергетик хавфсизлигини ҳимоя қилиш. НАТОнинг 2006 йил 22 ноябрда Ригада бўлиб ўтган саммитида сенатнинг халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси раиси, сенатор Ричард Лугар коллектив хавфсизлик муаммосини Ғарб томонидан қандай тушунилиши билан боғлиқ жиддий тузатишларни киритди. Хусусан, у НАТО энергетик хавфсизликини ўзининг марказий вазифаларидан бири деб расман эълон этишини таклиф қилди. Унинг фикрича, Европа мамлакатига газ етказиб беришни қиш ўргасида тўхтатиш, ўз миқёсига кўра, ҳарбий ҳужумга тенглаштириладиган иқтисодий зарарга ва инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келиши мумкин. «НАТО, – деб ёзади у, – «энергия воситасидаги ҳужумга», худди оддий қўшинларнинг ердаги ҳужумига қараганидек, муносабатда бўлиши лозим, яъни бир мамлакатга қилинган ҳужум қолган барча мамлакатларни ҳам жавоб чораларини кўришга мажбур этиши шарт. Бугунги кунда энергетик таҳдид альянснинг демократик Европани унинг шарқий чегаралари яқинидаги авторитар ва тажовузкор давлат ҳужумидан ҳимоя қилишдан иборат бўлган анъанавий мақсадига мос келади. Энергия-

<sup>106</sup> Стратегическая концепция Североатлантического союза. Справочник НАТО. – Брюссель, 1999. – С. 71.

<sup>107</sup> Ўша жойда. – С. 73.

дан ҳарбий қурол ўрнида фойдаланиш – бу келгусида учраши мумкин бўлган фаразий ёки тахминий хавф дегани эмас. Бундай ҳолатни биз ҳозирнинг ўзидаёқ кўриб турибмиз”.<sup>108</sup> Хавфсизлик муаммоси бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари ва улар раҳбарлиги остидаги Шимолий Атлантика альянси наздида худди шундай маъно касб этмоқда.

НАТО коллектив хавфсизлик тизими доирасида маълум бир роллар тақсимоли содир бўлди – яъни, альянс бош қўмондони лавозимига доимо америкаликлар даъвогарлик қилиб келган бўлиб, мазкур лавозимдаги раҳбар бир вақтнинг ўзида АҚШ қуролли кучларига қўмондонлик қилиш вазифасини ҳам қўшиб олиб боради ва айни пайтда, Бош котиб деб аталувчи сиёсий лавозимдаги шахс эса – бир йўла Европа қуролли кучларига қўмондонлик вазифасини ҳам бажаради. НАТО таркибидаги мамлакатлар қуролли кучларининг умумий сони бугунги кунда 2,4 млн. аскар ва зобитлардан иборатдир. Улардан 47 мингтаси афғон операциясидан бошлаб, ҳар хил операциялар ва миссияларда қатнашиб келмоқда. АҚШнинг Германия ва Европадаги қўшинлари 104 минг кишини ташкил қилади.<sup>109</sup> Альянсни молиялаштириш кўп жиҳатдан АҚШга боғлиқдир. НАТОнинг ўтган йилги бюджети қарийб 3 млрд. долларни ташкил этди. Ушбу маблағнинг учдан бир қисми (29 фоизи) АҚШдан келиб тушди, Германия – 23 фоизи, Буюк Британия эса – 13 фоизи киритди. Қолган давлатлар, кўриниб турганидек, НАТО бюджетининг ярмини ҳам таъминламадилар. Ҳеч бўлмаса шу сабабли АҚШ ҳеч қачон ўзининг альянсдаги ҳал қилувчи мавқеидан воз кечмайди. (КХШТ бюджети икки миллион АҚШ долларини ташкил қилади). Бундан ташқари, АҚШ бутун дунёда 720 дан ортиқ ҳарбий базага эгадир,<sup>110</sup> Пентагоннинг Ироқдаги континенти 150 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчини ташкил қилади, Афғонистонда эса, бу рақам бирмунча камроқдир.

Тошкентда имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ҳақида гап кетар экан, шуни қайд этиш жоизки, у Коллектив хавфсизлик тизимини барпо қилишнинг меъёрий базасини шакллантириш жараёнини янада ривожлантириш учун ўзига хос умумий келишувга айланди.

Кўп сонли таҳлилчилар ва сиёсий зодагонлар вакиллариининг фикрига кўра, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома собиқ совет ҳудудида барқарорликни қўллаб-қувватлаш инструментига айланишга қодир эмаслиги маълум бўлди. Бунинг сабаблари қисман ҳамкорликни маълум

<sup>108</sup> The Washington Post, December 25, 2006.

<sup>109</sup> Независимая газета, 08.12.2006.

<sup>110</sup> Jonson Ch. The Sorrows of empire Militarism, Secrecy, and the End of the Republic N. Y., 2004, p.24.

бир механизмлари заифлигида мужассам бўлиб, бу ҳол МДХ мамлакатлари учун ўзаро ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида ҳам умумий муаммага айланди.<sup>111</sup>

Шартномани навбатдаги беш йилга узайтириш ва кўзда тутилаётганидек, унинг янада автоматик узайтирилиши унинг самарадорлиги масаласининг таҳлилини, шунингдек, аъзо-давлатларнинг амалий манфаатларини янги шароитда таъминлаш имконияти ҳамда қобилият масалаларини ҳам кун тартибига қўйди. Вазият, шу жумладан, халқаро вазият ҳам, бундан қатъи назар, ўзгариб борди ва КХШнинг бир қатор давлатлари янги хавф-хатарлар ҳамда чақириқлар билан юзлашди. Айнан шу қарашда Коллектив хавфсизлик кенгаши (КХК)нинг учта сессиясида ҳал қилиниши кўзда тутилган вазифалар белгиланган ва пайдо бўлган муаммолар аниқланган эди: Минскда (2000 йил, май), Бишкекда (2000 йил, октябрь) ҳамда Ереванда (2001 йил, май).

КХКнинг *Минскда бўлиб ўтган сессиясида* туғилган муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ асосий концептуал ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, коллектив мудофаани регионал тизимларини шакллантириш ва қўшма бошқарув органларини ташкил қилишга қаратилган энг муҳим вазифа олдинга сурилди. Бунда мазкур жараёни амалга оширишнинг асоси сифатида КХКга аъзо-давлатларнинг айнаи дамда мавжуд бўлган икки томонлама келишувлари қўлланилиши керак эди.

Афғонистон билан чегаралардаги беқарорликни ҳамда фақатгина Марказий Осиё билан чекланиб қолмайдиган халқаро террорчилар ва экстремистик унсурлар фаолиятининг янада кучайиб бориши *Бишкек сессиясини* ўтказишга олиб келган асосий сабаблардан бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, КХК доирасида қайд этилган таҳдидларга ва КХКнинг ваколати ҳудудида терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши туриш вазифаси қўйилди.

Коллектив хавфсизлик тизими МДХ таркибидаги турли мамлакатларида ҳукм сураётган вазиятни тенг миқдорда акс эттиради, бироқ у Марказий Осиё мамлакатларининг ҳимояси учун айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки, Марказий Осиё минтақасида Шарқий Европа ва Кавказорти йўналишларидан ташқари, сўнгги вақтга қадар минтақавий ва умумий хавфсизлик мақсадида ҳаракатланишга қодир бўлган

---

<sup>111</sup> Игнатов В. Развитие процесса формирования систем коллективной обороны и безопасности в рамках Договора о коллективной безопасности. – В сб. Содружество Независимых Государств: угрозы и вызовы современности.

қўшма ҳарбий тузилмалар мавжуд эмас эди. Минтақадаги аксарият жамоавий тинчликпарвар кучлар ҳарбийлардан иборат эди. 2000 йилдаги саъй-ҳаракатлар асосан Марказий Осиёда Регионал мудофаа тизимини шакллантиришнинг қулай ва етарлича самарали тимсолини излашга ва у ерда тегишли кўп томонлама кучлар ва воситаларни яратишга қаратилган эди.

Бишкекда муайян амалий аҳамиятга молик бўлган иккита энг муҳим ҳужжат қабул қилинган эди. Булар Коллектив хавфсизлик тизимининг кучлари ва воситаларини шакллантириш мақоми тўғрисидаги келишув ҳамда 2001-2005 йилларга мўлжалланган коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш режасидир. КХК сессиясининг қарори ҳам бошқа халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар билан ўзаро таъсир ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган эди. Мазкур қарорга кўра, КХКнинг Бош котибига, биринчи навбатда, БМТ, ЕМХТнинг тегишли тузилмалари ва Шанхай форуми билан ишчи алоқаларни ўрнатиш вазифаси юклатилган эди. Шу муносабат билан эслатиб ўтиш жоизки, Шанхай форуми, аввало, айнан хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиш учун ташкил этилган.

КХШга аъзо-мамлакатларнинг Коллектив хавфсизлик тизими 2001 йил майдаги *Ереван сессиясида* янада аниқлаштирилди. КХК доирасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши туриш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга бевосита тааллуқли бўлган – коллектив мудофаани Марказий Осиё регионида Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар (ТХКК)ни ташкил қилиш тўғрисидаги қарор Коллектив хавфсизлик кенгаши Ереван сессиясининг энг муҳим натижаси бўлди.

Шу аснода, КХШни Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг бўлғуси мантиқий трансформациясига асос солинди. Бунда унинг халқаро-сиёсий даражаси сифат жиҳатидан оширилди ва унинг ваколат доирасига киритилган масалалар рўйхати янада кенгайтирилди.<sup>112</sup>

Ўз навбатида, Ўзбекистон Марказий Осиё ва Россиянинг Қуролли кучлар идораларининг ўзаро таъсир кўрсатишини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чораларни кўрди. Масалан, 1999 йил сентябрида Москвада бўлиб ўтган КХШ аъзо-мамлакатлари мудофаа вазирларининг йиғили-

---

<sup>112</sup> Қаранг: Материалы международной научно-практической конференции «Место и роль Организации Договора о коллективной безопасности в формирующийся архитектуре международной безопасности, перспективы развития ОДКБ.» Издание Совета Федерации РФ. – Москва, 20.01.2005.

шида терроризмга қарши кураш бўйича чоралар белгиланган бўлиб, унда Ўзбекистон ҳарбий маҳкама бошлиғи ҳам қатнашди. Қайд этиб ўтиш жоизки, ўша йилнинг ноябрь ойи бошида айнан Ўзбекистон (Фарғона) ҳудудида “Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони – 99” қўшма қўмондонлик штаб ўқув машғулотлари ўтказилган. Кейинги йилнинг апрелида “Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони – 2000” манёврлари бўлиб ўтди ва унда Россия, Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон ҳарбий бўлинмаларининг ўзаро жанговар ҳаракатлари синовдан ўтказилди. 2000 йил мартда Ўзбекистон МДХнинг Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа борасидаги бирлашган тизимига қўшилди ва ҚХМ нинг “Жанговар ҳамкорлик” қўшма ўқув машғулотларида қатнашди.

Қайд этиш жоизки, МДХнинг давлат бирлашмаси сифатида барча камчиликлари ва заиф томонларидан қатъи назар, зарурат бўлганида, унинг аъзолари ўз эътиборларини айнан унга ва албатта, Россияга, бошқалардан фарқли ўлароқ, реал ҳарбий кучга эга бўлган давлат сифатида қаратишга мажбурдирлар. Биргина шу ҳолатнинг ўзи, фикримизча, *Ҳамдўстликнинг* мавжудлигини оқлайди.

Шу билан бирга, Ҳамдўстлик фикцияга айланиб бормоқда ва у яқинда тугатилади, деган миш-мишларни ҳам эслатиб ўтиш керак.<sup>113</sup> Марк Твеннинг машҳур иборасини ўзгартириб, бу ҳақда шундай дейиш мумкин: *“Ҳамдўстликнинг вафоти ҳақидаги миш-мишлар ошириб кўрсатилгани равиан! МДХнинг касаллиги чўзилиб кетганининг аломатлари яққол аён бўлишига қарамай, у ўлим тўшагидадир, деб ҳисоблашга ҳали эрта. Ахир, бу ҳолатда у ўн йилдан бери турибди ва унинг ушбу касали нафақат кимгадир ҳалал берган, аксинча, кўпларга ҳатто жуда ҳам қўл келган эди. Ҳамдўстлик ўзига ҳеч кимни кишан билан боғлаб аъзо қилмайди, лекин бир вақтнинг ўзиде исталган танг вазиятда ўз аъзоларига мавжуд бўлган афзалликлардан фойдаланиш учун тегишли имкониятларни яратар эди. Ва бундай афзалликлар борлигини ҳатто унинг ашаддий душманлари ҳам тан олишга мажбурдирлар. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов шундай ёзади: “Ҳеч ким бизга бугун МДХнинг тасдиқланган Низоми доирасида иқтисодий ва молиявий интеграцияни чуқурлаштиришга, тўловлар, иқтисодий ҳамда гуманитар интеграция йўлидаги тўсиқларни йўқ қилиш масаласини маданий йўл билан ҳал қилишни ман этаётгани йўқ. Ва бунинг учун шартномаларни имзолаш аввало, геосиёсий характерга эга бўлган турли хилдаги Иттифоқларга*

---

<sup>113</sup> Қаранг: Фурман Д.Е. Кўрсатилган асар.

кириш асло шарт эмас.”<sup>114</sup> Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро муносабатлар амалиётидан шундай хулоса қилиш мумкинки, МДҲга кирадиган давлатларнинг бошқа раҳбарлари ҳам тахминан худди шу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдилар.

Қайд этиб ўтиш жоизки, сўнгги вақтларда МДҲ фаолиятида, аввало, Россиянинг олий ҳукумат раҳбариятининг ўрин алмашuvi билан боғлиқ бўлган маълум бир умид туғдирувчи янги истиқболлар белгиланди. Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг 2000 йил январида ва 2002 йил мартида бўлиб ўтган учрашувлари бунинг учун маълум даражада асос яратиб берди. Халқаро терроризмга қарши кураш муаммоси Ҳамдўстликнинг деярли барча мамлакатлари учун ниҳоятда долзарб ва муҳим вазифа бўлгани ҳолда, регионал хавфсизлик учрашув жараёнида муҳокама қилинган асосий мавзулардан бирига айланди. Ҳеч бўлмаганда, ягона аксилтеррорчилик марказининг ташкил қилиниши тўғрисида ҳақида қарор қабул қилинганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

В.Путин Россия президенти лавозимини эгаллаганидан сўнг Москва-нинг хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришга қаратилган курсига янги туртки берилди. Россия раҳбарининг 2000 йил май ойида Ўзбекистонга қилган ташрифини, фикримизча, айнан шу нуқтаи назардан баҳолаш лозим. Унинг давомида В.Путин на Москва, на Тошкент собиқ совет майдонининг қайта тақсимланишига йўл қўймаслиги ва экстремистларга қарши тегишли чораларни кўришга ҳамшиша тайёрлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистоннинг Ҳамдўстликдаги иштироки унинг кенг маънодаги ҳаётий муҳим миллий манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, МДҲ мамлакатларининг ҳамкорлиги асосида нафақат бу давлатларнинг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий боғлиқлиги, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ҳамда маънавий алоқалар, катта тарихий давр давомида шу маконда яшовчи халқларнинг тақдирлари ўхшашлиги ётади. Ҳақиқатан ҳам, ягона давлат доирасида турли халқларни биргаликда яшаган даврда (1917 йилдан аввал ва ундан сўнг ҳам) ўзига хос евроосиё тамаддунини ташкил қилган маълум бир миллатусти ҳамжамияти шаклланди. Географик ва геосиёсий чегарадошлик, тарихий тақдирларнинг умумийлиги, қариндошлик, дўстона ҳамда маданий алоқалар, шаклланган ҳамжамият чегарасида эркин ҳаракатланишдаги

---

<sup>114</sup> Каримов Ислам. Ўзбекистон на пороге XXI века. – С. 306-307.

одатланганлик – буларнинг ҳаммаси МДХ мамлакатларини бирлаштиришда давом этмоқда ва интеграция жараёнларини ривожлантириш учун объектив муҳит бўлиб хизмат қилади. Бу шароитда қатъий чегаралар ўрнатиш ва бир-биридан узоқлашиш, ҳатто чегараларни ёпиш, фуқароларнинг ҳаракатланишини чеклаб қўйиш, ягона гуманитар, маданий ҳамда ахборот майдонининг бузилиши Ҳамдўстликка кирадиган исталган давлатнинг ривожланишига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Буни ҳатто нисбий чегаралар ўрнатишнинг қисқа амалиёти ҳам яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасига келганда, у МДХ мамлакатлари билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришни ҳар доим ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида кўрар эди. Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги бошқа мустақил давлатлар билан ҳамкорлиги ҳисобига мамлакатнинг миллий хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ҳимояси; фан-техник тараққиёти, янги технологиялар ютуқларига, телекоммуникацияларга, фазовий алоқа воситаларига кириш, керакли хом ашё ҳамда тайёр маҳсулотни, жумладан, халқ истеъмоли товарларини сотиб олиш, шунингдек, ўз маҳсулотини сотиш мумкин бўлган кенг бозорнинг мавжудлиги; транспорт тармоғидан фойдаланишнинг денгиз портларига чиқиш, хорижий мамлакатларга товарларни транзит орқали етказишнинг кенг имконияти таъминланди.

Қандай бўлмасин, буларнинг бари регион давлатларининг миллий-давлат манфаатларига, жумладан, узоқ истиқболда бўлса ҳам, пайдо бўлаётган янги ва эски таҳдидларга қарши, регионал хавфсизлик тизимини ташкил қилиш вазифасига жавоб беради. Яна шу нарса муҳимки, 2001 йилда “Шанхай форуми” нафақат миқёсини ўзгартирди ва *Шанхай ҳамкорлик ташкилотига* айланди, балки ўз таркибига Ўзбекистонни қабул қилди.<sup>115</sup> Хитой 2001 йил сентябрь воқеаларидан ҳам аввал КХШ аъзоларининг терроризмга қарши сиёсатининг тарафдори бўлганлиги бунда муҳим рол ўйнади. ШХТ ўз фаолиятини расман 2001 йил июнида бошлаган бўлиб, мазкур ташкилот доирасида маълумот воситасида алмашиш амалга оширилди ва Марказий Осиёда, Россияда ҳамда

---

<sup>115</sup> Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) – Ҳукуматлараро халқаро ташкилот. 2001 йил 15 июнда Шанхайда олти давлат ташаббусига кўра ташкил қилинган – Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон. ШХТ кузатувчиси мақомига Монғолия, Покистон, Эрон ва Ҳиндистон эгадир. ШХТ аъзо-давлатлари ҳудудининг умумий майдони 30 млн. кв. кмдан ортиғини, ёки Евроосиё минтақасининг умумий майдонидан бешдан уч қисмини ташкил қилади. Мазкур давлатларнинг



Хитойнинг шарқий туманларида халқаро террористик гуруҳлар ва улар билан боғланган жиноий синдикатлар туғдираётган таҳдидларни кузатиб борадиган регионал аксилтеррорчилик марказини Бишкекда ташкил қилмоқда. Худди ўша йили ҳамкорликнинг бошқа механизмлари ҳам расман мустаҳкамланган.<sup>116</sup> Вужудга келган янги шароитда КХШТ ва ШХТнинг халқаро терроризм, регионал сепаратизм ҳамда диний экстремизмга қарши курашдаги хатти-ҳаракатларни бирлаштириш имконияти туғилди ва КХШТга МДХ коллектив хавфсизлиги тизимининг ядроси сифатида фаолият кўрсатишида зарурий ҳисобланган қўшимча халқаро тус берди. 2006 йил 15 июнда Шанхайда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Россия президенти В.Путин мазкур ташкилот аъзо-давлатларининг энергетик хавфсизлигига ўз муносабатини билдириб, энергия ресурсларининг ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари ва экспортчиларини бирлаштирадиган Энергетик клубни ташкил қилишни таклиф этди. Бундан аввал у ШХТда Қирғизистон ва Тожикистондаги ГЭСнинг ортиқча қувватларини Марказий ҳамда Жанубий Осиёга ўтказиш учун энерготармоқларни ташкил қилиш ғоясини илгари сурган эди.<sup>117</sup>

Мазкур ташкилотнинг ҳамкорлигида яна бир муҳим соҳа – 2007-2009 йилларга мўлжалланган Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш дастури доирасидаги мудофаада интеграциялашув ҳисобланади, “қўшма аксилтеррорчилик ўқув машғулотларини олиб бориш тўғрисида”ги (улар 2007 йилда бўлиб ўтди) келишув, ташкилотнинг аъзо-давлатлари ўртасидаги “Аъзо-давлатларнинг ҳудудларига террористик, сепаратистик ва экстремистик фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг кириб келиш каналларини аниқлаш ҳамда бундай ҳаракатларни

---

аҳоли сони – 1,455 млрд. киши (тахминан бутун дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми). Шанхай ҳамкорлик ташкилотига кирадиган мамлакатларни ЯИМнинг умумий ҳажми деярли 2,5 трлн. долларга тенг. Ишчи тиллар: хитой ва рус тили. ШХТнинг асосий мақсадлари қуйидагилардир: аъзо-давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш; сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник, таълим, энергетик, транспорт, экологик ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш. Жами ШХТнинг 6 та саммити бўлиб ўтган. Улар: Шанхайда (2001 июнь), Санкт-Петербургда (2002 июнь), Москвада (2003 май), Тошкентда (2004 июнь), Остонада (2005 июль), Шанхайда (2006 июнь) ўтказилган.

<sup>116</sup> Документы ШОС. Центр внешней политики и анализа (Казахстан) – [www.cvi.kz/text/SHOS/Shanghai.htm](http://www.cvi.kz/text/SHOS/Shanghai.htm).

<sup>117</sup> Московские новости, 22.09.2006.

тўхтатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги келишувларга эришилган.

Айни пайтда, Шанхай олтилиги давлатларининг ҳарбий интеграциялашуви ва фаол геосиёсий сиёсати Қўшма Штатлар учун хавfli бўлиб кўринмоқда. Бу сафар АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Ричард Баучер Джордж Буш маъмурияти номидан ШХТни геосиёсий даъволардан воз кечишга ва иқтисодий масалаларига кўпроқ эътибор қаратишга чақирди. “Биз мазкур ташкилотни ўзининг ғайратини геосиёсий даъволарга эмас, балки иқтисодий ривожланишга қаратганини кўришни хоҳлаймиз”, – дейди Ричард Баучер. Унинг сўзларига кўра, “2005 йил июлида ШХТ томонидан қилинган Марказий Осиёдан АҚШ ва коалиция кучларининг чиқиб кетиш муддатларини белгилаш зарурати тўғрисидаги чақириғи салбий эди ва бизни кўп ташвишга солди”.<sup>118</sup>

Буларнинг бари регион давлатлари – ШХТ аъзоларига иқтисодий ва ҳарбий-техник ёрдам кўрсатиш борасидаги турли хил дастурларига кўра фаол одимлари билан тасдиқланади. Уларнинг ягона мақсади дунёнинг АҚШ учун ҳаётий муҳим бўлган ҳудудларида якка устуворликни таъминлашдир. Мисол учун, АҚШ Қозоғистон Миллий хавфсизлик кўмитасининг Чегара хизмати ва Қуролли кучларини модернизациялашда қатнашади. 2004 йилда денгиз иншоотларини ҳимоя қилиш, шунингдек, наркотиклар ва бошқа ноқонуний товарларни денгиз орқали ташишни тугатиш мақсадида замонавий соҳил кўриқлаш тизими воситалари ҳамда флотни ташкил қилиш учун 5 млн. АҚШ доллари миқдориди ёрдам пули ажратилган эди. 2005 йилда ҳарбий ёрдам 30 млн. АҚШ долларини ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўша даврдги Қозоғистон республикаси ҳарбий бюджетининг 7 фоизини ташкил қилди. Жорий йилнинг бошида эса Қозоғистон ва НАТО ўртасида якка тартибдаги ҳамкорлик доирасида ҳаракатларнинг икки томонлама режаси имзоланди. Унда регионал ва халқаро хавфсизликни кучайтириш, ҳарбий ислоҳотлар, Қозоғистон Қуролли кучларининг ва, хусусан, Шимолий Атлантика альянси доирасида Қозоғистон батальонининг жанговар тайёргарлигини оширишга алоҳида урғу берилади.<sup>119</sup>

Регионал хавфсизлик тизимининг яна бир қатнашчиси – Қирғизистон – МДХнинг ҳамма давлатлари ичида ягона ўзи ўз ҳудудида Америка

<sup>118</sup> Военно-промышленный курьер, № 39, 11-17, 10.2006.

<sup>119</sup> Ўша жойда.

ҳарбий-ҳаво базасига эгадир. Мамлакат раҳбарияти ўз давлат бюджети-ни унинг ҳисобидан аҳамиятли молиявий қўйилмалар билан тўлдиради. АҚШ ҲҲМнинг “Ганси” базасининг ижараси учун бир йиллик тўлов ҳали эълон қилингани йўқ, лекин баъзи бир маълумотларга кўра, у Вашингтон учун йилига 200 млн. долларга яқинни ташкил қилиши мумкин ва бу Қирғизистоннинг АҚШ тавсиясига кўра, ХВФ ва Жаҳон банки назорати остидаги НРС (Heavy Indebted Poor Countries – “жуда катта қарзлари бор бўлган камбағал мамлакатлар” – ингл.) дастурига қўшилишини ре-жалаштирмоқда ҳамда бу билан ўзини АҚШдан бутунлай тобеликка ту-шириш хавфига қўймоқда.<sup>120</sup>

АҚШ нинг Афғонистондаги акцияларининг бевосита оқибатлари тез-кор фурсатда тинчлик ўрнатилишига ишонч туғдирмайди. Худди шунинг-дек, АҚШ, умуман олганда халқаро терроризм муаммосини ҳал қилга-ни йўқ. Аксилтеррор коалициясининг ҳақиқатда ташкил қилиниши – бу турли хил халқаро ва миллий даражаларда эълон қилинганидек, бир маъ-ноли жараён эмаслиги амалда равшан бўлди.

Шу муносабат билан, айтиш мумкинки, халқаро терроризмнинг барча универсал намоёнлиқларида унга қарши туриш борасидаги МДҲ фаолиятини жадаллаштиришнинг энг муҳим натижаси бўлиб, нафа-қат КХШТ масъулияти доирасида белгиланган вазифанинг барча йўна-лишлари бўйича, балки умуман Ҳамжамиятда ҳақиқий ҳамкорлик са-лоҳиятини кенгайтириш ҳисобланади. Дастурнинг қабул қилиниши ва Аксилтеррор марказининг ташкил қилиниши сингари муайян чора-тад-бирларни, шубҳасиз, ҳуқуқий базани кенгайтириш, ташқи сиёсий ўзаро ҳамкорлик ва халқаро-сиёсий ҳамкорлик йўналишларининг диверси-фикациясини чуқурлаштириш билан биргаликда олиб қараш лозим, албатта.

Умуман, буларнинг бари МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик ўсиш салоҳиятига эгадир, деб ҳисоблаш учун асос бўла олади. Жумладан, трансчегаравий таҳдидларга биргаликда қарши чи-қиш мақсадида олиб бориладиган хатти-ҳаракатларни бирлаштириш борасида ҳам юқоридаги фикр ўз исботини топиши турган гап. Кенг маъ-нода бу ҳолат МДҲ мамлакатлари тараққиётининг барқарорлигини таъ-минлаш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг чуқурлаштирилишини билди-ради ва бу бутун собиқ советлар майдонида коллектив хавфсизлик тизми-ни ташкил қилишга ёрдам беради.

<sup>120</sup> Коммерсант, 15.08.2006.

Ўтган ўн йиллик давомида собиқ совет ҳудудида коллектив хавфсизлик тизимини, жумладан КХШТни қуришнинг деярли барча асосий элементлари шаклланиб улгурди (КХШТ, аввал айтиб ўтилганидек, унинг ядроси вазифасини бажаради), шунингдек, уни тўлдирувчи икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ҳамда шартномалар имзоланди. Бунда, МДХ мамлакатларининг кўп томонлама ҳарбий ҳамкорлиги соҳасида КХШТдан ташқари, МДХ ҲҲМни Бирлашган тизими, чегара хизматларининг ҳамкорлик тизими ва тинчликпарварликнинг ўзига хос чизмалари мавжуд. Ва ниҳоят, ташқи сиёсий инфратузилма, МДХ борлигини ўтган ўн йили давомида унинг шакллантирилиши изчил кечмаганилиги шароитида ҳам, Ҳамдўстлик мамлакатларига нафақат ички, минтақавий миқёсда, балки умуман халқаро миқёсда ҳам ўзаро ҳамкорлик олиб боришга ёрдам беради. Шубҳасиз, бундай инфратузилма коллектив хавфсизлик тизимини ривожлантиришнинг зарурий компонентини ташкил қилади, чунки янги ва анъанавий таҳдидларга айнан мос тушадиган жавоб тадбирларини ишлаб чиқиш борасида ўзлари эгаллаши лозим бўлган мавқеини биргаликда аниқлаш ҳамда ўзаро ҳаракатларни мувофиқлаштириш унинг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Демак, замонавий хавфсизлик тизимини янада ривожлантириш учун зарур бўлган ҳамкорлик йўналишлари кўлами кенглиги, барча қийинчиликлардан қатъи назар, совет тузумидан кейинги сиёсий-жуғрофий маконда кечаётган интеграция жараёнларига объектив равишда ёрдам беради.

## V БОБ

### ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (Сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро нисбати)

Иқтисодиёт, худди сиёсат каби – ижтимоий феномендир. Иқтисодиёт деганда бирон-бир алоҳида олинган ишлаб чиқариш, соҳа ёки мамлакат ичида ёхуд халқаро миқёсда товарлар ва хизматларни сотиш, соф бизнес соҳаси сифатида бирон жойда, якка амал қиладиган маълум бир айир-бошлаш муносабатларини тушуниш тўғри эмас.

Баъзи бир нуфузли тадқиқотларда мазкур ҳодисалардан бири умум-давлат жараёнларига боғлиқ бўлмаган, ўз қонунларига қатъиян мос равишда мавжудлиги тўғрисидаги янглиш нуқтаи назар тез-тез учраб туради. Ҳатто иқтисодиёт – бу “пойдевор” дир деган фикрларни, ёки сиёсат учун асос бўлиб хизмат қиладиган, уни белгилайдиган ва бошқарадиган “нефть-газ”, “энергетик” ёки “сармоявий” дипломатияга ўхшаш ибораларни учратиш мумкин. Иқтисодиёт ёки сиёсат амал қилишини излаш беҳуда. Улар ижтимоий феноменлар ҳисобланиб, бир-бирига чамбарчас боғлангандир.

Масаланинг моҳияти урғуни тўғри қўйиш ва ёндашувни танлай билишга боғлиқ. Улар ташқи ва ички шароитларга, давлатнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ривожланиш даврига кўра ўзгариши мумкин. Улар ижтимоий муносабатларга қоришиб, улар билан уйғунлашиб кетган. Иккала феномен ҳар бир давлатда устувор бўлган алоҳида ижтимоий анъаналар ва одатларга, фикрлаш турларига қатъиян мувофиқ бўлиб, мавжуд бўлган анъаналарга ҳамда миллий қадриятлар тизимларига бўйсунди. Шу боис, иқтисодиётни маълум бир давлатни тавсифловчи муносабатларнинг бутун мажмуидан ажратилган ҳолда ўрганиш нотўғри ёндашув бўлган бўлур эди.

Иккала ҳодисанинг фойдасига хизмат қилувчи мазкур далилларни унинг дунёдаги ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти борасида маълум бир давлатга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Аввал қайд этилганидек, глобал “шахмат ўйини” да бош ҳаракат қилувчи давлат асосий “шахмат донаси” вазифасини ўтайди. У ташқи бозорларда ўз товарлари ва хизматларини олдинга суриб, амалда ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилади, замонавий дунёда яшаб қолиш вазифаларини бажаради. Халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида мустақил давлат йўқ бўлса – унинг иқтисодиёти ҳам мавжуд эмас. Бу немис социологияси ва иқтисодиёти классигининг мумтоз намояндаларидан бири

бўлмиш Макс Вебернинг фикрича, деярли исталган ҳодисани, ўз ёндашувимиз ва манфаатимиздан келиб чиққан ҳолда, “сиёсий” ҳамда “иқтисодий” омил сифатида тушунгириш мумкин – бунда чегара шартлидир – бу борадаги минтақавий тафовут деярли сезилмайди.<sup>121</sup>

Сиёсат ва иқтисодиётни, халқаро иқтисодий муносабатлар ҳамда халқаро сиёсатнинг ўзаро алоқасини ўрганиш вақтида шуни ёдда тутиш керак: *давлат, сиёсатнинг мутлақ намоён бўлиши сифатида, ҳаётнинг барча тарафлари, жумладан иқтисодиётдан ҳам устундир*. Иқтисодиёт эса, фақат сиёсий жиҳатдан барқарор давлатдагина гуллаб-яшнайти!

Иқтисодий хавфсизлик Марказий Осиё регионининг янги давлатлари, собиқ СССР республикалари учун тамомла янги муаммо ҳисобланади. Совет Иттифоқи парчаланишига қадар улар мустақил иқтисодий субъектлар сифатида тан олинмаган эдилар, демак, шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий хавфсизлик муаммоси ҳам йўқ эди. Бундан ташқари, мазкур муаммо мутлақо янгича ёндашувни талаб этади, чунки республикалардаги вазият ва дунёдаги аҳвол ўзгарибгина қолмасдан, дунёнинг ўзи ҳам ўзгаради.

Энг умумий маънода “глобаллашув” атамаси остида жаҳон миқёси ва аҳамиятига эга бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши тушунилади. Глобаллашув тушунчаси негизда ҳозирги даврда глобал сиёсий ва маданий “устқурма”нинг шаклланишида ўзига хос асос-пойдевор вазифасини ўтаётган, иқтисодий ва молиявий жараёнлар ётади. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва коммуникация тизимларининг тарқатилишидаги кескин туб бурилишлар шароитида бу ҳолат шундай ҳисоблаш учун асос бўла оладими, глобаллашув доирасида ўзаро алоқадорлик жараёнининг таъсири у ёки бу даражада мамлакатнинг барча соҳаларига тааллуқлидир.

Бугунги кунда “халқаро иқтисодиёт” тушунчаси тобора “жаҳон сиёсий иқтисодиёти” тушунчаси билан алмаштирилаётганлиги бежиз эмас, чунки иқтисодий омил сиёсатнинг бош ресурси сифатида таъкидланиши тобора равшан бўлмоқда. Жаҳон хўжалик юритишининг янги тизими шакллантирилиб, унинг доирасида хўжалик амалиётини қуриш ва фундаментал рақобат устуворликларининг тузилмани ташкил қилувчи элементлари асосида лайдо бўладиган, бир нечта ўзаро таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий марказлар шакллантирилади. Жаҳон меҳнат тақ-

<sup>121</sup> Қаранг: Вебер М. “Объективность” социально-научного и социально-политического познания. Избр произв. – М., 1990. – С. 359-360.

симоти тизимида амалга оширила бориб, улар ўз сиёсий ва иқтисодий устуворликлари тизимга тўла мувофиқликда амал қилади.

Жаҳон сиёсатида Шимолий Атлантика, Тинч океани, Евроосиё, “Жанубий” геоиқтисодий ҳудудлардан ташкил топган “янги регионализм” конфигурацияси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мазкур ҳудудлар улар таркибидаги давлатларнинг стратегик мақсадлари ҳамда улар ўртасидаги манфаатлар бирлигининг муҳим даражаси билан тавсифланади.

Глобаллашувнинг ҳозирги вариантыдан, биринчи навбатда, жаҳон иқтисодиёти етакчилари бўлиши Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)нинг аъзо-давлатлари етакчиларининг ўзаро боғланганлик жараёни сифатида манфаатдорлиги равшандир. Мазкур давлатларда жами инсониятнинг ўндан бир қисмидан ортиқ аҳоли яшайди, аynи пайтда, жаҳон иқтисодий ресурсларининг учдан икки қисми улар қўлида бўлиб, халқаро банк-молия тизимига ҳам худди шу давлатлар ҳукмронлик қиладилар ва технологик жиҳатдан энг ривожланган соҳаларда ҳам айнан улар устувордирлар. Юқорида қайд этилган манфаатдорлик айнан шу билан изоҳланади: молия, товарлар ва хизматларнинг ҳаракати йўлидаги турли хил тўсиқларнинг олиб ташланишидан, биринчи навбатда, иқтисодиёти ривожланган давлатлар манфаатдордирлар.

Мисол учун, қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, глобаллашув жаҳондаги тенгсизликни юмшатиш ўрнига уни янада кучайтириб юборди. Р.Кеохейн ва Дж.Найнинг<sup>122</sup> таъкидлашича, назариячилар кутган эҳтимолий оқибатларга қарамасдан, ахборот революцияси жаҳондаги қудратни марказдан қочирмади ва давлатларни ўзаро тенглаштирмади. Аксинча, у тескари таъсир кўрсатди. Кучли иқтисодиётлар учун қўшимча имкониятларни яратиб, глобаллашув нафақат тенгсизлик муаммосини ҳал қилмайди, балки у нисбатан кучсизларнинг бўйсундирилишига ҳам сабабчи бўлади. Ва шу аснода, аксарият тадқиқотчилар томонидан “Шимол-Жануб” қарама-қаршилиги сифатида таърифланадиган моддий тенгсизликка акс таъсир юзага келади. Айтиш мумкинки, бу тенгсизлик демографик ва миграция жараёнларининг ўзгариши туфайли кескинлашиб боради. БМТнинг эҳтимолий мўлжалларига кўра, 2030 йилда сайёрамиз аҳолиси 8,5 млрд. кишини ташкил қилади. Аҳоли сонининг жадал ва нотекис ўсиши оммавий қашшоқлик муаммосини янада кескинлаштиради ва у, пировард натижада, дунёдаги сиёсий воқеаларга муҳим таътишларни киритишга қодир.

<sup>122</sup> Қаранг: Keohane R. And Nye J. Power and Interdependence in the Information Age. // Foreign Affairs, October 1998.

Масалан, Осиёда 2020 йилда бутун инсониятнинг ярмидан ортиғи яшаши кутилмоқда, саноати ривожланган мамлакатлар аҳолисининг улуши эса сайёрамиз аҳолисининг 1/10 қисмини ташкил қилади. Бунда саноати энг кўп ривожланган мамлакатлар ички бозорларни назорат қилиб, ўзини ўзи таъминлаш жиҳатидан салмоқли даражани муқим эгаллаб қоладилар.

АҚШда ишлаётганларнинг 90 фоизга яқини иқтисодийётда ва ўз истеъмоли учун мўлжалланган хизматлар соҳасида банд. Замонамизнинг учта энг муқим иқтисодийёти – АҚШ, ЕИ ва Японияда ЯИМнинг атиғи 12 фоизи экспортга йўналтирилади. Натижада, халқаро меҳнат тақсимотининг вужудга келган тизими Шимолий Америка, ЕИ ва Шарқий Осиёдан иборат “глобал учлик” нинг мутлақ устуворлиғи вазиятига олиб келади. Бир вақтнинг ўзида халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий тизимида тегишли мавқени эгаллай олмаган давлатлар, ривожланишининг замонавий даражаси доирасидан четда қолиш хавфи остидалар.

Умуман олганда, иқтисодий хавфсизлик муаммоси ҳамиша табиатан ўзига хос хусусиятга эга бўлиб келган ва ана шу жиҳатдан у ҳарбий-сиёсий хавфсизлик муаммосидан фарқ қилади. Мисол учун, *иқтисодий хавфсизликни таъминлашга, ҳарбий куч ёрдамида эришиб бўлмайди*, аксинча, *ҳарбий кучнинг ўзи маълум шароитда миллий иқтисодий хавфсизликка таҳдид солади*. Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасидаги роли ҳам айнан шунга монанд бўлиб, бунда *давлатнинг иқтисодийётга ҳаддан талиқари аралашуви ўз мамлакатининг иқтисодий хавфсизлигини кучайтириши ўрнига унинг заифлашувиға олиб келиши мумкин*.

Совет тузумидан кейинги сиёсий майдонда пайдо бўлган мустақил давлатлар аксарият ҳолларда ривожланган мамлакатлар учун хом ашё етказиб берувчилар родини ва иккинчи навли ёки эскирган маҳсулотни сотиш бозори родини ўйнайди. Бу маънода улар глобаллашувнинг ғарбий, пирамидали моделиға айнан мос тушади.

Бугунги кунда нафақат дунёдаги кучларнинг икки қутбли мувозанати бузилганлиғи билан боғланган йирик сиёсий ва ҳарбий-стратегик ўзгаришлар, балки жаҳон хўжалиғида ҳам аҳамиятли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мисол учун, Қўшма Штатларнинг ҳарбий мамлакат сифатидаги нуфузи Совет Иттифоқининг парчаланиши муносабати билан ошган бўлса, жаҳон хўжалиғида эса бунинг акси кузатилади. Бунда АҚШнинг нуфузи Япония, бирлашган Германия ва умуман олганда, Европа Иттифоқи фойдасиға муттасил пасайиб бормоқда.

Бир вақтнинг ўзида Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг маълум бир сустрлашуви кузатилади. Аввал бирлаштирувчи омил ва ин-



теграциялашув учун рағбат сифатида “совет таҳдиди” деб аталмиш сабаб мавжуд эди. Унинг баргараф этилиши билан Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатларнинг ўз миллий манфаатлари ўзини тобора яққол намоен қила бошлади, унинг аъзолари сонининг Скандинавия, Шарқий Европа ва Болтиқбўйи давлатлари ҳисобига ўсиши натижасида эса Ҳамжамиятнинг аввалги ташкилий ҳамда тузилмавий мустақамлиги ўз-ўзидан камайиб борди. Яқин истиқболда интеграциялашган Европа 30 га яқин мамлакатни ўз ичига олади. Шу муносабат билан, мазкур миқдорнинг ўзи интеграциявий бирлашув сифатининг ёмонлашишига бемалол жиддий таъсир кўрсатишини кутиш мумкин.

Мазкур шароитда барча давлатлар олдига тез ўзгарувчан дунёда ўз ўрнини топиш ва ўз миллий манфаатларини умуман жаҳон ҳамжамиятининг манфаатлари билан, шунингдек, регионал иқтисодий муносабатлар бўйича ҳамкорлар билан имкони борича уйғунлаштиришдек мушкул вазифа қўйилади. Эҳтимол, улар ўз ташқи иқтисодий муносабатлари ривожини деярли илк босқичдан бошлаганлар ва ўз иқтисодий хавфсизлик тизимини ҳам худди шу тарзда илк босқичдан бошлаб ташкил қилганликлари боис ҳам, бундай вазифа янги мустақил давлатлар учун янада долзарб кўриниши мумкиндир.

Умуман, *Миллий иқтисодий хавфсизлик* деганда нима тушунилади? Илмий адабиётларда, билишимизча, унинг ягона талқини ҳали ишлаб чиқилмаган. Эҳтимол, у ишлаб чиқилмайди ҳам, чунки ушбу тушунча, ҳарбий-сиёсий хавфсизлик тушунчасидан фарқли ўлароқ, нисбатан ўзгарувчандир, иқтисодиёт ривожининг ташқи шароитлари ҳамда ички омилларига кўпроқ муҳтождир. Шунинг учун, фикримизча, иқтисодий хавфсизликнинг қатъий таърифларини беришга уринишлар беҳудадир. Бундай таъриф, мисол учун, В.Паньковда учрайди. «Миллий иқтисодий хавфсизлик, – деб ёзади у, – бу барқарорлик билан, ижтимоий қайта ишлаб чиқаришнинг меъёрда амал қилишини бузадиган, аҳолининг ҳозирги пайтдаги эришилган турмуш даражасини барбод қиладиган ва бу билан жамиятда юқори даражали ижтимоий тангликка олиб келадиган, шунингдек, давлатнинг мавжудлигига ҳам таҳдид соладиган, ички ҳамда ташқи омилларга нисбатан “иммунитет” билан таърифланувчи, миллий иқтисодиётнинг ҳолатидир.”<sup>123</sup>

Немис тадқиқотчиси Альгинг фон Гезау, ўз навбатида, иқтисодий хавфсизликка ҳамда иқтисодий куч, яъни, иқтисодиёт соҳасида мақсадларга эришиш қобилияти ўртасида, шунингдек, иқтисодий хавфсизлик-

<sup>123</sup> Паньков В. Экономическая безопасность. // Интерлинк, 1992, № 3. – С. 114.

ка таҳдидлар ва умуман олганда, миллий манфаатларга таҳдидлар ўрта-сидаги фарқни ажратиш зарурлигига эътиборни қаратади. Умуман, у шундай хулосага келади: “Ташқи иқтисодий параметрларнинг ўзгариши афзал кўрилаётган иқтисодий тизимни вайрон қилишга қодир бўлган пайтда миллий иқтисодий хавфсизлик таҳдид остига қўйилади.”<sup>124</sup>

Ўз-ўзидан, давлат томонидан назорат қилинадиган ўзаро таъсир кўрсатишдан ташқаридаги эркин бозор иқтисодиёти тўлиқ маънода бош-бошдоқликдан ўзга нарса эмас ёки Гоббснинг ёзишича, бу ҳолат “ҳамма-нинг ҳаммага қарши урушидир” ва бу урушда ҳар ким рақибларини бўйсундиришга ёки бўғиб ўлдиришга интилади. XVIII аср француз тadbиркорларининг пиори “Laissez faire, Laissez passer” бўлиб, – “ҳар кимга ўзи хоҳлаган ишни қилишга ва ўзи хоҳлаган жойга ўтишга рухсат беринг,” яъни, давлат васийлигидан бутунлай озод бўлиш дегани – цивилизациялашган давлатларда кўпдан бери қўлланмайди. Мазкур тамойил, одатда, капитализмнинг “ёввойи” шакллари ҳукм сурган жойларда, масалан, МДХнинг баъзи мамлакатларида амал қилади, ва иқтисодиётнинг тамомила криминаллашуви, коррупция, рэкет ҳамда ташкиллашган жиноятчиликнинг бошқа турлари билан бирга кузатилади. Бироқ, ҳатто бу ерда ҳам у соф кўринишда чиқмайди, чунки бу ҳолда у барча ижтимоий муносабатларнинг бутунлай барбод бўлишини англатган бўлар эди. Амалда эса, ҳатто энг эркин бозор ҳам у ёки бу даражада давлат томонидан тартибга солинганини кўриш мумкин. Мазкур тартибга солиш турли хилдаги шаклларда намоён бўлади, биринчи навбатда, солиқ қонунчилиги, божхона божлари шаклида протекционизмнинг ҳар хил шакллари, лицензиялар бериш борасидаги қонунчилик ва албатта, жамиятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаётини тартибга соладиган бош қонун бўлиб ҳисобланувчи, ҳар йили қабул қилинадиган давлат бюджети шаклида намоён бўлади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда дунёни иқтисодий тартибга солишда давлат роли минималлаштирилган, иқтисодий ривожланишнинг неолиберал моделларини ўзига сингдираётган Фарб давлатлари, бозор тартибсизлиги кенг ёйилган ҳолларда ўз жамиятларида давлат томонидан тартибга солинишнинг қатъий шакллари киритганлар. XIX аср охирида АҚШнинг банк ва трестларга қарши қонунчиликни, 1923-1933 йиллардаги инқироз ҳамда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қатъий чоралар-

<sup>124</sup> Geusau Altling Von. Natural Economic Security: Perceptions, Threats and Policies. // Report of the International Colloquium of the John Kennedy Institute. May, 7-10. 1980. – Endhoven, Netherlands. –P. 5.

ни, урушдан сўнгги молиявий тартибсизлик шароитида Фарбий Европада валютанинг тартибга солинишини эслашнинг ўзи кифоя. Булар машҳур америкалик иқтисодчи, конвергенция назариясининг муаллифи Джон Гэлбрайт ва унинг ҳамкасби, замонавий монетаризм мактабининг “гуру”си Мильтон Фридман томонидан жуда чуқур ва мукаммал тарзда таърифланган.<sup>125</sup>

Давлат ролининг пасайиши тўғрисидаги барча гап-сўзларга қарамасдан, амалда Фарб мамлакатлари иқтисодиётида бугунги кунда ҳам мутлақо бошқача жараёнлар кузатилмоқда. Сўнгги икки ўн йиллик давомида деярли ҳамма ерда бюджет орқали қайта тақсимланадиган ЯИМнинг улуши ўзгаришсиз қолади, ёхуд ҳатто ўсади ҳам. Давлат функцияларининг қисқариши рўй берган бўлса-да, бу асосан аҳолини ижтимоий муҳофазалаш масалаларида ва ташқи иқтисодий соҳада бўлган, бироқ маҳаллий тадбиркорлар ўртасидаги рақобатбардошликни оширишда ҳамда бунинг учун керак бўлган инфратузилмани ривожлантиришда давлатнинг иштироки ошди. Бундан ташқари, давлат томонидан киритиладиган нормалар ва стандартларнинг сони шиддат билан ўсиб бормоқда (экологик, техник, санитария ва ҳ. к.). Деярли барча Фарб мамлакатларида чет эл ишчи кучлари иммиграцияси борасида чекловлар қатъийлашади. Бошқача қилиб айтганда, амалда Фарбда давлатнинг иқтисодий роли қисқариши эмас, балки унинг хўжалик функцияларини жаҳон хўжалигидаги мавқе учун курашда бундан кўра фаолроқ иштирок этиши тарафига ўзгариши рўй беради.<sup>126</sup>

Иқтисодий жиҳатдан тартибга солишда, бу билан миллий хавфсизликни унинг барча турларида таъминлашда давлат ролининг оширилиши соддагина изоҳланади: айнан давлат миллат суверенитетининг ўзида мужассамлаштирувчи ва уни ифодаловчи сифатида ҳамма ерда тан олиннадиган, фаол, жамият манфаатида онгли равишда ҳаракат қилувчи субъект бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ривожланишнинг либерал моделларини эса одатда, Фарб ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда, бошқаларга сингдиради, албатта. АҚШ ишбилармон доираларининг органи бўлмиш “Форчун” журнали бу борада шунини тан олади: *“Америка бизнеси капитализм ҳақида гапирганида, у ўзидан ташқари барча эркин бозор-*

<sup>125</sup> John Kenneth Galbraith. The New Industrial State. – Harvard University Press, 1971; Friedman Milton. Essays in Positive Economics. – The University of Chicago Press, Chicago, 1953.

<sup>126</sup> Қаранг: Коллонтай В. О неолиберальной модели глобализации // “МЭ и МО”, 1999, № 10. – С. 4.

ларни кўзда тутди.<sup>127</sup> Металлургия саноати маҳсулотларига нисбатан қўлланадиган давлат боғлари миқдорининг Қўшма Штатлар томонидан бир ёқлама тартибда оширилиши билан боғлиқ юқорида келтирилган воқеа худди шунга ўхшаш бошқа мисоллар каби, шу хусусдаги хулосамизни яққол исботлайди.

Бугун афтидан, МДХнинг барча мамлакатларида нафақат оддийгина бозор иқтисодиётини, балки ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиб вазифаси у ёки бу шаклда олдинга сурилмоқда. Мазкур вазифада мамлакат ва аҳолисининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсади зимдан ифодаланганлиги кўринади. Ўзбекистон Президенти қайд этганидек, айнан ўша тажрибадан айнан тарихнинг кескин бурилишларида, “ижтимоий формациялар ўрин алмашинуви жараёнларида, ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар кескин тус олган лаҳзаларда, булар миллий хавфсизлик, фуқаролик, тинчлик ҳамда барқарорликка қилинаётган таҳдидлар учун салоҳиятли омил бўлиб хизмат қилади.”<sup>128</sup> “Шу сабабли, – деб таъкидлайди у, – демократик давлатнинг ўтиш даврида энг муҳим вазифаси бўлиб ижтимоий зиддиятларни нейтраллаш мазкур даврнинг муқаррар қийнчиликларини ҳамда инсонларнинг янги ҳаёт шароитларига мослашуви уларни олдини олиш чораларини кўриш ҳисобига юмшатиш ҳисобланади.”<sup>129</sup>

Мамлакат иқтисодиётининг салбий ташқи таъсирларга қарши туриш қобилияти ва уларга боғлиқ омилларни, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳга* ўзгаришлар жуда кам ёки умуман учрамайдиган табиий омиллар киради. Уларга: мамлакатнинг катталиги, унинг географик ўрни, табиий қазилмалар мавжудлиги, иқлим шароити, яъни геосиёсий омиллар таърифига кирадиганларнинг ҳамда юқорида қайд этилганларнинг барчаси киради.

*Иккинчи гуруҳга* нисбатан узоқ муддат давомида ўзгариши мумкин бўлган омиллар киради: ишлаб чиқариш ва технологияларнинг ривожланиш даражаси, аҳоли даромадлари, олтин валюта захиралари ҳамда бошқа шунга ўхшаш кўрсаткичлар киради.

*Учинчи гуруҳга* нисбатан қисқа муддатларда тартибга солинадиган ва ўзгарувчан омиллар киради: импорт ҳамда экспорт миқёслари, номенк-

<sup>127</sup> Fortune, 25.V. 1998, – P. 25.

<sup>128</sup> Қаримов Ислам. Ўзбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т., Ўзбекистан, 1997. – С. 203.

<sup>129</sup> Ўша жойда. – С. 208.

латураси ва йўналишлари, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув даражаси, унинг диверсификацияси ва ҳ. к.<sup>130</sup>

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойили қуйидагичадир: *бош ислохотчи – бу давлат*. Амалда бу шунинг англатадики, иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солинади, бироқ шу билан бирга, асосан ички захиралар ҳисобига мустақил индустриал-аграр тизимни ташкил қилишга ургу берилади. Булар, биринчи навбатда, – пахта, олтин, уран, нефть ва газдир.

Ислохотлар йўлида ягона мақсад сари ҳаракат қилиш туфайли республикада макроиқтисодиёт ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга ҳамда ишлаб чиқаришнинг минимал даражада пасайишига эришилди. 1996 йилдан бошлаб мамлакатда капитал қўйилмаларнинг ўсиши билан бирга кузатилган иқтисодий ўсиш қайд этилди. 1999 йилда 1991 йилга нисбатан инвестициялар ҳажмининг ўсиши Ўзбекистонда Қозоғистондаги шунга ўхшаш кўрсаткичдан 6 баробар, Украинага нисбатан – 4 баробар ва Россияга нисбатан – 3 баробар ортиқни ташкил қилди. 1999 йилга келиб Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми 1990 йилга нисбатан атиги 5 фоизга камайди, бир вақтнинг ўзида Украинада – 55-58 фоизга, Қозоғистонда – 34-37 фоизга, Қирғизистонда – 29-32 фоизга камайди.

У ёки бу мамлакат ўз захираларига қанчалик бой бўлмасин, замонавий шароитда у ўзини-ўзи яқкалаб қўйган ҳолда муваффақиятли ривожлана олмайди. Ҳамма замонларда ҳам ўз иқтисодий (шунингдек, сиёсий) имкониятларини кучайтиришнинг классик воситаси сифатида давлатларнинг ўз иттифоқларини, шу жумладан, иқтисодий иттифоқларни ҳам тузиш ҳисобланиб келган эди. Улар туфайли баъзи бир давлатлар бошқа давлатларнинг кучли жиҳатлари ҳисобига ўзларининг иқтисодий камчиликлари ва заифликлари ўрнини қоплашлари ҳамда ўз ҳаракатларини бирлаштириб, сиёсатда ҳам, иқтисодиётда ҳам ўзлари учун қулай бўлган кучлар мувозанатини вужудга келтиришлари мумкин.

Нафақат Фарбнинг етакчи мамлакатлари билан, балки МДҲ доирасида ҳам иқтисодий кучлар ва имкониятлар мувозанати бугунги кунда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳар бир алоҳида олинган мамлакат фойдасига эмаслиги шубҳасиз. Фикримизча, бунда “ўз кучига таяниш” каби ҳар қандай сиёсат иқтисодий самарадорликда, демак, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ҳам жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Маълумки, иқтисодиётда самарадорлик кучнинг энг муҳим кўрсаткичларидан

<sup>130</sup> Қаранг: Загашвили В.С. Актуальные проблемы внешнеэкономической безопасности России. – М.: ИМЭМО РАН, 1994. – С. 19.

бири ҳисобланади. Шу сабабли, бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликдан манфаатларни тақсимлашдаги устуворлик бир вақтда ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги устуворлик сифатида баҳоланади.<sup>131</sup>

“Ҳар ким ўзи учун ўзи қайғуради” тамойили амал қиладиган тизимда айни вақтда, барча субъектлар ўз манфаатларининг бир қисмидан воз кечиш ўзлари учун фойдали эканини тушунсалар ҳам, ҳеч ким у ёки бу субъектни тизимнинг манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори қўйишга мажбур қила олмайди. Сабаби – уларнинг ҳеч бири бошқалар унинг ортидан боришларига ишонмайди. Бунга энг яхши мисол – МДҲ ва унинг аксарият аъзоларининг унга бўлган муносабатидир.

Бундан назарияда “хавфсизлик дилеммаси” деб номланувчи ҳодиса пайдо бўлади. Қисқа қилиб айтганда, унинг асосида ўзаро ишончсизлик ва бошқаларнинг муваффақиятларига нисбатан ғайирлик муаммоси ётади. Хусусан, у қуролланишнинг жадаллашувида намоён бўлиб, унинг қатнашчилари салоҳиятли рақиб улардан устун чиқишидан хавфсирайдилар, бироқ уларнинг ҳаммаси ўзларини бундан тийсалар, ютган бўлардилар. Ва улар бунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ харажатларда эмас, балки айнан хавфсизликнинг ўзида ютган бўлар эдилар. Натижада, хавфсизлик ортидан қувиш билан боғлиқ чексиз пойга юзага келиб, қатанашчилари ўз хатти-ҳаракатлари билан бир-бирларини мазкур пойгада доира бўйлаб узлуксиз ҳаракатланишига ундайдилар.<sup>132</sup>

*Хавфсизлик дилеммаси* халқаро иқтисодий алоқалар учун ҳам хос бўлиб, бунда у турли шаклларда намоён бўлади. У “иқтисодий худбинлик” ёки у ёки бу давлатнинг максимал даражада ўзини ўзи қондирадиган ҳамда иқтисодий ўзаро боғлиқлик билан изоҳланадиган силкинишлар ёки тангликлардан холи бўлиш мақсадида ўзида иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантириш истаги кўринишида намоён бўлиши мумкин. Бироқ жаҳон амалиётидан маълум бўлишича, бундай сиёсат, аста-секин давлат захираларини қуритади ва унинг ўз иқтисодий хавфсизлигига зарар етказди.

Айтиб ўтилганлардан ташқари, хавфсизлик дилеммаси кўп ҳолларда давлатларнинг божхона тарифлари, экспорт субсидиялари ва ҳ. к. ларнинг миқдорида ифодаланган рақобатчилиги *протекционизм* шаклида

---

<sup>131</sup> Қаранг: Kenneth Waltz N. Theory of International Politics. // Neorealism and Its Critics. Ed. By R.O.Keohane. – N.Y., 1986. – P. 100-104.

<sup>132</sup> Қаранг: Jervia Robert. Cooperation under the security dilemma. // World Politics, Jan. 1978. – P. 167-214; Snyder Glenn H. The Security dilemma in alliance politics. // World Politics, July 1984, No 36. – P. 461.

учрайди. Қатъий протекционистик чораларни амалга оширишда вужудга келиши муқаррар, бўлган, давлат иқтисодиётининг озми-кўпми даражада яққаланиб қолиши мамлакатнинг жаҳон ресурслар айланмасидан қисман чиқиб кетишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, унинг иқтисодий ўсиш асосларига, демак, иқтисодий хавфсизлигига ҳам путур етказди. Протекционистик воситаларнинг жаҳон иқтисодиётига кўрсатадиган салбий таъсири аллақачон давлатларни иқтисодиёт соҳасида иқтисодий божхона ва бошқа урушларга қарши жамоавий чоралар кўришга ҳамда ушбу мақсадда Жаҳон савдо ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, МДХ, ЕОИХ, АСЕАН ва шу каби тегишли халқаро ташкилотларни яратишга ундади.

Хавфсизлик дилеммаси ўзининг ҳар хил шакллари ва кўринишларида ҳар бир давлатнинг хавфсизлик сиёсати учун, унинг раҳбарияти томонидан англанилганлигидан қатъи назар, муаммо бўлиб ҳисобланади. Бунинг тўғрилигини давлатларнинг ўзаро алоқаларга доир бутун инсоният тарихи, айниқса XX асрда, давлатларнинг иқтисодий алоқалари устувор аҳамиятга эга бўлган вақтдаги замонавий воқелик яққол исботлайди. Бунга энг ёрқин мисол – МДХ фаолиятининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳалардаги қисқагина тарихидир.

Ҳозирги босқичда Марказий Осиё минтақасининг янги мустақил давлатлари, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан, фикримизча, иккита муҳим вазифа ўртасидаги қарама-қаршилиқ алоҳида аҳамиятга эгадир. Улардан бири – жаҳон хўжалигига интеграциялашув ва иккинчиси – бозор тамойилларига асосланган, ички жиҳатдан яхлит, ўзининг шахсий миллий хўжалигини ташкил қилишдан иборатдир.

Бунда пайдо бўладиган зиддиятнинг сабаби – жаҳон хўжалигига интеграциялашув билан боғлиқ манфаатлар ҳамма вақт ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига мос бўлавермайди. Баъзи ҳолларда улар ўзаро мутлақо қарама-қарши бўлади. Мазкур ички ва ташқи интеграциялашув ўртасидаги, ички ҳамда ташқи иқтисодий либераллашув ўртасидаги зиддият асосан хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқ-бозлиқ тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошидан кечирётган мамлакатлар учун хосдир.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди, бу эса унинг ташқи иқтисодий фаолияти билан боғлиқ салоҳиятини жиддий равишда чеклайди. Шу сабабли, халқаро алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида, ташқи ҳаво алоқаларини йўлга солиш билан бирга, трансмиллий автомо-

биль ҳамда темир йўл магистралларини, барпо этиш, шунингдек, мамлакатнинг Ҳинд ҳамда Тинч океанлари, Қора ва Ўрта Ер денгизлари, Форс кўрфазининг энг йирик портларига чиқишини таъминловчи қувурларни қуришда қатнашиш бугунги кунда устувор аҳамият касб этади. Ушбу маънода, шунингдек, телекоммуникация алоқаларининг ривожлантирилиши ва компьютер ҳамда йўлдош (спутник) алоқаси воситаларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштириб қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги энг муҳим вазифалардан бири – республиканинг илғор мамлакатларидан технологик жиҳатдан ортда қолишини қисқартириш, истиқболда эса – бутунлай бартараф этишдан иборатдир. Жаҳон амалиётидан маълум бўлишича, бунда нафақат оддийгина ташқи савдо, балки иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам бундан кўра мураккаброқ шакллари, жумладан, ишлаб чиқариш кооперацияси ҳамда капитал экспорти етакчи рол ўйнайди.

## Регионализмдан глобаллашув сари

Ўзбекистон Президенти олға сурган “*регионализмдан глобаллашув сари*” ибораси – бу оддийгина баландпарвоз шиор эмас. У реал геосиёсий ва иқтисодий мазмунга эгадир ҳамда унда миллий хавфсизликни, жумладан иқтисодий хавфсизликни ҳам таъминлаш билан боғлиқ замонавий муаммонинг моҳияти акс эттирилган.

Сўнгги йилларда “глобаллашув” тушунчаси ва унга яқин бўлган “ўзаро боғланганлик” ҳамда “интеграциялашув” тушунчалари кўп ҳолларда мутлақлаштирилиб, асосан, ижобий маънода шаксиз эзгулик, яхшилик маъносида тасаввур этилиб, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги барча қийинчиликларнинг бирдан-бир давоси сифатида қарала бошлади. Ҳар қандай қарши тенденциялар эса баъзида ортга қайтиш сифатида баҳоланади. Кўп ҳолларда эса, бир томондан, глобаллашув жараёнларининг қарама-қарашилигини ва иккинчи томондан, уни салбий ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш чораларини учратиш мумкин.

Давлатнинг тартибга солувчи ролисиз глобаллашув – сўнгги ўн йилликларда нафақат назарияда, балки амалиётда ҳам устуворлик қилаётган, глобаллашувни *нолиберал моделининг* асосий шартидир. Унинг асосий белгилари қуйидагилардир:

- жаҳон хўжалигига кирадиган мамлакатларни қатъий моңетаризм асосида хўжалик жиҳатдан тартибга солишга ургу бериш;



- ривожланишнинг асосий ёки ягона тартибга солувчиси этиб тартиб-сиз бозор механизми эълон қилинади;

- миллий-хўжалик комплекси, суверенитет, ҳатто давлатнинг ўзи ҳам йўқ бўлиб кетаётган категориялар сифатида қаралади; уларни тезкорлик билан бартараф этиш муваффақият гарови деб ҳисобланади;

- асосий эътибор давлатнинг хўжалик раҳбари сифатидаги родини пассайтириш, либераллашув ва қайта тартибга солишга қаратилади.<sup>133</sup>

Юқорида, неолиберализм ёндашуви учун хос бўлган *икки ёқлама стандарт* ҳақида айтиб ўтилган эди, яъни бунда бир томондан, саноати ривожланган Ғарб мамлакатларига ва иккинчи томондан, собиқ совет майдонидаги янги мустақил давлатларга нисбатан бўлган ёндашув назарда тутилади.

Худди шу муносабат билан Жаҳон савдо ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Халқаро валюта фонди ва бошқа халқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли ўзгариб бораётганлигини таъкидлаб ўтмай илож йўқ. Асосий стратегик ва тезкор қарорлар мазкур ташкилотлар томонидан демократик тарзда эмас, балки ёхуд иқтисодий қудратига, ёхуд уларни жамғармаларга қўшган бадаллари миқдорига мутаносиб равишда қабул қилинади. Бу уларни кўп жиҳатдан *иқтисодий томондан энг қудратли давлатлар сиёсатининг инструменти*га ва бошқа мамлакатлар иқтисодиётини ҳар томонлама либераллаштириш курсини амалга ошириш воситасига айлантиради. Улар томонидан ишлаб чиқиладиган *тавсиялар (биринчи навбатда ХВФ ва Жаҳон Банкнинг)* *ихтиёрий-мажбурий табиатга эгадир*: мазкур ташкилотларда апробациядан ўтказмай туриб ва уларнинг розилигисиз аксарият Ғарб кредиторлари ҳамда инвесторлари ўз капиталларини у ёки бу мамлакатга қўйишга журъат этмайдилар.<sup>134</sup>

Фикримизча, *неолиберализм* соф кўринишда янги мустақил давлатлар учун унчалик тўғри келмайди. Унинг тамойилларига асосланиб, бу давлатлар ўз иқтисодий хавфсизликларини реал таҳдид остига қўйишлари мумкин. Улардаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг тубдан қайта қурилиши, давлатнинг тартибга солувчи родини инкор қилган ҳолда, хўжалик юриштишнинг маъмурий-буйруқбозлик моделидан бозор моделига ўтиш, улар учун ҳалокатлидир.

Буларнинг бари, Г.Каримова ўзининг тадқиқотида қайд этганидек, Ўзбекистон иқтисодиётини бозорга мослаб модернизациялашга бўлган

<sup>133</sup> Қаранг: Коллонтай В. Кўрсатилган асар. – 4 - б.

<sup>134</sup> Қаранг: Ўша жойда. – 8-б.

икки хил ёндашувни ва демакки, шу билан боғлиқ ҳолда манфаатларни иккита гуруҳини белгилаб берди:

1. Шаклланган тузилмавий ўзаро хўжалик алоқалари шароитида нархларнинг тартибсиз либераллашуви усули.

2. Кучли маъмурий тартибга солиниш ва бозор элементларининг қисман киритилиши шароитида ўз-ўзини таъминлаш йўли.<sup>135</sup>

Зикр этилган асар муаллифининг фикрига кўра, мазкур ёндашувнинг иккаласини ҳам Ўзбекистон учун қуйидаги сабабларга кўра қўллаб бўлмайди: биринчидан, нархлар ва савдонинг тезкор бозор либераллашуви, шунингдек, жаҳон бозорига мўлжал олган, чет эл капитали билан қўшма йирик корхоналарни ташкил қилишга урғу бериш республикада ижтимоий-иқтисодий вазиятни кескинлаштириб қўйиши мумкин. Иккинчидан, бундай қўшма корхоналар кам ривожланган замонавий инфратузилма шароитида норентабел бўлиб қолиши ва давлат томонидан мунгазам протекционистик ҳимоя ҳамда субсидиялашни талаб этиш мумкин. Натижада, янги капитал қўйилмаларидан кутилган даромад паст бўлади. Буларнинг барчаси миллий иқтисодий хавфсизликни таҳдид остига қўйиши мумкин.

Қайд этилган иккита тенденция ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал қилишнинг энг яхши усули, бизнингча, либераллашувни миллий иқтисодий манфаатлар билан оқилона ва прагматик уйғунлашувидан ёки, бошқача айтганда, давлатнинг хўжаликни ривожлантириш борасидаги фаол ишгирокининг хусусий тадбиркорлик билан уйғунлашувидан иборатдир. Айнан ушбу ёндашув иқтисодий ривожланишда давлатнинг роли жуда катта бўлган Жанубий Корея, Тайвань, Малайзия сингари мамлакатларнинг ривожланиши учун хос эди.

Шарқий анъаналар, шарқий менталитет ва руҳий тафаккур хос бўлган Ўзбекистон учун, бозор муносабатларига аста-секин, мўътадил ёндашув энг қулай йўлдир. Г. Каримованинг фикрича, бозор тузилмаларини шакллан-тиришда, янги молия ва банк тизимини, бошқарувни ташкил қилишда, шунингдек, мулкчилик муносабатларини қайта кўриб чиқишда мазкур омил мамлакат иқтисодий сиёсатнинг истиқболини таъминловчи асосий девор бўлиб хизмат қилади. Ҳар ҳолда, “шок терапияси” усулини Ўзбекистонда мутлақо қўллаб бўлмайди ва бундан ташқари, мазкур усул унинг иқтисодий ҳамада хавфсизлигини таъминлаш учун ҳалокатли бўлар эди.<sup>136</sup>

<sup>135</sup> Каримова Г. Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы. – Т.: Узбекистан, 1995. – С. 18-19.

<sup>136</sup> Қаранг: Каримова Г. Ўша жойда. – 20-21 б.

Ўзбекистон иқтисодийни жадаллашган тарзда очиб бериш йўлидан бормади. “Марказлаштирилган” импорт ҳажмининг кескин қисқартирилиши ҳисобига эришилган барқарор ижобий сальдо бундай сиёсатнинг муҳим натижасидир. Импорт ҳажмининг қисқартирилиши эса импортни субсидиялашни бекор қилиш натижасида бюджетнинг харажатлар қисмига юкланиши сезиларли даражада пасайди. Бу билан оғир молия-валюта танглигидан чиқиш учун шарт-шароит яратишга эришилди.

Биз Г.Каримованинг қуйидаги хулосасига қўшиламиз: ҳозирги вақтда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги давлат раҳбарияти миллий ривожланишнинг комплексли узоқ муддатли стратегиясини таклиф қила олган, ягона давлатга айланди. “Бунда гап нафақат янги сиёсий элита томонидан ёғдирилаётган декларатив шиорлар ва хом хаёл мақсадлар термаси ҳақида кетмоқда, – деб ёзади у, – Ўзбекистон маълум муваффақиятга эришган ҳолда *ривожланишнинг муайян моделини* ҳаётга татбиқ этмоқда ва бу модель унинг базавий иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий тавсифларига мос келади. Иқтисодий ривожланишнинг стандартлаштирилган ёндашувлари ва универсал рецептлари замонда ўзбек мисоли гўёки анахронизмдек туюлади. Бироқ, у Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари мисолида яққол намоён бўлган, қолоқликни бартароф этиш ҳамда гўлақонли капитализмни яратиш жараёнидаги давлатнинг ҳал қилувчи ролини эслашга ундайди.”<sup>137</sup>

Қайд этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги шароитда миллий давлат замонавий бозор ҳўжалиги амал қилишининг асосини ташкил қилувчи муносабатлар, ҳуқуқий меъёрлар ва мулоҳазаларнинг асосий ҳамда ўзгармас кафили бўлиб, демакки, миллий иқтисодий хавфсизликнинг кафили бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат, ҳеч бўлмаганда янги мустақил давлатлар мисолида, шунингдек, уларнинг жаҳон иқтисодий ҳўжалигига нормал равишда, яъни ҳеч бир тангликларсиз кириб боришини кафолатлабгина қолмасдан, балки умуман, уларни глобаллашув жараёнининг ҳам кафили бўлиб майдонга чиқади.

Шу муносабат билан, фикримизча, глобаллашув сари йўл – бу ўз ичида *учта бўғинни* уйғунлаштирган йўлдир: *биринчиси* – бозор иқтисодий асосида миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш; *иккинчиси* – регионал иқтисодий интеграциялашувни ҳамда регионал хавфсизлик тизимини таъминлаш; ва, ниҳоят, *учинчиси* – жаҳон ҳўжалик тизимига киришдир. Албатта, мазкур вазифаларнинг ҳал қилиниши маълум бир кетма-кетликка ва вақт мобайнидаги изчилликка эга эмас – улар имконият-

<sup>137</sup> Ўша жойда. – 30-б.

га кўра ҳамда қулай шароит яратилишига қараб, ўз вақтида ҳал қилиниши мумкин.

Регионал хавфсизлик тизими ва регионал иқтисодий интеграциялашув иккинчи бўғинни ўз ичига олганда қисқача тўхталиб ўтамиз. Регионал барқарорлик ҳамда регионал даражадаги интеграция жараёнлари тараққиётида аввал Совет Иттифоқи таркибига кирган мамлакатлар ўртасида пайдо бўлаётган муносабатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу тушунарли, албатта, чунки бундаги интеграция жараёнлари негизида нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий туташганлиги, балки улкан тарихий давр мобайнида чуқур тарихий илдиэлар, маданий ҳамда маънавий алоқалар, халқлар тақдирининг умумийлиги ҳам ётади. Уларнинг асосида, шунингдек, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган яқин иқтисодий ўзаро алоқалар ётади. 2000 йилда МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо операцияларининг ҳиссаси иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардаги 36 фоизга ва ривожланмаётган мамлакатлардаги 26 фоизга нисбатан 37,6 фоизни ташкил қилганлиги бежиз эмас. Бунда республика товар айланмасидаги энг катта улуш (15,8 фоиз) Россия ҳиссасига тўғри келган эди.<sup>138</sup>

Мазкур мамлакатларнинг ўзаро яқинлашуви – бу табиий тарихий жараёндир. У ҳамиша, ҳатто Совет Иттифоқининг мавжудлигидан қатъи назар, мавжуд бўлиб келган. Айнан, шу сабабли ҳам, собиқ совет давлатларидан ҳеч бири интеграцияга қарши чиқмайди. Шу билан бирга, улардан ҳеч бири ўзининг мустақиллигидан воз кечишни ҳам хоҳламайди. Ўйлаймизки, ҳеч ким интеграциялашувга қарши чиқмаётган ва бир вақтнинг ўзида уни ривожлантиришга шошилмаётган, ғалати вазият айнан мана шу билан изоҳланади.

Бир вақтнинг ўзида замонавий дунёдаги интеграциялашув ҳам реал заруратдир. Исталган интеграциялашган бирлашма доирасидаги иқтисодий ўзаро боғлиқлик, ўз таркибидаги давлатларни иқтисодий сиёсатининг мунтазам равишда келиштирилишини талаб этган ҳолда, шу билан бирга, уларнинг суверенитетини маълум маънода камситмасдан қолмайди. Бироқ, ушбу камситиш интеграцион бирлашмаларни, ҳеч бир истисносиз, барча қатнашчиларига тааллуқдир. Шу боис, ўз суверенитетининг бир қисмини бой бериб, давлат бир вақтнинг ўзида гўёки бошқа аъзо-давлатлар суверенитетининг бир қисмини умумий фойдаланиш учун қўлга киритади. Бир америкалик иқтисодчининг ўтқир ҳазилига кўра,

<sup>138</sup> Қаранг: Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-сентябрь 2000 года. Гос. Департамент статистики. – Ташкент, 2000. – С. 24-25.

халқаро муносабатларга кира туриб, давлатлар гўё эҳтимолий фойда учун ўз эркинликларининг бир қисмидан воз кечадилар.<sup>139</sup>

Иқтисодий хавфсизликни регионал тизимлари бирон-бир якка ўзига тортиш маркази атрофида, масалан, МДҲ шаротида Россия атрофида гуруҳлашиши шарт эмас. Ўзига тортиш марказлари бир нечта бўлиб, давлатлар ўзларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ва нисбатан чекланган иқтисодий масалалар доирасини ҳал қилиш учун уларнинг атрофида бирлашишлари мумкин.

Субрегионал ҳамкорлик борасидаги бундай ёндашувнинг фойдалилиги айни дамда Ўрта Осиё республикалари томонидан эътироф этилиб, улар турли хил форумлар доирасида миллий ривожланиш сиёсатини мувофиқлаштириш мақсадида ҳамкорликни, айниқса инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ресурслардан биргаликда фойдаланиш соҳасида, бошлаб юбордилар. Мазкур регион давлатларининг иқтисодий интеграциялашув зарурияти, бундан ташқари, улар ўртасидаги технологик, хўжаликлараро ва савдо алоқаларининг сезиларли даражада камайгани билан изоҳланади. Масалан, яқин ўтмишда моддий бойликларни ишлаб чиқаришда Ўзбекистонда Тожикистон саноатининг 58 соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулоти қўлланар эди. Айни пайтда, Ўзбекистон Тожикистон иқтисодиётининг 78 соҳаси учун маҳсулот етказиб берар эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Туркменистондан 43 соҳа маҳсулотини олиб, 62 соҳа учун маҳсулот етказиб берган. Қирғизистон бўйича мазкур кўрсаткичлар, тегишли равишда, 56 ва 54 ни ташкил қилган. Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан муносабатларида ҳам тахминан шунга ўхшаш ҳолат кузатиш мумкин.<sup>140</sup>

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Ўрта Осиё давлатларининг географик жойлашуви ташқи савдо учун унчалик қулай эмас. Қайд этиб ўтилганидек, уларда очиқ денгизларга чиқиш имконияти йўқ, шунингдек, мазкур давлатлар ўртасида коммуникациялар тизими етарли ривожланмаган. Ва ушбу региондан асрлар давомида Буюк Ипак йўли ўтган бўлса ҳам, бироқ ҳозирги вақтда, минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий даражасини таъминлай оладиган геоиқтисодий имкониятларини қайта тиклаш жуда мушкул иш. Бундан ташқари, минтақа мамлакатлари ўз атрофларида жойлашган яқин қўшни мамлакатлар, хусусан, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Эрондаги барқарорликка кўп жи-

<sup>139</sup> См Cooper Richard N. The Economics of Interdependence. NY., 1980, p.4.

<sup>140</sup> Қаранг: Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии. – Ташкент: Ўзбекистан. – 1994. – С. 26.

ҳатдан боғлиқдирлар. Чунки фақатгина ишончли кучлар мувозанати ва шу билан боғлиқ барқарорликкина транспорт йўллари узлуксиз ишлаб туришига ҳамда Жануби-Шарқий Осиё ва Европага йўналтирилган савдо оқимларини амалга оширишга имкон беради. Бунда дунёнинг етакчи мамлакатларидан – АҚШ, Германия, Япония ва бошқалар томонидан ўзларига нисбатан юқори иқтисодий қизиқиш уйғонишига кўп ҳам умид боғлаш тўғри эмас. Шу боисдан, мазкур вазиятда кўпроқ иқтисодий жиҳатдан юқоридаги давлатларга нисбатан бирмунча қуйроқ поғонани эгаллаб турган Россия, Хитой, Эрон, Покистон, Туркия сингари давлатлар сари юзланиш тўғрироқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Транспорт муаммоси ҳам интеграциялашув фойдасига жиддий туртки бўлади. Юклари Россия орқали ташиш муносабати билан пайдо бўлган қийинчиликлар Ўрта Осиё давлатларини 1991 йилнинг охиридаёқ денгиз коммуникацияларига чиқишнинг муқобил йўллари излашга ундади. Таджан-Серахс-Машҳад темир йўл шохобчаси қурилиб, натижада, у минтақа давлатларини Эрон давлати билан туташтирди. Шунингдек, регионни Европа ва Осиё коммуникация тизимларига киритган янги транспорт йўли – Транскавказ йўлаги ишлаб чиқилди.

МДХда марказдан қочирма тенденцияларнинг кучайиши, Каспий денгизи ва халқаро транспорт йўлаклари борасидаги қатор давлатлараро зиддиятлар ва бошқа бир қанча омиллар интеграциянинг тобора юқори-роқ даражасига кўтарилиш имконини берди. 2000 йил октябрида Қозоғистон пойтахти – Остона шаҳрида бешта давлат: Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ)ни ташкил қилиш тўғрисидаги Шартномани имзоладилар.<sup>141</sup> Ўз моҳиятига кўра, ЕОИХ Божхона иттифоқига айланиб қолаётган тирилган эди. Бироқ, ЕОИХнинг ташкил қилиниши ўйин қоидаларининг ўзгарганлиги эмас, балки қарорларни қабул қилишнинг стандартли халқаро таомилига ўтишни билдиради.<sup>142</sup>

<sup>141</sup> Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ) – халқаро иқтисодий ташкилот (10.10.2000) бўлиб, унинг таркибига дастлаб Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон кирган. Ташкилот МДХнинг Божхона Иттифоқи асосида ташкил қилинган. Молдавия ва Украина (2002 й.дан б.) ҳамда Арманистон (2003 й.дан б.) кузатувчи мақомига эгадирлар. Ўзбекистонни ташкилотга ҳақиқий аъзо сифатида кириши 2006 йил 25 январидан содир бўлди. ЕОИХнинг асосий мақсади – унга кирган давлатлар ҳудудидан ягона иқтисодий маконни ташкил қилиш йўли билан регионал интеграциялашувдир. Ҳамжамиятнинг раҳбарият органилари: Давлатлараро кенгаш, Интеграция қўмитаси, Парламентлараро Ассамблея, Ҳамжамият суди.

<sup>142</sup> Известия, 11.10.2000.

Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан таркиб топган Давлатларо кенгаш ЕОИХнинг олий органи ҳисобланади. Унинг мунтазам фаолият кўрстаувчи раҳбар органи сифатида эса Интеграция қўмитаси майдонга чиқади. ЕОИХ давлатларо қатнашувни мустаҳкамлаш мақсадида Россия – Қозоғистон, Россия – Қирғизистон, Россия – Тожикистон ўртасида солиқ қонунчилигини соддалаштиришга доир икки томонлама келишувлар имзоланган.

Қайд этиш жоизки, АҚШнинг фаол қўллаб-қувватлашида Украина ташаббуси билан ГУАМнинг ташкил қилиниши унинг қатнашчилари ва уларнинг ташқи ҳамкорлари томонидан Россиянинг таъсирига қарши туриш воситаси сифатида қаралар эди. Бироқ, экспертларнинг фикрига кўра, 2001 йилда ГУАМни ташкил қилишдаги расмиятчилик ҳамда Украина ва АҚШ раҳбарларининг умидлари иттифоқни инқироздан сақлаб қолаолмади (2002 йил июнида Ўзбекистон ўзининг мазкур ташкилотдаги аъзолигини тўхтатиб қўйди, 2005 йилда эса умуман, ундан чиқиб кетишини эълон қилди). Ташкилотнинг аъзо-мамлакатлари МДХ доирасидан ташқарида амал қилишиб, иттифоқнинг мақсади – унга кирган давлатларнинг Россияга иқтисодий, айниқса, энергетик боғлиқлигини камайтириш ҳамда Осиё (Каспий) – Кавказ – Европа йўналиши бўйича энергия манбаларини Россия ҳудудини четлаб ўтган ҳолда транзит орқали йўналтиришни ривожлантириш эди. Бошиданоқ Қўшма Штатлар ГУАМни қўллаб-қувватлади, чунки уларнинг геосиёсий мақсадлари кўп жиҳатдан бир-бирига мос эди. Мазкур иттифоқ аъзолари кўп маротаба таъкидлаганидек, унинг асосий мақсади иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳисобланади, лекин амалиётда бу фикр ўз тасдиғини топмайди. Масалан, ГУАМ мамлакатлари ҳиссасига Украина ташқи савдо айланмасининг атиги 2 фоизи тўғри келади. Қисқа вақт ичида мазкур ташкилот истиқболли регионал лойиҳаларни амалга оширишга қодирлигини кўрсата олиш эҳтимоли жуда кам.<sup>143</sup>

ЕОИХ МДХ ичида ўзини янги тузилма сифатида, ҳеч бўлмаганда, ҳамжамият ҳудудида умумий иқтисодий зонани яратишга уриниш тарзида намоён этади. Россия бир неча йиллар давомида МДХ ҳудудида эркин савдо зонасини ташкил қилишдан иборат бошқа шов-шувли лойиҳанинг амалга оширилишини тўхтатиб турди. Энди эса мазкур ғоя, бирмунча янги қилёфада, яъни ҳамкорликнинг янада кенгроқ моделининг бир қисми

---

<sup>143</sup> Конончук В. Отношения Белоруссии и Украины с Россией в контексте их европейской политики. – В сборнике «Содружество Независимых Государств: уроки и вызовы современности». – СПб., 2002.

сифатида, эҳтимол, янгиланган Божхона иттифоқи доирасида амалга оширила бошлайди.

ЕОИХга аъзо давлатлар президентларининг қўшма баёнотида қайд этилишича, мазкур иттифоқнинг фаолияти: ташқи савдо ва божхона сиёсати соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишга; эркин савдо режимининг тўлатўкис расмийлаштирилишини тугатишга, ягона божхона тарифи ҳамда нотарифли тартибга солиш чораларининг ягона тизимини шакллантиришга; товарлар ва хизматлар савдоси ҳамда уларнинг ички бозорга киришига доир умумий қоидаларни жорий этишни ЖСТ ва бошқа халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда аъзо-мамлакатларнинг ўзаро келишилган сиёсатини ишлаб чиқишга; божхонани бошқаришнинг биржалиштирилган тизимини ташкил қилишга; умумий энергетика бозорини шакллантиришга қаратилди.

Ўйлаймизки, ЕОИХнинг ташкил қилиниши бутун Ҳамдўстликка тааллуқли бўлган иккита энг муҳим масалани ҳал қилиш йўлида ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилади. Батафсил тўхталиб ўтилмасдан, қайд этиш жоизки, мазкур муаммони ҳал қилиниши кўп томонлама интеграция борасида салмоқли ривожланишни тақозо қилади, натижада, нафақат ҳаракатланиш муаммосини, балки фуқаролик муаммосини ҳам ҳал қилишга имкон беради.

ЕОИХ доирасида, шунингдек, энергетика соҳасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муаммосига ҳам катта эътибор қаратилади. Остонада Ҳамжамиятнинг бешта аъзо-давлатлари Шартномасини имзолашда, жумладан, Каспий денгизида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Декларация ва ЁЭҚда ҳамкорлик тўғрисида Меморандум ҳам имзоланди. Шунингдек, “Экибастуз ГРЭС-2” Қозоғистон – Россия қўшма корхонаси томонидан бошқарув тамойиллари тўғрисида ҳужжат имзоланган. Шу билан бирга, мазкур бирлашма қатнашчилари ўртасида, хусусан, Беларусия ва Россия ўртасида Россия газини етказиб беришнинг нарх-наво муаммоси ҳамда белорус қувур йўллари бўйлаб энергия ресурслари транзитига доир тарифлар борасида жиддий зиддиятлар мавжудлиги кўзга ташланади.

ЕОИХнинг ташкил қилиниши айна вақтда бошқа минтақавий композицияларда МДХ мамлакатлари ҳамкорлигининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Масалан, у туфайли Шанхай форуми нафақат Шанхай ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди, балки асосий вазифалар доирасига хавфсизликдан ташқари, иқтисодий ҳамкорлик ҳам киритилди.<sup>144</sup> 2001 йил июнида Шанхайдаги учрашувда таклиф этилган лойиҳалардан бири – бу ЕОИХ мамлакатлари ва ШХТ қатнашчиларининг биргаликда



амалга оширишлари магистралининг Шимолий йўлагини ташкил қилиш эканлиги эътиборга лойиқдир. Ушбу Шимолий йўлак Хитой – Қозоғистон – Россия – Беларусь – Польша – Фарбий Европа Евроосиё транзит йўлагининг ўзаги бўлиб ҳисобланади.<sup>145</sup> Ўзбекистоннинг ШХТга қўшилиши айрим мамлакатларда “эгиловчан интеграция”нинг ҳар хил регионал вариантларини танлаш имконияти пайдо бўлганлигидан далолат беради ва бу, умуман олганда, совет тузумидан кейинги сиёсий майдонда интеграция салоҳиятини оширишга ҳолисона ёрдам беради.

Бу борада яқин вақтда Россиянинг Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш нияти ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Унинг учун ҳам, Ҳамдўстлик доирасидаги қатор давлатлар учун ҳам ЖСТ қатнашчи-давлатларининг учинчи мамлакатлар билан иқтисодий ўзаро алоқаларини ўзаро савдода улар томонидан бирон-бир енгиллик ёки преференциялар қўлланган ҳолда, ниҳоятда қатъий тартибга солувчи кўп сонли яширин шартлар жиддий инқироз ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Ушбу жиҳатдан энг кўп низоли вазият молиявий хизматлар бозорида вужудга келиши мумкин ва унинг россиялик провайдерлари махсус протекционистик ҳимояга муҳтождирлар. Россия Федерациясининг бутун банк секторини капиталлаштириш ҳажми деярли биргина “Ситибанк”нинг яши ресурсларига, барча суғурта компанияларининг капиталлаштириш ҳажми эса – Швейцариянинг “Цюрих” гуруҳига тенгдир. Россия ЖСТга кириш жараёнини жадаллаштириш билан бирга, МДХ мамлакатлари, биринчи навбатда, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИХ) ва Иттифоқ давлати бўйича ҳамкорлар билан, шунингдек, эркин савдо зонаси қатнашчилари билан преференциал савдо муносабатларидан воз кечмаганлиги дилеммаси унинг учун жиддий синовга айланмоқда. МДХ мамлакатлари билан муносабатлар Россия ташқи (шу жумладан, ташқи иқтисодий) сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Россиянинг МДХ давлатлари билан савдо-иқтисодий муносабатлари амалиётида учинчи мамлакатларга тақдим этилмайдиган реал преференциялар мавжуд. Бундай преференциялардан энг муҳимлари қаторига бож тўловисиз эркин (баъзи бир истиснолар билан) савдо режимини киритиш мумкин. Амалда бундай режим улар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим шарти сифатида хизмат қилади. Бошқа бозорларда сотиш

---

<sup>144</sup> Қаранг: Материалы и комментарии по ШОС на официальном сайте Института внешней политики и анализа (Казахстан), [www.cvi.kz/text/SHOS/Shanghai.htm](http://www.cvi.kz/text/SHOS/Shanghai.htm).

<sup>145</sup> Op. cit.

қийин бўлган уларни товарлари ва хизматларининг салмоқли қисми МДХ бозорида сотилади. Савдо ва МДХ давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари Россия учун ўз аҳамиятини сақлаб қелмоқда. Товар айланмасининг умумий ҳажмида МДХ доирасида савдонинг улуши 2001 йилда 18 фоизни ёки 25,6 млрд. долларни, жумладан экспорт – 14,5 (бутун Россия импортининг тахминан 15фоизини), импорт – 11,1 млрд. доллар (27фоиз)ни ташкил қилди. МДХ мамлакатларига Россия экспортида машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳиссаси 24 фоизга етади, узоқ хорижга қилинадиган экспорт ҳажми эса – 9 фоиздан ошмайди.

Россиянинг МДХ мамлакатлари билан савдо-сотиқ борасидаги преференциал режимдан воз кечиши унинг сезиларли даражада қисқаришига олиб келиши ва ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотнинг катта қисмини (биринчи навбатда, озиқ-овқатни ҳамда юқори даражада ишлов берилган товарларни), рақобатбардошсиз қилиши мумкин, оқибатда, ўзаро савдонинг мувозанатлашмаганлиги янада ортади. Булар, биринчи навбатда, Россиянинг ўзи учун бирон-бир фойда келтириши амри маҳол.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ўзаро савдода узоқ хориж билан савдода қўлланадиган нархларга ўтиш, 2000 йил Россия учун йилига 1,5 млрд. долларгача миқдорда кўшимча экспорт фойдасини келтирган бўлар эди, лекин импорт харажатларини сезиларли миқдорда оширар эди.”

Шу билан бирга, импорт божларининг ўртача тортилган ставкалари (10-12 фоиз) асосидаги тахминий ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, МДХ мамлакатлари товарларига бундай бож тўловларининг киритилиши мазкур мамлакатлардан келтириладиган товарлар нархи 2000 йилдаги етказиб беришлар ҳажмига кўра, йилига 1,2-1,4 млрд. долларга ўсишига ҳамда уларнинг Россия бозоридан сиқиб чиқарилишига олиб келган бўлур эди. Умуман олганда, МДХ мамлакатлари билан муносабатларда мавжуд бўлган преференциялар ва ҳисоб-китобларнинг ўзига хос хусусиятидан бутунлай ҳамда бирданига воз кечиш (бартер, фирманинг ички нархлари бўйича савдо, ўзаро ҳисоб-китоблар) мазкур мамлакатларга Россиядан қилинадиган экспорт ҳажмининг тахминан 1/3 қисмига қисқаришига, МДХ мамлакатларидан қилинадиган экспорт ҳажмининг эса тахминан ярмига қисқаришига олиб келиши мумкин, чунки яқин ва узоқ хориждан келтирилган тайёр маҳсулотнинг нархлари деярли тенглашиб қолади ва, натижада, истеъмолчилар ҳамда импорт қилувчи фирмаларнинг нисбатан ривожланган мамлакатлардан бундан кўра сифатлироқ ва техникавий даражаси юқорироқ товарларни афзал кўришлари-

---

” Сборник “Россия в цифрах.” – М.: 2001. – С. 368-375.

га олиб келади. МДХ мамлакатлари билан 2000 йилдаги товар айланмасининг ҳажмига кўра Россия учун бу кўрсаткич 9 млрд. долларга яқинни ёки товар айланмасининг тахминан 40 фоизини ташкил қилиши мумкин.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги божхона иттифоқига келганда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда жамоавий асосда ЖСТга қўшилиш учун ҳал қилувчи элемент ҳисобланувчи ягона божхона ҳудудини шакллантириш муддатлари тўғрисида ҳозирча маълумот мавжуд эмас.<sup>146</sup>

Шу билан бирга етказиб бериладиган табиий газнинг нархлари МДХ мамлакатларида уларнинг Россияга нисбатан тутган мавқеларига ва бу борадаги нуқтаи назарига кўра, у ўз сиёсатини олдинга суриш инструментига айланди:

- 2005 йилнинг мартида Белоруссия учун газ тарифларини ошириш тўғрисида эълон қилинган эди, бироқ 4 апрелдаёқ Владимир Путин сотув нархларини аввалги даражада сақлаб қолишга ваъда берди, 19 декабрда эса 2006 йилда Белоруссияга 1 минг куб. м учун 46,68 АҚШ доллари нархида 21 млрд. куб. м газни етказиб бериш тўғрисида охириги келишувга эришилди. Газнинг нархи 2007 йил 1 январига қадар ўзгармади ва бунда нарх даражаси 1 минг. куб. м учун 100 АҚШ долларигача кўтарилди.

- 2005 йил сентябрида Грузия учун газ нархлари 2006 йилда 62,5 доллардан 110 долларгача оширилиши тўғрисида эълон қилинди. 2007 йилда эса “Газпром” Грузияга газни 235 доллардан таклиф этмоқда.

- 2005 йил ноябрида Арманистон учун табиий газ нархлари 110 долларгача оширилиши тўғрисида эълон қилинди (2005 йилги шартномада 54 доллардан 1,7 млрд. куб. м газни етказиб бериш кўзда тутилган эди). Россиянинг Кавказ ортидаги стратегик иттифоқдоши бўлмиш Арманистон раҳбарияти республика газни бундай нархда сотиб олишга қодир эмаслиги тўғрисида хавотир билдирди. Россия Арманистонга газнинг нархлари ошганлигининг ўрнини тўлдириш учун фоизсиз кредит тақдим этишни таклиф қилди. Муқобил ечим сифатида Россиянинг мулкига Раздан ТЭСининг энергоблокларидан бирини ва республикани бутун газ-транспорт тизимини ўтказиш таклиф қилинди.

- 2005 йил ноябрида 2006 йилда Молдавия учун табиий газ нархлари 160 долларгача оширилиши тўғрисида эълон қилинди. 2005 йилда “Газп-

---

<sup>146</sup> Қаранг: Материалы Научно-исследовательского Совета РАН “Народно-хозяйственные последствия присоединения России к ВТО”-М., 2002.

ром” Молдавияга газни 1 минг куб. м учун 80 доллардан етказиб берар эди. 2007 йилга келиб эса, Россия газининг нархи 170 долларгача оширилиши келишилган.

- 2005 йил декабрида “Газпром” ва Озарбайжон газни етказиб бериш ҳамда газ транзити ҳақини бозор нархларида тўлашга ўтиш ҳақида келишиб олдилар. 2006 йилда Озарбайжон “Газпром”га 1 минг куб. м газ учун 110 доллардан тўлади (2005 йилда 60 доллардан эди.) 2007 йилда газни етказиб бериш ҳақи “Газпром томонидан 235 доллар қилиб белгиланди.

- 2005 йилнинг декабрида 2006 йилда Украина учун газ нархларини белгилаш юзасидан низо авжига чиқди. 2006 йил 1 январдан Россия табиий газ ҳақини 1 минг куб. м учун аввалги 50 доллардан 160 долларгача кўтарди, кейинчалик эса, бу борадаги музокаралар ҳеч бир натижа бермагач, бу нарх 230 долларгача оширилди. 2006 йилда газ етказиб бериш (95 доллардан) бўйича Битим эса фақат 2006 йил 4 январдагина имзоланди.

Россия МДХ бўйича ҳамкорларга етказиб газ беришда бозор нархларига ўтганидан сўнг, Ҳамдўстлик асосий бирлаштирувчи омил бўлмиш газ ва нефтга қўйиладиган арзон нархлардан маҳрум бўлди. Айни пайтда, 2006 йил давомида Россия раҳбарияти МДХ асосида нефть ва газ қувурлари тизими билан боғланган ҳамда ўзининг бутун майдони бўйлаб энергия манбаларини етказиб берувчиси сифатида Россиянинг асосий етакчилик ролини тан олган давлатларнинг маълум бир иттифоқини шакллантириш борасида муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширди. Мазкур тузилмада чегарадош давлатлар ўзларининг газини Россия қувурларига етказиб берувчилар (Туркменистон, Қозоғистон, Ўзбекистон) ролини, ёки транзит мамлакатлар (Украина, Белоруссия) ролини ўйнашлари керак эди. Энергетик олимлар ва энерготранспорт маблағлари ёки уларни ўзаро айирбошлаш имконияти энергетик иттифоқнинг гарови бўлиб хизмат қилиши лозим эди. Масалан, Туркменистон билан унинг газини “Газпром” орқали экспорт қилиш ҳақида келишувга эришилган. Ўзбекистонда Россия компаниялари энергия ресурсларининг маҳаллий конларини ўзлаштириш имкониятларини ўрганмоқдалар. Арманистонда “Газпром” Эрон магистрал газ қувурини ўз мулки сифатида ўзлаштириб олди. Молдова билан эса 50 фоизи “Газпромга” тегишли бўлган “Мойдовгаз” акцияларининг қўшимча эмиссиясини ўтказиш ва мазкур эмиссияни тўлаш учун Молдова компанияга газни тақсимлаш тармоқларини тақдим этиши, “Газпром” эса – пул маблағ-

ларини киритиши ҳақида келишувга эришилган. Бундай мураккаб ва ниҳоятда зиддиятли вазият Россиянинг ҳам, собиқ совет майдонида қолган барча давлатларнинг ҳам интеграциялашувини мустаҳкамлаши эҳтимолдан анча йироқ кўринади.

МДХ мамлакатларининг жаҳон бозорига ва озиқ-овқат импортига ўта қарамлиги шароитида ҳамда ХВФ, ВБ, кредиторларни Лондон ва Париж клублари томонидан қабул қилинадиган қарорларга ниҳоятда боғлиқлиги шароитида, жаҳон иқтисодиётида бу мамлакатлар ҳозирча ғоят сезиларсиз ўрин тугади. Улкан табиий ресурсларга, катта илмий, техник, ҳарбий, саноат салоҳиятига ва пухта тайёрланган ишчи кучига эга бўлишидан қатъи назар, МДХ мамлакатлари барибир бундай ноёб ресурсларга эга бўлмаган рақибларидан тобора ортда қолмоқдалар. Бозор соҳасидаги қайта кўришларни кечиктирган ҳолда, улар трансмиллий бизнес гигантлари билан рақобат қилишга қодир бўлган, ўз йирик корпорацияларига эга эмаслар.

Мавжуд баҳоларга кўра, МДХ давлатларининг саноат салоҳияти тахминан жаҳоннинг 10,0 фоизини, асосий табиий ресурс турларининг захиралари – 25,0 фоизга яқинни, экспорт салоҳияти – 4,5 фоизни ташкил қилади<sup>147</sup> ва ушбу салоҳият бу борадаги турли саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама бирлаштиришдагина оширилиши мумкин. Жаҳоннинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви ва уларни ривожлантириш асосидаги миллий хўжаликларнинг замонавий ривожланиш тажрибаси ҳам ана шундан далолат беради.

Иқтисодий хавфсизликнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши, уларнинг nisбий ҳар хил йўналтирилганлигидан қатъи назар, миллий хавфсизликни, сўнг регионал хавфсизликни ва ниҳоят, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашдан бошланади. Бунда регионал хавфсизлик миллий ва умумглобал хавфсизлик ўртасида зарурий воситачи бўлган сифатида майдонга чиқади. Натижада, “регионаллашувдан глобаллашув сари” тамойили тушунарлироқ бўлади, чунки, фақат муайян регионлардагина давлатларнинг бир-бирини тушуниши ва ўзаро ҳаракатини таъминлаган ҳолда, ўйлашимизча, бундан кўра кенг доирада тинчлик ҳамда барқарорликка эришиш йўллари белгилаш мумкин.

---

<sup>147</sup> Келтирилган баҳолар ва хулосалар “Концепция экономического интеграционного развития Содружества Независимых Государств»дан олинган. 1995. – С. 10.

Бироқ амалиётда глобаллашув жараёни қандай бўлишидан қатъи назар, муаллифнинг фикрига кўра, ўзининг миллий манфаатларини аниқ англаб етган ҳамда уларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўрадиган ҳуқуқий давлат ҳозирги шароитда уни амалга оширишнинг ҳамда бозор ҳўжалигининг амал қилиши асосида ётган ҳуқуқий нормалар ва муассасаларнинг кафили, демакки, иқтисодий хавфсизликнинг ҳам кафили бўлиб ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Халқаро муносабатларни замонавий тизими ўзининг қатъий ва бир вақтнинг ўзида дунёда рўй бераётган ўзгаришларга мос равишда мунтазам тўғрилаб бориладиган қоидаларга эгадир.

Халқаро мулоқотнинг қонунлари ва механизмлари, уларга таъсир этадиган шарт-шароит, вақт ва жойнинг ўзига хос хусусиятларидан қатъи назар, халқаро майдонда давлатларнинг маълум бир умумий ахлоқ нормаларига айланади. Мазкур қоидаларнинг давлатлар томонидан ҳар қандай шаклдаги менсимаслик хатти-ҳаракатлари тизимости ёки умумтизим жиҳатида юз берадиган инқирозга сабабчи бўлади. Дунёдаги давлатларнинг ўзаро муносабатларга доир базавий асосларни ўрганиш жаҳон сиёсати борасидаги муайян воқеа-ҳодисаларнинг сабаб-оқибатли алоқаларини ва уларнинг амалий ҳамда илмий аҳамиятини тўғри тушунишга ёрдам берди. “Кучлар мувозанати қонуни” ёки давлатлараро муносабатлар тизимини ривожлантиришнинг умумий қонуниятларини билиш замонавий жаҳон сиёсий муносабатларида кузатиладиган у ёки бу воқеа ва ҳодисаларнинг ўзига хос қирраларини белгилаш билан боғлиқ тўғри мўлжалларни кўрсатади ҳамда халқаро мулоқот жараёнида пайдо бўладиган у ёки бу вазиятдан чиқиб кетишнинг мақбул вариантларини топиб беради. Бундан ташқари, сиёсатнинг машҳур қонунларини билиш бизга ўрганилаётган воқеа ёки ҳодисанинг бошқа шунга ўхшаш воқеалар ва ҳодисалар қаторидаги ўрнини топишимизда ёрдам беради ҳамда уларнинг аниқ сабабларини излаб топишни осонлаштиради.

Халқаро муносабатларнинг бош субъектлари давлатлар ҳисобланади ва улар ўзларининг сиёсий, иқтисодий ёки ҳарбий-технологик қудратидан қатъи назар, доимо ўз миллий манфаатларига мувофиқ равишда ҳаракат қиладилар. Мазкур манфаатлар давлатлар ҳаётида ҳамда улар ўртасидаги муносабатларда бош ролни ўйнайдиган мураккаб ва кўп қиррали феноменни ташкил қилади.

Бугунги дунёда рўй бераётган глобаллашув ва ўзаро боғланганлик жараёнлари нафақат миллий манфаатларнинг аҳамиятини пасайтирмайди, балки кўп жиҳатдан халқнинг ўзига ҳослиги, унинг азалий анъанала-

ри ва урф-одатлари билан белгиланади ва улар мазкур маданиятнинг асосларини сақлаб қолишга ҳам, ҳар бир муайян даврда миллат ҳамда давлат олдида турган вазифалар миқёсида уларнинг янада ривожланиши ва бойишига ҳам қаратилгандир.

Миллий манфаатлар ўзининг туб моҳиятига кўра миллий-давлат манфаатлари ҳисобланади ва, амалиётдан маълум бўлишича, уларнинг субъекти ҳамда ифодаловчиси сифатидаги давлатнинг роли жамиятлар, айниқса анъанавий жамиятлар ҳаётининг ўтиш даврида ўсиб боради. Бу маънода Ўзбекистон Республикаси, муаллифнинг фикрича, маълум бир мисол бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, у ўтиш даврининг энг қийин босқичини унчалик катта силкинишларсиз босиб ўтишга ҳамда, биринчи ўринда, сиёсат ва иқтисодиёт соҳасидаги устуворликларнинг аниқ тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жамиятни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ислоҳ қилиш жараёнида давлатнинг назорати туфайли кўплаб танг ҳолатлардан ўзини олиб қочишга муваффақ бўлди.

Миллий манфаатлар сиёсий қарорларни амалий ишлаб чиқиш ва қабул қилиш даражасида ички ҳамда ташқи сиёсатни аниқ устуворликларни тизими ҳамда уларни амалга ошириш мақсадлари ва воситалари кўринишида майдонга чиқади. Маблағлар ва имкониятлар чекланганлиги боис, давлатлар ўз зиммаларидаги барча сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилаолмайди. Бундай ҳолатда, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир муайян пайтда асосий устувор мақсадлар ва уларни ҳал қилиш воситаларини белгилаш зарурати туғилади.

Хавфсизлик муаммосига келганда, бугунги кунда у янгича ўлчамларга эга бўлди. Хавфсизлик ҳақидаги аввалги тасаввурларни кўп жиҳатдан эски деб ҳисоблайдиган омиллар дунёда пайдо бўлди. Улар сирасига қатор давлатлардаги жисмоний чегаралар “шаффофлиги”нинг ўсиши, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-стратегик, ахборот, озиқ-овқат, экологик ва бошқа жиҳатлардан ўсиб бораётган ўзаро боғланганлиги, шунингдек, халқаро терроризмнинг ўсишини киритиши мумкин. Буларнинг бари регионлар миқёсида ҳам, умуман дунёда ҳам хавфсизликни таъминлашнинг жамоавий шакллари ташкил қилиш ҳаракатларини бирлаштиришга олиб келади.

Регионал хавфсизликни таъминлаш иккита бош вазифани ҳал қилишдан иборатдир: 1) Регионда пайдо бўладиган низоли вазиятларни биргалликда тартибга солиш ва 2) Регионга кирган давлатлар ички сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш. Шубҳасиз,



иккинчи вазифа ҳал қилувчи у нисбатан мураккабдир ва ўзини ҳал қилиш учун кўп вақт талаб этади. Умуман олганда эса, регионга кирган давлатларнинг мураккаб ички ва ташқи муаммолари ҳамда улардаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг ниҳоясига етказилмаганлиги ҳозирча регионал хавфсизлик тизимини ташкил қилиш йўлида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда, деб айтиш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)ни минтақавий низоларни тартибга солишнинг эҳтимолий инструменти сифатида олиб қараладиган бўлса, муаллифнинг фикрича, мазкур босқичда у яъни МДХни барча аъзоларининг манфаатларига тенг миқдорда жавоб берадиган коллектив хавфсизлик тизими учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қила олмайди. Дунё миқёсида 1991 йилдан сўнг бўлиб ўтган ўзгаришлар эндиликда МДХ ташкил қилинган воқеликка кўп жиҳатдан жавоб бермайди. Ўзининг аввалги кўринишида Ҳамдўстлик унга кирадиган давлатларни манфаатларида кузатиладиган жиддий фарқланиш сабабли энди кам самаралидир. Шу муносабат билан собиқ совет давлатларнинг ўзаро ҳаракати сифат жиҳатидан янгича қуйидаги шакл ва кўринишларга эга бўла бошладилар, яъни булар – Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳам, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳам, МДХ доирасида КХШТ ва бошқалардир. Шу билан бирга, уларни мунтазам излаш ва коллектив хавфсизлик тизимини такомиллаштириш жараёни ҳамон давом этмоқда.

Глобаллашув ва ўзаро боғланганликни ривожлантириш жараёнлари янги мустақил давлатлар олдига ўз миллий иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифасини биринчи даражали мақсад сифатида олдинга суради. Унинг ҳал қилиниши, муаллифнинг фикрича: а) давлат ичида режадан бозорга ўтиш ва б) ёпиқ иқтисодиётдан бундан кўра очиқроқ моделга, ташқарига ўтиш шароитида миллий хўжалик комплексларини мустаҳкамлаш ҳамда янада мақсадли ривожлантиришдан иборатдир. Ва бунда дунёнинг илғор давлатларидан технологик жиҳатдан қолоқлигини қисқартириш ҳамда саноати ривожланган мамлакатларнинг “хом ашё қуйруғи” ролидан халос бўлиш регион мамлакатларининг минтақа давлатлари олдига турган энг муҳим вазифаларидан биридир деб ҳисоблаймиз.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

УЛУҒБЕК АТАБАЕВИЧ ҲАСАНОВ

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР  
НАЗАРИЯСИГА КИРИШ**

*Ўқув қўлланма*

**Ulugbeck A. Khasanov**  
**Introduction to the International**  
**Relations Theory**

**Муҳаррирлар:** Н.М. Усмонова, Г.М. Исламова

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ нашр этиш ман этилган маълумотларни оммавийлаштиргани учун қўлланма муаллифи жавобгардир.

ЖИДУ рухсатсиз қайта чоп этиш ман қилинади.

Формати 84x108 1/32. Ҳажми 9,2 б.т.

Нусха сони 100. Келишилган нарҳда.

---

ЖИДУнинг нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

100077, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 54.